

Сатсварупа дас Госвами

# Абхай Чаран Дэ

1896-1964 йиллардаги ҳаёти ва фаолияти

“Философская книга”  
Москва – 2003



## **Биринчи боб Болалиги**

*“Бизлар ухлаб ётардик, отам эса арати(Кришнага сигинии маросими) ўтказарди. Динъ динъ динъ –бизлар қўнгироқчанинг жаранглаган овозини эшишиб уйгониб кетардик ва отамизнинг Кришнанинг олдида сажда қилиб, илтиижсо қилаётганини кўрардик”.*

Шрила Прабхупада.

Жанмаштами, хар йили, Парвардигор Кришнанинг беш минг йил муқаддам ер юзига келган куни шарафига ўтказиладиган катта байрам маросими эди. Байрамга Калькуттанинг аҳолиси, асосан бенгалияликлар ва бошқа ҳиндулар, шунингдек кўплаб мусулмонлар ва ҳатто баъзи бир инглизлар тўпланган эди. Шаҳарнинг барча кўчалари Парвардигор Кришнанинг эхромига бораётган одамлар билан тўла эди. Самимий вайшнавлар тун ярмигача оч юриб рўза тутган, Харе Кришна мантра куйлаб, "Шримад Ҳагаватам"дан Парвардигор Кришнанинг туғилиши ва кўрсатган кароматлари ҳақидаги хикояларни тинглардилар. Улар рўза тутишни, мантра куйлашни ва Кришнага сигинишни тунда ҳам давом эттиридилар. Эртаси куни, 1896 йил биринчи сентябрда Калькутта яқинидаги Таллиганж қишлоғидаги кичкина бир уйда ўғил фарзанд дунёга келди. У Нандотсава, яъни, Нанда Махараж Кришна туғилгани шарофати билан катта байрам уюштирган куни дунёга келгани учун, тогаси бу болани Нандулал деб атади. Лекин унинг отаси Гоур Мохан Де ва онаси Раджани уни Абхай Чаран, яъни, "Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи паноҳига кириб, жасоратли бўлган зот" деб атадилар. Бенгалияликларнинг урф-одатларига кўра, аёл киши бола туғищдан олдин ўзининг ота-онаси уйига кетарди. Шундай қилиб, отасининг уйидан бир неча чақирим узокда, Ади Ганга сохилида, усти қамиш билан бостирилган, лойдан солинган икки хонали кичкина уйда, жекфрут дарахти остида Абхай Чаран дунёга келди. Бир неча кундан кейин ота-онаси Абхайни олиб, Харрисон Роуд, 151 даги ўзларининг уйига қайтиб келдилар. Мунажжим янги туғилган чақалоқнинг тақдирни ҳақида гапириб берди, бутун оила унинг башоратларини қувонч билан тинглади: "Абхай етмиш ёшга етганида

okeanни кечиб ўтади, буюк дин арбоби бўлиб етишади, бир юз саккиз эхром қуради”.

Абхай Чаран Ҳиндистон ҳали викториан империализмнинг мустамлакаси бўлган пайтда дунёга келган эди. Калькутта Ҳиндистоннинг пойтахи, вице-қирол – Граф Эльгинский ва Кинкардинскийларнинг қароргоҳи, ҳамда Британия империясининг “иккинчи шаҳри” эди. Европаликлар билан хиндулар айрим-айрим яшар, лекин улар таълим-тарбия ва ишлаб-чиқаришда ҳамкорлик қиласдилар. Инглизлар асосан Калькуттанинг марказида яшардилар, бу ерда улар учун театрлар, ипподромлар, қрикет ўйнаш учун майдонлар ва европага хос ажойиб иморатлар курилган эди. Кўпчилик хиндулар шимолий Калькуттада яшардилар. Британия хукуматига содик бўлсалар ҳам улар барибир, ўзларининг қадимий урф-одатларига ва маданиятига амал қилиб яшардилар, - эркаклар дхоти, аёллар эса – сари кийиб юрардилар. Абхайларнинг Харрисон Роуд 151даги уйи шимолий Калькуттанинг хиндулар яшайдиган кисмида эди. Абхайнинг отаси, Гоур Мохан Де, ўртаҳол оиласдан чиқсан киши бўлиб, ўзининг мато сотадиган магазини бор эди. У суварна-ваниклар аталадиган обрўли савдогарлар хонадонига мансуб эди. У суварна-ваниклар йиллар давомида инглизлар билан олтин ва туз олди-сотди қилиб келаётган бадавлат Малликлар сулоласига кариндош эди. Аввалига Малликлар қадимий донишманд Гаутамадан бошланадиган Дэлар сулоласига мансуб эдилар, аммо, Ҳиндистон ҳали инглизлар мустамлакасига айланмасдан аввал, мўгуллар хукмрон бўлган пайтда, бир мусулмон ҳукмдор бадавлат ва обрўли Дэларнинг “Маллик”(Хўжа) деган унвонини олиб ташлаган эди. Кейин, орадан бир неча авлод ўтгандан кейин, Дэлар сулоласига мансуб бир қиз Малликлар хонадонидан бир йигитга эрга чиқди, ўша давлардан бери бу икки хонадон ўзаро яқин қариндошлик ришталари билан боғланган эди.

Харрисон Роуд кўчасининг икки томонини эгаллаган катта бир квартал Локанатҳ Малликка тегишли бўлиб, Гоур Мохан ўзининг оиласи билан уч қаватли бинонинг бир неча хонасида турарди. Дэларнинг рўпарасида Радҳа Говинда эхроми бўлиб, охирги юз эллик йил давомида Малликлар Радҳа Говинда Илоҳларига сифинардилар. Малликларнинг ҳар хил дўконлари бор бўлиб, улардан тушган даромаднинг бир кисми Илоҳларга сифиниш маросими ўтказиб юган руҳонийларга ва эхромни саклашга сарфланарди. Ҳар куни эрталаб, нонуштадан олдин, Шри Шри Радҳа-Говиндага эҳсон қилиш учун Малликлар хонадони эхромга келардилар. Улар Илоҳларга катта катта патнисларда қайнатилган гуруч, качори ва сабзавотлар таклиф

қилардилар, кейин эса, бу прасадни эхромга келган кишиларга, қўни-кўшниларга тарқатардилар.

Эхромга ҳар куни келадиганлар орасида кичкина Абхай ҳам бор эди, у эхромга гоҳида отаси, гоҳида онаси ёки хизматкор билан бирга келарди.

Шрила Прабхупада: *Одатда мени Сидхешвара Маллик билан бир аравачада олиб борардилар. У мени эркалаб Моти(жавоҳир) деб атарди, уни эса, мен Субидхи деб атардим. Хизматкор ҳамиша бизларни бирга олиб борарди. Агар мен бирор куни эхромга бормай қолсам, дўстим ўзини қўярга жой тополмай қоларди. Агар мен бўлмасам, у аравачага битта ўзи ўтиришидан бош тортуб хархаша қила бошларди. Бизлар ҳеч қачон бир биримиздан ажратмасдик.*

Хизматкор болалар аравачасини кенг Харрисон Роуд кўчаси бўйлаб, йўлдан ўтаётган велосипедлар, от-аравалар орасидан олиб ўтаркан, бу икки дўст аравача ичида ўтирганча мусаффо осмонни, кўчанинг ҳар икки томонида ўсиб турган баланд-баланд дараҳтларни томоша қилиб борардилар. От кўшилган катта аваралар ўзларининг катта-катта гилдираклари ва от туёгининг тақиллаши билан уларнинг эътиборини ўзига тортарди. Хизматкор аравачани Радха-Дамодара Мандирни ўраб турган катта деворнинг аркали катта дарвозаси томон буради, Абхай дўсти билан аравачада ўтириб, чиройли нақшлар чизилган катта арка тагидан ўтиб, ичкари ҳовлига киаркан, уларни тошдан ясалган, одинги ўнг оёғини олдинга чўзиб ётган иккита катта арслон кутиб оларди. Улар эхромнинг посбонлари эдилар.

Ҳовлида айлана гулзор ва чиройли ҳовуз бўлиб, унда кўйлак кийиб турган ёш аёлнинг ҳайкали турарди. Чумчуклар чирқиллаб, шоҳдан шоҳга қўниб юрар, баъзан ерга, майсалар устига қўниб, нималарнидир чўқирдилар. Ҳамма жойда кантарлар гув-гувлаб юрарди, баъзан улар бирдан учеб ҳавога кўтарилилар, эхром деворининг карнизига бориб қўнардилар. Эхром ҳовлисидан пахтадан тикилган оддий дхоти ва сари кийиб олган бенгалияликлар ўзаро баланд овозда суҳбатлашиб ўтиб кетардилар. Уларнинг баъзилари аравачада ўтирган, териси олтинранг, соchlари қоп-кора, кўзлари чакнаб турган икки болакайни эркалаш учун эгилардилар, лекин одамларнинг аксарият кўпчилиги эхромга шошилиб, аравача ёнидан тез ўтиб кетардилар.

Ичкари ҳовлига олиб борадиган катта дарвоза очиқ эди, хизматкор аравачани авайлаб зинадан пастга туширади, ва улар қўёш нури тушиб турган катта ёруғ ҳовлига кириб борардилар. Шу ерда улар бир ярим метрлик устуда Гаруданинг ҳайкалини томоша

қилишарди. Гаруда, Вишнуни олиб юрадиган зот, - ярим одам, ярим күш танасида, елкасида катта катта қанотлари, бургутнигиң үшшаган күчли түмшүғи бор, мавжудот – бир тизасида ўтириб, құлларини қовуштирган ҳолда, илтижо қилиб турарди. Аравача ховлини супуриб-сидирадиган икки хизматкор ёнидан ўтиб кетарди. Эхромга киришга икки қадам қолганда аравача тұхтарди. Эхром түрт баланд устун устида турған баланд том остида турған, түрт томони очық баланд меҳробдан иборат эди. Чап томонда меҳробдаги Илоҳларни томоша қилиб турған бир тұда одамларни күриш мүмкін. Хизматкор аравачаны меҳробға яқинроқ олиб келиб, болаларни ундан ерга туширади, уларнинг құлидан ушлаб, ҳаяжон билан уларни Илоҳларга яқин олиб борарди.

Шрила Прабхупада: *Мен эхром эшиги олдида Радха-Говиндага илтижо қилиб турғанимни эслайман. Мен Илоҳлардан құзимни узмасдан соатлаб Уларни томоша қилиб турардим. Катта катта узунчөк құзлары бўлган Илоҳлар жуда чиройли эдилар...*

Ювиниб, янги лиbosларини кийиб олган Радха ва Говинда ранг-баранг гуллар орасида күмуш тахтиравонда савлат тўкиб турардилар. Говиндининг бўйи ярим метрча келарди, Унинг чап ёнida турған Радхаранининг бўйи Ундан сал пастроқ эди. Илоҳларнинг иккаласи ҳам олтиндай яркираб туради. Радхарани ҳам, Говинда ҳам ракс тушаётгандай ҳолатда турардилар: ўнг оёғи тиззасида сал букилган, ўнг оёқнинг товони чап оёқ олдида. Радхарани ялтироқ сари кийиб олган, қизғиранг қўли худди оқ фотиха бераётгандай юқорига кўтарилиган. Ипак жакет ва дхоти кийиб олган Кришна эса олтин най чалиб турарди. Говиндининг нилуфар қадамлари пойида сандал пастаси билан туласи барглари ётарди. Уларнинг бўйнига ажойиб хид таратиб турған тунги жасмин гулларидан ясалган ва деярли нилуфар қадамлари пойига тушиб турған бир неча гулчамбар осиб қўйилган эди. Уларнинг олтин, бриллиант ва жавохирлардан ясалган маржонлари яркираб турарди. Радхаранининг билагузуги олтиндан эди. Унинг елкасига ҳам, Кришнанинг елкасидаги сингари зарҳал нақшлар тўкилган чадар ташлаб қўйилган эди. Уларнинг қўллари ва соchlари кичик гуллар билан безатилган, бошларига кийиб олган тоjларига эса, кимматбаҳо тошлардан нақш қўйилган эди. Радха ва Кришнанинг юзларида майин табассум ўйнаб турарди.

Абҳай ана шундай ажойиб лиbosларда, күмуш гумбаз остига қўйилган күмуш тахтиравонда раксга тушиб турған Илоҳларга шунчалик маҳлиё бўлиб қолардики, у Харрисон Роуддаги ҳаётини, умуман эхромдан ташқаридаги ҳамма нарсани бутунлай эсидан

чиқарыб юборарди. Күшлар ҳовлида айланиб чирқиллашда давом этар, меҳмонлар бири келиб бири кетиб юрардилар, аммо Абхай бир жойда кимиirlамай жим турганча Кришна ва Радхаранининг, Худонинг Олий Шахси ва Унин мангу рафиқасининг ажойиб қиёфаларини томоша килишда давом этарди.

Кейин киртана бошланарди, Худонинг содиклари барабан ва караталалар жўрлигига Худонинг муқаддас номларини ва ҳар хил бҳажанларни куйлардилар. Абхай ўзининг дўсти билан бирга пуджарининг Илоҳларга тутаб турган мушк-анбар, олов, сур, рўмолча, гуллар, товус патларидан ясалган чиройли елпигич ва ..... таклиф қилганини кузатиб туради. Ниҳоят пуджари баланд овозда сур чалиб юборди, арати маросими ниҳоясига етди.

\*\*\*

Абхай бир ярим ёшга тўлганида тиф касалига чалинди. Оилавий врач, доктор Боуз унга товуқ шўрва ичиришни тавсия қилди.

- “Йўқ, - деб эътиroz билдириди Гоур Моҳан. – Мен бунга йўл қўя олмайман.

- “Майли, лекин шундай қилмасангиз у ҳалок бўлади”.

- “Ахир бизлар гўшт емаймиз-ку! – деди Гоур Моҳан. – Биз ошхонага товуқ гўштини кирита олмаймиз”.

- “Ҳечқиси йўқ, - деди доктор Боуз. – Мен ўзим уйда товуқ шўрва пишириб келаман. Сизлар фақат уни болага ичирсанглар бас... ”

Гоур Моҳан ноилож рози бўлишга мажбур бўлди. “Агар боламни кутқарип қолиш учун зарур бўлса...”. Доктор товуқ шўрва олиб келиб болага ичирган заҳоти Абхай уни қайтариб ташлади. “Майли, - деди доктор, - Мен розиман. Товуқ шўрва ҳакикатан ҳам унга фойда бермас экан”. Кейин Гоур Моҳан товуқ шўрвани тўкиб ташлади, Абхай эса аста-секин ўзига кела бошлади.

Абхайнинг бувиси яшайдиган уйнинг томида кичкина гулзор бўлиб, унда гуллар ва битта кичик дараҳт ўсарди. Икки яшар Абхай бошқа болалар билан биргаликда ана шу гулларга шодлик билан сув қуярди. Лекин унга ана шу гулзор ёнида ёлғиз қолиш кўпроқ ёқарди. У дараҳт остида ўтириб хаёл сурарди.

Абхай уч ёшга тўлганида ёниб кетишига оз қолди. Уйининг олдида гугурт ўйнаб ўтириб, у ўзининг кийимлари ёниб кетганини сезмай қолди. Кўчадан ўтиб бораётган нотаниш киши дарров югуриб келиб оловни ўчирди. Абхай тирик қолди, аммо унинг танасидаги чандик бутун умри давомида ўша ҳодисани эслатиб туради.

1900 йил, Абхай тўрт ёшга кирганида, КАлькуттада даҳшатли вабо касаллиги тарқалди. Бу оғат ҳар куни ўнлаб одамларнинг

умрини хазон қиласы. Минглаб одамлар шаһарни ташлаб кетдилар. Бу оғатни енгишнинг иложи йўқдай бўлиб қўринарди, шунда бир кекса бабаджи, бу оғатга қарши бутун шаҳар бўйлаб Ҳаре Кришна мантрасини биргаликда куйлашни ташкил қилди. Диний эътиқоди қандай бўлишидан қатъий назар ҳамма ёшу-қари – мусулмонлар, ҳиндулар, христианлар, форсийлар – ҳамма санкиртанага қўшилдилар. Катта оломон мантра куйлаб шаҳар кўчалари бўйлаб, ҳар бир хонадон олдида тўхтаб ўтарди. Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Киртаначилар гурухи Гоур Моханнинг эшиги олдига келганида у куйлаётган кишиларни шодлик билан қарши олди. Гарчи Абхай ҳали жуда ёш бўлса ҳам, у ҳам киртанада иштирок эта бошлади. Унинг бўйи киртана куйлаётган катталарнинг тиззасига зўрга етарди. Шундан кейин вабо касали тўхтаб қолди.

\*\*\*

Гоур Мохан ҳақиқий вайшнав эди, шу боис ўзининг ўғлини ҳам Кришна онгига тарбиялади. Гоур Моханнинг ота-онаси ҳам вайшнавлар эдилар, шунинг учун унинг ўзи ҳам ҳеч қачон гўшт, тухум, балиқ, чой ва кофе деган нарасаларга қўл урмаган эди. Танаси оқ рангда бўлган Гоур Мохан табиатан жуда мулоим киши эди. У кечқурун магазинини бекитар экан, каламушлар очликдан газмолларни кемириб ташламасин деган ниятда хона ўртасига идиш тўла гуруч қўйиб кетарди. Уйига келгандан кейин уベンгалиялик вайшнавланинг асосий муқаддас китоблари бўлган "Чайтаня Чаритамрита" ёки "Шримад Бхагаватам"ни мутолаа қилиш билан машғул бўлар, ёки тасбехда мантра зикр қиласи ва Парвардигор Кришна Илохига сажда қиласиди. У жуда вазмин ва меҳрибон ота эди, шу боис ҳеч қачон Абхайни жазоламаган. Ҳатто Абхайга бирор танбеҳ бериш керак бўлиб қолса, аввал ундан кечирим сўрарди: "Сен менинг ўғлимсан, шунинг учун мен сенга танбеҳ бериш имконим керак. бу менинг бурчим. Ҳатто Чайтаня Махапрабхунинг отаси ҳам Уни жазолаган, шунинг учун сен хафа бўлма".

Шрила Прабхупада: *Отамнинг ойлик даромади икки юз эллик рутийдан ортмасди, лекин бизлар ҳеч қачон муҳтожслик ҳис қилмай яшаганмиз. Ҳали бизлар жуда ёш бўлган пайтларда, манго мавсуми келгандан, ҳовлида ўйнаб юриб, истаган пайтода уйдан манго олиб чиқиб еб юрардик. Биз кун бўйи манго еб юрардик. Биз ҳатто ойимиздан: "Ойи, манго олсан майлими?" деб ҳам сўрамасдик. Бизларни етарли даражсада манго билан таъминлаш отам учун қийин эмасди, бир рутийга ўнта манго сотиб олии мумкин эди.*

*Гарчи бизлар оддий турмуш кечирсак ҳам, уйимизда ҳамма нарса бор эди. Бизлар ўртаҳол хонадон эдик, лекин ҳар куни уйда тўрт-беш кишини меҳмон қиласарди. Отам ҳеч қийналмасдан тўрт қизини эрга берган. Балки бизлар бой-бадавлат яшамагандирмиз, лекин ҳамиша устимиизда бошпанамиз, етарлича озиқ-овқатимиз ва ҳаммамизнинг кийшига кийим-бошимиз бўлган. Отам ҳар куни икки ярим литр сут сотиб оларди. Отам майдалаб савдо қилишини ёқтириласди, шунинг учун у бирданига икки йилга етарли кўумир сотиб оларди.*

*Бизлар болалигимизда баҳтиёр яшаганмиз. Бизлар машина сотиб ололмасдик, лекин бу бизларнинг баҳтимизга рахна сололмасди. Отам бизларга тез-тез шундай дерди: “Худонинг ўнта қўли бор. Агар У сиздан бирор нарсани тортиб олмоқчи бўлса, икки қўлингиз билан сиз нима ҳам қила олардингиз? Агар У Ўзининг ўнта қўли билан сизга бирор нарса бермоқчи бўлса, икки қўлингиз билан нима ҳам олиб билардингиз?”*

*Отам эрталаб кеч, соат етти-саккизларда уйғонароди. Эрталаб ювингандан кейин у бозорга бориб ҳариб қилиб келарди, кейин, соат ўндан то соат биргача Илоҳга сигиниб пуджга ўтказарди. Кейин у тушилик қилиб, магазинга кетарди. Магазинда у бир соатча дам оларди. У уйга кеч соат ўнларда қайтиб келар ва яна Худога сигиниши маросими ўтказарди. Пуджса, Худога сигиниши унинг асосий иши эди. У оиласининг эҳтиёжларини қондириси учун озгина савдо-сотиқ билан шуғулланарди, аммо унинг учун пуджса, Худога сигиниши ҳамма нарсадан муҳим эди. Баъзан биз ухлаб ётардик, отам эса арати ўтказарди. Динь-динь-динь. Бизлар қўнгироқчанинг жиринглashingини эшишиб уйғониб кетардик ва отамнинг Парвардигор Кришина олдида сажда қилиб турганинг гувоҳи бўлардик.*

Гоур Моҳан ўғлининг асл вайшнав бўлишини орзу қиласарди: у Абхайнинг Шримати Радҳаранинг хизматкори бўлишини, "Шримад Бҳагаватам" таълимотини тарғибот қилишини, мриданга чалишни ўрганишини истарди. У уйига садхуяларни меҳмононга таклиф қилиб, улардан ўғлини дуо қилишларини илтимос қиласарди: "Илтимос, ўғлимни дуо қилинг, Шримати Радҳарани ундан мамнун бўлсин ва унга Ўз марҳаматини кўрсатсан".

Отаси ҳам, ўғли ҳам биргаликда сайр қилишни жуда ёқтирадилар, улар бир - бири билан ўзаро сухбатлашишдан лаззат олардилар. Улар баъзан беш пайс тўлаб трамвайдага кетишни истамай, ўнлаб чақирим йўлни пиёда юрардилар. Соҳилда улар баъзан кўп йиллардан бери бир жойда кўзгалмасдан ўтирган йогни учратиб қолардилар. Бир куни улар ана шу йогнинг ўз ўрнини ўғлига бўшатиб берганининг гувоҳи бўлдилар. Уларнинг атрофига одамлар тўпланган

эди. Гоур Мохан йогга садақа эхсон қилди ва ундан ўғлини дуо қилишни илтимос қилди.

Абхайнинг онаси унинг келажақда адвокат бўлишини истарди, бунинг учун эса, у Лондонда таълим олиши лозим эди, Малликлардан бир яқин қариндоши онасининг бу таклифини қўллаб-куватлади. Аммо Гоур Мохан бу ҳақда тинглашни ҳам истамасди. У агар Абхай Англияга борса, европаликларнинг урф-одатлари ва туриш-турмуши унга ёмон таъсир қилишига қаттиқ ишонарди. “У ароқ ичишни ва аёллар кетидан чопишни ўрганади – деб эътиroz билдириди Гоур Мохан – Менга унинг пули керак эмас”.

Абхай хали жуда кичкиналигиданоқ Гоур Мохан ўзининг ниятини амалга оширишга киришди. У мриданга чалишни яхши биладиган мутахассисни ёллади ва Абхайни киртан пайтида куйланадиган мусика ритмларини чалишга ўргата бошлади. Раджани унинг бу ишларидан норози эди: “Ёш болани нимага мриданга чалишга ўргатяпиз? Унга бунинг кераги бўлмайди”. Лекин Гоур Мохан ўғлининг бҳаджанлар куйлашини, мриданга чалиб киртана ўтказишини, “Шrimad Бҳагаватам”дан маъruzалар қилишини орзу қиласиди.

Абхай мриданга чалиш учун ўтирганида, ўнг ва чап қўлларини мриданга чалишга бор кучи билан чўзса ҳам, қўллари мриданганинг икки томонидаги мембраналарга етмасди. У ўзининг устози ўргатганидек, ўнг қўлларининг бармоқларини ўйнатиб, мридангадан ажойиб оҳанглар чиқаради: ти ни ти ни тау, кейин чап қўлининг кафти билан мриданганинг чап мембронасига урарди – бум бум. Вақт ўтиши билан у асосий оҳангларни чалишини тўлиқ ўзлаштириб олди, Гоур Мохан унинг мриданга чалишини тинглаб ором оларди.

Абхай отасининг ҳам онасининг ҳам севимли фарзанди эди. Унинг болаликдаги Моти, Нандулал, Нанду, Коча деган отларига бувиси эркалаб айтадиган Качори-мукхи деган исм ҳам қўшилди. У качори(Бенгалияда оммавий бўлган, ичига сабзавот солиб қовуриладиган пирожка) ейишини ёқтиргани учун бувиси уни шундай деб чақираварди. Бувиси ёки ойиси унга качори берганида, у кичик костюмининг ҳамма чўнтакларини качорига тўлдириб оларди. У кўчада гавжум одамлар ўтиб турган кўчадаги баққолнинг усталик билан качори пишириб турганини томоша қилиб туришни, улардан ёки қўшни аёллардан ўзининг ички ва сиртки чўнтакларининг ҳаммаси лиқ тўлгунча качори олишни жуда ёқтираварди.

Баъзан онаси у илтимос килган заҳоти дарров качори пишириб беришни истамасди. Бир куни ҳатто онаси унга качори пишириб бермасдан уни дарров ётиб ухлашга мажбур қилди. Гоур Мохан ишдан келиб Абхай қани деб сўраганида онаси унинг качори пишириб

бер деб хархаша қилганини, шунинг учун уни качорисиз қолдириб, эртадан ётиб ухлашга мажбур қилганини гапириб берди. “Йўқ, бизлар унга качори пишириб беришимиз керак” – деди отаси. У Абхайни уйқудан уйғотиб, ўзи унга пурни ва качори пишириб берди. Гоур Моҳан ўғлига ҳамиша меҳрибон ва ғамхўр эди, у ўғли истаган нарсанинг ҳаммасини муҳайё қилишга самимий ҳаракат қиласиди. Гоур Моҳан ишдан келгандан кейин бироз қовурилган гуруч еб оларди, Абхай ҳам отаси билан бирга ўтирибқовурилган гуруч ерди.

Бир куни отаси Абхайга олти рупийга инглизча туфли сотиб олиб берди. Ҳар йили Гоур Моҳаннинг Кашимирга мунтазам қатнаб турадиган дўстларидан бири унинг илтимосига кўра Абхай учун бирор совға – четларига нақш қўйиб кўлда тўқилган ажойиб кашимирча чодра олиб келарди. Бир куни Абхай отаси билан кўчада бораётуб, магазинда ўйинчак пистолет кўриб қолди ва отасидан пистолет олиб беришни талаб қилди. Отаси қаршилик қилган эди, у йиглаб хархаша қила бошлади. Гоур Моҳан: “Майли, майли” – деб унга пистолет олиб берди. Лекин Абхай яна битта пистолет олиб беришни талаб қила бошлади. “Пистолетинг бор-ку! – деди отаси – яна битта пистолетнинг нима кераги бор?” – деди отаси. “Ҳар қўлимда биттадан пистолет бўлиши керак!” – деб қичкирди Абхай ва ерга думалаб хархаша қила бошлади. Фақат отаси иккинчи пистолет сотиб олиб бергандан кейингина тинчиди. Абхайни тукқанида Раджани ўттиз ёшда эди. Эри сингари у ҳам қадимий гаудия вайшнавлар хонадонидан чиккан эди. Унинг танаси эриникига қараганда қорамтиирроқ эди, эридан фарқли равишда у табиатан қизиқкон аёл эди. Абхай ота онаси биргаликда тинч-тотув яшаётганини кўрарди, улар орасида ҳеч қачон жиддий оиласиб жанжал ёки бир биридан норози бўлиш ҳоллари бўлмаган эди. Анъанавий ведавий маданияти бўйича Раджани намунали хотин эди: тақводор, покдомон аёл бўлиб, у ўзининг бутун ҳаётини эри ва фазандларига ғамхўрлик қилишга бағишилаган эди. Абхай онасининг ўз фарзандини ҳар хил балою-офатлардан соддаларча самимий ҳимоя қилишга интилишини кўрарди. Абхайни ўйнагани кўчага чиқариб юборишдан олдин онаси уни кийинтириб бўлиб, эшик олдига олиб бораардида, бармоғини хўллаб Абхайнинг пешонасига теккизарди. Абхай бу удумнинг маъносини тушунмас, лекин бу ишни онаси қилаётгани учун то у ўзининг удумларини бажариб бўлгунча онасининг олдида итоат билан бош эгиб турарди. Абхай отасининг ҳам, онасининг ҳам суюкли эркатой фарзанди эди: отаси ўзининг муҳаббатини унга меҳрибонлик қилиш, уни авлиё-вайшнав қилиб тарбиялашни орзу қилиш билан ифодалаётган бўлса, онасининг муҳаббати уни ҳар хил балолардан, касалликлардан ва ўлимдан ҳимоя қилишга ўз билганича интилаётганидан кўриниб турарди. Бир куни у

ҳатто Абхайни барча офатлардан ҳимоя қилишни илтижо қилиб, бир фариштага ўзининг кўксидан қон тақдим этган эди.

Абхай туғилган куни у то ўғли ақли кириб нимага бундай деб савол бермагунча чап қўлида овқатланишга қасамёд қилди. Нихоят Абхай ақли кириб онасидан нимага чап қўли билан овқат ейишини сўраган заҳоти яна ўнг қўли билан оақатлана бошлади. Агар Абхай онасидан нимага чап қўлингиз билан овқатланасиз деб сўрамаса, у чап қўлда овқатланишда давом этаверар ва унинг ишонч-эътиқодига кўра Абхай унинг табаррук қасамининг ҳимояси остида юраверарди.

Абхайни ҳимоя қилиш учун у ўғлининг оёғига темир зирак тақиб қўйди. ўртоқлари Абхайдан нимага у бу темирни осиб олганини сўрадилар, Абхай уларга нима деб жавоб беришни билмай, онасининг олдига бориб, зиракни олиб ташлашни илтимос қилди. Онаси унга: “Олиб ташлайман, фақат ҳозир эмас!” – деб жавоб берди. Абхай хархаша қилиб, йиғлаб, зиракни ҳозироқ олиб ташлашни талаб қила бошлади. Бир куни у тарвузнинг тухумини ютиб қўйди, бундан хабар топган ўртоқлари унга: “Энди сенинг қорнингдан тарвуз ўсиб чиқади” – деб қўрқита бошладилар. У қўрқиб кетганидан онасининг олдига қараб чопди, онаси унга “ўзим қорнингдан тухумни тушириб юборадиган мантра ўқиб қўяман, қўрқма!” – деб уни хотиржам қилди.

*Шрила Прабхупада: Яшода она ҳар куни эрталаб, Кришнани кун бўйи ҳар хил офатлардан ҳимоя қилиши учун ҳар хил мантраплар тақрорларди. Кришна бирор даҳшатли иблисни ўлдирса, у бу албатта ўзининг эрталаб ўқиган мантрапарининг кучи билан амалга ошиди деб биларди. Онам ҳам мени турли офатлардан ҳимоя қилиши учун турли мантраплар тақрорлаб юрадди.*

Раджани кўпинча Абхайни Гангага олиб бориб, ўзи чўмилтиради. У ўғлининг овқатига хорликс деган, саломатлик учун фойдали бўлган дори қўшиб берарди. Бир куни Абхай дизентерия билан оғриб қолди, шунда онаси уни ковурилган шўр бақлажон ва иссиқ пурни билан даволади. Абхай бирор касалга чалинганида жуда ўжарлиги тутиб кетар, ҳар қандай дорини ҳам ичишдан бош тортиб, хархаша киларди. Лекин унинг онасининг ўжарлиги ҳам уникидан қолишмасди: у дорини ўғлига зўрлик билан ичиради, бунда баъзан унга икки уч кишининг ёрдами керак бўларди, улар Абхайнинг оёқ қўлларини ушлаб туардилар.

*Шрила Прабхупада: Мен жуда қулоқсиз, ўжар бола эдим. Ҳамма нарсани синдириб ташлардим. Жаҳлим чиққанида отам меҳмонлар учун сақлаб қўйган шиша трубкаларни синдириб ташлаганман. Бир*

куни онам мени ювинтирмокчы бўлди, мен унга қаршилик қила бошладим, ерга жуда қаттиқ ийқилиб тушдим, бошимдан қон оқа бошлади. Кўни-кўшинилар чопиб келишиб, улар онамга: “Нима қиляпсан? Болани ўлдириб қўясан-ку!” – деб қичқира бошладилар.

Онаси ҳомиласининг еттинчи ва тўққизинчи ойларида Шадхахотра маросимини ўтказаётганида Абхай унинг ёнида туарди. Онаси маросимни ўтказиб бўлиб, ювиниб чиққандан кейин чиройли либосларини кийиб, ўзи ёқтирган таомлардан зиёфат қилиб, болалари билан лаззатланарди, эри эса хотини ва бўлгуси фарзандининг покланиши учун мантралар тиловат қилган браҳманларга совғалар улашарди.

Абхай бутунлай онасига қарам бўлиб қолган эди. Баъзан онаси унга кўйлагини тескари кийдиради, у эса индамасдан унга бўйсунарди. Гарчи баъзан унинг ўжарлиги тутиб қолса ҳам, у бутунлай онасига қарам эканини хис қиларди. Ҳатто у ҳожати қистаб қолса ҳам, онасининг олдида сакрай бошларди: “Ойи, ҳожатхонага боргим келяпти!”

“Албатта борақол ўғлим –дерди онаси, - нимага буни мендан сўраб ўтирибсан?” Абхай ҳожатхонага чопиб кетарди.

Абхайнинг онасига бунчалик боғланиб қолгани баъзи ҳолларда Раджанини бирор иш қилишга қўймасди. Абхайнинг болалик(сут) тиши тушганида онаси унга тишини ёстигининг тагига қўйиб ётишни маслаҳат берди. Абхай шундай қилди, эрталаб туриб қараса, ёстигининг тагига тиши йўқ, унинг ўрнида бир неча рупий пул ётарди. Абхай пулларни олиб ойисига сақлаб қўйиш учун берди. Орадан сал ўтмай онаси унинг бирор илтимосини бажаришдан бош тортганида, Абхай ундан пулни қайтариб беришни талоаб қила бошлади: “Пулларимни қайтариб бер! Мен уйдан кетаман. Пулларимни ҳозироқ қайтариб бер!”

Раджани ҳамиша қизларидан сочини ўриб қўйишни илтимос қиларди. Агар Абхай яқин орада бўлса, у ойимнинг сочини ўзим ўраман деб роса жанжал қилар, то опалари унга рухсат бермагунча тиниб тинчимас эди. Бир куни унинг опалари хиндистонда байрам кунлари аёллар амал қиладиган одатларга кўра оёқларининг товонларини қизғиши рангга бўядилар. Буни кўриб Абхай ҳам товонларини қизил бўёқ билан бўяб олди. Онаси бу ишни фақат аёллар қиладилар деб уни тўхтатишга харакат қилди, аммо Абхай ўз билганида туриб олди: “Йўқ! Мен ҳам оёқларимни бўяшим керак!”

Абхай мактабга боришлини истамасди. “Нимага мен мактабга боришим керак? – деб ўйларди у. –бунинг ўрнига кун бўйи болалар

билан ўйнаб юрганим яхши эмасми?” Онаси Абхайнинг бу ишидан Гоур Моханга шикоят қилди, Абхай отаси албатта унинг тарафини олади деб ўйлаб, онасига: “Йўқ. Мен мактабга эртага бораман” – деди. Гоур Мохан ўғлидан шикоят қилган хотинига шундай деди: “Майли, ҳечқиси йўқ. Эртага бора қолсин!” Эртаси куни Абхай ўзимни ёмон ҳис қиляпман деб баҳона топди, отаси унга қаршилик қилмади. Раджани ўғлининг ҳар хил баҳоналар топиб мактабга бормаётганидан қаттиқ ғазабланарди. У кунига тўрт рупий бериб, бир кишини ёллади, у ҳар куни Абхайни мактабга олиб борарди. Дамодара деган ўша киши арқон билан Абхайнинг белидан боғлаб олар ва уни мактабга обориб ўқитувчига топширади. Абхай қочиб кетишга уринса, Дамодара уни ушлаб олиб, кўтариб яна мактабга обориб қўярди. Бир неча кун уни шу тарзда зўрлик билан мактабга олиб борганларидан кейин Абхай мактабга ўзи борадиган бўлди.

Абхай мактабда тартибли ва жиддий ўқувчи эди, лекин вақти вақти билан шўхлиги тутиб қоларди. Бир куни ўқитувчи унинг қулогидан чўзаётганида Абхай ёниб турган керосин лампасини полга ағдариб юборди, бу эса мактабда ёнгин чиқишига сабаб бўлди.

Ўша даврларда Ҳиндистонда ҳатто саводсиз қишлоқилар ҳам “Рамаяна”, “Махобҳорат” ёки “Шримад Ҷагаватам”дан бир неча парчани ёд биларди. Айниқса қишлоқ одамлари учун ҳар куни кечқурун бир жойга тўпланиб муқаддас китоблардан ҳикоялар тинглаш одатдаги ҳол эди. Баъзан Гоур Моханнинг бутун оиласи кечқурунлари Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш учун Абхайнинг тахминан ўн чақирим узоқда турадиган тогасининг уйида бўладиган мажлисга йўл олардилар. Уйга қайтиб келиб улар ухлашдан олдин Парвардигорнинг илохий эрмакларини мухокама қилишарди, шунда улар тушларида Рамаяна, “Махобҳорат” ва “Шримад Ҷагаватам”даги воқеа-ходисаларни кўриб чиқардилар.

Абхайнинг кичик опаси Бхаватарини қўпинча унинг болаликдаги эрмакларида яқин ёрдамчи бўларди. Улар биргаликда Малликларнинг эхромидаги Радха-Говинда Илоҳларини томоша қилгани борардилар. Агар уларнинг ўйинларига кимдир халақит берса, улар ёрдам сўраб Илоҳларга илтижо қилардилар. “Кришна, илтимос, бизларга мана шу варракни учиришга ёрдам бер!” – деб қичқиради улар, варракни учиришга уриниб югуриб бораётган жойларида.

Абхайнинг ўйинчоқари икки пистолет, мурватини товлаб ҳаракатга келтириладиган машина, раксга туша оладиган тахта кучукча, ёнига осилган резина халтасини босиб юборса сакрайдиган ўйинчоқ сигирдан иборат эди. Тахта кучукчани Абхайга белидаги кичкина бир ярни даволаётганида оиласи врач доктор Боуз совға

қилган эди. Абхай баъзан болалар билан ўйнаганида врач бўлишни яхши кўтарди, кўпинча у ўртоқларига хар хил дорилар ёзиб берар ва ўзи оддий тупроқдан дорилар ясарди.

\*\*\*

Абхайнинг ёқимли ўйинларидан бири Калькуттада ҳар йили нишонланадиган Парвардигор Жаганнатханинг Ратха-ятра байрами маросими эди. Малликлар шахарда энг катта байрам маросимини ўтказардилар. Улар Парвардигор Жаганнатха Баладева ва Субдадраларнинг ҳар бирига катта-катта ажойиб аравалар ясардилар. Улар аревалар харакатини Радха-Говинда эхромидан бошлардилар, аревалар Харрисон Роуд кўчасининг охиригача бориб яна орқага қайтардилар. Байрам куни Малликлар одамларга жуда катта микдорда Парвардигор Жаганнатханинг парсадини тарқатардилар.

Ратха-ятра байрами бутун Ҳиндистон бўйлаб ҳамма шаҳарларда ўтказиларди, аммо миллионлаб зиёратчилар иштирок этадиган асосий Ратха-ятра Калькуттадан уч юз чақирим жанубда жойлашган Жаганнатха Пурида ўтказиларди. Бу байрам Пурида кўп асрлардан бери ўтказилиб келади: Парвардигор Кришнанинг мангу эрмакларидан бири шарафига ўтказиладиган бу байрам пайтида минглаб одамлар ёғочдан ясалган, баландлиги йигирма метр келадиган катта катта ареваларни арқон билан икки чақирим жойгача тортиб борадилар. Абхай Парвардигор Чайтаня Махапрабхунинг Ўзи бундан тўрт юз йил аввал Ратха-ятра байрамида Харе Кришна мантрасини куйлаб рақсга тушгани ҳақида эшигтан. Баъзан Абхай Калькуттадаги вокзалга бориб, поездлар харакатининг жадвалини ўрганар, качон бўлса ҳам шу жойларга боришни орзу килиб, Жаганнатха Пуригача ва Вриндавангача чипта қанча туриши билан қизиқарди.

Абхай ҳам ўзи Ратха-ятра байрами ўтказишни, ўзининг аревалари бўлишини истарди, албатта, бу истагини амалга ошириш учун ёрдам сўраб отасига мурожаат килди. Ўғли билан дурадгорларнинг бир неча магазинларини бориб кўриб, арева ясашга буюртма бериш жуда қиммат эканини, бунга унинг маблағи етишмаслигини кўрди. Ҳафсалалари пир бўлиб ота-бола уйга қайтиб келаётгандарида Абхай аламидан йиглаб юборди. Унинг йиглаб бораётганини кўриб бир йўловчи хотин бунинг сабабини суриштирди. Гоур Моҳан аёлга Абхайнинг ўзи Ратха-ятра барами ўтказишни истаётганини, лекин арева ясаттиришга унинг маблағи етишмаслигини гапириб берди. “О, менда бир арева бор!” – деди аёл ва Гоур Моҳанни ўғли билан шу аревани бориб кўриш учун уйига таклиф килди. Арева эски бўлса ҳам,

ишга яроқли, бус-бутун эди. Унинг бўйи ҳам Абхай истагандай, бир метрча келарди. Гоур Мохан аравани сотиб олди, уни тартибга келтириб, чиройли қилиб бўяди. Ота-бола араванинг устига қўядиган ўн олтита устун ясашди, шу устунлар устига худди Пуридаги катта аравалардаги сингари гумбаз қўйиб безадилар. Араванинг олдига ёғочдан ясалган от ва аравакашни ўрнатдилар. Абхай арава худди катта аравалардай бўлишини қаттиқ талаб қиласарди. Гоур Мохан бўёқлар сотиб олди, Абхай ўз кўллари билан аравани Худди Пуридаги араваларга ўхшатиб чиройли қилиб бўяди. Абхай шижоат билан байрамнинг ҳамма тадбирлари юқори даражада бўлишини назорат қилиб борарди. Ҳатто Абхай катта байрамлардаги сингари мушаклар ҳам отишни режалаштирган эди, лекин Раджани бунга йўл қўймади. Абхай байрам нишонлашни ташкиллаштирап экан, ўзининг ҳамма ўртоқларини, айниқса кичик опаси Бхаватарини ишга солган эди. Шундай қилиб, ўшлагиданоқ ўртоқлари орасида йўлбошли бўлиб қолган эди.

Унинг илтимосига кўра қўшни аёллар, унинг қилаётганидан ҳайратга тушиб, ўтказиладиган Ратха-ятра байрами пайтида Абхай тўпланган одамларга тарқата олиши учун кўплаб ширин пишириклар тайёрлашга рози бўлдилар.

Худди Пуридаги байрам сингари, Абхайнинг байрами ҳам саккиз кун давом этди. Унинг бутун оиласи, қўшни болаларнинг ҳаммаси аравани кўча бўйлаб олиб юришда иштирок этдилар, барабан ва караталалар чалиб, Ҳаре Кришна мантра куйлаб бордилар. Дхоти кийиб олган Абхай Ҳаре Кришна ваベンгалияликларнинг машхур бҳаджанларини куйлаб бораётган болаларга раҳбарлик қиласарди: Ки кара рай камалини...

“Шримати Радхарани, нима қиляпсан?”

“Марҳамат қилиб, ўзинг чиқиб қара!”

“Улар сенинг кора жавоҳирингни – Кришнани ўғирлаб кетяптилар!”

“Эҳ, бу ёш гўзал билса эди!

Унинг қалбининг жавоҳири бўлган Кришна энди уни ташлаб кетди”

Абхай катталар ўтказаётган диний маросимларда ўз кўзи билан кўрган нарсаларнинг ҳаммасига тақлид қиласарди: Илоҳларни безаш, Уларга ҳар хил таомлар таклиф қилиш, арати ўтказиш ва сажда қилиш. Харрисон Роуддан ўтиб, аравани олиб бораётган болалар галаси айланма йўл билан Радха-Говинда эхромига йўл олди, Илоҳлар олдида бироз тўхтаб турди. Бундай ажойиб байрамни кузатиб турган Гоур Моханнинг дўстлари ундан сўрадилар: “Шундай ажойиб байрам

ўтказаётган эмишсан-ку, нимага бизларни ҳам таклиф қилмадинг? Сенга нима бўлди?”

“Бу байрамни шунчаки болаларнинг ўзлари ўтказяптилар” – деб жавоб берарди Гоур Мохан.

“Сен буни шунчаки болаларнинг эрмаги деб бизларни ажойиб байрамда иштирок этиб яйрашдан маҳрум қиляпсан”

Абхай қалби қувончга тўлиб байрам ўтказиши билан банд экан, отаси саккиз кун давом этган байрам харажатларини маблағ билан таъминлар, Раджани эса, ҳар хил таомлар тайёrlар, Абхай эса уларни гуллар билан безаб Парвардигор Жаганнатхага таклиф қиларди. Гарчи буларнинг ҳаммаси болаларнинг эрмаклари бўлса ҳам, Абхайнинг байрам ўтказишида намоён этган шижиоати ва ихлоси ҳақиқий эди. Абхайнинг ана шу самимий ихлоси саккиз кун давом этган байрам маросимининг катта тантана билан ўтишини қўллаб кувватлаб турди. У бу байрамни ҳар йили худди шундай ихлос билан ўтказа бошлади.

\*\*\*

Абхай олти ёшга тўлганида отасидан унга ўзи сифинадиган Илоҳ совға қилишни илтимос қилди. У ёшлигидан отасининг Илоҳларга сифиниш маросими ўтказишини томоша қиларди. У ҳар куни отасининг Радҳа-Говиндага қандай сажда қилишини кузатар ва “качон мен ҳам Кришнага худди шундай сажда қилар эканман?” – деб ўйлаб юради.

Абхайнинг илтимосига кўра отаси унга Радҳа ва Кришнанинг кичик Илоҳларини совға қилди. Энди Абхай ҳам катталарга ва рухонийларга тақлид қилиб, ўзининг Илоҳларига олов таклиф қилар, уларни ухлагани ётқизар эди.

Абхай билан унинг опаси Бхаватарини энди ўзларининг Илоҳининг содик хизматкорига айланган эдилар. Улар ўзларининг қўп вақтини уларни кийинтириш ва уларга сифиниш маросими ўтказиши билан ўтказардилар. Баъзан улар Илоҳлар олдида ўтириб, Уларни мамнун қилиш учун бҳаджанлар куйлардилар. Улар ўзларининг қўп вақтини китоб ўкиш ўрнига Илоҳларга сифиниб ўтказаётганлари учун, ўртоқлари ва опа-сингиллари уларнинг устидан кулиб, шу юришларингиз бўлса, сизлар узоқ умр кўрмайсизлар деб мазах қилишарди. Абхай уларга: “Бизларга бунинг фарқи йўқ!” – деб жавоб берди.

Бир куни қўшни аёл Абхайнинг онасидан: “Ўғлинг неча ёшга кирди?” - деб сўради.

“Етти ёшга” – деб жавоб берди ойиси. Абхай уларнинг гапини эшишиб ҳайрон бўлди. У аввал ҳеч качон кимнингдир унинг ёши

ҳақида гапирганини эшитмаган эди. У биринчи марта ўзининг ёши ҳақида эшитган эди: “Мен етти ёшдаман!”.

Умумий мактабда бошқа болалар билан бирга ўқиши билан бирга Абхай саккиз ёшга тўлгунча унга икки йил давомида алоҳида ёлланган ўқитувчи ҳам уйда дарс бериб юрди. У бенгалча ўқиш-ёзишни ўрганди, санскритни ўргана бошлади. 1904 йилда уни Харрисон Роуд ва Марказий кўча муюлишида жойлашган Матти Лал ташкил қилган текин мактабга бердилар.

Бу мактаб 1842 йилда суварна-ваник жамоасидан бир бадавлат вайшнав ташкил қилган мактаб эди. Мактабнинг ғиштдан қурилган икки қаватли биноси тош девор билан ўралган эди. Мактабда болаларга ҳиндлар таълим берардилар, болалар эса суварна-ваниклар авлодига мансуб маҳаллий бенгалияликлар эди. Эрталаб, курта ва дҳоти кийиб олган болалар уйларидан чиқиб, гурух гурух бўлиб мактабга борарадилар. Ҳар ким ўзи билан бир неча китоб олиб бораради. Улар мактаб ҳовлисига кириб, то кўнфироқ чалиниб уларни дарсга таклиф қилмагунча ўйнаб, ўзаро суҳбатлашиб туардилар. Болалар мактаб биноси ичига кириб, залдан ўтиб иккинчи қаватга кўтариладилар, кейин ўқитувчи уларни ёғоч парталарга ўтқазардилар. Мактабда болаларга математика, табиатшунослик, тарих, география ҳамда вайшнавларнинг маданияти ва урф-одатларига ўргатардилар.

Синфда тартиб жуда қаттиқ эди. Тўрттадан довот турган ҳар партада тўрттадан ўқувчи ўтиради. Тартибни бузган ўқувчини муаллим жазолаб ўрнидан турғизиб қўярди. Адабиёт дарсида болалар Бенгал халқининг достонларини ўрганардилар: ялмогиз кампир, жин-арвоҳлар, тантриклар, гапирадиган ҳайвонлар, яхши ва золимбраҳманлар, жасур жангчилар, ўғрилар, шахзодалар, руҳий озодлик ва садоқатли эр-хотинлар ҳақидаги ҳикоя ва афсоналар.

Ҳар куни мактабга борар экан, Абхай аста-секин ўзининг болаларча содда онги билан Калькутта қўчаларидағи ҳар хил одамларни бир биридан ажратса бошлади: одатда от қўшилган кареталарда юрадиган мағрур инглизларни; аравакашларни; кўча супуриб юрадиган бҳангиларни; ҳатто киссавур ўғриларни ва кўча муюлишида турадиган фохишаларни ҳам билиб олди.

Абхай ўн ёшга тўлган йили Харрисон Роуд кўчасига трамвай йўли ётқиздилар. Абхай рельс қўйиб юрган ишчиларни томоша қиласар, трамвай вагонининг юкоридан осилган электр симдан осилиб, ўзидан ўзи ҳаракат қилишини ҳайратга тушиб кузатарди. У ўзи ҳам катта таёқ топиб олиб, ўша электр симидан осилиб, қачон бўлса ҳам рельсларга туриб юриб кетишни кечаю-кундуз орзу қиласарди. Гарчи Калькутта учун электр токи янгилик бўлса ҳам, кўчаларда трамвай билан бирга

электр чироклари пайдо бўла бошлади. Абхай дўстлари билан кўчада электриклар ташлаб кетган куйган лампаларни териб юрарди. Абхай биринчи марта граммофонни кўрганида унинг ичида бир арвоҳ ёки электр одам ўтириб қўшиқ куйлаётган бўлса керак деб ўйлаганди. Абхай Калькуттанинг одам гавжум кўчаларида велосипед хайдаб юришни ёқтиради. Абхай велосипед ҳайдашни ёқтиради, аммо югуришни умуман ёқтирасди, шу боис мактабда футбол келуби ташкил қилинганида у дарвозабон бўлишга ёзилди. У велосипедда жануб томонда жойлашган Далхаузи Богига тез тез бориб, хар томонга сув сочиб турадиган фонтанни томоша қиласди. Фонтан вице қиролнинг ҳовлиси Радж Бхаван олдида бўлиб, дарвоза ортидан унинг ҳовлиси бемалол кўриниб туради. Йўл бўйи Абхай авлиёларнинг гхатлари олдидан ўтарди, Ганга бўйидаги эхромлардан бошланган зинапоялар кишини тўғри Гангага олиб тушарди. Шу ерда ўликларни ёқиб юборадиган жой ҳам бор эди. Абхайларнинг уйи яқинида Ганганинг нариги томонида жойлашган Ховраҳ шахрига олиб борадиган осма кўприк ҳам бор эди.

Абхай ўн икки ёшида оиласи гурудан фотиха олди, лекин бу маросим унинг қалбида чукур из қолдирмади. Гуру унга ўзининг руҳий устози ҳақида гапириб берди. Буюк йог бўлган руҳий устози бир куни ундан: “Нима ейишни истайсан?” деб сўрабди. Шунда унинг оиласи гуруси: “Афғонистонда ўсадиган анор” – деб жавоб берибди. “Нариги хонага кир” – дебди унга руҳий устози. У нариги хонага бориб ҳақиқатан ҳам бир неча анорни кўрибди. Абхайнинг отасининг олдига келиб юрдиган бир йог бир куни ўзининг руҳий устозининг ёнида ўтириб, бир зумда Даракага боргани ҳақида гапириб берган экан.

Гоур Моҳан Бенгалиядаги тобора кўпайиб бораётган, хар хил фаришталарга сифинадиган, ганж чекадиган ва кўчаларда тиламчилик қилиб юрадиган ҳар хил садхуларни уччалик ёқтирасди. Лекин у ҳақиқий саховатли инсон эди, ҳатто шундай садхуларни ҳам уйига таклиф қиласди. Ҳар куни Абхай шундай садхуларни уйида кўриб юрарди, лекин, баъзан уларнинг уйига ҳақиқий садхулар ҳам келиб турардилар. Абхай уларнинг гапларидан кўп нарсаларни билиб олган, ҳатто сеҳр қудрати борлигини ҳам билган эди. Бир куни циркда Абхай бир йогни кўрди, одамлар унинг оёқ-қўлларини боғлаб қопга солиб қопнинг оғзини ҳам боғладилар. Қопни бир сандиққа солиб, уни ҳам қулфлаб қўйдилар, барибир йог ана шу сандиқ ичидан ҳам қопдан ҳам чиқиб кетганди. Лекин Абхай бундай ишларга уччалик катта аҳамият бермасди. Унинг учун энг муҳими унга отаси ўргатган Худога садоқат билан хизмат қилиш – Радха-Кришнага сифинищ, Ратха-ятра байрамини ўтказиши эди.

\*\*\*

Калькуттада ҳиндулар билан мусулмонлар биргаликда тинчтотув яшардилар. Бир бирлариникига меҳмонга бориш, биргаликда Худога сифиниш маросисимини ўтказиш улар учун одатдаги ҳол эди. Уларнинг ҳам буларнинг ҳам Худога сифиниш маросимларида ўзига хос хусусиятлари бор эди, лекин уларнинг ўзаро муносабатларида ҳамиша ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат бор эди. Шунинг учун мусулмонлар билан ҳиндулар ўртасида низо кўтарилиб, катта кўзголон бошланганида Гоур Моханнинг оиласидагиларнинг ҳаммаси бунда албатта Британия сиёсатининг кўли борлигини сездилар. Ҳиндлар ва мусулмонлар орасида биринчи марта низо чиққанида Абхай ўн уч ёшларда эди. У атрофидаги одамлар орасида нималар бўлаётганини умуман тушунмасди, лекин тақдир тақозоси билан у ўзаро тўполонларнинг ўртасига тушиб қолди.

Шрила Прабхупада: *Харрисон Роудда бизлар яшайдиган жойнинг атрофида жуда кўп мусулмонлар яшарди. Маликлар хонадони ва бизларнинг хонадонимиз обрўли хонадонлар ҳисобланарди, лекин атрофимизни қашба ва басти, мусулмонлар яшайдиган кварталлар ўраб олган эди. Айнан ўша кварталларда катта галаёнлар бўлиб ўтаётган эди. Мен бундан бехабар ҳолда кўчага ўйнагани чиқдим. Бозор майдонида ўзаро тўқнашувлар бўлаётганини билмасдан мен уйга қайтиб келаётган эдим. Мактабдоши дўстларимдан биттасимени: “Уйингга борма, ҳозир у тарафда тўс-тўполон бўлиб ётибди” – деб огоҳлантирди.*

Бизлар мусулмонлар яшайдиган кварталда, ҳиндулар билан мусулмонлар орасида ўзаро тўқнашув бўлаётган жойда яшардик. Мен бу шунчаки икки безори орасида бўлиб ўтаётган тўқнашув бўлса керак, деб ўйладим. Бир куни мен бир безорининг иккинчи бир безорига пичоқ билан ҳамла қилганини кўрганман, киссанув ўгрilarни ҳам кўрганман. Улар ҳатто бизларнинг қўшинимиз эди. Шунинг учун мен бу тўполон ҳам шундай тишполонларнинг бири бўлса керак деб ўйладим. Лекин мен Харрисон Роудни кесиб ўтмоқчи бўлганимда одамларнинг бир магазинни очиб, молларини тўнаб, ўғирлаб турганларни кўрдим. Мен шунчаки бир болакай эдим. “Нима бўляпти ўзи?” – деб ўйладим. Ота-оналарим уйда мендан қаттиқ хавотир олиб ўтирган эдилар: “Ўғлим кўчадан қайтиб келмаяпти!” улар нима қиларини билмасдан кўчага чиқиб, менинг қайси тарафдан келишимни билмасдан кутиб турган эканлар. Мен нима ҳам қила олардим? Мен одамларнинг магазинда босқинчилик қилаётганини кўриб, дарров уйга шошилдим. Шунда мусулмонлардан биттаси қўлига пичоқ олиб, менинг орқамдан

*чопа бошлади – у мени ўлдирмоқчи эди. Қандайдир мұғжиза рүй беріб, мен ундан қочиб қутулдим. Үйга қараб чопиб келаётганимни күрган ота-онам гүё қайтадан түгилгандай бўлиб қувониб кетдилар. Үларга ҳеч нима демасдан мен ўзимнинг хонамга кириб кетдим. Ўрнимга кириб, кўрпага ўраниб ётиб олдим. Орадан анча вақт ўтгандан кейин мен кўрпани қўтириб: “Тўполон тамом бўлдими? Бу фалокат тамом бўлдими?” – деб сўрабман.*

\*\*\*

Абхай ўн беш ёшга тўлганида бери-бери деган касалга чалинди, онаси ҳам шундай касалга чалинган эди. Унинг шишларини камайтириш учун онаси унинг оёқларини кальций-хлор қукуни билан уқаларди. Абхай тез орада тузалиб кетди. Касал бўлишига қарамасдан ўз вазифаларини бажаришни тарк этмаган онаси ҳам тез тузалиб кетди. Лекин, орадан бир неча кун ўтгандан кейин, қирқ олти ёшида Абхайнинг онаси бирдан вафот этди. Онасининг вафоти билан худди Абхайнинг баҳтиёр болалигига чек қўядиган парда туширилгандай бўлди: энди онасининг ғамхўрлиги, ҳар хил оғатлардан сақлаб юрадиган илтижолари ва мантралари, ширин овқатлари, оналарча танбехлари биратўла барҳам топган эди. Абхайнинг опалари онасининг вафотидан Абхайдан ҳам кўпроқ қийналдилар, лекин шу нарса аниқки, бу воқеадан кейин Абхай бутунлай отасига қарам бўлиб қолди. У ўн олти

22

ёшга тўлган эди, онасининг вафотидан кейин у улғайиши ва мустақил ҳаётга тайёрланиши керак эди.

Отаси уни овутди. Отаси Абхайга азият чекишига ўрин йўқлигини, рух мангу яшашини, ҳамма нарса Кришнанинг иродаси билан рўй беришини, шунинг учун у Кришнага ишониши ва факат Унга қарам бўлиши лозимлигини тушунтириди. Абхай отасининг гапларини диққат билан тинглаб, ҳаммасини тушуниб олди.



## Иккинчи боб

# Коллеж, уйланиш ва Гандининг ҳаракати

1920 йилда мен Ганди ташкил этган “Хиндистон мустақиллик ҳаракати”нинг аъзоси бўлдим, кейин ўқишини ташлаб кетдим. Гарчи мен бакалавр унвони учун якуний имтиҳонларни муваффақият билан топширган бўлсам ҳам, мен диплом олишдан бош тортдим ва илм ўрганишга бошқа қайтиб бормадим.

Шрила Пррабхупада.

1914 йил уруш бошланди, жуда кўп ҳиндулар Буюк Британия армиясида жанг қилишга сафарбар қилиндилар. Абхай Майдон Паркидаги ипподромга инглиз самолетлари кўнганини ўз кўзи билан кўрган, газеталар оркали ҳарбий ҳаракатлардан хабардор бўлиб турган, лекин уруш уни четлаб ўтган. 1916 йил у коллежга кирди. Калькуттада иккита обрўли Коллеж бор эди: Президент коллеки ва Шотландия черковлари коллеки. Абхай Шотландия черковлари коллекига ўқишига кирди. Коллеж христианларники эди, аммо ҳиндулар орасида жуда катта обрўга эга эди, шу боис ҳиндулар болаларини шу коллежга берардилар. Профессорлар, такводор ва жиддий инсонлар бўлиб, кўпчилиги шотландия черковининг хизматчилари эдилар, улар талабаларга ҳақиқатан ҳам жуда яхши таълим-тарбия берардилар. Бу Харрисон Роудга яқин жойда жойлашган, обрўли билим маскани эди, шу боис Гоур Мохан Абхайнини бемалол уйида яшашга қолдиришига имкон берарди.

Бир вақтлар Гоур Мохан, Абхай илм ўрганаман деб ғарб халқларининг маданияти курбони бўлмаслиги учун унинг Англияга кетишига йўл қўймайман деб қарор қабул қилган эди. У Абхайнинг Шримати Радхарани ва Парвардигор Кришнанинг асл содик хизматкори бўлиб етишишини истаган эди. Лекин, бошқа тарафдан, Гоур Мохан ўғли қандайдир гурунинг браҳмачари-шогирди бўлишини ҳам истамасди. Муносиб гуруни қаердан топши мумкин? Унинг ўз ҳаёти давомида ҳар хил йоғлар ва свамилар билан танишиб олган тажрибаси унинг қалбida бирор ишонч туйғусини уйғота олмаганди. У ўғлининг руҳий фаолиятдаги барча қонун-қоидаларга сўзсиз амал қилишини истарди, айни пайтда, Абхайнинг уйланиши ва болачақасини таъминлаш учун ишлаши кераклигини ҳам биларди. Шунинг учун Абхайнинг Шотландия черкови коллежида ўқиши жуда ўринли бўлиб кўринганди. Коллежнинг асосчиси Калькуттага 1830 йилда келган христиан миссионери Александр Дафф эди. У биринчилардан бўлиб ҳиндуларда европа маданиятига қизиқиш уйғота бошлаган эди.

Биринчи навбатда у “эркин, лекин айни пайтда ғарбий қонун-қоидаларга асосланган диний таълим тарбия орқали Инжилни тарғибот қилиш ҳамда юқори синфларда инглиз тилини ўрганиш учун” Генерал Ассамблеясининг институтига асос солган эди. кейинчалик у Шотландия черков коллежини ташкил қилди, 1908 йилда эса, бу икки даргоҳни бирлаштириб, Шотландия Черковлари Коллежига айлантириди.

*Шрила Прабхупада: Бизлар ўқитувчиларни худди оталаримиздай ҳурмат қиласардик. Профессорлар билан ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари жуда яхши эди. Вице-канцлер, профессор В. С. Эркхарт ҳақиқий жентелмен ва меҳрибон устоз эди. Баъзан бизлар ҳатто у билан ҳазиллашиб ҳам турардик. Биринчи курсда мен инглиз тили билан санскритни ўргандим. Иккинчи курсда санскрит ва фалсафани, кейин эса, фалсафа билан экономикани ўргандим. Бошқа бир профессор Ж.К.Скримгер эди. У инглиз адабиётидан дарс берарди, у дарсларда Банким Чандра Чаттержининг асарларидан парчалар ўқириди. “Ха, ха, - дерди у – Банким Бабу шундай деган”. У Банкимнинг асарларини ўрганиб, уни Вальтер Скотт билан таққосларди, ўша пайтларда ч. Диккенс ва в. Скотт инглизларнинг икки буюк ёзувчиси эди. У бизларни ана шу ижодкорларнинг асарлари билан танишитиради, бизларнинг ўзаро муносабатларимиз жуда яхши эди.*

Абхай Инглизлар Жамиятига аъзо бўлди ва курсдошларига Китс, Шелли ва бошқа шоирларнинг шеърларини ёддан ўқиб берарди. Санскрит жамиятининг аъзоси бўлган холда у "Бҳагавад-гита"ни ёддан ифодали ўқиб берарди. Унинг баъзи бир курсдошларининг айтишига қараганда у айниқса "Бҳагавад-гита"нинг ўн биринчи, Кришнанинг фазовий қиёфасини таърифлайдиган бобини жуда ажойиб ўқиб берарди. Абхай футбол ўйинларида, театрда саҳна ўйинларида иштирок этарди. Бенгалиядаги театрнинг машхур директори Амритлал Боуз Абхай ва унинг курсдошлари иштирок этадиган, Парвардигор Чайтанайа Махапрабху ҳаётини акс эттирадиган спектаклинг репитицияларига раҳбарлик қиласарди. Жаноб Боуз шундай фикрларди: “Хозирги кунда Чайтанайа Махапрабху спектаклини ярим рупий тўлаб истаган театрда томоша қилиш мумкин, шундай экан, сизларнинг бундай ҳаваскор спектаклингизнинг нима кераги бор?” Кейин у ўзининг саволига ўзи жавоб берарди: “Сизларнинг Чайтанайа Махапрабху ҳақидаги спектаклингиз одамларга шунчалик ёкиб олиши керакки, уни бир марта кўргандан кейин улар гуноҳ қилишни бир умр тарқ қиласинлар!”

Машхур театр раҳбари ўз ихтиёри билан шундай хизматни ўз зиммасига олган ва талабаларни саҳнага чиқишига ўргатишга розилик берган эди, у фақат битта шарт қўйган эди: улар то унинг ўзи уларнинг тайёргарлигини маромига етган деб баҳоламагунча омма олдида саҳнага чиқмаслиги керак. Абҳай дўстлари билан роса бир йил тайёрландилар. Абҳай унда Адвайта Ачаряя рлини ижро этган эди. улар биринчи марта одамлар олдида саҳнага чиқиб спектакльни қўйганларида кўплар йиғлаб ўтиргандилар. Аввалига у одамларнинг нимага йиғлаб ўтирганини тушунмаган эди, кейинчалик билса, уларнинг қалбини актёларнинг самимийлиги ва яхши тайёргарлиги эритиб юборган экан. Бу Абҳайнинг биринчи ва охирги спектакли эди. Коллеждаги психология ўқитувчиси профессор Экхарт аёлларнинг миясининг оғирлиги эркакларникига караганда камроқлигини исботлади. Экономика профессори Марўал назарияси бўйича маъруза қилиб, оиласий боғланишлар иқтисодий ривожланиш гарови эканини исботларди. Санскрит дарсларида Абҳай Роув ва Веббнинг китобларидан фойдаланаарди, улар санскрит тилини барча тилларнинг онаси деб хисоблардилар.

Абҳай Калидаснинг санскрит тилида ёзган асари “Кумар-самбхава”ни ўрганар экан, унинг “вазмин”, “ўзини тута биладиган” деган маънони англатадиган дхира иборасини изоҳлаши ҳайратга солган эди. Қадим замонларда бир куни маъбуд Шива чукур муроқабага берилиб ўтирас экан. Ўша пайтларда фаришталар иблислар билан жанг олиб борарди, шу боис улар маъбуд Шивадан уларнинг қўшинига саркардалик қилишига қодир бўлган бир қудратли фарзанд дунёга келишини истаганлар. Маъбуд Шивани муроқабадан чиқариш учун улар унинг олдига ёш киз Парватини жўнатишиди. У маъбуд Шивага хизмат қилиб, ҳатто унинг жинсий аъзоларини ҳакм силаган, лекин маъбуд Шива шунда ҳам муроқаба қилишдан тўхтамаган. Ташки таъсиrlарга берилмасдан ўзининг хотиржамлигини ана шундай сақлай билиш – ҳақиқий дхирага мисол бўла олади.

Хинdistондаги барча мактаблардаги сингари, шотландия колледжида ҳам европалик ўқитувчиларнинг ҳаммаси маҳаллий тилни ўрганишлари керак эди. Бир куни профессор Экхарт Абҳай ва унинг дўстлари писта чақиб ўзаро сухбатлашиб турган жойдан ўтиб қолди. Талабалардан биттаси бенгал тилида ҳазиллашиб профессорнинг серҳаражатлиги устидан кулмоқчи бўлди. Профессор бирдан унга юзланиб, унга бенгал тилида жавоб берди. Абҳай ва унинг дўстлари ўзларининг бундай бемаъни ишидан қаттиқ хижолат бўлдилар.

Коллежда Библияни ўрганиш мажбурий эди. Библия Жамияти ҳар бир талабага чиройли муқоваланган Библия совға қилди. Ҳар куни

эрталаб талабалар Библиядан мадхия, илтижо ва ҳикоялар ўқиш учун тўпланаардилар.

Профессорлардан бири карма ва руҳнинг тана алмаштириши ҳақидаги Ведалар таълимотини танқид қиласди. У шундай дерди: агар судда жиноятчининг қилган жиноятини тасдиқлайдиган гувоҳ бўлмаса, уни жазоламайдилар. Худди шундай, ҳиндудизм фалсафасига кўра, агар рух ҳозир ўзининг аввалги танасида қилган ишлари учун жазо сифатида қийналаётган бўлса, ўша жиноятларнинг гувоҳи ким? Абхай учун бундай танқидий гапларни тинглаш жуда оғир эди, у профессорнинг гапларига қандай қилиб эътиroz билдириш кераклигини биларди. Лекин шунчаки талаба бўлгани учун у жим ўтириб тинглашга мажбур эди. У ўзининг жамиятдаги ўрни бўйича профессордан пастда турарди, - талабанинг профессорнинг гапларига эътиroz билдиришга ҳаққи йўқ эди. Лекин у профессорнинг карма қонуни ҳақида айтиаётган гаплари асоссиз эканини биларди, ахир гувоҳ ҳақиқатан ҳам бор-ку. Калькуттага узоқ кишлоқлардан ўқиш учун келган талабалар катта шаҳарга ҳаяжон билан караб турардилар: европаликлар билан қўшни бўлиш улар учун жуда нокулай эди. Аммо Абхай Калькуттада инглизлар даврасида ҳам ўзини эркин хис қиласди. У ҳатто шотландиялик ўқитувчиларини ёқтиради ҳам. Гарчи Абхай улар билан жуда эҳтиёткор бўлиб, орада етарли масофа сақлаган ҳолда муносабат қилса ҳам, уни уларнинг ахлоқ қоидалари ҳамда уларнинг талабаларни ҳурмат килишлари ҳайратга соларди. Улар Абхайга жуда олийжаноб ва меҳрибон одамлардай кўринарди.

Бенгалияning губернатори, шотландиялик Маркиз Шетленд бир куни коллежга ташриф буюрди ва ҳамма синфларга кириб чиқди. Синфлар катта-катта бўлиб, ҳар бир синфда 150 тача талаба бўларди. Абхай биринчи қаторда ўтиргани учун машҳур губернаторни жуда яқиндан кўриш имкониятига эга эди.

Мактабда индуслар билан европаликлар ораси жуда қатъий равишда бўлиб қўйилганди. Ҳатто бенгалиялик ўқитувчилар факультети ҳам инглиз профессорлар кафедрасидан алоҳида жойлашган эди чунки инглилизларнинг фикрига кўра, ҳиндулар паст табақага мансуб одамлар эдилар. Коллежнинг ўқув дастурига миллати ҳинду бўлган М. Гхошнинг “Англияning Ҳиндистондаги роли” деган ўқиш китоби ҳам киритилган эди. Китобда то Британияликлар келгунча Ҳиндистон жуда қолоқ мамлакат бўлгани батафсил таърифлаб берилиганди. Иқтисод профессори баъзан, талабалар ўзларининг машқларни жуда секин имиллаб бажаришлари билан унинг жаҳлини чиқарган пайтларда, уларни қаттиқ койирди. Уларга худди бутун Ҳиндистон халқининг вакиллари сифатида шундай деб бақиради: “Мустақиллик ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам ўтируманглар!

Сизлар ўзларингизни ўзларингиз бошқара олмайсизлар! Сизлар фақат эшакдай оғир меҳнат қилишнигина биласизлар, холос!” Коллежда ўқиш талабадан унга ўзини бутунлай топширишни талаб қиларди. Энди Абхай ҳар куни эрталаб ўзининг Радха ва Кришна Илоҳларини аввалгидай соатлаб томоша қила олмасди. Энди унинг учун Харрисон Роудда ўтказган баҳтиёр болалиги, онасининг насиҳатлари, отасининг Кришнага сифинишларини томоша қилишлар – ҳаммаси ўтмиш бўлиб қолганди.

Энди унинг кунлари шотландия черков коллежи деворлари ичида ўтарди. Бу ерда ҳам кичик ҳовуз, қушлар, ҳатто баян дарахти ҳам бор эди. Лекин, энди Худога сифиниш маросимлари ўрнини ўқиш эгаллаб олганди. Коллеждаги муҳит жуда жиддий эди. Ҳатто эълонлар таҳтаси олдида тўпланган талабалар ҳам бир - бирлари билан фақат дарслар ёки уйга берилган вазифалар ҳакида сухбатлашардилар. Абхайнинг бутун вақти ўқишга кетарди, у ҳатто уйида бўлган пайтлари ҳам ўзининг конспектларини ўқиш ёки дарс тайёрлаш билан машғул бўларди. У энди Илоҳларга сифинишни вақтингча тўхтатиб қўйишга мажбур бўлганди. Илоҳларни таҳта кутига жойлаб қўйишга тўғри келди. Суюкли ўғли энди Илоҳларга аввалгидай сифина олмаслиги Гоур Моҳанни унчалик безовта қилмасди. У Абхай ўз одатларининг поклигини сақлаб қолганини, ғарбий ҳалқларнинг дунёқарашини қабул қилмаганини ва ўз ҳалқининг қадимий маданиятига қарши чиқмаганини кўриб юрарди. Шотландия черковлари коллежида ўқиб юрса ҳам, Абхай ўзгариб, бемаъни одатлар чиқармаслигига Гоур Моҳаннинг ишончи комил эди. Гоур Моҳан мамнун эди - Абхай коллежни битиргандан кейин яхши пул ишлаб топишга тайёрланиш учун яхши таълим олаётган эди. У маъсулиятли вайшнав бўлиб етишади, у уйланадиган ва ишга жойлашадиган кунлар ҳам яқинлашиб келяпти. Абхайнинг Рупендронатх Митра деган яқин дўсти ва мактабдоши бор эди. Абхай Рупен билан бирга дарс тайёрларди, Библияни ўрганиш соатларида ёнма-ён ўтирадилар. Гарчи Абхай сиртдан қараганда жиддий талабага ўхшаб кўринса ҳам, у ҳеч қачон ғарбий ўқитувчиларнинг бераётган таълимидан ҳайратга тушмаслигини ва ўқишида муваффақият қозонишга интилмаслигини Рупен сезиб қолди. Баъзан Абхай дўсти Рупенга шундай дерди: “Буларнинг ҳаммаси менга умуман ёқмайди”. Баъзан эса, Абхай унга коллеждан кетишҳақида ҳам гапириб қоларди. “Сен нималар ҳакида ўйлаб юрибсан?” – дерди Рупен унга, шунда Абхай унга ўзининг ички сирларини очиб ташларди. Рупен Абхайнинг ҳамиша “қандайдир диний, фалсафий ғоялар ҳакида, Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳакида” ўйлаб юрганини биларди.

Абхай ғарбий файласуф ва олимларнинг асарларини ўрганди, лекин уларнинг асарлари унда катта таассурот қолдирмади. Улар шунчаки ўзларича ҳар хил фикр юритардилар, уларнинг фикр-мулоҳазалари, хулосалари Абхай тарбияланган ведавий муқаддас китоблар, Худога садоқат билан хизмат қилиш ва вайшнавлар маданияти асосида тасдиқланмаган эди. Баъзи бирорларни бу илмни чуқуроқ ўрганишга, бошқаларни эса, бу таълим ёрдамига катта лавозимларни эгаллашга илҳомлантирган ғарбий таълим-тарбия бойлигига эга бўлиш имконияти Абхайга умуман таъсир қилмаган эди. Абхай қалбининг тўрида ҳамиша қандайдир диний, фалсафий нарсалар ҳақида, Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида” ўйларди. Лекин, коллеж талабаси сифатида у ўз вақти ва кучини ўқишига сарфлашга мажбур эди.

Бир куни, коллежда бир йил ўқигандан кейин Абхай ғалати бир туш кўрди: унинг тушига отаси совға қилган Кришнанинг Илохи кирган эди. Парвардигор унга шикоят қиласарди: “Нимага сен Мени бу қутига солиб қўйдинг? Сен Мени бу ердан чиқариб олишинг яна аввалгидай сифина бошлашинг керак”. Абхай Илоҳларга хизмат қилмай қўйганидан ўзини айбдор хис қиласарди. Гарчи аввалгидай кўп вақти дарс тайёрлашга кетса ҳам, шу кундан бошлаб у ўзининг Радха-Кришна Илоҳларига аввалгидай сифина бошлади.

\*\*\*

Абхайдан бир курс юқорида жуда фаол бир миллатчи талаба, Шубҳас Чандра Боуз таълим оларди. Аввалига у Президент коллежида ўқирди, лекин кейинчалик у талабалар орасида ҳамиша хинд талабаларини ҳақорат қилиб юрган бир профессорга қарши қўзғолон уюштиргани сабабли коллеждан хайдалган эди. Шотланд коллежида Боуз ўзини раҳбариятга жиддий талаба эканини кўрсатди. У фалсафа клубининг котиби бўлиш билан бирга вице-канцлер Экхарт билан биргаликда иш олиб борарди. Шубҳас Боуз ва бошқа талабалардан Абхай Ҳиндистон мустақиллик ҳаракати ҳақида билиб олди. У ўзининг она Бенгалиясида машҳур бўлган кишиларнинг номларини эшитди: қуролланишга қарши курашган Бипинчандра Пал, 1905 йилда Бенгалияниң ажралиб чиқишига қарши халқ қўзғолонини ташкил этиб, инглизларни саросимага солган Срендрранатха Баннержи, Лала Ладжпат Рай, ва энг машҳур инсон – Моҳандас К. Ганди.

Коллежда давлатга қарши ташвиқот қилиш қатъиян ман қилинган эди, лекин талабалар барибир мустақиллик гояси тарафдорлари эди. Ҳеч ким очиқча норозилик билдирамасди, аммо баъсан талабалар яширин мажлисларга тўпланиб турадилар. Абхай Шубҳас Чандра Боузнинг талабаларни Ҳиндистон мустақиллик ҳаракатини кўллаб-

кувватлашга илҳомлантирганини бир неча бор тинглаганди. Унга Боузнинг тақводорлиги, унинг қатъияти ва шиҷоати ёқарди. Абхайни сиёсат қизиқтирмасди, лекин барибир мустақиллик харакатининг ғоялари унинг қалбига яқин эди. Кўплаб зиёлилар ва ёзувчилар Ҳиндистоннинг мустақилликка интилишини(сварат) руҳий ҳаракат деб ҳисоблардилар. Миллатчилар сиёсий мустақилликка эришишни руҳнинг моддий тутқунликдан озодликка чикиши билан қиёслардилар. Абхайни Парвардигор Кришнага, Мутлақ Ҳақиқатга садоқат билан хизмат қилиш қизиқтирарди, у ўзидаги бу ишончни отасидан олган ва ёшлигидан бери қалбининг тўрида авайлаб асраб келарди. Ҳиндистоннинг мустақиллиги эса, вактингчалик, нисбий ҳақиқат эди. Лекин сваражнинг баъзи бир йўлбошчилари, ҳатто ведавий муқаддас китобларнинг мутлақ ҳолатини тан олсалар ҳам, то Ҳиндистон мустақилликка эришмагунча, унинг маданияти қуёши кўкка кўтарилимаслигини исботлашга уринардилар. Улар ажнабийларнинг буюк Ҳиндистон маданиятини ҳақорат қилиб, оёқ ости қилаётганларини алоҳида таъкидлардилар.

Абхай ҳам буни ҳис қиласди. “Англияning Ҳиндистондаги роли” деган китобида М. Гҳош ведавий муқаддас китоблар – шунчаки яқинда ёзилган асарлардир, инглизлар келиб, христианлик кенг тарғибот қилинмасдан олдин Ҳиндистон маданий жиҳатдан қолоқ мамлакат эди, деган ғоя олға сурилганди. Инглизларнинг шастраларни ҳар хил асоссиз гаплар билан танқид қилиши одатдаги ҳол эди. Лекин, агар Ҳиндистон миллий озодликка эришса, фақат хиндулар эмас, балки бутун жаҳон аҳли юксак даражада ривожланган Ведалар маданиятидан чексиз манфаат кўрарди.

Сваражга яширин чақириш деярли барча талабаларни жалб қилган эди, Абхай ҳам бундан мустасно эмасди. У айниқса Гандига қаттиқ ишонарди. Ганди ҳамиша ўзи билан бирга “Бҳагавад-гита” олиб юрарди, у ҳар куни Парвардигор Кришнанинг гапларини ўқиб юрар ва “Бҳагавад-гита” унинг ҳаётида бошқа ҳар қандай китобдан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга эканлингини айтиб юрарди. Ганди пок турмуш тарзи билан яшарди. У спиртли ичимликларга, тамакига қўл теккизмас, гўшт эмас, ноқонуний жинсий алоқа қилмас эди. У худди авлиё(садху)лардай оддий турмуш кечирарди. Баъзан Абхайга ўзи жуда кўп учратган қашшоқ садхулардан кўра анча виждонлироқ кўриниб кетарди. Абхай унинг китобларини ўқир ва унинг изидан бораради. Балки Ганди жамият ҳаётини руҳий погонага кўтаришга эришар. Ганди ““Бҳагавад-гита”да баён этилган ҳақиқат энг асосий ўринда туради, “Бҳагавад-гита” шунчаки ўқиб кўядиган китоб эмас, “Бҳагавад-гита” ҳар бир инсонни амалда руҳий озодликка олиб

чиқишига қодир бўлган илохий муқаддас китобдир” деган. Ана шу озодлик рамзи свараж эди.

Абхайнинг талабалик йилларида коллежда унинг ватанпарварлик ҳис-туйғулари сир сакланарди. Коллеж жуда обрўли эди. Диплом олиб келажакда яхши ишга жойлашишдан умидвор бўлиш учун талаба ўқишига жиддий эътибор бериши лозим эди. Британия ҳукмронлигига қарши ёки Хиндистон мустақиллиги ҳақида бирор гап айтиш мумкин эмасди – бунинг учун ўқишидан ҳайдаб юборишлари мумкин эди. Фақат энг жасур талabalар ўзларининг келажагини хафв остига қўйиб дадил гапира олардилар. Шунинг учун талabalар асосан мажлисларга яширин ҳолда келишар ва инқилобчиларнинг гапларини тинглардилар: “Биз мустақил бўлишни истаймиз! Биз свараж тарафдоримиз! Ўз ҳукуматимиз бўлиши керак! Ўз мактабларимиз бўлсин!”

\*\*\*

Гоур Моҳан ўғлига ташвиш билан қаради, унинг учун Абхай Хиндистоннинг сиёсий тақдирини ўзгартиришга уриниб юрган юз минглаб одамлардан биттаси эмасди, - Абхай унинг севимли ўғли эди. Тарих саҳнасида бу дунёнинг ҳар хил воқеа ҳодисалари бирин кетин ўтиб тураг экан, Гоур Моҳанни ўғлининг келажаги - ўзи истагандай, ҳар куни Худодан илтижо қилиб юрганидай унинг авлиё садху бўлиши – ҳақида қайгуарди. У Абхайнинг асл вайшнав, Шримати Радхаранининг содик хизматкори бўлиб етишишини истарди. У Абхайга Парвардигор Кришнага сифинишни ўргатди, бенуқсон хулқ-атворли қилиб тарбиялади. У ўғлига таълим-тарбия берди. Энди Гоур Моҳан Абхайнин уйлантириб қўйиш ҳақида ўйларди.

Ведалар маданияти бўйича болаларини уйлантириш – ота-она учун жиддий маъсулият ҳисобланади, улар қиз болани ҳали балогат ёшига етмай туриб унаштириб қўядилар. Гоур Моҳан биринчи қизини тўққиз ёшида унаштирган, иккинчисини - ўн икки ёшида, учинчисини – ўн бир ёшида. Иккинчи қизи ўн икки ёшига қараганида Раджани эрига шундай деди: “Агар қизингни ҳозироқ унаштириб қўймасанг, мен Гангага бориб ўзимни сувга ташлайман”. Ведалар маданиятида қиз боланинг йигит билан эркин учрашиб юришига йўл қўйилмайди. Унаштирилган йигит қизлар ҳатто тўй бўлиб ўтгандан кейин ҳам бир неча йил бирга яшашлари мумкин эмас. Қиз боланинг эрига хизмат қилиши шундан бошланадики, у ота-онасининг уйида эри учун овқат пишириб, уни эрининг уйига олиб бориб, эрига едиради. Улар фақат расмий равишда, бошқалар олдида учрашишлари мумкин. Улгайиб йигит билан қиз бир-бирига шунчалик боғланиб қоладиларки, ажралиб кетиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Қиз бола табиий

равища ўзининг эрига умр бўйи содик қолади, чунки у ҳатто балоғат ёшига етмасдан олдин ҳам ўзининг эридан бошқа ҳеч ким билан учрашмаган бўлади. Гоур Моханнинг Калькуттада Абхайга муносиб қизлари бўлган танишлари кўп эди, у узоқ вақтдан бери Абхайга муносиб қиз танлаб юрарди. Ниҳоят, жуда кўп иккиланишлардан кейин у Малликлар билан қариндош бўлган суварна-ваниклар хонадонидан Радхарани Датта деган қизни танлади.

Радхарани ўн бир ёшда эди. Гоур Мохан қизнинг отаси билан учрашгандан кейин икки оила аъзолари ҳам никоҳ тўйига розилик билдирилар. Абхай ҳали колледжнинг учинчи курсида ўқиб юрган, ҳали бирор жойда ишлаб пул топмаётганига қарамасдан, талабалар орасида никоҳ тўйи ўтказиш одатдаги ҳол эди. Абхай дарров оила ташвиши ҳақида ўйлаб ўтириши шарт эмасди. Отаси танлаган қиз Абхайга ёқмади, у бошқа қизга уйланишини истарди, лекин отасини ҳурмат қилганидан, у никоҳ тўйига қаршилик қилмади. Анча вақтгача Радхарани ўзининг ота-оналари билан бирга яшади, шунинг учун Абхай оила ташвишлари ҳақида ўйламаса ҳам бўларди. Аввало у колледжни тутагиб олиши лозим эди.

Колледжнинг тўртинчи курсида ўқиб юрар экан, Абхай диплом олишдан бош тортиш ҳақида ўйлай бошлади. Миллий-озодлик ҳаракатининг тарафдори сифатида у Ҳиндистонда Британиянинг эмас, балки Ҳиндистоннинг ўзининг мактаблари, ўзининг ҳукумати бўлишини истарди. Лекин ҳозирча бундай эмасди. Ганди талабаларни инглиз мактабларида ўқиши ташлашга чакираради. У инглиз мактабларида ҳинд болаларга қуллик онги сингдирилади, деб айтарди. Улар болаларни инглизлар қўлида итоаткор қўғирчоқ бўлишга тайёрлайдилар. Бошқа тарафдан, колледж дипломи яхши ишга ўрнашиб олиш имконини берарди. Абхай ўз қарорини ҳар томонлама жиддий муҳокама қиласади.

Гоур Мохан ўғли кейин ўзи пушаймон бўладиган ишларни қилмаслигини истарди. У ҳамиша ўғли учун ҳамма нарса энг яхши тарзда бўлишини истарди, лекин Абхай энди йигирма уч ёшга кирган, энди унинг ўзи мустақил фикр юритиб, ҳар қандай қарорни ўзи қабул қилиши лозим эди. Гоур Мохан унинг келажаги ҳақида ўйларди: мунажжимнинг башорати бўйича Абхай етмиш ёшида буюк авлиё, дин тарғиботчиси бўлиб етишиши керак. Гоур Мохан ўша кунларни кўришдан умидвор бўлолмасди. Лекин, барибир, мунажжимнинг башоратига ишониш учун унда тўла асос бор эди, шунинг учун у Абхайни ана шу буюк келажакка тайёрлашни истарди. У ҳамма нарсани ана шу олий мақсадга мос равища режалаштиришга интиларди, лекин Кришна нималар қилишини ким ҳам била оларди. Ҳамма нарса Кришнага боғлиқ, Кришна эса, миллатчиликдан ҳам,

мунажжим башоратларидан ҳам, ўғлининг буюк авлиё, Шримати Радхаранининг асл содиги, "Шримад Бхагаватам" тарғиботчиси бўлиб етишишини орзу қмилиб юрган оддий савдогарнинг режаларидан ҳам устун турарди. Гарчи Гоур Моҳан ҳамиша Абхай нимани истаса шуни қилишига рухсат бериб қўйган бўлса ҳам, у айни пайтда ўғлининг ҳаётини ғамхўрлик билан энг яхши йўлга йўналтиришга ҳаракат қиларди. Мана энди, Абхайнинг коллеж дипломига нисбатан келган қарорига аралашмаган ҳолда ўғли учун яхшироқ иш излай бошлади.

1920 йил Абхай коллежнинг тўртинчи курсини тугатиб, бакалавр унвонини олиш учун бўладиган имтиҳонларни муваффақият билан топширди. Оғир имтиҳонлар ортда қолгандан кейин у қисқа таътил олди. У ўзининг болаликдаги орзуларини амалга ошириш учун поездга ўтириб, бир суткадан кейин Жаганнатха Пурига келди.

Шрила Прабҳупада: *Кичкина бола пайтимда ҳар куни ўтириб орзуларга гарқ бўлардим: "Жаганнатха Пурига қандай қилиб борсам бўларкан?" "Қандай қилиб Вриндаванга бора оламан?" Ўша пайтларда Вриндавангача йўл ҳақи тўрт-беш рутий турарди, Жаганнатҳа Пуригача ҳам шундай эди. Мен ҳар куни: "Қачон мен шу жойларга борарканман?" – деб ўйлаб юрадим. Шундай имконият пайдо бўлган заҳоти мен Жаганнатҳа Пурига йўлга чиқдим.*

У минглаб йиллардан бери Ратха-ятра байрами нишонланадиган катта кўча бўйлаб юриб бораарди. Бозор магазинларида Парвардигор Жаганнатханинг ёғочдан ясалган ва чиройли қилиб бўялган кичик муртилари сотиларди. Гарчи ҳозир Ратха-ятра мавсуми бўлмаса ҳам, барибири сайёхлар бу совғаларни сотиб олардилар. Эҳромда Жаганнатханинг прасади сотиларди. Жаганнатҳа, Баладева ва Субҳадра Илоҳларига сифиниш маросими ўтказилар экан, ҳар куни Уларга эллик олтига катта катта идишда қайнатилган гуруч ва сабзвотлар таклиф қилинарди.

Абхай эҳромга кириб Илоҳларни томоша қилди. Четдаги меҳробда Парвардигор Чайтанья Махапрабхунинг олти кўлли муртиси турарди. Бу ерда У Ўзини бир вақтнинг ўзида Кришна, Рама ва Парвардигор Чайтанья Махапрабху кўринишида намоён қилган эди. Пурида Чайтанья Махапрабхуни яхши билардилар. Шу ерда У Ўзининг бу дунёдаги охирги ўн саккиз йилини ўтказган, Ўзининг мангу ҳамроҳлари билан биргаликда Ҳаре Кришна мантра куйлаб, ҳар йили ўтказиладиган Ратха-ятра байрамида, минглаб одамлар кўча бўйлаб сайр қилганида яйраб рақсга тушган. Чайтанья Махапрабху аравалар олдида жазава билан раксга тушар Парвардигор Кришна

билин бўлган ҳижрон азоби таъсири остида тез-тез марта ҳушидан кетиб қоларди.

Аравалар юрадиган кўча бўйлаб борар экан, Абхай ўзининг болалик йилларида ўtkазган байрамларини, болалар билан биргаликда Ҳаре Кришна кўйлаганларини, отаси билан ўзи ясаган аравада ўтирган Парвардигор Жаганнатхани, унга байрам ўtkазишида ёрдам берган отоналарини, Радха-Говинда Илоҳларини эслади. Парвардигор Жаганнатханинг шон-шуҳрати ёшлигига унга жуда катта илҳом бағищлаган эди, ундаги ана шу эзгу хис-туйғулар ўтган мана шу йиллар давомида ўзгармасдан сақланиб қолган эди. “Качон мен Жаганнатх Пурига борарканман?” У беш ёшидан бошлаб Жаганнатха Пури ва Вриндаванга боришни орзу килиб юрарди, поездларнинг ҳаракат жадвалини ўрганарди. Лекин Абхай шунчаки Пури бозорига экскурсияга бормоқчи эмасди, одамлар билан лиқ тўла эхромда Жаганнатҳа Илоҳини томоша қилиш ҳам унинг учун етарли эмасди. У Пурига зиёратчи сифатида, Парвардигорни зиёрат қилиш учун боришни истарди, уни қалбидаги Парвардигорга бўлган садокати шунга ундарди.

Энди миллатчилик, ватанпарвалик гоялари Абхайнинг ҳаётига кучли таъсир қилаётган эди. Яқинда у уйланди, энди у оладиган дипломи ва бирор жойга ишга жойлашиш муаммосини ҳал қилиши лозим эди. Лекин ҳозир у Парвардигор Чайтаня Махапрабху яшаган ва Жаганнатх қиёфасида ҳозир ҳам Парвардигор Кришна яшайдиган Пури кўчаларида айланиб юрарди. Абхай Калькуттада елкасида оғир юк бўлиб туган ўзининг вазифаларидан озод бўлиб, мириқиб хордик чиқариш имкониятига эга бўлганидан хурсанд эди. У қалбидаги Кришнага бўлган муҳаббати ва мана шу муқаддас зиёрати ўзининг ҳаётига қанчалик таъсир қилишини билмасди. У ўзи учун Кришна бу дунёдаги бошқа ҳамма нарсадан ҳам муҳимроқ эканини биларди, Кришна – ҳар бир тирик мавжудотни унинг қалбида туриб бошқариб турадиган Худо, олий хукмдор. Лекин Абхай Худога хизмат қилиш – шунчаки бир юзаки амаллар эканининг ҳам гувоҳи бўлган. Ҳатто миллий қаҳрамонларни ҳам, ҳамиша қўлига "Бҳагавад-гита" олиб юрса ҳам, аксарият ҳолларда Кришнанинг гаплари эмас, балки ватанпарварлик гоялари кўпроқ қизиктиради. Факат самимий содикларгина Парвардигор Кришнанинг қанчалик мафтункор эканини тушуна олардилар. Унинг отаси ана шундай нодир зотлардан бири эди.

Абхай Пурига келиб ҳафсаласи пир бўлди. Гоур Моҳан Жаганнатхада яшвайдиган бир танишига хат ёзиб, ундан бериб юборган эди. У киши Абхайни жуда яхши кутиб олди. Лекин, у Абхайни меҳмон қилиш учун таом олиб келганида, унинг ичидан бир

парча гүшт чиқди. Абхайнинг “Бу нима?” деб берган саволига у “Ха, бу гүшт-ку!” деб жавоб берди.

Абхай ўзининг қаттиқ жаҳли чиққанини яшира олмади: “Йўқ! Бу нима қилганингиз? Мен хеч қачон гүшт емаганман”. Абхай уй эгасига ҳайрон бўлиб қараб турарди: “Мен Пури бундай ахволни учратаман деб сира ўййламаган эдим”. Ҳижолат бўлган уй эгаси унга: “Мен билмабман. Мен шундай қилсам яхши бўлади деб ўйлабман” – деб жавоб беди. Мезбонни хотиржам қилиб, Абхай овқат ейишдан бош тортди, у кейин хеч қачон бу уйдан овқатланмади. Шу кундан бошлаб у факат Жаганнатха прасадам еб юрди.

Абхай Пурида уч-тўрт кун бўлди, машхур океан соҳилини айланди, зиёратгоҳларни айланиб чиқди. Бир неча марта у Жаганнатха эҳромидаги руҳонийларнинг сигарет чекканинг гувоҳи бўлди. У эҳромда хизмат қилиб юрган садхуларнинг бошқа қилган гуноҳлари ҳақида ҳам эшитди. Бу қандай садхулар – сигарета чекса, Жаганнатха парсадига кўшиб балиқ еса? Бу борада Жаганнатха Пурида бўлиш унинг ҳафсаласини пир қилди. Калькуттага қайтиб келиб, Абхай уйида йиглаб ўтирган хотинига дуч келди. Дугоналари унга эринг энди қайтиб келмайди деб айтган эканлар. У хотинини овутиб, дугоналарининг гаплари ёлғон эканини, у шунчаки бир неча кунга кетганини, мана ҳозир яна қайтиб келганини айтди.

Аввал бошданоқ оиласи ҳаётдан Абхайнинг ҳафсаласи пир бўлган эди. Радхарани Датта чиройли қиз эди, лекин хеч қачон Абхай уни ёқтиргмаган эди. У балки иккинчи хотиним яхшиrok бўлар деб ўйлай бошлади. Ҳиндларда иккинчи хотинга уйланиш рухсат этилади, Абхай бу масалани ўзи мустақил ҳал қилишга қарор қилди ва бошқа бир қизнинг ота-онасига мурожаат қилишни режалаштириб юрди. Лекин бу ҳақда отаси билиб қолиб, Абхайни олдига чакирди ва шундай деди: “Азизим, сен иккинчи хотин оламан деб юрибсан, лекин мен сенга буни маслаҳат бермайман. Агар хотининг сенга ёқмаса, буни Кришнанинг марҳамати деб қабул қил. Бу жуда катта омад. Агар сен хотинингга ва оилангга қаттиқ боғланиб қолмасанг, бу сенинг руҳий юксалишингга ёрдам беради”. Абхай отасининг гапларига қулоқ солиб, унинг айтганини қилди. Отасининг гаплари уни чукур ўйга солди. Унинг келажакни олдиндан билиш туйғусига тан берар экан, у ҳали отасининг қилган ишларининг, берган маслаҳатларининг шарофати билан келажакда буюк садху бўлиб етишишини тушунмасди.

“Бу сенинг руҳий юксалишингга ёрдам беради” – Бу гап Абхайга жуда ёқди. У ўзининг тақдирига тан берди ва Кришна юборган хотини билан қаноат ҳосил қилишга қарор қилди.

\*\*\*

Абхай Чаран Денинг исми бакалавр унвони учун имтиҳонларни муваффақият билан топширган талабалар рўйхатида турарди. Бу талабаларнинг ҳаммаси диплом олиш учун коллеж раҳбариятига таклиф қилинди. Аммо Абхай шотландия черковлари колледжининг дипломини олишдан бош тортди. Гарчи бу диплом унинг яхши жойга ишга жойлашишига имкон берса ҳам, бу иш Британия таъсирига булғанган бўларди. Агар Ганди ғалаба қозонса, Ҳиндистон яқин кунларда инглизлар ҳукмронлиги остидан чиқиб, мустақилликка эришади. Унинг карори қатъий эди, диплом талабаларга топширадиган куни ректорат Абхай Чараннинг диплом олишдан бош тортганини билди. Абхай шу тарзда инглизларнинг ҳукмронлигига ўзининг норозилигини билдириб, Гандининг тарафини олган эди.

Орадан сал вақт ўтмасдан Гандининг ҳаракати жуда кучайиб кетди. Инглизларнинг кўнглини овлаш ниятида, бу Ҳиндистоннинг мустақилликка чиқишига ёрдам беради деб, уруш пайтида ҳиндулар Англия Қиролига садоқат билан хизмат қилдилар. Лекин 1919 йилда Англия мустақиллик ҳаракатини бостириш учун Роулатта қонунини чиқарди. Шундан кейин Ганди бунга норозилик билдириб, барча ҳиндларни хартал, бир кунлик иш ташлаш эълон қилишга чақириди. Бутун Ҳиндистон бўйлаб одамлар бир кун ишга чиқмай, уйларида ўтиридалар. Гарчи бу ҳеч кимга зулм қилинмайдиган норозилик белгиси бўлса ҳам, орадан бир хафта ўтгандан кейин Амритсара шахридаги Жаллианвалла Багх паркида инглиз солдатлари тинчлик намойишига тўпланган юзлаб қуролсиз ҳиндларни отиб ташладилар. Шундан кейин Ганди Британия империясининг Ҳиндистонга бўлган ниятларига бўлган ишончини бутунлай йўқотди. Ватандошларига мурожаат қилиб, уларни Англия билан боғлиқ бўлган моллар, мактаблар, судлар, ҳарбий унвонлар - ҳамма нарсадан воз кечишга, инглизлар билан ҳамкорлик қилишни умуман тўхтатишга чақириди. Инглизларнинг дипломини олишдан бош тортган Абхай Гандининг миллий озодлик ҳаракати билан яна ҳам яқинроқ ҳаракат кила бошлади.

Лекин у қалбининг тўрида сира хотиржамликка эриша олмасда. Абхай ҳеч қачон ўзининг қалбини бутунлай ўқишига, дипломга, хотинига бағишилай олмасди. Ҳақиқий ватанпарвар, миллатчи бўлишдан уни нимадир тўхтатиб турарди. Абхай миллий озодлик ҳаракатини қўллаб кувватларди, лекин унга бўлган ишончи комил эмасди. Энди унинг ўқиши ҳам, иши ҳам йўқ эди. Ўзининг кўпроқ вақтини у энди уйида ўтказарди. Дўстининг никоҳ тўйи муносабати билан шеър ёзишга уриниб кўрди. "Шrimad Бҳагаватам"ни ва Гандининг охирги маърузаларини ўқиб юради. У яқин келажакда нима иш билан машғул бўлишини билмасди.

Гоур Мохан аллақачон Абхайни қандай ишга жойлаштиришни режалаштириб қўйганди, лекин бунинг учун у диплом олиши керак эди. Лекин, Кришнанинг режалари бошқа экан. Сиёсий норозилик сифатида диплом олишдан бош тортиш ижтимоий бурчдан кўра, Абхайнинг виждон бурчи эди, шунинг учун Гоур Мохан бу иши учун ундан норози бўлмади. Лекин барибир Абхай бирор жойга ишга кириши керак эди, Гоур Мохан ўзининг яқин дўсти Картика Боуздан Абхайни ишга жойлаб қўйишни илтимос қилди. Доктор Картик Чандро Боуз Абхайнинг болалик пайтидан бери билар, Гоур Моханнинг яқин дўсти, оиласвий врачи эди. Олий маълумотли врач, ажойиб жарроҳ бўлган Боузнинг Калькуттада катта лабораторияси бўлиб, унда ҳар хил дорилар, совунлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариларди. Боузни бутун Ҳиндистанда биринчи хинд фармацевти сифатида танирдилар, чунки унгача барча дори-дармонлар Европадан келтириларди. У Абхайнинг ўзининг лабораториясига бўлим бошлиги сифатида ишга оладиган бўлди.

Гарчи Абхай дори ишлаб чиқаришни ҳам, раҳбарлик қилишни ҳам яхши тушунмаса ҳам, бу соҳада бир неча китобларни ўрганиб, ишлаш учун керакли бўлган ҳамма нарсани билиб олишига ишончи комил эди. Абхайнинг бўлим бошлиғи бўлиб тайнинлангани қўпчилик хизматчиларга ёқмади. Уларнинг баъзилари бу ерда кўп вақтдан бери ишлар, бунинг устига Абхайдан анча катта эдилар. Аввалига улар ўз тақдиридан норози бўлиб фақат ўзлари бир бири билан ҳасратлашардилар, лекин охир оқибатда улар ёш бола уларга бошлиқ бўлганидан шикоят қилиб, доктор Боузнинг олдига бордилар. Доктор Боуз уларга шундай деди: “Бу лавозимни мен худди ўз ўғлимдай ишонадиган киши эгаллаши керак. У кирқ минг рупийгача бўлган чекларга имзо чекади. Мен бу бўлимдаги пулларимни ишлатишни фақат унга ишона оламан. Унинг отаси – менинг яқин дўстим, бу йигит эса менга худди ўз ўғлимдай яқин”.

Гоур Мохан ҳаммасини аъло даражада йўлга қўйдим деб ўйларди. У Худога илтижо қилиб, ўғлига ўргатган соф вайшнавизм қонун-қоидалари унинг учун бутун умри давомида йўлчи юлдуз бўлиб қолишини тиларди. Ганди ва унинг свараж ҳаракати Абхайнинг илм ўрганишдаги юксалишига халакит берди; Абхай ҳали ҳам аввалгидай ватанпарварлик туйғусига ён босарди, лекин буни у сиёсий нуқтаи-назардан эмас, балки, руҳий нуқтаи назардан. Шунинг учун Гоур Мохан ундан мамнун эди. У ўғлининг бу қизга уйланганидан норози эканини биларди, лекин, Абхай отасининг хотинга ва оиласа боғланмаслик руҳий юксалишга ёрдам беради, деган гапига тўла қўшилган эди. Абхайнинг дунёвий ишларга уччалик қизиқмаслиги ҳам Гоур Моханни қувонтиради, чунки унинг ўзи учун ҳам

Парвардигор Кришнага сиғиниши биринчى ўринда, бизнес эса иккىнчи ўринда турарди. Унинг орзулари рўёбга чиқаётган эди. Энди Абхайнинг жуда катта имкониятлари бўлган иши бор. Гоур Моҳан ўғлининг бахти учун қўлидан келганини қилганди, якуний натижада эса, Кришнанинг иродасига боғлик.

Конгресс партиясида раҳбарлик лавозимини эгаллаб олган Ганди Англияning Ҳиндистондан пахтани арzon сотиб олиб, унга жуда катта нархда газмол сотишига қарши фаол иш олиб борди. Англия Ҳиндистонда етиштирилган пахтани энг паст нархда сотиб оларди. Бу хом ашёдан Англиядаги Ланчашар шаҳридаги фабрикаларда газмол тўқиб, кийим-бош тикар, кейин эса, бу кийим ва газмолларни миллионлаб ҳиндларга жуда баланд нархда сотарди. Ганди ўзининг ватандошларини пахтадан аввалгидаи ўzlари қўлда ёки оддий станокларда газмол тўқиб, ўzlари кийим бош тикишга чакирди. Бу билан улар Англияning Ҳиндистонда иқтисодий хукмронлигининг илдизини қирқкан бўлардилар. Поездда бутун мамлакат бўйлаб саёҳат қилиб, Ганди ҳамиша ўз ватандошларига чет элда тикилган кийимларни киймасликни, фақат Ҳиндистонда тикилган оддий кхадиларни кийиб юришни тарғибот қиласарди. Англия колонияси бўлмасдан аввал Ҳиндистон ҳамиша ўзининг пахтасини ўзи қайта-ишлаб чиқарарди. Ганди айтардиди, Ҳиндистоннинг қишлоқ-хўжалигини яксон қилиб, Англия ҳинд халқини очарчиликка маҳкум қилди.

Шахсан ўзи ўrnак кўрсатиб, Ганди ҳар куни оддий ип йигирав машинасида ип йигирав, фақат оддий дхоти ва чадар кийиб юарарди. Митингларда у одамларни хеч кўркмасдан чет элдан келтирилган кийим-кечакларни улоқтириб ташлашга чақираварди. Одамлар шу захотиёқ унинг олдига чет элнинг кийим-бошларини ташлардилар, уларни бир жойга тўплаб, Гандининг ўзи ўт қўйиб юборарди. Гандининг хотини уйда ўzlари тиккан кийимда ошхонада ишлаш жуда нокулайлигидан шикоят қилиб, фақат овқат пишираётган пайтдагина чет элнинг кулай кийимларини кийиб юришга Гандидан рухсат сўради. Ганди унга шундай жавоб берди: “Ха албатта, сен чет элнинг кийимида овқат пиширишга тўла ҳақлисан, лекин менинг ҳам сенинг бундай кийимда пиширган овқатингни емасликка ҳаққим бор”.

Гандининг ҳиндларни ўzlари маҳсулот ишлаб чиқаришга чорлашини Абхай чин дилдан қўллаб-кувватлади. Англия саноатининг Ҳиндистон ерларида эришаётган ютуқлари уни ҳам кувонтирмасади. “Оддий турмуш кечириш, шунчаки Ҳиндистоннинг миллий иқтисодининг асоси бўлиши мумкинлиги учунгина яхши эмас” -дерди Ганди. Бундай турмуш тарзи одамларнинг руҳий юксалишига, руҳий маданиятни ривожлантиришига ҳам жуда катта

ёрдам беришига Абхайнинг ишончи комил эди. Абхай ҳам чет эл фабрикаларида тикилган кийимларни ташлаб, оддий кхади кийиб олди. Энди инглизми, хиндми, ким уни учратса ҳам, унинг қандай дунёқараашга эга эканини кийиб юрган кийимидан билиб оларди: у ватандошларининг мустакилликка эришиш учун инқилоб қилиши тарафдори бўлган ватанпарвар миллатчи эди. 1920 йилларда Хиндистанда кхади кийиб юриш шунчаки мода бўлиб қолмасдан, бу кийим кишининг сиёсий дунёқарашини билдирадиган белги ҳам эди. Абхайнинг кийиб юрган либоси унинг Гандининг издоши эканини билдириб туради.

## **Учинчи боб “Гаройиб садху”**

*“Инсониятга яшишилек қилишида Чайтаныйа Махапрабху ва Унинг содиқларидан устун турадиган зотлар ҳеч қачон бўлган эмас ва ҳеч қачон бўлмайди. Инсониятга бошқаларнинг таклиф қилаётган яшишилклари – шунчаки алдов; аслида улар инсониятга фойда эмас, кўпроқ зарар етказади. Чайтаныйа Махапрабху ва Унинг издошлиари эса, инсониятга ҳақиқий, мангу ва буюк саодат келтирадилар, бунда улар қайсидир бир ҳалқقا бошқа бир ҳалқ ҳисобидан эмас, балки бутун инсониятга бирдай буюк баҳт келтирадилар”*

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати.

Нарендронатх Маллик, Абхайнинг дўсти, жуда қатъиятли, ўзининг айтганида туриб оладиган шижаатли киши эди. У Абхайнинг Маяпурдан келган бир садху билан учрашишини истарди. Нареннинг ўзи дўстлари билан ўша садхунинг ашрамида у билан учрашган эдилар. Энди уларни бу садху борасида Абхайнинг фикри қизиқтиради. Дўстларининг орасида Абхай ҳамма тан олган йўлбошчи эди, шунинг учун агар у бу садхуга юкори баҳо берса, бу билан у бошқаларнинг бу борадаги фикрини тасдиқлаган бўларди. Абхай бу садху билан учрашишни истамасда, лекин Нарен ўз айтганида туриб олди.

Улар кўчада, одамлар, от-аравалар, такси ва автобуслар гавжум бўлган йўлак устида туриб баҳслашардилар. Нарен дўстининг қўлидан маҳкам ушлаб олган ва уни юришга тортиқиларди, Абхай эса, кулганча уни бошқа тарафга судрарди. Нарен Абхайнин ўша садхунинг ашрамига озгина вақтга бўлса ҳам кириб чиқишга ундарди, ахир ашрам жуда яқин жойда-ку. Бунга жавобан Абхай кулиб, ундан қўлинни қўйиб юборишни илтимос қиласарди. Бу икки келишган йигитнинг кўча ўртасида тортишиб туриши бошқаларга ғалати кўринарди: дхоти ва оқ курта кийиб олган бир йигитни дўсти қўлидан тортиқилаб қаергадир олиб кетмоқчи бўляпти. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Парвардигор Чайтаныйа Махапрабхунинг буюк содиги бўлган вайшнав эди. Унинг санийаси шогирдларидан бири Малликларнинг хонадонига кириб, уларни Шрила Бхактисиддханта билан учрашувга таклиф қиласарди. Бу учрашув Малликларда жуда катта таассурот қолдиганди.

Аммо Абхай бу учрашувга боришни истамасди: “Йўқ, мен ундей садхуларнинг жуда кўпини кўрганман! Мен бормайман”.

Абхай болалигида жуда кўп садхуларни учратган эди; унинг отаси уйига ҳар куни камида уч тўрт садхуни таклиф қиларди. Уларнинг баъзилари оддий тиланчилар эди, ҳатто баъзилари ганжа чекардилар. Гоур Мохан жуда олижаноб ва меҳмондўст киши бўлиб, ким садхунинг белгиси бўлган шафран рангли либос кийиб юрган бўлса уйига таклиф қилаверарди. Лекин кўчада юрган ганжа чекиб тиламчилик килиб юрган кишини ҳам, шунчаки шафран рангли дхоти кийиб олгани учунгина садху, авлиё инсон деб бўладими? Ёки шунчаки эҳром қуришга пул тўплаб юргани ёки шунчаки чиройли гапиришни билгани учунгина кишини авлиё садху деб бўладими? Йўқ. Умуман олганда бундай садхулар Абхайнинг ҳафсаласини пир қилиб юборганди. Абхай билан бир квартирада тиламчиликни касб қилиб олган бир киши яшарди, эрталаб ҳамма ишга йўл олганда у ҳам шафран рангли либос кийиб, одамлардан садақа сўрагани кўчага чиқарди, у шу билан тирикчилик қиласарди. Наҳотки ана шундай садхунинг олдига худди ҳақиқий руҳий устознинг олдига боргандай хурмат-эҳтиром кўрсатиб бориш керак бўлса?

Нарен бу садхунинг буюк олим эканини сезган эди, шунинг учун Абхайдан ҳеч бўлмаса у билан биргина марта учрашишни, кейин эса шунга қараб хулоса чиқариб олишни илтимос қиласарди. Абхай Нарендан уни садхунинг олдига боришга кўндиришга уринишни бас қилишни илтимос қиласарди, лекин барибир Нареннинг қатъиятига бардош беролмай, садхунинг олдига боришга рози бўлди. Улар Паршнатх жайнистларнинг эҳроми олдидан ўтиб, Ультаданга кўчасидаги эшик тепасига “Бхактивинода ашрами” деб ёзиб кўйилган 1-йига кирдилар. Ёзув бу уйнинг Гаудия Матхга қарашли эканини билдирарди.

Эшик олдида турган ёш йигит яқинда Матхга катта пул эҳсон қилган Наренни дарров таниди ва уларни иккинчи қаватнинг томига олиб чиқди. Шу ерда Шрила Бхактисиддханта Сарасвати бир неча шогирдлари ва меҳмонлар даврасида сухбатлашиб ўтирарди.

Қаддини тик тутган ҳолда ўтирас экан, Шрила Бхактисиддханта Сарасвати баланд бўйли кўринарди. Тик қоматли, қўллари узун, танаси олтинранг садху думалоқ бифокал кўзойнак тақиб олган эди. У пешонаси кенг, қирғий бурун киши бўлиб, кўринишидан билимдон кишига ўхшарди. Унинг пешонасини безаб турган тилака, вайшнавларнинг белгиси ҳам, саннийасилар ўраниб юрадиган, ўнг елкасини очиқ қолдириб, гавдасини ўраб, чап елкасига ташлаб кўйилган сарик рангли чадраси ҳам Абхайга яхши таниш эди. Унинг

бўйнида туласидан ясалган мунчоқ осилган эди, унинг бўйнида, кўкрак олдида, елкаларида ва билакларида вайшнавлар қўядиган тилакалар кўриниб турарди. Оппоқ браҳманлик зунори бўйнига ўралиб, кўксидан пастга тушиб турарди. Вайшнавлар оиласида тарбия олган Нарен билан Абхай дарров хурматли садху олдида узала тушиб таъзим қилдилар. Бу икки дўст ҳали таъзимдан туриб ўтиришга улгурмасданоқ, Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ҳеч қандай расмиятчиликсиз тўппа-тўғри уларга мурожаат қилди: “Сизлар зиёли ёш йигитларсиз. Нимага сизлар Парвардигор Чайтаня Махапрабху таълимотини бутун жаҳонга тарғибот қилмайсизлар?” Абхай ўзининг қулоқларига ишонмай қолди. Улар ҳали ўзларининг фикрларини айтишга улгурмасданоқ, бу садху уларнинг нима қилиш кераклиги ҳақида гапиради. Шрила Бхактисиддханта билан юзма-юз ўтирад экан, Абхай фикрларини бир жойга тўплаб олишга ҳаракат қиларди, аммо бу киши аллақачон уларга тарғиботчи бўлишни ва бутун жаҳон бўйлаб саёҳат қилишни буюраётган эди!

Унинг гаплари Абхайда жуда катта таассурот қолдирди, лекин у ўзининг аввалги “соғлом фикри”дан дарров воз кечишни истамасди. Садхунинг гапларини эшитиб, Абхайда бир неча савол пайдо бўлди. Абхай ўзининг кийими билан Гандининг озодлик ҳаракати тарафдори эканини кўрсатиб турарди, шу боис унда садхунинг гапларига эътиroz билдириш истаги пайдо бўлди. Шунга қарамай Абхай Шрила Бхактисиддхантанинг тўлиқ ишонч билан гапираётган гапларини тинглаб ўтиради, у бу садхуни тобора ёқтира бошлаганини ҳис қиларди. У Бхактисиддханта Сарасватини Чайтаня Махапрабхудан бошка ҳеч нарса қизиқтирмаслигини кўриб турарди, унинг улуғворлиги ҳам айнан шунда эди. Айнан шунинг учун ҳам одамлар ўзидан ўзи унга интилардилар: айнан шунинг учун ҳам Абхай уни ёқтириб қолган, унинг гапларидан тобора илҳомланаётган ва унинг садоқати олдида мағлуб бўлган эди. Абхай унинг гапларини тинмасдан тинглашда давом этишни истарди. Лекин, у ҳақиқатни топиб олиш учун у билан ўзида пайдо бўлган саволлар бўйича баҳслashiшни ўзининг бурчи деб биларди. Улар учрашган биринчи дақиқаларда Бхактисиддханта Сарасватининг уларга айтган гаплари бўйича баҳс-мунозара қилиш истаги Абхайга тинчлик бермасди. “Хиндистон – мустамлака давлат, - деди Абхай, - Шундай экан, ким ҳам сизнинг Чайтаня Махапрабху таълимоти ҳақидаги гапларингизни тингларди? Биз биринчи навбатда мустакилликка эришишимиз лозим. Биз ўзимиз Британия ҳукми остида бўлган ҳолда, қандай қилиб хинд маданиятини бошка давлатларга тарғибот қила оламиз?” Абхай ўзининг саволини садхунинг гапларини инкор этиш учун ёки

мағуррлик билан эмас, балки чин юракдан самимий берганди. Шрила Бхактисиддханинг бирор ҳаракатида унинг жиддий эмаслиги сезилмасди, шу боис дўстларига садхунинг бу таклифи ҳақиқатан ҳам жуда жиддий эканини кўрсатиш учун Абхай ундан албатта Ҳиндистон мустамлака остида турган пайтда одамларга бу гапларни қандай таклиф қилиш мумкинлигини сўрашни ўз бурчи деб биларди. Шрила Бхактисиддханта унинг саволига секин, лекин чуқур юракдан чикаётган овозда жавоб бериб айтдики, Кришнани англаш учун то Ҳиндистон сиёсатида қандайдир ўзгариш бўлишини кутиб туришнинг кераги йўқ, Кришна онги билан яашаш мамлакатда ким ҳукмронлик қилаётганига ҳам боғлиқ эмас. **Кришнани англаб этиш ҳар бир инсон учун шунчалик муҳимки, ҳеч ким бирор баҳона билан буни ортга сурмаслиги керак.**

Абхай унинг дадиллигидан ҳайратга тушди. Қандай қилиб у бундай гапларни шунчалик ишонч билан айтяпти? Ультаданга кўчасидаги мана шу кичкина уйдагилардан бошқа бутун Ҳиндистон халқи ҳозир умуман бошқа нарса ҳакида ўйларди, ҳар қандай одам Абхайнинг эътиroz гапларини тасдиқлаган бўларди. Бенгалиянинг кўплаб обрўли раҳбарлари, кўплаб садхулар, зиёли ва тақводор одамлар, ҳатто Гандининг ўзи ҳам – садхунинг таклифларининг муҳимлигини инкор этиб, худди Абхай берган саволни берган бўлардилар. Лекин бу садхунинг ўзининг ўзгармас ва қатъий шахсий фикри бор эди, бошқа бирорларнинг фикри уни мутлако қизиқтирасди.

Шрила Бхактисиддханта давом этди: “У ҳукуматми, бу ҳукуматми – ҳаммаси ўткинчи, вақтинчалик нарсалар; лекин мангу ўзгармас ҳақиқат – Кришна онги билан яашаш, ҳақиқий “мен” – мангу рух. Шунинг учун инсонлар яратган бирор сиёсий тузум инсониятга ёрдам беришга қодир эмас. Муқаддас китобларнинг ва устозлар силсиласининг фикри шундай. Ҳар бир инсон – Худонинг мангу хизматкори, лекин у ўзини мана шу вақтинчалик тана деб, ўз миллатини – сигиниш лозим бўлган табаррук зот деб ҳисоблай бошлаганида алданиш(майя) чангалига тушиб қолади. Йўлбошлилар ва ҳар хил сиёсий ҳаракатларнинг издошлари, шу жумладан свараж тарафдорлари ҳам, шунчаки ана шу алданишни ривожлантириб юрган одамлардир. Ҳақиқий яхшилик, ҳақиқий инсонпарварлик фаолияти, - у бирор шахсга қаратилганми, ёки ижтимоий, сиёсий поғонадами, - ҳар бир инсоннинг келгуси ҳаётига тайёрланишига ҳамда Парвардигор билан ўзининг мангу муносабатларини қайта тиклаб олишига ёрдам беришга қаратилган бўлиши керак”.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати бу гояларни аввал ҳам ўзининг асарларида жуда кўп таъкидлаган эди: “*Инсониятга яхшилик қилишида Чаштанйа Махапрабоҳу ва Унинг содиқларидан устун*

*турадиган зотлар ҳеч қачон бўлган эмас ва ҳеч қачон бўлмайди. Инсониятга бошқаларнинг тақлиф қилаётган яхшиликлари – шунчаки алдов; аслида улар инсониятга фойда эмас, кўпроқ зарар етказади. Чаштанийа Махапрабху ва Унинг издошлиари эса, инсониятга ҳақиқий, мангу ва буюк саодат келтирадилар, бунда улар қайсиидир бир халққа бошқа бир халқ ҳисобидан эмас, балки бутун инсониятга бирдай буюк баҳт келтирадилар. Чаштанийа Махапрабхунинг барча жисваларга кўрсатган меҳрибонлиги уларни барча истакларидан, барча нокулайликларидан ва барча баҳтсизликлардан биратўла ва бутунлай халос этади. Унинг бу марҳаматидан ҳеч қандай зулм келиб чиқмайди, ундан баҳраманд бўлган жисвалар бу дунёда ҳукмрон бўлган зулмнинг чангалига тушиб қолмайдилар”.*

Абхай садхунинг келтирган далилларини дикқат билан тинглаб ўтирас экан, бир бенгал шоирининг гапларини эслади, у айтган эдики, Ҳиндистондан фарқли равишда, ҳатто Хитой Япония сингари давлатлар ҳам сиёсий жиҳатдан мустақиллар. Абхай биринчи навбатда Ҳиндистоннинг мустақилликка эришиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатадиган миллатчилик фалсафасини яхши биларди. Бегуноҳ фуқароларни Британия ҳукумати қийнаб, уларга зулм ўтказиб юргани яққол қўриниб турган ҳақиқат эди, демак, мустақиллик одамларга яхшилик олиб келиши керак. Руҳий фаолият – факат Ҳиндистон мустақилликка эришгандан кейингина одамлар шуғуллана олиши мумкин бўлган ноёб бойлик. Ҳозирги даврда миллий озодлик ҳаракати ягона долзарб руҳий фаолиятдир. Аслини олганда ана шу умумхалқ ҳаракатнинг ўзи Худо бўлиб қолган эди.

Лекин, Абхай барибир вайшнав бўлиб тарбияланган эди, шу боис у Шрила Бхактисиддханданинг галарини муносиб баҳолай олди. Абхай Шрила Бхактисиддханда ўзи аввал жуда кўп кўрган шубҳали садхулардан бири эмаслигини дарров пайқаган эди: Абхай унинг гапларида Ҳақиқат акс этиб турганини кўрди. Бу садху ўзи гапираётган фалсафани ўзи тўқиб чиқарган эмас, у мағрурланмасди, гарчи у ўзининг тарғиботи билан бошқа фалсафаларнинг ҳаммасини чилпарчин қилиб ташлаган бўлса ҳам, ҳеч ким билан жанжаллашмасди. У буюк донишмандларнинг ва Ведавий муқаддас китобларнинг мангу таълимоти ҳақида гапиради, Абхайга унинг гаплари жуда ёқиб қолганди. Шрила Бхактисиддханта баъзан инглиз тилида, баъзан бенгал тилида гапирад, вакти-вақти билан санскрит тилида "Бҳагавад-гита"дан мисоллар келтиради. У Парвардигор Кришнани Ведалар илмининг ҳақиқий ва улуғвор манбаи деб атади. "Бҳагавад-гита"да Парвардигор Кришна айтганки, инсон барча диний вазифаларини тарк этиб, ўзини бутунлай Унга, Худонинг Олий

Шахсиға топшириши керак(сарва дхарман паритяджна...). Бу "Шримад Құагаватам"да ҳам тасдиқланади: дхарман проджхита-кайтаво тра парамо нирматсаранам сатам: Диннинг бошқа барча турлари нопок, улардан воз кечиш керак. Фақат құагават-дхармага амал қилиш лозим – **ҳар қандай ишни фақат Парвардигорни (рози)мамнун қилиш учун бажариш керак**. Шрила Бхактисиддхантанинг тарғиботи шунчалик асосли әдики, мұқаддас китобларни тан оладиган ҳар қандай киши унинг хулосаларини инкор етә олмасди.

Бхактисиддхантанинг гапларига кўра, ҳозирги даврдаги одамлар Худони унугиб, иймонсиз бўлиб кетганлар, улар Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳар қандай муаммони, ҳатто сиёсий муаммоларни ҳам, ҳал қилишига ишонмайдилар. У рух ҳақида илмга эга бўлмай туриб одамларга ҳукмронлик қилишга интилиб юрган ҳар қандай кишини қаттиқ таңқид остига оларди. У ҳатто ўша пайтда ҳукмронлик қилиб турган бир неча кишининг номларини тилга олиб, уларнинг йўл қўйган ҳатоларини қўрсатиб беди. Бхактисиддханта ҳозирги даврда одамларга мангубар мангу рух ҳақида, унинг Парвардигор билан ўзаро мангубар муносабатлари, ҳамда бутун инсоният учун энг буюк яхшилик ва саодат бўлган Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги илмни ўргатиш энг долзарб муаммо эканини алоҳида таъкидлаб айтарди.

Абхай Парвардигор Кришнага сажда қилиб сигинишни ва Унинг "Бҳагавад-гита"да берган насиҳатларини ҳеч қачон эсидан чиқармасди. Унинг оиласидагилар ҳамиша Парвардигор Чайтаня Махапрабхуга сигинарди, Бхактисиддханта ўзининг бутун ҳаётини Чайтаня Махапрабхунинг ишини давом эттириб, Унинг эзгу ниятини амалга оширишга бағишилаган эди. Гаудия Матх аъзолари сингари Абхай ҳам бутун умри давомида Парвардигор Кришнага сигиниб келар ва ҳеч қачон Уни эсидан чиқармас эди. Лекин ҳозир, бундай ажойиб тарғиботчининг гапларини тинглаб туриб, Абхай ҳайратга тушганди. У авваллари ҳам, коллеждаги ўқиши, оила ташвишлари, озодлик харакатидаги ишлари бўлишига қарамасдан, ҳеч қачон Кришнани эсдан чиқармасди, лекин ҳозир, Бхактисиддханта унинг қалбida бошланғич Кришна онгини алангана олдириб юборган эди. Руҳий устозининг ана шу гаплари таъсири остида Абхай энди шунчаки Парвардигор Кришнани эслаб юрмасдан, энди унинг Кришнани англаб етиши минг, миллион марта кучайганини сезди. Унинг болалигига кўзга кўринмаган, Жаганнатха Пурига борганида жуда хира сезилган, коллеждаги ўқиши ташвишлари чалғитиб юришига қарамай, Абхайнинг отаси унинг қалбida авайлаб асраб келаётган нозик садоқат туйғуси ҳозир, Бхактисиддхантанинг гапларидан кейин

Абхайнинг қалбида кучли акс садо бўлиб отилиб чиқаётган эди, Абхай сўзлар билан ифодалаш қийин бўлган ана шу туйгуни қалбида бир умр сақлаб қолиши истарди. У бу баҳса мағлуб бўлганини тушунди, лекин бу мағлубият унга лаззат бағишларди. У аввал ҳеч қачон ҳеч кимдан мағлуб бўлмаганини эслади. Аммо бу мағлубият йўқотиш эмасди. Аксинча, унинг учун бу – жуда катта ютуқ эди.

Шрила Прабхупада: *Мен вайшнавлар оиласида тугулган эдим, шунинг учун унинг гапларини муносиб баҳолашга қодир эдим. Албатта, у бу гапларни ҳаммага мўлжсаллаб айтганди, лекин унинг гаплари менинг қалбимда алоҳида акс садо берган эди. Мени унинг келтирган далиллари ва тарғибот қилиши усули ҳайратга солган эди. Men шунчаки ҳайратдан лол бўлиб қолган эдим. Men шуни тушундимки, бошқаларга ҳақиқий диннинг мазмун-моҳиятини айнан мана шу инсон тушунтириб бера олади.*

Кеч кириб қолган эди. Абхай ва Нарен садху билан икки соатча сухбатлашиб ўтирилар. Браҳмачарилардан биттаси уларнинг қўлига бир парча прasad берди, улар ўринларидан туриб, миннатдорчилик билдириб, кетишга руҳсат сўрадилар.

Улар зинадан пастга тушиб, кўчага чиқдилар. Қоронғу тушган эди. Ҳар ер ҳар ерда чироқ ёниб турарди, баъзи магазинлар ҳали очик эди. Абхай хозиргина эшитган гапларини мамнуният билан ҳар томонлама таҳлил қиласди. Шрила Бхактисиддхантанинг миллий мустақиллик ҳаракати – ўткинчи ва номукаммал восита дегани унга жуда кучли таъсир қилди. Энди у ўзини миллатчидан кўпроқ Шрила Бхактисиддхантанинг издошидай ҳис қиласди. Шунингдек у агар уйланмаган бўлсан яхши бўларди, деб ўйлаб кўйди. Бу буюк садху ундан тарғибот қилишни илтимос қилди. Абхай шу заҳотиёқ унга кўшилишга тайёр эди, аммо оиласи киши бўлгани учун оиласини ташлаб кетиш унинг учун оқлаб бўлмайдиган гуноҳ эди.

Улар ашрамдан анча узоқлашганларидан кейин Нарен дўстига қараб: “Хўш, Абхай, бу садху сенда кандай таассурот қолдирди? Сен у ҳақда нима деб ўйлайсан?”

“У – гаройиб инсон! – деди Абхай, - Парвардигор Чайтаня Махапрабхунинг таълимоти ишончли қўлларда экан”.

Шрила Прабхупада: *Мен уни шу заҳотиёқ ўзимнинг руҳий устозим деб қабул қилдим. Расмий равишда эмас, ўзимнинг қалбимда. Men ниҳоят ажойиб авлиё зотни учратдим деб ўйладим.*

Шрила Бхактисиддханта билан биринчи марта учрашгандан кейин Абхай Гаудия Матхдаги содиклар билан тез-тез учрашиб

турадиган бўлди. Улар Абхайга ҳар хил китоблар берар, руҳий устозининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида гапириб берардилар.

Шрила Бхактисиддханта Парвардигор Чайтанья Махапрабхудан бошланадиган руҳий устозлар силсиласида турган вайшнавларнинг буюк устози Бхактивинода Тхакурнинг ўн фарзандидан биттаси эди. Бхактивинода бу дунёга келгунга қадар Чайтанья Махапрабхунинг таълимоти ўзбилармон устозлар ва ҳар хил оқимлар томонидан жуда кучли ўзгартириб юборилган эди, улар ўзларининг Парвардигор Чайтанья Махапрабхунинг издошлиаримиз деб юриб, аслида Унинг пок таълимидан жуда четга чиқиб кетган эдилар. Вайшнавизмнинг пок номи жуда қаттиқ булғанган эди. Одамлар ўзини вайшнав деб юрган ана шундай одамлардан нафратланар, вайшнав бўлишни ўзлари учун ор деб билардилар. Лекин, Бхактивинода ўзининг ёзган китоблари ва юқори мартабали амалдор сифатида ўзининг жамиятда эгаллаб турган ўрни билан вайшнавизмнинг обрўсини қайта тиклади. Бахктивинода, Чайтанья Махапрабхунинг таълимоти энг олий даражадаги теизм(Худо ҳақидаги илм) бўлган ҳолда, танлаб олинган бирор дин ёки миллат учун эмас, балки бутун жаҳондаги одамлар учун, бутун инсоният учун мўлжалланган эканини исботлаб берди. У Парвардигор Чайтанья Махапрабхунинг таълимоти бутун жаҳонга тарқалишини башорат қилиб кетди ва ўзи ҳам шу йўлда самарали меҳнат қилди.

Чайтанья Махапрабху тарғибот қилган таълимот ҳаммабоп илм бўлиб, бутун инсоният учун мўлжалланган. Келажакда бутун жаҳонни бирлаштирадиган умумий диннинг қоидаси бўлган киртан(Худонинг муқаддас номларини биргалиқда куйлаш) қайси миллат ва қайси табақага мисублигидан қатъий назар, барча одамларни руҳий жиҳатдан тарбиялаш ва онгини руҳий погонага кўтариш учун мўлжалланган. Вақти келиб мана шу дин барча диний оқимларнинг, ҳозирги даврда бегоналарни киритмайдиган барча черков, масжид, эҳромларнинг ўрнини эгаллади.

Чайтанья Махапрабху факат бир ҳовуч ҳиндуларни руҳий озодликка чиқариш учун келгани йўқ. Аксинча, Унинг бу дунёга келишдан асосий мақсади бутун Коинотдаги барча давлатлардаги барча тирик мавжудотларни озодликка чиқариш ва Мангу Дин қонунларини тарғибот қилишдан иборат эди.

Парвардигор Чайтанъя “Чайтанъя Бхагавата”да шундай дейди: “Менинг муқаддас номимни жаҳоннинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида шарафлаб куйладилар”. Унинг бу башорати албатта рӯёбга чиқишига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Гарчи ҳали Ер юзида вайшнавларнинг соғ жамияти бўлмаса ҳам, ишончим комилки, орадан сал вакт ўтмасдан Парвардигор Чайтанъянинг бу башорати албатта

рўёбга чиқади. Нимага амалга ошмас экан? Аввалига ҳеч нарса соғ ҳолда бўлмайди. Гарчи аввалига ҳаммаси комил даражада бўлмаса ҳам, поклик барибир келади. “Эҳ, шу кунлар қачон келар экан? Қачон руслар, немислар ва америкаликлар қўлларига байроқлар, мриданга ва караталалар олиб, ўзлари яшаётган шаҳарларнинг кўчаларини тўлдирганча қалби баҳт ва шодликка тўлиб киртана куйлай бошлар эканлар? Ана шундай кунлар қачон келар экан?”

Шрила Бхактивинода Тхакур ҳукумат таркибида олий суд лавозимини эгаллаб турарди. Шунингдек у Жаганнатха эхромининг бошқарувчиси, айни пайтда ўн фарзанднинг отаси эди. Шунча банд бўлишига қарамасдан, у Парвардигор Кришнанинг нияти амалга ошиши устида чарчамасдан меҳнат қилди. Кечқурун, ишдан келгандан кейин, у овқатланиб бўлгандан кейин соат саккизларда дам олгани ётарди. Ярим кечада уйқудан туриб, то тонг отгунча китоблар ёзарди. У бутун умри давомида юздан ортиқ китоб ёзи, бу китоблардан кўплари инглиз тилида эди. У Жаганнатха дас Бабаджи ва Гаурақишора дас Бабаджи билан биргаликда Майяпурда, Калькуттадан олтмиш чақирим узокда Парвардигор Чайтанъянинг дунёга келган жойини аниқлади.

Ҳиндистонда гаудия вайшнавизмнинг реформа қилиш устида иш олиб борар экан, у Парвардигор Чайтанъяга шундай илтижо киларди: “Сенинг таълимотинг жуда кучли даражада оёқости қилинапти. Унинг қадрини қайта тиклашга менинг кучим етмаяпти”. У Худодан ўзига ёрдам беришга ва ўзининг ишини давом эттиришга қодир бўлган ўғил тиларди. Жаганнатха Пурида 1874 йил 6-февралда Шрила Бхактивинода Тхакурнинг оиласида Шрила Бхактисиддханта Сарасвати дунёга келганида, барча вайшнавлар бу фарзандни Парвардигор унинг отасининг қилган илтижоларига жавоб сифатида юборди деб башорат қилдилар. Бу бола онасидан туғилганида унинг киндиги худди браҳманлар зуннорига ўхшаб бўйни билан кўксини ўраб олган эди. Ота-онаси фарзандига Бимал Прасад деб исм қўйдилар.

Бимал Прасад олти ойлик бўлганида Ратха-ятрада байрамидаги Жаганнатханинг араваси Шрила Бхактивинода Тхакурнинг дарвозаси олдига келганда тўхтаб қолди. Уч кун давомида ҳеч ким аравани ўрнидан қўзгата олмади. Шрила Бхактивинода Тхакурнинг хотини олти ойлик боласини олиб, араванинг устига чиқди ва Жаганнатха Илоҳининг олдига борди. Чакалоқ ўзидан ўзи жажжи қўлларини узатиб, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ушлади, шу пайт бирдан Парвардигорнинг бўйнига осилган гулчамбар узилиб, боланинг устига тушди. Парвардигорнинг гулчамбари ўғлининг устига тушганини эшитган Шрила Бхактивинода Тхакур, нихоят

Парвардигор унинг илтижоларини инобатга олиб унга муносиб фарзанд берганига ишонч ҳосил қилди.

Бир куни, ҳали Бимал Прасад тўрт ёшлик пайтида, отаси унга ҳали Парвардигор Кришнага таклиф қилинмаган мангони олиб егани учун танбеҳ берди. Гарчи Бимал ҳали ёш бола бўлишига қарамасдан Худони ҳақорат қилиб кўйдим деб ҳисоблади ва энди ҳеч қачон манго емасликка қасам ичди. У ўзининг ана шу касамига бир умр содик қолди. Етти ёшга тўлганида Бимал Прасад бутун "Бҳагавад-гита"ни ёддан билар, ҳатто баъзи шеърларни изоҳлаб бера оларди. Ўша пайтларда вайшнавларнинг "Саджджана-тошани" деган журналини нашр қилиб юрган Шрила Бхактивинода Тхакур ўғлини мусаххиҳлик ва журнал чоп этиш ишларига ўргатди. Отаси билан бирга Бимал жуда кўп зиёратгоҳларга борди, билимдон пандитларнинг суҳбатини тинглади. Талабалик йилларида Бимал Прасад дарсликлар ўрнига отаси ёзган китобларни ўқиши ёқтиради. Йигирма беш ёшида у санскрит тили, математика ва астрономияни мукаммал биларди. У журналга жуда кўп мақолалар ва битта китоб ёзди. Суръя-сиддханта деб аталадиган ўша китоби учун унинг билимдонлигини тан олган вайшнавлар унга Сиддханта Сарасвати унвонини бердилар. У йигирма олти ёшга тўлганида отаси ундан таркидунё қилиб яшаб юрган авлиё вайшнав Гауракишора дас Бабаджидан фотиха олишни илтимос қилди. Руҳий устози унга "бошқа ишларнинг ҳаммасини тарқ этиб, одамларга Мутлақ Ҳақиқат илмини тарғибот қилиш"ни маслаҳат берди. Гауракишора дас Бабаджининг дуои-фотиҳасини олган (энди Сиддханта Сарасвати бўлган) Бимал Прасад ўзининг қолган умрида танаси, ақли ва тилини Парвардигор Кришнага хизмат қилишга бағишилашга қарор қилди.

1905 йилда Сиддханта Сарасвати Ҳаре Кришна мантрасини бир миллиард марта тақрорлашга қасам ичди. Маяпурда, Парвардигор Чайтанья туғилган жой яқинида, сомондан қилинган чайла ичиди ўтириб, у кечаю-кундуз Ҳаре Кришна мантрасини тақрорларди. У кунига бир марта лой кўзачада гуруч тайёрлар бошқа ҳеч нарса емасди. У тақир ерда ухлар, томидан ёмғир ўтиб кетган пайтларда соябон остида ўтириб мантра зикр қилишда давом этарди.

1911 йилда, отаси қаттиқ касалга чалинганида, Сиддханта Сарасвати соҳта-вайшнавларнинг инсон Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиши учун браҳманлар табақасида дунёга келиши керак деган соҳта қонунларига қаршилик билдириб, уларни баҳсга чақириди. Соҳта браҳманлар Шрила Бхактивиноданинг муқаддас китоблардан ҳар қандай инсон қаерда туғилганидан катъий назар браҳман ва вайшнав бўла олишини исботлайдиган кўплаб далиллар келтирганидан қаттиқ норози эдилар. Вайшнавларнинг

рухий юксалиш даражаси, рухий мартабаси (браҳман оиласида туғилган) сохта браҳманлардан паст туришини исботлаш учун улар Бхактивинодани очиқ мунозарага чакирган эдилар. Ўзининг бемор отасининг номидан ёш Сиддханта Сарасвати “Барҳманлар билан вайшнавларнинг бир биридан фарқи” деган мақола ёзиб, уни отасига ўқиб берди. Қаттиқ касал бўлишига қарамасдан отаси смарта браҳманларнинг гапларини чилпарчин қиладиган далилларни тинглаб жуда хурсанд бўлди.

Шундан сўнг Сиддханта Сарасвати Миднапор шахрига йўл олди, бу ерга уч кун давомида ўзаро мунозара қилиш учун бутун Ҳиндистондан пандитлар тўпланган эди. Биринчи бўлиб сўзга чиқсан баъзи бир смарта браҳманлар айтдиларки, шудралар оиласидан чиқсан киши ҳатто рухий устоздан фотиҳа олгандан кейин ҳам покланишга, браҳманларнинг вазифаларини бажаришга, Илоҳларга сифинишга ёки шогирд қабул қилишга ҳақли бўйлмайди. Ниҳоят Сиддханта Сарасватига сўз бердилар. Аввалига у ведавий муқаддас китоблардан браҳманларни олқишилайдиган бир неча матнларни мисол келтириди, унинг бу гаплари смарта браҳманлар лаззатланиб тингладилар. Аммо, у инсонни браҳман деб ҳисоблаш учун у қандай фазилатларга эга бўлиши лозимлигини муҳокама қилишга ўтганда; у вайшнавларнинг фазилатлари ҳақида гапира бошлаганида, браҳман билан вайшнав тушунчалари бир бирига қандай боғлангани ҳақида, ведавий муқаддас китобларга асосан ким рухий устоз бўлишга ва шогирдлар қабул қилишга ҳақли экани ҳақида гапира бошлаганида, вайшнавлардан нафратланадиган смарта браҳманларнинг аввалги хурсандлигидан асар ҳам қолмади. Сиддханта Сарасвати муқаддас китоблардан инкор этиб бўймайдиган далиллар келтириб, айтдики, агар инсон шудра бўлиб туғилган бўлса-ю, лекин браҳман фазилатларига эга бўлса, келиб-чиқишидан қатъий назар уни браҳман деб ҳисоблаш лозим. Айни пайтда, инсон браҳман оиласида туғилган бўлса-ю, лекин, ўзини худди шудралардай тутса, у браҳман эмас. Сиддханта Сарасвати ўзининг нутқини тугатганида, мажлисда иштирок этаётган минглаб пандитларнинг олқишилари остида мажлис раиси уни муборакбод этди. Бу Ҳиндистонда вайшнавларнинг эришган ғалабаси эди.

1814 йилда отаси, 1815 йилда рухий устози бу дунёни тарк этгандан кейин Сиддханта Сарасвати Парвардигор Чайтанъянинг ишини давом эттириди. У “Саджджана-тошани” журналини нашр қилишни қайта тиклади, Кришнанагара шаҳрида Бхагават Пресс типографиясига асос солди. Кейин, 1818 йилда Маяпурда у Гауракишора дас Бабаджининг сурати олдида ўтириб, саннийаси турмуш тарзига фотиҳа олди. Фотиҳадан кейин унинг номи Бхактисиддханта Сарасвати Госвами Махараж бўлди. Шрила

Бхактисиддханта Сарасвати учун Кришнани англаш таълимотини оммавий равишда тарғибот килиш учун энг муҳим восита китоб чиқарадиган босмахона эди. У босмахонани бриҳад-мриданга – катта мриданга деб атарди. Анъанага кўра, вайшнавлар ҳали Парвардигор Чайтанья давридан бери киртан пайтида мридангадан фойдаланардилар. Гарчи Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг киртана гурухларига раҳбарлик қилган ва Худонинг содикларидан таркиб топган гурухларни мриданга жўрлигида кўчаларда киртан айтиш учун жўнатган бўлса ҳам, бундай киртсанларнинг овози бир икки квартал атрофида эштиларди. Аммо, бриҳад-мриданганинг овози, босмахона мридангасининг овози Парвардигор Чайтанъянинг хабарини бутун дунё бўйлаб тарқатишга қодир эди.

Абхай ўқийдиган китобларнинг деярли барчаси Шрила Бхактисиддханта Сарасвати 1915 йилда асос солган Бхагавата Пресс босмахонасида чоп этилган эди. Бу босмахона Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг изоҳлари билан "Чайтанья Чаритамрита"ни, Вишванатха Чакравартининг изоҳлари билан "Бхагавад-гита"ни ва бирин кетин Шрила Бхактивинода Тхакурнинг асарларини босмадан чиқара бошлиди. Бу китоблар бу дунёга қарийб беш юз йил муқаддам ташриф буюрган Парвардигор Чайтанья Махапрабхунинг инсониятга қолдириб кетган мероси эди.

Абхай ёшлигиданоқ Парвардигор Чайтанъянинг содик хизматкори эди, шу боис у Парвардигор Чайтанъянинг "Чайтанья Чаритамrita" ва "Чайтанъя-бхагавата"да баён этилган биографиясини яхши биларди. У билардики, Чайтанья Махапрабху лаззат оғушига гарқ бўлган, Худонинг муқаддас номларини бутун Ҳиндистон бўйлаб тарқатган асл содик намунасини кўрсатиб қолмасдан, У Ўзини Радха ва Кришнанинг бирлашган киёфасида намоён этиб турган Парвардигор Кришнанинг Ўзи эди. Энди эса, Абхай, Парвардигорнинг яқин ҳамроҳлари ва издошлари ёзиб қолдирган буюк бадиий жавоҳирни учратиб турган эди, буюк содиклар ана шу нодир жавоҳирни яна ҳам бойитиб, устоз ва шогирдлар силсиласи орқали авлоддан авлодга етказиб берәётган эдилар. Парвардигор Чайтанъянинг энг яқин ҳамроҳлари – Шрила Рупа Госвами, Шрила Санатана Госвами, Шрила Жива Госвами ва бошқалар Ведалар асосида жуда кўп асарлар ёзганлар ва Парвардигор Чайтанъянинг таълимотида ведавий донишмандлик илмининг мазмуни акс этганини исботлаб берганлар. Бу китобларнинг кўплари ҳали нашр қилинмаган эди, шу боис, бутун инсониятнинг баҳт-саодати учун ҳамма жойда бриҳад-мриданга овози баралла янграши учун Шрила Бхактисиддханта Сарасвати кўплаб нашриётлар, бомаҳоналар очишга қатъий карор қилган эди.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Парвардигор Чайтанья таълимотининг энг асосий ғоясини тарғибот қиласади: Парвардигор Кришна –Худонинг Олий Шахси, Унинг муқаддас номини зикр қилиш – барча диний амалларнинг гултожи. Бошқа даврларда одамлар бошқа йўллар билан Худога эришганлар, лекин ҳозирги Кали юга даврида фақат Худонинг муқаддас номларини зикр қилишгина ҳақиқий натижа келтиради. “Брихад нарадия пурана” ва “Упанишада”лар сингари ишончли муқаддас китобларга асосланиб, Шрила Бхактивинода Тхакур исботлаб бердики, Худога элтувчи ана шу ягона йўл маҳамантра хисобланади: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Парвардигор Кришнанинг йўзи “Бҳагавад-гита”да тасдиқлайдики, Худога садоқат билан хизмат қилиш – Худога эришишнинг ягона йўлидир. “Бошқа амалларнинг ҳаммасини тарк эт ва ўзингни бутунлай менга топшири. Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос этаман. Ҳеч нарсадан кўркма”.

Абхай бу шеърларни ҳам, Худонинг муқаддас номларини зикр қилишни ҳам, “Бҳагавад-гита”нинг якуний хулосасини ҳам биларди. Лекин ҳозир, буюк устозларнинг асарларини ўқир экан, у Парвардигор Чайтанъянинг кенг кўламли ниятларини янгидан бошқача погонада тушуниб етди. Унинг кўз олдида вайшнавлар маданияти меросининг тенгсиз чуқурлиги намоён бўлди, шунда у бу мерос ҳозирги баҳтиқаро даврда ташвиш ва мусибатлар гирдобига маҳкум бўлган дамларга қанчалик буюк баҳт келтиришини яққол кўриб турарди.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати тез-тез саёҳатга чиқиб турарди, Абхай эса оила ва бизнес ташвишлари билан банд эди, шунинг учун у Шрила Бхактисиддханта Сарасвати билан қайта учраша олмади. Лекин барибири, биринчи марта учрашувдан кейин Абхай Шрила Бхактисиддханта Сарасватини ўзининг руҳий устози деб хисоблай бошлади. У ҳамиша руҳий устози ҳақида ўйлаб юрарди: “Мен шундай ажойиб садхуни учратдим”. Абхай иложи борича тез-тез Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг шогирдлари, Гаудия Матх аъзолари билан учрашиб турди.

Гандининг озодлик ҳаракати эса, унинг издошлари хатога йўл қўйиб, иш ташлаш пайтида куч ишлатиб, зўравонлик қилганларидан кейин сусайиб кетди. Инглизлар бундай имкониятдан фойдаланиб, Гандини жавобгарликка тортиб, уни олти йилга қамоққа ташладилар. Гарчи унинг издошлари ҳали ҳам унга қаттиқ ишонсалар ҳам, милий озодлик ҳаракати ўзининг аввалги кучини йўқотган эди. Буларсиз ҳам Абхай мустакиллик ҳаракатига аввалгидай қизиқмай қўйган эди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати миллий озодлик ҳаракати

Хиндистон учун биринчи даражада мухим иш эмаслигини исботлаб берган эди. У Абхайнинг қалбида азалдан мавжуд бўлган бошлангич Кришна онгини уйғотган эди, шу боис, Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг қилаётган ишлари унинг ҳаётида биринчи ўринда бўлиши кераклигига Абхайнинг ишончи комил эди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати унга ўзининг ҳаётини Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилишга бағишлишни таклиф этган дақиқалардан бошлаб, у унинг шогирдларидан бири сифатида Гаудия Матхга қўшилишга интилиб юрарди. Лекин энди, сиёсий дунёқараашлар унга халақит бермай қўйганида, унинг олдида бошқа бир муаммо – оиласиб бурчи пайдо бўлганди. Аввал у: “Аввал мустақил халқ бўлиб олайлик, кейин тарғибот қилишга киришиш мумкин” – деб ўйларди. Энди у бошқача ўйларди: “Мен ўзимни бошқалар сингари бутунлай тарғибот қилишга бағишлий олмайман. Менинг оиласи олдида бурчим бор”.

Оиласи эса, тобора каттайиб борарди. 1921 йилда Абхайнинг биринчи ўғил фарзанди дунёга келди. Келажакда яна бир фарзанд туғилишини кутиб юрарди, бу эса кўпроқ даромад топишини талаб қиласди, бунинг учун эса, ўз навбатида пул ишлаб топишига кўпроқ вақт ва куч сарфлаш лозим эди. Буларнинг ҳаммаси Абхайнинг Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг ҳаракатига қўшилишига тўскинилик қилиб турарди. Ҳиндалар маданиятида оиласи жуда катта аҳамият берадилар, ажралиб кетиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳатто қаттиқ қийналган пайтларда ҳам эркак киши ҳеч қаҷон хотини ва болаларини ташлаб кетмайди. Гарчи Абхай саннийаси бўлиб Гауда Матх аъзоси бўлолмаганидан қаттиқ афсусланиб юрса ҳам, у ҳеч қаҷон оиласини ташлаб кетиш ҳақида жиддий ўйламасди. Ўғлининг вайшнав-гуру билан учрашганини эшитиб, Гоур Моҳан хурсанд бўлди, лекин у Абхайнинг оиласиб бурчини инкор этиб, тарқидунё қилишини истамасди. Вайшнав оиласи билан ўзининг уйида руҳий фаолият кўрсатиб яшаши ва айни пайтда тарғибот ишлари билан фаол шуғулланиши мумкин. Абхай оиласи киши сифатида Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг ҳаракатида иштирок этиш имконини топиши лозим эди.

Абхай ўйлардики, агар у бадавлат савдогар бўлса, ўзининг оиласини ҳам таъминлайди, Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг ҳаракатига ҳам Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилишда моддий ёрдам бериб тура олади. Астролог Абхайга Хиндистоннинг энг бадавлат одамларидан бири бўлишини башорат қилди. Лекин ҳозирча унинг даромадининг ҳаммаси оила эҳтиёжларидан ортмасди. У кўпроқ пул ишлаб топиш учун ўзи мустақил иш бошлашга қарор қилди.

Абхай ўзининг фикрларини доктор Боузга айтди, у худди отасидай унинг гапларини диққат билан тинглади ва унга шимолий Ҳиндистонда унинг вакили бўлишни таклиф қилди. Абхай Боузнинг лабораториясидан дорилар, спирт, тиш пастаси ва бошқа молларни улгуржи баҳода сотиб олиши ва кейин бутун шимолий Ҳиндистон бўйлаб саёҳат қилиб, уларни чакана нархда сотиши мумкин. Боузнинг лабораториясида олган тажрибасига асосланиб Абхайнинг ўзи ҳам дори ишлаб чиқариши ва сотишни йўлга кўйиши мумкин. Улар Абхай ўзининг янга марказини Аллахабадда очса максадга мувофиқ бўлади деган қарорга келдилар.

1923 йилда Абхай хотини ва боласи билан Калькуттадан шимолий-гарб томонга поездда ўн икки соатлик йўл бўлган Аллахабадга кўчиб ўтди. Аввал Аллахабад Бирлашган вилоятлар маркази бўлиб, бу ерда инглизлар жуда кўп катта иморатлар, олий суд ва университет биноларини қурган эдилар. Шаҳарнинг замонавий, йўлларига асфальт ётқизилган кисмида европаликлар ва обрўли хинд оиласлари, шу жумладан Нерулар оиласи яшардилар. Шаҳарнинг эски, тор кўчалардан иборат, шаҳарнинг катта катта магазинларига яқин кисмида эса,ベンガлияликлар яшарди. Абхай оиласи билан шаҳарнинг ана шу кисмида яшашга қарор қилди.

Аллахабаднинг расмий номи Прайаг бўлиб, бу ер шунчаки савдо-сотиқ ишлари учун қулай бўлиб колмасдан, энг машҳур зиёратгоҳлардан бири ҳам эди. Ҳиндистондаги энг муқаддас ҳисобланган уч дарё – Ганга, Ямуна ва Сарасватининг кесишган жойида жойлашган Аллахабад шаҳри Ҳиндистондаги энг катта диний байрамлар ўтказиладиган жой эди: бу ерда ҳар йили Магха-мела байрами, ҳар тўрт йилда бир марта Кумбха-мела байрами ўтказилади. Рухий покланиш максадида бутун Ҳиндистондан келган миллионлаб одамлар ҳар йили январ(Магха) ойида тўлин ой кечаси шу ерга тўпланадилар ва уч муқаддас дарё кесишган жойда сувда чўмиладилар.

Абхай Бадшахи Мунди кўчасидаги 60 уйдан бир неча хонани оиласи учун ижарага олди, савдо-сотиқ қилиш учун эса, шаҳарнинг савдо маркази бўлган Жонстон Ганг Роудда бир магазинни ижарага олиб, шу ерда ўзининг “Прайаг Фармаси” аптекасини очди ва шу ерда Боузнинг фабрикасидан келтирган молларини сота бошлади. Абхай Аллахабадлик врач доктор Гхош билан танишиди, у Абхай билан ҳамкорлик қилиш истагини билдириди. Абхай ундан ўзининг кабинетини “Прайаг Фармаси” ёнига кўчиришини ва беморларни шу ерда қабул қилишни таклиф қилди. Доктор Гхош унинг таклифини қабул қилиб, ўзининг “Тропикал Фармаси” деган магазинини бекитди.

“Праяг Фармаси”да доктор Гхош беморларни қабул қилар, кейин уларга Абхайнинг аптекасида бор бўлган дориларни ёзиб берар эди. Доктор Гхош ўзининг рецептни билан сотилган дорилар қийматининг 25 фоизини олар эди. Абхай билан доктор Гхош дўстлашиб олдилар. Улар бир бириникига оиласи билан меҳмонга борарадилар, улар бири бирининг фарзандларига худди ўз фарзандидек меҳрибонлик қилардилар. Тез-тез улар умумий бизнесни кенгайтириш йўлларини муҳокама қилишарди.

Доктор Гхош: *Абхай иши билармон киши эди. Албатта, бизлар ҳаммамиз тақвадор, иймонли одамлар эдик. Ҳар кимнинг уйида эҳром, меҳроб бўлиб, Илоҳлар ўрнатилган эди. Лекин у, одатда ҳамма вақт савдо-сотиқ, оиласи ҳаражатлар ҳақида гапираварди.*

Абхай уй ичида курта ва дҳоти кийиб юрарди, лекин, савдо ишларининг ривожлантириш учун баъзан у костюм-шим ҳам кийиб оларди. У мўйлов қўйган эди, ўтиз ёшларда у келишган ва шижиоатли йигит эди. Радхарани билан унинг икки фарзанди бор эди, Аллахабадга кўчиб ўтгандан бир йил ўтгандан кейин уларнинг қизи бўлди. Абхайнинг етмиш беш ёшга кирган отаси Гоур Моҳан ҳам Абхайнинг бева қолган синглиси Раджешвари ва ўғли Туласи билан бирга уларникега келган эди. Гоур Моҳан ўзининг бутун вақтини тасбеҳда мантра зикр қилиш ва Парвардигор Кришна Илоҳига, шалаграма шилаларга сифиниш билан ўтказар ва деярли ҳеч қачон уйдан ташқарига чиқмасди. У Абхайнинг ишлари жойида эканидан хурсанд эди, Абхай эса, отаси ўзи билан бирга хотиржам яшаётганидан, унинг Кришнага хизмат қилишига ҳеч ким халақит бермаётганидан хурсанд эди.

Абхай фаол турмуш кечираварди. Унинг келажак режалари катта эди. Эрталаб соат саккизда у аптекага йўл олар, доктор Гхош билан иш бошлаб юборарди. Кун ярмида уйига келар ва яна кечгача аптекага кетарди. Абхай саккиз минг рупийга катта Бьюик машина сотиб олди, ҳеч қачон машина хайдамагани учун уни яхши таксист бўлган жиянига бериб қўйди. Абхай иш билан бирор жойга бормоқчи бўса, жияни уни олиб бориб қўярди.

Тақдир тақозоси билан Абхайнинг аптекасига Мотилал Неру ва унинг ўғли Жаваҳарлал келиб турарди. Жаваҳарлал ҳамиша чет элдан келтирилган дориларга буортма берарди, шу боис у хинд табобатини тан олмаса керак деб ўйларди. Бир куни Жаваҳарлал Абхайдан сиёсий максадларда ишлатиш учун пул эҳсон қилишни илтимос қилди, Абхай виждонли савдогар бўлгани учун унинг илтимосини рад қилмади. Абхай кун бўйи аптекасига кирган танишлари, дўстлари ва мижозлари

билан сухбатлашар, улардан кўп нарсаларни билиб оларди. Бир ҳарбий зобит унга Биринчи жаҳон уруши ҳакида гапириб берарди. Масалан, бир куни Францияда маршал Фош боқиши қийин бўлгани учун минглаб Белгиялик қочоқларни отиб ўлдириб ташлаган. Афғонистон шоҳининг хонадонидан бўлган бир мусулмон ҳар куни ўғлини олиб Абхай билан сухбатлашиб ўтиргани кириб турарди. Абхай мижозлар билан мулоим сухбатлашар, уларни хурмат қиласиди, лекин у қалбининг тўрида барибир тез-тез Шрила Бхактисиддханта Сарасвати билан бўлган учрашувини эслаб турар, унинг ташки кўрининишни, имо-ишораларини ва гапларини хотирасида қайта тиклашга ҳаракат қиласиди.

Кечкурун Абхай уйига, хотини ва болаларининг олдига қайтарди. Радхарани покдомон ва эрига садоқатли аёл эди. У овқат пиширар, уйини озода сақлар, болаларига ғамхўрлик қиласиди. Лекин у эрининг руҳий кечинмаларига шерик бўлишга интилмасди, шунинг учун Абхай унга ўзининг Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ҳакидаги фикр-мулоҳазларини гапириб бера олмасди.

Абхай ўзининг хотини ва икки фарзанди билан, Гоур Мохан, Абхайнинг укаси Кришна Чаран, Абхайнинг синглиси Раджешвари, унинг ўғли Туласи – ҳаммаси биргаликда расмга тушгани бордилар. Расмда Абхай ўттиз ёшларда, корачадан келган, мўйлови қопқора. Унинг пешонаси кенг, кўзлари қора ва беғубор. У оддий курта, дхоти ва қишлоқи сандал кийиб олган. Абхай стулда ўтирибди, оқ сари кийиб олган чиройли хотини унинг ортида тик турибди. Абхай чап кўли билан икки яшар ўғли Пачу(Праяг Раджу)ни ушлаб олган. Абхайнинг орқасида жияни Туласи ва укаси Кришна Чаран турибди. Синглиси Раджешвари тиззасида Абхайнинг қизи Сулакшманани олиб ўтирибди. У расмда

ўнг тарафда ўтирибди. Оила ўртасида Гоур Мохан ўтирибди. Унинг юзи ажинлар билан тўла, танаси йиллар босими остида кексайган. У ҳам оқ дхоти ва курта кийиб олган.

Абхай савдо-сотиқни ривожлантириш учун тез-тез шимолий Ҳиндистон бўйлаб сафарга чикиб турарди. Шу боис у ҳар ҳафтада икки уч кун, баъзан ҳафталаб уйда бўлмасди. Ўша пайтда Ҳиндистонда дори ишлаб чиқариш саноати энди ривожлана бошлаган эди, беморлар, врачлар ва касалхоналар доктор Боузнинг вакили бўлган бу маданиятли ва билимдон йигитдан кўплаб дори-дармон сотиб олардилар. Одатда у поездда юрар, меҳмонхоналарда ётиб қоларди. Саёҳат пайтида у ўзини оила ташвишларидан озод, эркин ҳис қиласиди, лекин унинг бу саёҳатлардан ягона мақсади дориларга берилган буюртмаларни бажариш ва янги буюртмалар олишдан иборат эди. Абхайнинг иши ўзига жуда ёкарди. Абхай поезднинг

одамлар тиқилинч, чиптада ўтириш жойлари күрсатилмайдиган вагонида гавжум одамлар орасида минглаб чакирим йўл босар, вагон ойнасидан сон-саноқсиз қишлоқлар ва далаларни томоша қилиб борарди. Ҳар бир станцияда у чой сотадиган кишиларни учратарди. Улар “Чой! Чой!” – деб вагонда одамлар орасидан ўтиб қоларди. Чой ичишни одамлар инглизлардан ўрганган эдилар. Энди ҳиндлар ҳам ҳар куни эрталаб албатта иссиқ чой ичишни ўзларига одат қилиб олгандилар. Абхай жиддий вайшнав бўлиб ҳеч қачон оғзига чой теккизмаган эди, лекин унинг хотини чойга жуда ўрганиб қолган эди. Гарчи Абхай европалик савдогарларга ўхшаб кийиниб олган бўлса ҳам, у ҳеч қачон ўзининг вайшнавларга хос бўлган одатларини канда қилмасди. Унинг кўпчиликベンгалиялик ватандошлари ҳатто балиқ ейишга ҳам одатланиб қолдилар, лекин Абхай ҳатто меҳмонхоналарда қолган пайтларида ҳам ҳеч қачон вайшнавларга таъқиқланган нарсаларни еган эмасди. Бир куни Бомбейда, Эмпайр Ҳинду деган вегетарианлар меҳмонхонасида унга овқат билан бирга пиёз келтирдилар; баъзан унга кўзиқорин, саримсоқ ёки тухум таклиф қилардилар, лекин у буларнинг бирортасини оғзига олмасди. Саёҳат пайтида ҳам у уйидаги кун тартибига риоя килишга ҳаракат қилиб, эрта билан туриб совуқ сувда ювинарди. У йил бўйи ўзгармас кун тартибига риоя қиласди, ҳатто ҳаво жуда совуқ бўлган Сахаранпурда ҳам шундай қилиб, меҳмонхона эгасини ҳайратга солганди.

Саёҳат давомида Абхай турли одамлар билан сұхбатлашади. Даккада бир врач унга, бир куни уйига кетаётib, йўлда бир фермернинг бирор билан сұхбатлашиб турганида ёнидан ўтиб бораётib, унинг йўталган овозидан унинг бир неча соатлик умри қолганини аниқлаганини айтиб берди. Бошқа бир врач унга ҳозиргина бир беморни кўздан кечирганини айтди. Барча кўрсаткичларга кўра у аллақачон ўлиб қолиши керак эди, лекин у барибир яшашда давом этяпти. Гаяда Абхай бир врачни учратди. У Абхайга шунчак кучли ва яхши дорилар билан даволашга уринганига қарамасдан ҳозиргина бир бемор оламдан ўтганини гапириб берди. Бундай хикояларнинг ҳаммаси Абхайнинг қалбидаги Худога бўлган ишончини кучайтиради: агар Худо хоҳламаса, ҳеч ким ўлимдан кутула олмайди. Ҳамма нарса Худонинг хоҳишига боғлиқ. Абхай ўзининг дори сотиб юрганини одамларга ёрдам берадиган иш деб ҳисобламасди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати уни одамларга ёрдам беришнинг ягона йўли – уларга Кришна онгини тушунтириш эканини тушунтирган эди. Абхайнинг дорилари шунчаки пул топиш воситаси эди, холос.

1925 йилда Абхай иш билан Агра шаҳрида бўлди, бу шахар Вриндавандан атиги 40 чакирим жанубда эди. Шу имкониятдан

фойдаланиб у болалигидан бери орзу қилиб юрган Вриндаванга биринчи марта зиёратга борди. Вриндаван унга жуда ёқиб қолди, лекин у бу ерда бир-икки кун бўла оларди. Савдо ишини бир кун тўхтатиб қўйиш ҳам унга жуда қимматга тушарди. Шунинг учун Абхай факат Парвардигор Чайтанъянинг издошлари асос солган асосий бир неча эхромларни зиёрат қилиб қайтиб кетди.

Саёҳатлар ҳам ўша пайтларда анча хатарли эди. Бир куни у Матхура станциясида вагонда ўтирганида бир маймун бирдан келиб унинг сумкасини олиб кетиб қолди. Бир куни Канпурда Абхай от қўшилган каретада ўтирганди. От тезлик билан чопиб бораарди, арава бирдан йўл устида ётган ахлат уюмига дуч келиб, ағдарилиб кетди, аравакаш ҳам, от ҳам ахлат устига ағанааб тушдилар. Абхай осмонга учиб кетди. Лекин Абхай енгилгина ерга тушган, ҳатто бирор жойи лат емаган эди. Абхай нима бўлганини билмай, эсанкираганча ерда ўтирарди. Қўрқиб кетган аравакаш уни ҳушидан кетган бўлса керак деб ўйлабди. Лекин Абхай соппа-соғ эди, аравакаш буни ҳақиқий мўжиза деб ҳисоблади, чунки шунча баланддан бирдан ерга йиқилиб тушишнинг ўзи бўлмасди. Абхай бу албатта Кришнанинг иши деб ўйлади ва ёшлигидан бошлаб Кришна уни бир неча марта ҳимоя қилиб келаётганини эслади. Кришна ҳамиша уни ҳимоя қилиб юради.

Абхай беш йил давомида ҳамиша Аллахабаддан тез-тез узоқ сафарларга кетиб юрди. Сафардан қайтиб келганида эса, узоқ вақт аптекасида қолиб кетарди. Лекин шунга қарамай у хотини ва болаларига ҳам етарли вақт ажратарди.

Шрила Прабхупада: *Ўғлим икки ёига тўлганида жуда эрка ва шўх эди. Уйга меҳмонга келган дўстларим уни Пачха деб атардилар. “Пачха, агар сен бир минут хотиржам ўтирсанг, мен сенга совга бераман!”* Лекин ўғлим бир минут ҳам тинч ўтира олмасди. Уйда стол устида турадиган вентилятор бор эди, ўғлим уни ушлаб кўришига роса уринарди. Мен унга: “Йўқ, йўқ, қўлинг жароҳат олади” – дедим. Лекин ўғлим барибир хархаши қилишида давом этаверди. Шунда бир дўстим: “Вентиляторнинг тезлигини камайтири, кейин ушлаб кўраверсин!” деди. Мен уни токдан ажратдим ва ўғлимга: “ушила!” дедим. Вентилятор қўлига жароҳат етказмади, лекин яхии оғритди. Шундан кейин у вентиляторга яқин йўламади. Мен ундан: “Яна қўлингни текказишни истайсанми?” деб сўрасам, у энди: “Йўқ!” – деб жавоб берарди.

Кизи гапиришни ўргана бошлаган заҳоти Абхай унга Гуру аштаканинг бенгалча таржимасини ўргата бошлади: “Рухий устоз

марҳамат уммонидан дуои фотиҳа олади. Ҳудди булут ёмғир ёғдириб, ўрмонга кетган ёнғинни ўчиргани сингари, руҳий устоз ҳам моддий олам уммонидаги туғилиб ўлишлар ёнғинини ўчиради”.

Ишдан бўш вақтларида Абхай уйида оиласи билан бирга бўларди. У ўзининг ҳар бир ишини пухта қилар, унинг савдо ишлари ривожланиб бораради.

\* \* \*

1928 йил. Кумбха-мела байрами. Аллаҳабадга Гаудия Матхдан ўзининг бир неча ҳамроҳлари билан бирга Бхактирадипа Тиртҳа Махараж ташриф буюрди. Бир куни улар кутилмагандан “Праяг Фармаси”га кириб келдилар, Абхай орадан шунчага йил ўтгандан кейин яна шу одамлар билан учрашиб турган эди. “О, мен уларни аввал ҳам учратганман, Гаудия Матх. Келинглар, марҳамат!”

Бхактирадипа Тиртҳа Свами Калькуттада Нарендра Малликнинг уйига борган саннийаси эди, шундан кейин Нарен Абхайни Шрила Бхактисиддханта Сарасвати билан учрашишга таклиф қилган эди. Шафран либосда, сочи тақирлаб олинган, пешонасига чиройли тилакалар кўйған саннийаси қўлларини қовуштириб, камтарин ҳолда Абхайнинг олдида турарди. Тиртҳа Махараж Абхайга шундай деди: “Бизларнинг бу ерга биринчи марта келишимиз. Аллаҳабадда эҳром очишни режалаштиряпмиз. Биз сиз ҳақингизда эшитганмиз, шунинг учун сизнинг олдингизга келдик. Илтимос, бизларга ёрдам беринг!”

Абхайнинг қалби қувончга тўлиб кетди: “Ҳа, мен сизларга албатта ёрдам бераман!” У қўлидан келганча уларга пул эҳсон қилди, кейин Тиртҳа Махаражни доктор Гҳош билан таништириди, у ҳам эҳсон қилди. Абхай Гаудия Матхнинг аъзоларини уйига меҳмонга таклиф қилди: “Бҳаджанлар куйлаб, маъруза қиласизлар, хотиним прасад тайёрлайди!” Улар таклифни қабул қилдилар. Улар кириб келганда кичкина тушунмовчилик юз берди. Гоур Моҳан тепада ўзининг хонасида касалланиб ётарди. Абхай унга: “Илтимос, пастга тушинг, Гаудия Матхдан вайшнавлар келишди!” деди. Гоур Моҳан пастга тушди, лекин у садхуларнинг либосини кийиб олган одамларни кўрганида, адашиб уларни имперсоналист, имонсиз одамлар деб ўйлади. У Абхайнинг галарини аниқ эшитмаган экан. Гоур Моҳан қовоғини уйиб ўзининг ўрнига бориб ўтириди, ҳатто келган меҳмонларга бир икки танбех ҳам берди. Вайшнавлар билан ҳамсуҳбат бўлиш имкониятига эга бўлганидан хурсанд бўлиб ўзини кўярга жой тополмай юрган Абхай отаси нимага улар билан бундай муомала қилаётганини сира тушуна олмасди. Лекин, Бхактирадипа Тиртҳа Свами маъруза бошлаганида Гоур Моҳан адашганини сезиб

қолди ва: “О, ахир улар вайшнавлар-ку!”- деб қувониб кетди. Кекса ва касал бўлишига қарамасдан у дарров ўрнидан туриб, уларнинг оёқлари олдида узала тушиб сажда қилди. Кейин улардан кечирим сўради: “Эй хукмдорим, мен билмай қолибман. Мен сизларни бошқа бир тоифадаги саннийаси деб ўйлабман. Мен сизлар билан учрашганимдан жуда хурсандман!”

Кумбха-меладан кейин Прадипа Тиртха Свами кетди, лекин Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг шогирди бўлган бир неча браҳмачари Аллахабадда янги очилган матхда қолишиди. Улар Илоҳларга сифинар, кечкурунлари киртан билан арати ўтказар, маҳаллий аҳолига фаол тарғибот қиласидилар. Уларнинг каттаси, Атулананда Браҳмачари, Аллахабаддаги одамларнинг уйларига борар, уларни матхнинг аъзолари бўлишга чақираварди. Ойига ярим рупий тўлаб Гаудия Матхда чикадиган журналга обуна бўлиш мумкин эди. уйма-уй юрар экан, бир куни Атулананда Абхайнинг уйига ҳам кириб келди. Абхай уни хурсанд бўлиб кутиб олди, унга гуруч ва мевалар таклиф қилди. Абхай фалсафий мавзуларда сухбат қилишни ёқтираварди, шу боис мунтазам равишда уйига келиб туришни одат қилган Атулананда билан Парвардигор Чайтанья ҳакида, "Бҳагавадгита" бўйича сухбатлашишдан лаззат оларди. Шунингдек Абхай Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг фаолияти ҳакида сўраб суриштираварди. Бу пайтга келиб Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Калькуттада ўзининг босмаҳонасини ташкил этган, ўзининг изоҳлари билан "Шримад Бҳагаватам"ни нашр қилишни бошлаган эди. Шунингдек у Даккада “Чайтанья Бҳагавата” асарини ҳам нашрдан чиқарган эди. У Бхуванешварада, Мадрасда ва Пурида марказлар очган эди.

Абхай Атулананданинг гапларини тинглашдан чарчамас эди. Атулананда унга Шрила Бхактисиддханта Сарасвати 1925 йил муқаддас Навадвипада Хиндистоннинг ҳамма жойидан келган содиклар билан биргалиқда минглаб одамлар иштирок этган катта байрам ўтказганини, унда Илоҳлар чиройли безатилган филнинг устида сайр қилганини гапириб берди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ҳар хил одамларга фотиха бераётганини кўра олмаган ҳасадгўй браҳманлар бир неча кўча безориларни ёллаб, байрамда иштирок этаётган одамларга ҳужум қилишни уюштирганлар. Улар содикларнинг устига тош ва гишт парчаларини ота бошлаганлар, лекин Шрила Бхактисиддханта Сарасвати хеч нарсага эътибор бермасдан байрамни давом эттирган. 1926 йилда у Парвардигор Чайтанья таълимотини тарғибот қилиб бутун Хиндистонни айланиб чиқкан. У Маяпурдаги Шри Чайтанья Матхнинг катта биносида Илоҳларни ўрнатган. Орадан бир ўтгандан кейин у ўзининг

“Саджджана тошани” журналини уч тилда нашр қила бошлаган, шунингдек, инглиз тилида “Гармонист” деган журнал ҳам чиқара бошлаган.

Гаудия Ваишнавларнинг фалсафаси ва кўрсатаётган фаолияти ҳақида бир неча марта сухбатлашгандан кейин Атулананда Абхайн Гаудия Матхнинг Аллахабаддаги марказига олиб келди. Шундан кейин орадан сал вақт ўтмасдан марказ Абхайнинг уйидан бир неча қадам нарида турадиган уйга кўчиб ўтди. Энди Абхай эхромга ҳар куни бориши мумкин эди. Энди Абхай ишдан сўнг кечкурунлари тўғри ашрамга борар, у ерда мриданга чалиб, ажойиб оҳангларда киртан куйлаб, браҳмачариларни ҳайрон қолдиарди. У браҳмачарилар билан бирга бҳаджанлар куйлар, биргаликда киртан ўтказар эди. Шунингдек у обўли танишларини ашрамга таклиф қиласади. Браҳмачарилар Абхай уларнинг ашрамига қайтадан ҳаёт бағищлаганини ҳис қилдилар. Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг шогирдлари билан бўлган учрашувлар таъсири остида Абхай учун янги ҳаёт бошланган эди.

\* \* \*

1930 йил Гоур Моханнинг саломатлиги бирдан ёмонлашиб қолди, шу боис ажали яқин бўлса керак деган ўйда унинг атрофига барча қариндошлари тўпландилар. Абхай иш билан Бомбейга кетган эди, у ўйига келганида тун ярим бўлган эди. Эшик тақиллаганини эшитиб Гоур Мохан қизи Раджешварига: “Эшикни оч, Абхай келди” –

61

деди. Ражешвари отасига: “Йўқ, Абхай Бомбейда” – деб жавоб берди. “Йўқ, бу Абхай. Эшикни оч!” – деди отаси унга. У пастга тушиб эшикни очди. Ҳакиқатан ҳам эшик олдида Абхай турарди. У дарров тепага кўтарилиб, отасидан ҳол-аҳвол сўради: “Ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?”

“Ҳаммаси жойида, - деди Гоур Мохан, - ётиб дамингни ол, ўғлим”.

Эртаси куни Абхай врач чакирди. Врач унга шундай деди: “Отангиз қандай қилиб ҳалигача тирик эканини мен тушунмайман. Унинг томири деярли урмаяпти. У бир неча ойдан бери бирор нарса емаган”.

Абхай отасидан сўради: “Отажон, кўнглингиз нима истаяпти? Менга айтинг!”

“Нимага менга бундай савол беряпсан? Врач сенга бирор нарса дедими?” “Йўқ – деди Абхай, - Мен Бомбейда, сен эса бу ердасан, шунинг учун сўрайпман. Агар қандайдир истагинг бўлса айт. Мен ҳозир шу ердаман. Мен бу ерга сен истаган ишни килиш учун

келдим”. Гоур Мохан ундан сигирини Аллахабаддаги Гаудия Матхга беришни илтимос қилди. Абхай уйидаги сигирини бузоги билан бирга матхга эхсон қилди.

Кейин отасининг олдига келиб, яна савол берди: “Отажон, яна қандай истагинг бор?” Отаси ундан яна: “Врач сенга бирор нарса дедими?” – деб сўради. Абхай унга: “Йўқ. Шунчаки мен ишим бўйича кетишим керак бўлгани учун сендан сўрайпман”. Шундан кейин Гоур Мохан шундай деди: “Аллахабаддаги Гаудия ваишнавларнинг ҳаммасини меҳмонга таклиф қил. Улар келиб харинама куйласинлар. Сен уларни ажойиб прасад билан меҳмон қил. Мен шуни истайман”.

Абхай ваишнавларни таклиф қилди, кечкурун харинама куйлаш бошланди. Соат кечки ўн бирларда улар прасад еб тарқалдилар. Гоур Мохан шу куни тунда бу дунёни тарқ этди.

Абхай отасининг ўлимидан қаттиқ мусибатга тушди. Отаси унинг ҳамма истакларини амалга оширган, уни асл ваишнав қилиб тарбиялаган, ўзи ҳамиша Радха ва Кришнага сифиниб ўтган эди. Гарчи Абхай тажрибали ва ғайратли ёш йигит бўлса ҳам, ўзининг ҳимоячиси ва яқин дўсти бўлган отасидан айрилгандан кейин ўзини жуда ёлғиз ҳис қиласди. Гоур Мохан ҳамиша ўғлини тўғри йўлга бошлар ва ҳамиша уни жуда ҳурмат қиласди. Отасидан айрилган Абхай қаттиқ тушкунликка тушганди. У отасига нисбатан бир пайтлар болалигида ҳис қилган кучли боғланишни ҳис қилди, энди унинг ёнида отаси йўқ эди. Ҳамиша Абхайнин ўзининг севимли фарзанди деб эркалаб юрган, ҳамиша меҳрибонлик билан унга ғамхўрлик қилиб юрган, Абхай нима истаса шуни муҳайё қилиб юрган, ҳар бир учраган садхуга илтижо қилиб, ундан ўғлини Шримати Радхаранининг буюк содиги бўлишини тилаб дуо килишни илтимос қилиб юрган, ўзининг энг ишончли саодатманди энди уни ташлаб кетган эди.

Гоур Мохан бу дунёни тарқ этгандан кейин, орадан ўн уч кун ўтиб, одатга кўра, шраддха кунида Абхай ва унинг укаси бирга расмга тушдилар. Диний урф одатларга кўра фарзандлар соchlарини олдирадилар. Расмда Абхай билан укаси отасининг портретининг икки тарафида ўтирибдилар. Отасининг портрети қора рамкага солиниб стул устига кўйилган. Гоур Мохан расмда кекса бўлса ҳам, кўзлари чакнаб турибди. Сочини такирлаб олдирган Абхай таркидунё қилган монахга ўхшаб кетади, у шунчаки оқ матога ўраниб олган. У бир неча йил аввал худди шу ерда, худди шу гилам устидаги расмдагига караганда умуман бошқача кўринади. Ўша расмда у хотини ва болалари даврасида баҳтиёр оиласи киши эди.

Бу расмда Абхай умуман бошқача. Ҳеч ким уни чиройли мўйлов қўйиб сочини тараб юрган киши деб ўйламайди. У соч-соқолини отаси ўлганига аза тутиб олган эди. Бу ерда у гўё ҳамиша шундай юргандай

күринади. Унинг калласи атрофини худди муроқабага берилиб ўтирган авлиё зотларники сингари аура, ёруғлик ўраб олган. Унинг юзида на мусибат, на қайфу, на шодлик сезилмайди. Унинг юзида илм ва осойишталик акс этиб турибди. Гүё у отаси бу оламни тарк этган куни садху бўлиб қолгандай кўринади. У ҳозир отаси уни келажақда қандай тасаввур қилса, шундай кўринишда эди. У гўё ҳамиша садху бўлгандек, лекин бу факат ҳозиргина аниқ равshan ошкор бўлгандек кўринади. Ҳатто расмга юзаки қарасангиз ҳам кўриниб турибдики, кўйлаксиз, оёқяланг, сочини такирлаб олиб, дхоти ва чадар кийиб, Абхай садху бўлиб қолди.

# **Тўртинчи боб. “Сизга қандай хизмат қилишим мумкин?”**

Агар сен Парвардигор Чайтанъянинг таълимотини оддий одамларга, файласуф ва диндорларга, уларни жалб киладиган кўринишида тушунарли қилиб танишириш билан Худога хизмат қилиб юрсанг, инглиз тилида гапирадиган жуда яхши тарғиботчи бўлиб етишасан деган умиддаман.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати.  
1936 й. декабрь. Шрила Прабхупадага ёзган хатидан.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати 1932 йилда бир ой давомида парикрама – Вриндаваннинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиш учун юзлаб зиёратчи ва шогирдларига бошчилик қилди. Вриндаван аҳолиси ва зиёратчилар Вриндаван атрофини Ямуна дарёсининг эски ўзани бўйлаб айланиб ва беш минг йил аввал Парвардигор Кришнанинг эрмаклари бўлиб ўтган жойларда тўхтаб ўтадилар. Абхай ҳам Шрила Бхактисиддханта Сарасвати билан бирга парикрамада иштирок этишни истарди, лекин иши бунга йўл қўймасди. Лекин, парикраманинг ўн иккинчи куни у барибир Аллахабаддан Вриндаванга йўлга чиқиш имконига эга бўлди. Шрила Бхактисиддханта Сарасватини яна бир марта учратиш ва атиги бир кун бўлса ҳам, парикрама гурухига қўшилиш ниятида у Вриндаван яқинидаги Кошига йўл олди.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ўтказган парикрама Вриндаван тарихида ўtkазилган парикрамаларнинг энг гавжуми бўлса ажаб эмас. Унинг учун парикрама оммавий равища тарғибот қилиш учун восита эди; унда жуда кўп одамлар иштирок этдилар. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ўзининг 1918 йилда бошлаган миссионерлик фаолиятининг бошидан бошлаб Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилишнинг жуда муҳимлигини алоҳида таъкидлашни канда қилмасди. У дунёга келмасдан олдин вайшнавлар одатда одамлар гавжум жойларга бормас, Вриндаван ва бошқа муқаддас жойлардаги хилват жойларда Парвардигор Кришнага сигинардилар. Парвардигор Чайтанъя даврида унинг ҳамроҳлари ва Госвамилар дараҳт соясида яшардилар; улар ҳар куни бошқа бир дараҳт соясида тунардилар. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати кенг

халқ оммасига тарғибот қилишга интиларди, шу боис у Госвамиларнинг таркидунёлик турмуш тарзини ғарбий давлатларда яшайдиган одамлар қабул қила олмаслигини яхши биларди. Шунинг учун у Худонинг содиклари ҳатто катта ҳашаматли эҳромларда ҳам яшаши мумкинлигини кўсатмоқчи эди. У бир бадавлат вайшнавнинг қилган эҳсонига 1930 йилда Калькуттанинг Багхбазар деган мавзесида мармартошдан катта ҳашаматли эҳром қурди ва шу ерга шогирдлари билан биргаликда ўзи кўчиди ўтди.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати айтардикি, Худонинг содик хизматкори ўзининг сезгиларини лаззатлантириш учун бир цент ҳам ишлатмаслиги керак, аммо Кришнага хизмат қилиш учун у миллионлаб рупий сарфлаши мумкин. Авваллари вайшнавлар инглизлар келиши билан пайдо бўлган замонавий машиналардан фойдаланмасдилар, лекин Шрила Бхактисиддханта Сарасвати муқаддас китоблар асосида бундай дунёкарашнинг нотўри эканини кўрсатиб берди. Парвардигор Чайтаньянинг машхур шогирди Рупа Госвами шундай деб ёзди: “Ҳамма нарсадан воз кечадиган киши эмас, балки ҳамма нарсани Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилишда ишлатадиган киши моддий табиат чангалидан ҳақиқий озод бўлган инсондир. Йогада таркидунё қилишнинг мукаммал поғонаси мана шунда”. Агар ҳамма нарса Худонинг куввати бўлса, нимага ундан воз кечиш керак? Агар Худо ҳаммага бирдай саодат келтирадиган бўлса, Унинг куввати ҳам шундай. **Моддий нарсалардан биз ўз сезгиларимизни лаззатлантириш учун фойдаланмаслигимиз керак, лекин улардан Кришнага хизмат қилишда фойдаланиш мумкин ва шарт.** Шунинг учун Шрила Бхактисиддханта Сарасвати энг замонавий босмахоналардан фойдаланаарди. У одамларни ажойиб ва ҳашаматли эҳромларга таклиф қилишни истарди, улар шу ерда кришна-катха тинглашлари мумкин. У айтардики, Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиш учун Худонинг содиклари энг яхши машиналардан фойдаланиши, яхши кийимлар кийиб юриши ва ҳашаматли иморатларда яшашлари мумкин. Айнан шундай кайфиятда у Багхбазарда катта иморат қуриб, шу ерда ажойиб кўргазма ташкил этди, бу кўргазмада лойдан ясалиб ажойиб бўёкларга бўялган ва либослар кийдирилган Илоҳлар қўйилган эди. Лойдан ҳар хил ҳайкалчалар ясаш – Бенгалияда қадимдан келаётган санъят тури, лекин, Парвардигор Кришнанинг эрмакларини намойиш этадиган ана шундай чиройли ясалган ҳайкалчаларнинг юзга яқин турини намойиш этиш – катта шов-шувга сабаб бўлди, ҳар куни уларни томоша қилиш учун минглаб одамлар келардилар. Ўша йили Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ва унинг киркка яқин шогирди бутун Ҳиндистон бўйлаб

париқрамага йўл олдилар. Бу париқрама дастурида оммавий маърузалар ва обрўли одамлар билан бўладиган учрашувлар ҳам режалаштирилган эди. 1933 йилга келиб Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг Ҳиндистоннинг турли шаҳарларида жойлашган учта босмахонаси бор бўлиб, уларда ҳар хил тилларда чиқадиган олти журнал нашр этиларди.

Бир куни Калькуттада бир сиёсий арбоб Шрила Бхактисиддханта Сарасватидан: “Қандай қилиб Худо ҳақидаги гаплар ёзиладиган “Надия пракаш” газетангизни ҳар куни чиқариш мумкин?” – деб сўради. “Бунинг ажабланарли жойи йўқ. – деб жавоб берди Шрила Бхактисиддханта Сарасвати. – Масалан, биргина Калькуттада ҳар куни беш-олти турли газета чиқади. Лекин Калькутта – Ҳиндистоннинг минглаб шаҳарларидан биттаси. Ҳиндистон эса – Ер сайёрасидаги кўплаб давлатлардан биттаси. Ер сайёраси эса, - Коинотдаги бошқа сайёralар ичida энг кичиги. Коинотимиз эса моддий оламдаги сон-саноқсиз коинотлардан биттаси. Улар моддий оламда шунчалик кўпки, уларни худди бир қоп мошга ўхшатиш мумкин. Ана шу моддий олам – Парвардигор яратиб кўйган оламнинг кичик бир қисми, холос. “Надия пракаш” газетаси Калькуттанинг эмас, Ер сайёрасининг эмас, балки барча моддий оламлар бирикмасидан ҳам анча катта бўлган чексиз руҳий оламдан хабар беради. Шундай экан, агар Калькуттадаги газеталар ҳар куни Ер сайёрасидаги хабарларни бериб турса, қандай қилиб чексиз руҳий олам хабарини берадиган “Надия Пракаш” газетасининг ҳар куни чиқиши ҳайратли бўлиши мумкин? Аслида руҳий олам ҳақидаги газетани ҳар бир секундда чиқариш мумкин, фақат уни ўқишига қизиқадиган одамлар топилса, бас. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ўзининг журнallаридан бирини, “Гамонист” журналини инглиз тилида чиқаради. Унинг бир номерида журналнинг барча ўқувчиларига мурожаат чоп этилиб, ҳамма 1932 йил Вриндаван париқрамасида иштирок этишга таклиф этилди. Мурожаат матни шундай эди:

### **Шри Враджа-мандал атрофини айланиш**

Мадхва-Гаудия Ваишнавлар жамоасининг раҳбари Илоҳий ҳазрат Парамахамса Шри Шримад Бхактисиддханта Сарасвати Махараж, Шри Кришна Чайтаня Махапрабхудан ўрнак олиб, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, дини, танасининг ранги, ирқи, ёши ёки жинси қандай бўлишидан қатъий назар ҳамма журналхонларни Враджанинг муқаддас жойларини зиёрат қилишда иштирок этишга таклиф этади. Париқрама пайтида Парвардигор Чайтаня

Махапрабхунинг 514 йилда Шри Врадж Мандални зиёрат қилиш эрмагини намоён этган пайтида юрган жойлари орқали ўтилади

Бу парикрама ҳақидаги янгиликни Абхайга Гаудия матхнинг Аллахабаддаги аъзолари етказдилар. У пайтларда Абхай ўзининг ишлари билан банд бўлиб, буюртмалар олиш учун тез-тез сафарга чиқиб турарди. Шунга қарамай у парикрамада иштирок этиш ва яна Шрила Бхактисиддханта Сарасвати билан учрашиш учун ҳеч бўлмаса бир-икки кун ажратишга карор қилди.

*Шрила Прабхупада: Парикрама ўтаётган йили ҳали мен фотиҳа олмаган, Гадия Матхнинг аъзоларига ҳавас билан қараб юрардим. Улар менга жуда меҳрибон эдилар, шунинг учун мен: “Бу одамлар парикрамада нима қилишар экан? Албатта бориб кўриши керак!” - деб ўйладим. Шундай қилиб, мен уларни Кошида учратдим.*

Парикрама гурухининг ҳаракати кишини ҳайратга соладиган даражада яхши ташкил этилган эди. Палаткалар ва кўрпа-тўшакларни олиб юрадиган бир гурух содиқлар олдинда бораардилар, улар бошқалардан бир кун олдин бориб, асосий гурух тўхтаб дам оладиган жойини, ошхонани тайёрлаб турардилар.

Худонинг содиқларининг асосий гурухи, киртана билан ўзлари билан бирга Парвардигор Чайтаня Махапрабхунинг Илоҳини олиб, Парвардигор Кришнанинг эрмаклари бўлиб ўтган жойлардан ўтиб борар ва кечкурун олдинги гурух тайёрлаб қўйган лагерга етиб келардилар. Лагер ярим ой шаклида жойлашиб бир неча қисмдан иборат эди. Зиёратчилар бир неча гурухга бўлинардилар. Лагер марказида Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг жойи ва Чайтаня Махапрабхунинг Илоҳи турадиган палатка, унинг ёнида саннисиларнинг палаткаси жойлашарди. Аёллар ва эркаклар алоҳида палаткаларда жойлашарди. Эр-хотинлар бир палаткада ётиши мумкин эмасди. Тун бўйи лагерни ихтиёрий посбонлар кўриклаб турардилар. Юзлаб палаткалардан, гулханлардан таркиб топган лагер катта бир шаҳарни эслатар, маҳаллий аҳоли уларни томоша қилиш учун келарди. Кечкурунлари ҳамма зиёратчилар Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг маърузасини тинглаш учун тўпланардилар.

Зиёратчилар эрта билан туриб, биргаликда мантра зикр қиласардилар. Кейин улар гурух гурух бўлиб катта колоннага тизилардилар – колоннанинг бошида Парвардигор Чайтанъянинг Илоҳини олиб, катта киртана гурухи юрарди, ундан кейин кўриқчилар гурухи, кейин асосий от арава, кейин байроқлар кўтариб олган зиёратчилар гурухи, кейин бошқа зиёратчилар. Улар Парвардигор

Кришна туғилған жойни, Унинг Камсани ўлдирған жойини, Ади-Кешава эхромини, Радха-Кундани, Шъяма-кундани ва кўплаб бошқа муқаддас жойларни зиёрат қиласидилар. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати бошлиқ кўп минг одамлик зиёратчилар муваффакият билан муқаддас қадамжоларни айланиб юрадилар. Вриндавандаги эхромларнинг руҳонийлари Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг браҳманлар оиласидан чиқмаган кишиларга ҳам браҳманлик зуннори бераётганидан қаттиқ норози эдилар. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ўзининг жуда кўп маъруза ва мақолаларида ведавий муқаддас китоблар асосида бир неча марта таъкидлар эдики, инсон қандай хонадонда туғилгани билан эмас, балки хулқ-автори билан браҳман бўла олади. Браҳман бўлиб туғлимайдилар, браҳманликка эришадилар. Браҳманлик унвони инсоннинг сифатларига, фазилатларига караб берилади. У тез-тез “Хари бхакти виласа”дан бир шеърни мисол келтиради, унда Санатана Госвами айтадики, мис симоб билан кўшилса, олtinga айланади. Худди шундай, оддий инсон ҳам, ҳақиқий руҳий устоздан фотиха олиб браҳман бўла олади. “Шримад Бхагаватам”даги бир шеърда ҳам, донишманд Нарада Муни шоҳ Юдхиштхира га шундай дейди: “Агар инсон шудра оиласида туғилсаю, лекин браҳман фазилатларига эга бўлса, уни браҳман деб ҳисоблаш керак; аммо, браҳман оиласида туғилган киши ўзини шудрадай тутадиган бўлса, уни шудра деб ҳисоблаш керак”. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш – Кали-юга даврида руҳий фаолиятнинг энг асосий туридир, шунинг учун Харе Кришна мантрасини зикр қилиб юрган ҳар қандай кишини тақводор авлиё инсон деб ҳисоблаш керак.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати билан бўлган учрашув пайтида маҳаллий пандитлар унинг паст табакадан чиқсан одамларга осонлик билан фотиха, браҳманлик зуннори беришига ва саннъаси либос кийдиришига шубҳа билдиридилар. Уларнинг эътиrozларига жавобан Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ўзининг ҳаракатларини ведалардан далиллар келтириб, илмий равишда асослаб берганидан кейин, улар хотиржам бўлгандай кўриндилар. Аммо, парикрама гуруҳи Вриндаваннинг асосий, Парвардигор Чайтаньянинг издошлари асос солған етти эхромини зиёрат қилмокчи бўлганида эхром эшиклари ёпиқ туради. Вриндаванлик савдогарлар зиёратчилар яқинлашганида магазинларини ёпиб кўяр, баъзилари ҳатто уларга тош отардилар. Лекин, одамларнинг кўрсатагетган қаршиликларига қарамасдан Шрила Бхактисиддханта Сарасвати бошлиқ зиёратчилар ўз йўлида давом этдилар. 28-октябрь куни зиёратчилар гуруҳи Кошига, Кришнанинг отаси Нанда Махаражнинг хазинаси жойлашган ерга етиб келди.

Абхай поездда Аллахабаддан Матхурагача келиб, Кошигача рикшада борди. Қишлоқ манзараси кишининг кўзини кувонтирарди. Катта катта завод-фабрикалар ўрнига Абхай ўрмонларни, далаларни кўради. Ваишнав сифатида Абхайнинг қалби оддий одамлар учун нотаниш бўлган ажойиб ёқимли ҳис-туйғуларга тўла эди. Вақти-вақти билан сайр қилиб юрган чиройли товуслар кўзга ташланиб, Вриндаван ва Парвардигор Кришнанинг улуғворлигини намойиш этарди. Ҳатто дунёвий одам ҳам бу ерда ҳар хил ранг-баранг чиройли күшлар ўзларининг турли оҳанглари билан ҳавони тўлдириб қўйганини дарров пайқарди. Ҳатто Вриндаваннинг ғайритабиий қудратга эга бўлган илоҳий табиатини билмайдиган киши ҳам, оддий қишлоқ одамлари очиқ ҳавода таппи ёкиб овқат пиширадиган бу ерда инсоннинг ақли дарров хотиржам бўлиб, қалбida ажойиб бир ёқимли сокинлик пайдо бўлишини дарров ҳис қиласи. Одамларнинг овқат пишириш учун ёқаётган таппиларидан кўтарилиган тутун ҳавога кўтарилиб, ернинг ажойиб табиий хиди билан кўшилиб, атрофга таърифлаб бўлмайдиган ғаройиб бир муаттар анвойи хид таратиб туради. Йўл бўйида оппоқ гулларга беланган Париджата, Вриндавандан бошқа жойда топилмайдиган, катта катта сариқ гуллар билан безаниб турган кадамба дараҳтлари ўсиб турибди.

Йўлда рикшалар, от қўшилган танглар кўп эди. Карттика(октябрь-ноябрь) ойи – Вриндаванга кўплаб зиёратчилар келадиган ой. От қўшилган тангга катта бир оила аъзолари чиқиб олган. Уларнинг баъзилари бир неча юз чақирим узоқдан Вриндавани зиёрат қилгани келадилар. Бир қишлоқдан келган одамлар катта бир гуруҳ бўлиб бирга юрадилар. Аёллар очиқ рангли сари кийиб олган. Қорадан келган зиёратчилар елкаларига ўзларининг керакли анжомларини кўтариб олган. Улар Вриндаванга, минг эхром шахрига яқинлашар экан, улар бҳажан куйлай бошлайдилар. Абхай сингари яхшиrok кийиниб олган бир савдогар ҳам шу йўлдан боряпти. У шаҳардан келганга ўхшайди, балки дам олиш кунида келгандир. Бу одамларнинг кўплари бу ерга илоҳий ният билан келадилар – эхромда Кришнани кўриш, муқаддас Ямуна дарёсида чўмилиш, Парвардигор Кришнанинг илоҳий эрмаклари ўтган, у Говардхана тепалдигини кўтарган, иблис Кешани ўлдирган ёки кечаси гопилар билан Раса рақсига тушган жойларни кўриш.

Абхай Вриндаван мұхитини юракдан ҳис қиласи ва йўлдаги одамлар ҳаракатини кузатар эди. Лекин унинг қалбини булардан ҳам бошқа бир нарса қаттиқ қувонтирарди – ўзи ҳамиша ўйлаб, эслаб юрган авлиё зот, бундан бир неча йил аввал у билан Калькуттада учрашиб, уни ўзининг ҳаётини Парвардигор Чайтанъянинг ишини давом эттиришга – Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилишга

багишилаш лозимлигига ишонтирган Шрила Бхактисиддханта Сарасвати билан бўладиган учрашув. Тез орада Абхай у билан учрашади, мана шу фикр унинг хаёлидан кетмасди.

Матхнинг лагерига етиб келиб, рўйхатдан ўтгандан кейин, Абхай ҳам парикрама таркибига қўшилди. Уни грихастхалар палаткасига жойладилар, прасадам билан меҳмон қилдилар. Зиёратчилар у билан мулоийм ва дўстона муносабатда бўлардилар, Абхай уларга матхнинг Калькутта ва Аллахабаддаги марказлари билан бирга фаолият кўрсатиб юргани ҳакида гапириб берди. Кейин ҳамма бир жойга тўпланди, бир саннийаси эълон қилди: Кечкурун шу ердаги эҳромга зиёратга борилади, у ерда Шешашайи Вишну Илоҳи ўрнатилган. Кўпчилик содиклар: “Хари-бол! Ҳаре Кришна!” деб олқишиладилар. Яна саннийаси айтдики, Шрила Бхактисиддханта Сарасвати кечкурун охирги марта маъруза қилади, эртага эрталаб парикрамани тарк этади. Шунинг учун зиёратчилар ўзлари ҳал қилиши керак, ким эҳромга боради, ким маъруза тинглашга қолади.

Шрила Прабхупада: *Мен уларни Кошида учратдим, Кешава Махараж эълон қилдики, Шрила Бхактисиддханта Сарасвати эртага эрталаб Матхурага кетиши керак, бугун кечкурун хари-катха беради. Истаган кишилар қолиб унинг хари-катхасини тинглаши мумкин. Қолганлар шу ердаги эҳромга бориб, Шешашайи Вишнунинг Илоҳини кўриб келадилар. Шу куни Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг маърузасини тинглаши учун ўн-ўн икки киши қолди, уларнинг орасида Шридхар Махараж ҳам бор эди. Мен: “Шешеаши-Вишну Илоҳини кейин бориб кўрсан ҳам бўлаверади. Мен Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг маърузасини тинглайман” – деган қарорга келдим.*

Абхай келганда Шрила Бхактисиддханта Сарасвати маърузасини бошлаб юборган экан. У елкасига чадар ташлаб, тик ўтирганча гапиравди. У худди воизларга ўхшаб, маърузага маҳсус тайёрланиб гапиравмасди. У ўзининг хонасида бир гуруҳ шогирдлари билан сухбатлашиб ўтиради. Ниҳоят Абхай яна у билан учрашди. У Абхай унга ҳайрат билан тикилиб гапларини дикқат билан тинглаб ўтиради. Кришна-катха сохиби бўлган бу ғайритабиий зот чукур илм билан ўзини бутунлай унутган ҳолда Кришна ҳакида паст овозда тинмасдан жуда жиддий гапиравди. Абхай унинг гапларининг бирортасини ҳам қолдирмасдан дикқат билан тингларди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ҳамиша самбандха, абхидхея ва прайджана ҳакида гапиравди. Самбандха – Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бошлангич жараёни бўлиб, унда инсон қалбида Кришна онги уйғонади. Абхидхея – Худога садоқат билан хизмат килиш,

Прайоджана – энг олий мақсад, Худога муҳаббат. У алохидатъикидлаб айтдики, унинг гапларининг ҳаммаси устоз ва шогирдлар орқали авлоддан авлодга ўтиб келаётган Парвардигор Кришнанинг насиҳатларига тўла мос келади. Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг ўзига хос гапириши усули бор эди: у асосан бенгал тилида гапирав, баъзан инглиз тилида, тез-тез муқаддаса китоблардан санскрит тилида далиллар келтирарди. У жуда билимдон зот эди. “Ана шу Кришна – деди Шрила Бхактисиддханта Сарасвати –бутун борликнинг ягона Парвардигори, У – илоҳий даргоҳ Ваикунтҳанинг Парвардигори. Унинг лаззатланишига ҳеч ким халақит бера олмайди”.

Орадан бир соат ўтди, икки соат... Хонада ўтирган одамлар сони тобора камайиб борарди. Ишлари кўплигини айтиб бир неча саннийасилар туриб кетдилар. Фақат устознинг яқин шогирдлари қолдилар. Уларнинг ичидаги фақат Абхай бегона эди. Албатта, Худонинг содиқ хизматкори сифатида у бегона эмасди, лекин у саннийаси эмасди, унинг матхда ҳеч қандай вазифаси ҳам йўқ эди, у ҳали ҳатто фотиха ҳам олмаган эди, у парикрама таркибида зиёрат ҳам қилаётгани йўқ эди - у шу жиҳатдан бу ерда бегона эди. Лекин, Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ҳеч кимни бегона хисобламасдан вайшнавлар фалсафасини ҳаммага, уни тинглашни истаган ҳар қандай жонга бирдай ошкор этарди. Абхай ҳам ана шундай зотлардан бири эди.

Абхай унинг гапларига ҳайрат билан қулоқ соларди. Баъзан унинг гапларининг мазмунини умуман тушунмасди, лекин барибир, руҳий устознинг ҳар бир гапини тафаккури билан қабул қилиб, дикқат билан тинглашда давом этарди. У Шрила Бхактисиддханта Сарасвати унга худди пардани кўтариб бирор нарсани кўрсатган сингари, руҳий оламнинг эшигини очиб бераётганини тушунарди. У Мутлак Ҳакиқат оламини, ҳақиқий ҳаётни ошкор этарди, ана шу ҳақиқат Радха-Кришнанинг нилуғар қадамлари пойига, Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилиш эди. У қандай ажойиб гапиравди! Унда қанчалик дадиллик ва ишонч бор эди! Шундай қилиб, Абхай унинг ҳар бир гапини бутун дикқат-этиборини бериб тинглади. Албатта, вайшнавларнинг ҳаммаси Кришнани ўзининг Худоси деб билардилар, лекин бу билимдон донишманд вайшнавларнинг ўша ишончини қанчалик кучли мантиқ билан дадил кучайтира олади! Бир неча соатдан кейин маъruzасини тугатди. Абхай унинг гапларини тинглашда чексиз давом этишни истарди. Унда ҳеч қандай эътиroz ва саволлар йўқ эди. У фақат кўпроқ тинглашни истарди. Абхай хонадан чиқиб кетаётган Шрила Бхактисиддханта Сарасватига сажда килди ва катта саннийасилар палаткасини тарқ этиб, ўзининг палаткасига йўл олди; руҳий устознинг гаплари унинг кулоқларидан, фикру-хаёлидан

кетмасди. Энди уларнинг ўзаро муносабатлари сезиларли даражада намоён бўлган эди. Абхай Шрила Бхактисиддханта Сарасвати, у билан Калькуттада матхнинг томида учрашган авлиё зот билан биринчи марта учрашганини ҳалигача ўзининг қалбининг тўрида авайлаб-асраб келарди. Лекин бугун, шунча йиллардан бери унинг руҳий ҳолатини қўллаб-кувватлаб, куч бағишлаб келаётган ўша тасаввури қайтадан жонланиб кетган эди. Унинг руҳий устози ва унинг гапларидан олган таассуртлари худди осмондаги юлдузлар ва Вриндаван осмонидаги ой сингари аниқ ҳақиқат эди. Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг гаплари шарофати билан пайдо бўлган бу таассурот Абхайнинг қалбини аниқ бир ҳақиқат билан тўлдирган, худди ҳамма сайёralар Қуёш атрофида айланганидек, қолган ҳақиқатларнинг ҳаммаси руҳий устознинг ана шу Ҳақиқати атрофида айланар эди.

Эртаси куни Абхай бошка зиёратчилар билан биргаликда тонг отишига бир соат қолганда уйғонди, ювиниб, бошқа содиклар билан бирга мантра куйлади. Кейинроқ, баланд бўйли Шрила Бхактисиддханта Сарасвати машинанинг орқа ўриндигига ўтириб, лагерни тарқ этди. Жиддий ва ўйга чўмган руҳий устоз орқасига қараб, шогирдларининг илиқ хайрлашувини қабул қилиб қўлларини силкитди. Уни кузатиб қолаётган шогирдлари орасида Абхай ҳам бор эди.

\* \* \*

Орадан бир ойча ўтмасдан Абхай яна Шрила Бхактисиддханта Сарасвати билан учрашиш бахтига мұяссар бўлди. Бу гал учрашув Аллахабадда бўлди. Абхай Вриндавандан эндинигина қайтиб келган ва Праяг Фармасидаги ишларига кириша бошлаган эди, Аллахабаддаги Худонинг содиклари унга қувончли ҳабарни етказдилар. Улар Шри Рупа Гаудия Матх учун иморат куришга ер майдони ва маблағ олган эдилар, шу боис иморатнинг биринчи ғиштини қўйиш маросимига Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг 21- ноябрда келишини кутардилар. Бу тантанага фахрий меҳмон сифатида Бирлашган Вилоятлар губернатори Уильям Малкольм Хэйли ҳам таклиф этилган эди. У Шрила Бхактисиддханта Сарасвати иштирокида иморатнинг биринчи ғиштини қўйиши лозим. Шу ерда фотиҳа бериш маросими ҳам ўtkазилишини билиб, Абхай ҳам фотиҳа олишга рухсат сўради. Матхнинг бошқарувчиси, Атулананда Абхайга бу ҳақда албатта Шрила Бхактисиддханта Сарасватига айтишини билдириди.

Уйда Абхай руҳий устоздан фотиҳа олиш ниятини хотинига айтди. Хотини унга эътиroz билдиримади, лекин ўзи фотиҳа олишдан бош тортди. У уйдаги Илоҳларга сифиниб юрар, Уларга пиширган

овқатларининг ҳаммасини таклиф қиласди. Оиладагиларнинг ҳаммаси Худога ишонар ва тинч-тотув яшардилар.

Лекин Абхай учун бу камлик қиласди. У Парвардигорнинг асл содигидан фотиха олиши кераклигини биларди, лекин ўз хотинини ҳам шундай қилишга зўрлай олмасди. Тақвodor бўлиб яшаш, гуноҳ ишлардан ўзини тийиб юриш, албатта, жуда зарур бўлган муҳим иш, лекин, аслида бу ҳали рухий ҳаёт кечириш дегани эмас. Рухнинг Кришнани севишга бўлган мангу эҳтиёжини қондириш, инсон ҳаёининг олий мақсадига эришиш учун бунинг ўзи камлик қиласди. Ана шу муҳаббатни Абхайнинг қалбида отаси уйғотган эди, энди у навбатдаги қадамни ташлаши лозим. Отаси унинг фотиха олаётганини эшитиб хурсанд бўларди.

Адашган зотларни Худога илоҳий муҳаббат оламига олиб боришига қодир бўлган авлиё инсон ҳозир Абхайнинг қалбида отаси уйғотган илоҳий муҳаббатни мустаҳкамлаётган эди. Абхай бу йўлдан борища давом этиб, рухий устозининг насиҳатлари химояси остига ўзини бутунлай топшириши лозимлигини биларди. “Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишга жиддий интилаётган киши шогирдлар силсиласида турган ва Кришна онги мустаҳкам рухий устоз паноҳи остига кириши керак” – дейилган муқаддас китобларда. Ҳатто Парвардигор Чайтанья, Парвардигор Кришнанинг Ўзи хам рухий устоз қабул қилган, фақат фотиха олгандан кейингина у Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб, Худога бўлган жазавали илоҳий лаззатга тўла муҳаббат аломатларини намоён этган.

Абхай ўн икки ёшида оилавий руҳонийдан фотиха олган эди, лекин у ҳеч қачон бу фотихага жиддий эътибор ҳам, аҳамият ҳам бермаганди. Бу шунчаки диний урф-одат эди. Шунчаки диний маросим ўтказиб юрган руҳоний – ҳали ҳақиқий рухий устоз эмас. Шунинг учун Абхай менинг рухий устозим бор-ку деган фикри дарров инкор этди. Унинг оилавий рухий устози ҳеч қачон унга бхакти, Худога садоқат билан хизмат қилиш бўйича насиҳатлар бермаган, ўзи эса, рухий устозлар силсиласи орқали Кришна билан боғланмаган эди. Лекин, агар у Шрила Бхактисиддханта Сарасватидан фотиха олса, рухий устозлар силсиласи орқали Кришна билан боғланади. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати - Шрила Бхактивинода Тхакурнинг ўғли, Гауракишора дас Бабаджининг шогирди, Парвардигор Чайтанья бошланган рухий устозлар силсиласида турган ўн иккинчи рухий устоз. У ўз даврида Ведалар илмининг энг буюк билимдони, шогирдларини орқага, Худонинг даргоҳига олиб боришига қодир бўлган тажрибали вайшнав. Ўзидан аввал ўтган вайшнавлар унга бутун инсониятнинг олий манфаати йўлида хизмат қилишни, одамларга уларни барча мусибатлардан

халос этишга қодир бўлган Кришна онгини беришни топшириб, уни дуои-фотиха қилганлар. Шрила Бхактисиддханта Сарасватини ўзининг руҳий устози қилиб қабул қилганини, биринчи учрашувдаёқ ундан кўрсатма олганини хис қиласди. Энди, агар Шрила Бхактисиддханта Сарасвати уни шогирликка қабул қилса, ана шу ўзаро муносабатлар тасдиқланиб, яна ҳам кучая боради.

Вриндаванда бўлиб ўтган учрашувдан кейин ҳали кўп вақт ўтгани йўқ! Кришна Ўзининг вакили орқали шундай харакат қиласди. Руҳий устоз Абхай ўзининг оиласи билан яшайдиган ва ишлайдиган Аллахабадга ўзи келиб, энди уни руҳий фаолиятга яна ҳам кучлироқ жалб этишга ундумоқчи бўляпти, шекилли. Абхай ўзи бунга бирор қўшимча харакат қилмаса ҳам, унинг Шрила Бхактисиддханта Сарасвати билан бўлган ўзаро муносабатлари тобора чукурлашиб бораётганини хис қиласди. Энди Шрила Бхактисиддханта Сарасвати худди Парвардигорнинг амри билан унинг олдига келаётгандай эди.

Маросим куни Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Аллахабаддаги ўзининг шогирдлари билан Саут Маллака кўчасида учрашди. У кришна-катха ҳақида гапирав, шогирдларининг саволларига жавоб берар экан, Атулананда фурсатдан фойдаланиб, Шрила Бхактисиддханта Сарасватини фотиха олишни истаган вайшнавлар, шу жумладан Абхай билан таништириди. Аллахабадлик вайшнавлар ҳар куни кечқурун матхга келадиган, ажойиб бҳаджанлар куйлайдиган, маъруза тинглаб баъзан ўзи ҳам маърузалар қиладиган ва тез-тез обрўли кишиларни матхга олиб келадиган жаноб Дэ билан фахранардилар. У тез-тез ўзи пул эҳсон қилас ва ўзининг ҳамкорларини ҳам матхга эҳсон қилишга ундарди. Абхай қўлларини қовуштириб ўзининг руҳий устозига караб турарди. Абхай билан Шрила Бхактисиддханта Сарасвати юзма-юз турардилар. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати уни дарров таниди ва яна уни кўриб турганидан хурсанд эди. У Абхайнинг эслаб қолган эди: “Ҳа, - деди у Абхайнинг қўзига караб туриб, - у тинглашни ёқтиради. У мендан кетмайди. Мен уни шогирдликка қабул қиласман”. Руҳий устознинг бу гаплари онгига етиб борган заҳоти Абхай ўзининг қалбида ғайритабиий бир баҳт хис қилди. Атулананда руҳий устоз жаноб Дэни танишини, у ҳақда аллақачон яхши фикрда эканини кўриб ҳайрон бўлди. Хонада иштирок этаётган бошқа содиклар ҳам Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Абхай Чаран ҳақида яхши гаплар айтганини кўриб жуда кувондилар. Баъзилар руҳий устози жаноб Дэ билан қаерда учрашгани ва бу ёш аптекачи ҳақида нимага бундай фикрга келгани билан кизиқа бошладилар.

Фотиха бериш маросимида Шрила Бхактисиддханта Сарасвати въясасанада ўтиради. Хона меҳмонлар ва Гаудия Матх аъзолари

билан лиқ тўла эди. Фотиҳа олишга номзод содиқлар бир саннийаси ёкиб ўтирган муқаддас гулхан атрофида ёй шаклида ўтириб олгандилар. Улар ҳаммаси ўша саннийасининг айтган мантраларини тақоррлаб, оловга дон ва мевалар ташлардилар. Бу маросимга Абхайнинг укаси ва синглиси ҳам келган эди. Фақат унинг хотини бу ерда йўқ эди.

Абхай руҳий устозининг даврасида қалби баҳтга тўлганидан қўёшдай чараклаб ўтиради. “Ҳа, у тинглашни ёқтиради!” – руҳий устозининг ана шу сўзлари ва нигоҳи Абхайнинг хотирасида мангу сақфланиб қолганди. Энди Абхай руҳий устозининг гапларини жиддий тинглаш билан унга қувонч бағишилашда давом этади. “Шундагина мен яхши гапира оламан!” – деб ўйларди у. Ведавий муқаддас китобларда Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўқиз тури айтилган бўлиб, уларнинг биринчиси – шраванам, Кришна ҳақида тинглаш; кейин киртанам – Кришнани шарафлаш. Кошида Кришна ҳақидаги гапларни диққат билан тинглаб, Абхай руҳий устозини, Кришнанинг вакилини мамнун қилган эди, Кришнанинг вакили мамнун бўлса, Кришна ҳам албатта мамнун бўлади. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати уни мунтазам қилиб турган эҳснлари учун олқишиламади, уни оиласи ва ишини ташлаб у билан бирга саёҳат қилишга ҳам чақирмади, у Абхайдан буюк йогларга ўхшаб қаттиқ риёзатларга берилишни ҳам илтимос қилмади. Лекин руҳий устози: “У тинглашни ёқтиради. Мен уни яхши эслайман” – деди. Абхай шу ҳақда ўйларди, у фотиҳа олиш маросимида ҳам руҳий устозининг гапларини диққат билан тинглади.

Нихоят, Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Абхайдан яқин келиб хари-намага фотиҳа олишни илтимос қилди. Абхай сажда қилиб, ўнг қўлинни чўзди ва руҳий устозининг қўлидан зикр килиш учун тасбех олди, кейин руҳий устоз унга дарров браҳманлар тақадиган зуннор ҳам берди. Одатда Шрила Бхактисиддханта Сарасвати шогирдларига биринчи фотиҳа пайтида фақат хари-нама берарди, фақат орадан анча вақт ўтгандан кейин, шогирдининг руҳий юксалишидан мамнун бўлсагина унга браҳманлик зуннори берарди. Лекин у Абхайга биринчи ва иккинчи фотиҳаларни бир вақтда берди. Энди Абхай тўла ҳуқуқли шогирд, курсонлик маросими ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган браҳман эди; энди у эҳромда Илоҳларга сифиниши ва тарғибот ишларида фаол иштирок этиши мумкин. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати унинг номига аравинда деган иборани қўшиб қўйди; энди унинг исми Абхай Чаранаравинда бўлди.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Аллаҳабаддан Калькуттага кетгандан кейин Абхай энди фақат руҳий устозининг манфаатини кўзлаб харакат қилиши лозимлигини тушуниб, ўзида жуда катта

маъсулият ҳис қила бошлади. Фотиха олиш пайтида Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Абхайдан Рупа Госвамининг “Бхакти-расамрита-синдху” асарини ўрганишни илтимос қилди. Унда содикнинг руҳий ҳаётда баркмолликка эришиш йўли ва Парвардигор Кришнанинг Ўзининг содикларига бўлган муҳаббати таърифланган. “Бхакти-расамрита-синдху” – Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган кишилар амал қилиши лозим бўлган қонун-қоидалар тўплами, энди Абхай уни дикқат билан ўрганишга киришди. У Гаудия Матхнинг Аллахабаддаги марказига кўплаб янги одамларни олиб келиш имкониятига эга бўлганидан жуда хурсанд эди. Руҳий устози билан биринчи учрашуvidaёқ у Парвардигор Чайтанья таълимотини одамлар орасида тарғибот қилиш ҳақида кўрсатма олди, энди у руҳий устознинг ана шу кўрсатмасини қандай амалга ошириш ҳақида бош қотирарди. Тарғибот қилиш оиласи ва иши сингари ундан жуда катта маъсулият талаб қиласарди. Энди у ўзининг уйидан ҳам иложи борича тарғибот қилиш учун фойдаланиш ҳақида ўйларди. У ўзининг режаларини хотинига айтди: уйига кўпроқ меҳмонларни таклиф қилиш, уларни прасадам билан меҳмон қилиш, уларга Кришна ҳақида гапириш. Лекин хотини унинг фикрларига қўшилмади.

Шрила Прабхупада: *Хотинум Кришнанинг содик хизматкори эди, лекин унинг садоқат ҳақидаги фикри бошқачароқ эди. У шунчаки уйда Илоҳга сигиниб, тинч-тотув яшасак бас, шунинг ўзи кифоя деб ҳисобларди. Лекин мен Кришнани мамнун қилиши учун бошқаларга Кришна ҳақида тарғибот қилиши керак деб ҳисоблардим.*

\* \* \*

Абхай руҳий устози билан бирга саёҳат қила олмас, ҳатто у билан тез-тез учрашиб туриш имкониятига ҳам эга эмасди. Унинг аптека билан боғлиқ иши, иш бўйича зарур бўлган сафарлар унинг жуда кўп вақт талаб қиласарди. Лекин у иш билан Калькуттага айнан у ерга Шрила Бхактисиддханта Сарасвати келадиган пайтларда келишга ҳаракат қиласарди. Шунинг учун кейинги тўрт йил давомида у руҳий устози билан қарийб ўн икки марта учрашди.

Калькуттадаги Хаура деган темир йўл бекатида уни одатда Гаудия Матхдаги кутубхоначининг ёрдамчиси бўлган браҳмачари Нитъянанда Браҳмачари Гаудия Матхга қарашли бўлган икки от кўшилган чиройли каретада кутиб турарди. Нитъянанда ҳамиша Абхайнин жуда камтар ва сабрли содик деб биларди. Одатда то матхга боргунча Абхай ундан Шрила Бхактисиддханта Сарасвати охирги вақтларда нима ишлар қилгани ҳақида сўраб суриштиарди. Унинг

қаерларга боргани, қайси китобларни нашр қилгани, қанча марказлар очгани, унинг шогирдларининг хаёти ҳакида синчилаб саволлар берарди. Улар дунёвий ишлар ҳакида умуман гапирмасдилар. Одатда Абхай Гаудия Матхда беш кун қоларди. Баъзан у Калькуттада яшайдиган опа-сингилларидан бириникига борарди, лекин барибир, унинг Калькуттага келишидан асосий мақсади – Шрила Бхактисиддханта Сарасвати билан учрашиш бўларди. Абхай унинг сұхбатини тинглаш учун ҳар қандай имкониятни қўлдан бой бермасликка интиларди.

Абхай ҳеч қаҷон Гаудия Матхда бирор раҳабрлик лавозимини эгаллашга интилмаганди. Унинг руҳий устози ўн саккиз кишига саннийаси берган эди, улар миссияни ва тарғибот ишларини бошқариш учун тиниб-тинчимай меҳнат қиласдилар. Абхай эса оила ва ўзининг бизнеси ташвишларига фарқ бўлган оиласи киши эди; агар қиска вақт меҳмон бўлишларни хисобга олмасак, у ҳеч қаҷон матхда яшамаган. Шунга қарамасдан унинг руҳий устози билан бўлган ўзаро муносабатлари тобора яқинлашиб, мустаҳкамланиб борарди.

Баъзан Абхай Шрила Бхактисиддханта Сарасватини билан учрашиш учун Маяпурдаги Парвардигор Чайтанъя туғилган жон – Чайтанъя Матхга борарди.

Бир куни Чайтанъя Матхнинг ховлисида Абхайнинг олдида бирдан катта заҳарли илон пайдо бўлиб қолди. Абхай бошқа содикларни чақирди, улар дарров етиб келиб, ҳаммаси нима қилишни билмасдан, ҳар бири турган жойида қотиб қолдилар. Ўша пайт Шрила Бхактисиддханта Сарасвати иккинчи қаватдаги ўзининг хонасидан чиқиб қолди ва илонни кўриб дарров: “Илонни ўлдиринглар!” – деб буйруқ берди. Бир йигит калтак олиб илонни ўлдириди.

Шрила Прабхупада: *Мен ўйланиб қолдим: нимага руҳий устоз илонни ўлдиринглар деди? Мен бунга ҳайрон қолган эдим, лекин кейин*

77

*мен муқаддас китоблардаги мана бу шеърни учратдим: модета садхур апи врииҷика-сарна-хатъя – “Илон ёки чаённи ўлдирисалар, бунга ҳатто садхулар ҳам қувонадилар”. Менда озгина шубҳа пайдо бўлган эди, нимага руҳий устоз илонни ўлдиринглар деди? Лекин шастралардаги бу шеър мени илон ва чаён сингари мавжудотларга шафқат қилиши ноўрин эканлигини кўрсатди.*

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати шунчалик риёзатга берилган ва бошқа фалсафаларни инкор этиш учун шунчалик кучли далиллар келтирадики, ҳатто унинг шогирдлари ҳам, агар бирор мухим иши бўлмаса, унга савол билан мурожаат қилишдан чўчирдилар. Лекин,

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати жуда кам учрашган бўлсалар ҳам, Абхайга жуда мулойим муносабатда бўларди.

Шрила Прабхупада: *Мен руҳий устоз билкан неча мрта учрашган бўлсан, ҳаммасида у мен билан жуда мулойим гаплашган. Руҳий оғаларим менинг руҳий устоз билан эркин сухбатлашишимни, унинг олдида ўзимни эркин тутшишимни қоралаб, менга инглизларнинг мақолини рўякач қиласадилар: “Ҳатто фаришталар киришига қўрқадиган жойга сурбет нодонлар чопиб келадилар”. Мен: “Нодонлар? Ҳа, мен нодонман, менинг бор-бўлишим шу!” руҳий устоз менга ҳамиша меҳрибон эди. Мен унинг олдида сажда қиласам, одатда у: “Дасо сми” – “мен сенинг хизматкорингман” - деб айтарди.*

Баъзан, Шрила Бхактисиддханта Сарасвати хонада у ёқдан бу ёққа юриб, мантра зикр қилиб юган бўлса, Абхай ҳам шу хонага кириб у билан бирга у ёқдан бу ёққа юриб мантра тақрорлай бошларди. Бир куни Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг хонасида руҳий устоз күшеткада ўтирган экан, Абхай хонага кириб, унинг ёнига, у билан бир жойга ўтириди. Кейин қараса, бошқа содикларнинг ҳаммаси келиб, пастга полга, руҳий устознинг оёгининг остига ўтирибдилар. Абхай эса ўрнида ўтиришда давом этаверди, Шрила Бхактисиддханта Сарасвати унга ҳеч нарса демади. Лекин, шундан кейин Абхай ҳеч қачон ўзининг руҳий устози билан бир сатҳда бўлган жойга ўтиrmади.

Бир куни Худонинг содиклари Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг маърузасини тинглаш учун бир хонага тўпландилар, уларнинг орасида Абхай ҳам бор эди. Кутимаганда унинг ёнида ўтирган кекса содик унга мурожаат қилди. Абхай унинг нима деяётганини яхшироқ эшлиши учун у томонга эгилди, бирдан Шрила Бхактисиддханта Сарасвати баланд овозда бу икки кулоқсиз шогирдига қараб бакириб берди: “Бабу, - деди у аввал кекса чолга қараб, - Сен ўзингнинг ҳар ойда эҳсон қиласадиган юз эллик рупий садақанг билан мени сотиб олиб қўйибман деб ўйляпсанми?” Кейин у Абхайга ўгирилиб: “Балки бу ерга чиқиб менинг ўрнимга сен маъруза қилассан?” Абхай ўзининг бу ҳаракатидан жуда пушаймон бўлди, лекин у ичида руҳий устознинг танбех берганидан жуда хурсанд бўлганди.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати бир куни Абхай билан ёлғиз қолиб сухбатлашганида унинг тарғибот қилишда қанчалик хатарли қийинчиликларга дуч келаётганини гапириб берди.

Шрила Прабхупада: *Руҳий устозимнинг кўрсатган энг катта хизмати шунда бўлдики, у сохта Госвамилар табақасини яксон қилди.*

У ана шу сохта браҳманизмни яксон қилган эди. У худди Чайтаниа Махапрабхуга ўхшаб уларни яксон қилган эди. киба випра киба нъяси, шудра кене найа\ еи кришина-таттва-ветта, сей гуру хайа. “Шудрами, саннйасими, браҳманми – ким бўлишидан қаъий назар, агар Кришина ҳақидаги илмни эгаллаб олган бўлса, ҳар қандай киши говсами ёки браҳман бўлишига муносиб инсондир”.

Лекин, Чайтаниа Махапрабху кетгандан кейин одамлар унинг бу кўрсатмаларини эсдан чиқариб юборгандилар. Менинг Гуру Махаражсимнинг кўрсатган хизмати айнан шунда бўлди, айнан шунинг учун Госвамилар табақасига мансуб браҳманлар унга жуда қаттиқ қаршилик кўрсатардилар.

Улар ҳатто бир куни суиқасд уюштириб, менинг Гуру Махаражсимни ўлдирмоқчи бўлганлар. Руҳий устоз менга шунчалик марҳаматли эдики, фақат иккимиз юзма-юз учрашиб сұхбатлашганимизда менга жуда кўп нарсаларни гапириб берган. Бу воқеани ҳам унинг ўзи гапириб берганди: “Улар мени ўлдирмоқчи бўлганлар”.

Улар 25 минг рупий пул тўплаб, полиция бошлигига берганлар. “Мана бу пулни олиб қўй. Бизлар Шрила Бхактисиддханта Сарасватига қарши бир иш қилмоқчимиз, сен шунчаки бунга ҳеч қандай чора кўрмасанг бас”. Полициячи улар Шрила Бхактисиддханта Сарасватини ўлдирмоқчи эканини дарров пайқаган, у дарров Гуру Махаражсининг олдига келиб, ҳаммасини очиқ айтиб берган: “Албатта, бизлар пора оламиз, гуноҳимни яшириб нима қиламан. Лекин иш садхулар билан боғлиқ бўлганда ҳеч қачон бундай қилмаймиз. Мен ҳеч қачон бундай ишига қўл урмайман”. Полициячи пора олишдан бош тортиб, уларнинг ниятини Гуру Махаражсга айтиб берган: “Эҳтиёт бўлинг. Ҳаётингиз хавф остида”. Браҳманлар унинг тарғиботига шунчалик қаршилик қилганлар.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ўзининг шогирдларидағи дадилликни жуда яхши кўрарди. Абхай бир воқеа ҳақида эшитган, Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг бир шогирди жуда кўп одамлар тўпланган мажлисда машҳур бир майявади роҳибининг исмини айтиб, шунча одам олдида уни ҳакорат қилиб “эси паст от” деб атаган. Натижада мажлис тарқаб кетган, катта шов-шув бўлган. Баъзи бир шогирдлар руҳий устоз шов-шувга сабаб бўлган ўши шогирдидан норози бўлади деган максадда бу ҳакда Шрила Бхактисиддханта Сарасватига хабар берганлар. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати эса, аксинча бу ҳақда эшитиб, жуда мамнун бўлган: “У жуда тўғри иш қилган”. У шогирдларининг

бирортаси күнгилчанлик қилиб нотүғри фалсафаларга ён босганини эшитса, қаттиқ хафа бўлган.

Шрила Прабхупада: *Гуру Махарадж* бу дунёда юрган пайтида ҳатто энг билимдон пандитлар ҳам унинг ҳатто руҳий фаолиятни энди бошлигар янги шогирдлари билан ҳам суҳбатлашишдан чўчиғанлар. Менинг руҳий устозимни “тирик энциклопедия” деб атаганлар. У ҳар қандай зиёли киши билан ҳар қандай мавзуда суҳбатлаша олган. У ҳеч қачон нотүғри фикрларга ён босмаган. Сохта садху, сохта аватара, сохта йоғлар – ана шундай иккюзламачиларнинг ҳаммаси руҳий устозимнинг душмани бўлганлар. У бирорларнинг иккюзламачилкларига, нотүғри фикрларга ёнбосишига умуман чидаб туролмасди. Унинг баъзи бир руҳий оғалари тарғибот қилишининг бундай йўлини “калласини олиш” деб атар ва бу йўл билан узоққа бориб бўлмайди деб башорат қилган эдилар. Лекин, руҳий устозимни танқид қилган кишиларнинг ҳаммаси Худога садоқат билан хизмат қилиши йўлидан чиқиб кетдилар.

Шрила Бхактисиддханта Сарасватини “симха-гуру” – шер-гуру деб атардилар. Баъзан, имперсонализмнинг бирор издошини учратиб қолса, дарров олдига чақириб олар ва уни сўроққа тута бошларди: “Нимага сен одамларнинг калласини майавадиларнинг фалсафаси билан тўлдириб, уларни алдаб юрибсан?” У ўзининг шогирдларига тез-тез ҳеч қачон нотүғри фалсафаларга ёнбосмаслик кераклигини уқтириб турарди. “**Нимага бизлар кимнингдир кўнглига қараб иш тутишимиз ёки кимгадир тилёғламачилик қилишимиз керак?** Биз ҳеч кимга ён босмасдан ҳақиқатни очиқ айтишимиз лозим. Барibir, нима қилсак ҳам пешонамизга ёзилгани бўлади, пешонамизга ёзилган пул барibir келаверади”.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати вайшнавлар фалсафасини оғзакими ёки ёзма равишдами, баён этар экан, ҳеч қачон бошқа бирор фалсафага ён босмасди: унинг барча хулосалари аниқ ва лўнда, мантикли, ишончли ва шастраларга асосланган бўларди. Баъзан Абхай руҳий устозининг жуда оддий ва мангу насиҳатларини эшитиб қолар ва унинг бу гапларини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигини тушунарди. “**Худони кўришга интилма, - дерди Шрила Бхактисиддханта Сарасвати кўпинча, - яхвиси, сен шундай ҳаракат қил-ки, Худо сени кўрсин!**”

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати шунчаки одамларга Илоҳларни кўрсатгани учун пул олиб даромад тўплаш ниятида эхром қуриб юрган руҳонийларни қаттиқ қораларди. “Ундан кўра кўча супуриб пул топган яхширок” – дерди у. У бенгал тилида шундай

рухонийларга аatab бир мақол ўйлаб топди: “шалаграм-двара бадам бханга – “Шалаграм Илоҳини бодом чақиши учун ишлатадиган рухонийлар”. Бошқача қилиб айтганда, тирикчилик қилиши учун Илоҳларни кўрсатиб пул топиб юрган кишилар Илоҳни Парвардигорнинг тимсоли деб эмас, балки пул ишлаб топиш воситаси деб биладилар.

Бир куни Абхай руҳий устозининг машҳур миллатчи Шубҳас Чандра Боуз билан сұхбатлашганининг гувоҳи бўлган, Боуз билан Абхай Шотланд коллежида бирга ўқигандилар. Боуз Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг кўплаб ёшларни динга жалб қилаётганидан саросимага тушиб, руҳий устознинг фаолиятига танқидий кўз билан қаради.

Шрила Прабҳупада: *Шубҳас Чандра Боуз Гуру Махараж олдига келиб, унга шундай деди: “Сиз жуда кўп ёшларни динга жалб қилияпсиз. Энди улар ўз миллати учун бирор хизмат қилмаятилар”*.

Гуру Махараж унга шундай жавоб берди: “Сизларнинг миллатчилик ҳаракатингиз учун жуда бақувват ва кучли йигитлар керак. Лекин буларга қаранг, - менинг шогирдларим заиф ва ориқ йигитлар. Шунинг учун сиз уларни тинч қўйинг. Майли, улар прасад еб Ҳаре Кришна мантра зикр қилиб юраверсинглар”. Шундай қилиб, руҳий устоз у билан сұхбатлашишдан бош тортганди.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати айтарди, олий судда судъялар лавозимини пешонасига вайшнавларнинг тилакасини қўйиб олган Худонинг содиклари эгаллаганидагина Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиш ҳаракати муваффақиятга эришди деб айтиш мумкин. У айтарди, Ийсо Масих шактьявеша-аватара, Парвардигорнинг алоҳида қудратга эга бўлган аватараси эди. “У ҳақда бошқача ўйлаш мумкинми? У худо учун ҳамма нарсадан воз кечган”.

Баъзан у жуда илмий равишда аниқ хулоса чикаради: “Дунёвий ишлар илоҳий Ҳукмдорга эришиш имконини беролмайди”, баъзан эса, буни тушунарлироқ қилиб ифодаларди: “Ўзларининг қўпол моддий сезгилари ва ақлий фикрлашлари билан Парвардигорни тушуниб етишга уриниб юрган дунёвий олимлар худди асал солинглан банканинг сиртини ялаб, асалнинг таъмини ҳис қилишга уриниб юрган кишига ўхшайдилар”. “*Динсиз фалсафа – дерди у – қуруқ сафсата, фалсафасиз дин эса, шунчаки ақидапарастлик, ёки сезгилар машқи, холос*”.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати айтарди, жамиятдаги одамларнинг ҳаммасини икки тоифага бўлиш мумкин: алданганлар ва алдоқчилар. У шундай мисол келтиради: бузук аёллар, садхудан

фарзанд кўриш жуда катта омад деб ўйлаб, бирор садхуни йўлдан уриш учун муқаддас қадамжоларга келадилар. Бузуки эркаклар эса, шундай аёллардан бирортасининг қармоғига илиниш ниятида садхуларнинг либосига ўраниб оладилар. Унинг чиқарган хulosаси шундан иборат эдики, “**ҳар бир фаросатли инсон бу дунёни биратўла тарқ этиб, Худонинг даргоҳига қайтишга интилиши лозим, чунки бу моддий олам фаросатли инсон яшайдиган жой эмас**”.

Шогирдлари келажакда нима бўлиши ҳақида сўраганида рухий устоз хеч қачон уларга: “Ҳа, албатта шундай бўлади” ёки “Биз шунга эришишимиз лозим” демаган. Аксинча, у ҳамиша: “Агар Кришна хоҳласа, шундай бўлади” – деб жавоб берган. Ёшлигидаги астролог бўлиб, одамларнинг келажагини башорат қилган, лекин энди у бу ишни қилмасди.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати бутун умри давомида жинсий поклигини саклаб, бир умр браҳмачари бўлиб қолган ва аёллар билан ёлғиз сухбатлашмаган. Бир марта рухий устознинг хонасида Абхай, яна бир содик ўзининг хотини билан бирга ўтиради. Ўша содикнинг хотини Шрила Бхактисиддханта Сарасватидан шахсий муаммо бўйича ёлғиз сухбатлашишга рухсат сўради, лекин рухий устоз уни рад этди: “Йўқ, нима ҳақда гапирмоқчи бўлсанг, шу ерда гапиришинг мумкин. Мен сен билан ёлғиз қололмайман”. Абхай рухий устозининг гапларидан ҳайратга тушди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати олтмишдан ошган киши эди, бу аёл унинг невараси билан тенг эди. Лекин, шунга қарамасдан, барибир рухий устоз уни рад этди: рухий устоз хеч қачон бирор аёл билан шахсан ёлғиз қолиб сухбатлашмаган.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ўзининг шогирдларига саннийаси беришни ёқтиради. Лекин, бир куни унинг саннийаси шогирдларидан бирини унинг собиқ хотини зўрлик билан уйига олиб кетди. Шунда Шрила Бхактисиддханта Сарасвати шу адашган рухни қутқариб қола олмаганидан каттиқ афсусланганини айтиб, ийғлаб юборди. Лекин у хеч қачон оиласвий турмушда Кришна онги билан яшашни қораламаган: “Агар Кришна онги билан яшайдиган болаларни тарбиялай олишга ишончим комил бўлса эди, мен бемалал оила куриб, жинсий алоқа қилган бўлардим”.

У браҳмачари шогирдларини Гаудия Матхнинг журнал ва китобларини сотиш учун кўчага жўнатарди, агар браҳмачари атиги биргина китоб ёки журнал сотган бўлса ҳам у жуда хурсанд бўлар ва уни олқишлиарди: “Сен жуда зўрсан!” Шогирдлари ёзган бирор маколани журналда нашр килишга яроқли ёки яроқсиз эканини текширас экан, у одатда макола ичida Кришна ёки Чайтанъя ибораси неча марта такрорланганини хисоблаб чиқарди. Агар ана шу муқаддас

номлар етарлича кўп тақрорланган бўлса, у: “О, жуда яхши мақола, уни ёзиш мумкин” - дерди.

У бенгалча бир мақол ўйлаб топган эди: пран ачхе йар, се хету прачар - “тарғибот қилиш учун тирик бўлиш керак – мурда тарғибот қила олмайди”. Тағиботчи шогирдлари маърузага ҳеч ким келмагани ва мантра қўйлашда ҳеч ким иштирок этмаганидан шикоят қилсалар, у уларга: “Бунинг аҳамияти йўқ. Тўрут девор сени тинглади-ку, шунинг ўзи етарли. Ҳечам хафсаланг пир бўлмасин. Тарғибот қилишда давом этавер” – деб жавоб берарди.

Баъзи бир шогирдларининг Худога садоқат билан хизмат қилишни ташлаб, тубанликка кулаганини тушунтириб, у шундай дерди: “Жангда албатта баъзи бир аскарлар ҳалок бўладилар”.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати шогирдларининг енгил ҳаёт кечиришини истамасди, бир куни у бирор иш килмасдан бекор юрган шогирдини қаттиқ койиди. У шогирдларининг риёзатчиларга ўхшаб хилватда яшашини ҳам истамасди. У бир қўшиқ ёзиб, тез-тез ўзи куйлаб юради: душта мана туми кисера вайшнава? - “Эй азиз нафсим, сен қандай вайшнавсан? Сен Харидас Тхакур ва Рупа Госвамига тақлид қилиб, хилват жойда Харе Кришна мантра тақрорлайсан, ўзинг эса, ҳамма вақт аёллар ва бойлик ҳакида ўйлайсан. Ақлинг иллатга тўлиб кетган, шу боис сенинг барча зикринг, бҳаджанларинг – шунчаки сафсата”. У айтардики, агар содик хилват жойда чуқур муроқбага берилиш учун тарғибот қилишни тўхтатиб қўйса, - бу шунчаки ўзини ўзи алдаш бўлади. Аслида у бошқаларнинг унга сажда қилишига эришиш учун машҳур авлиё зотларга тақлид қилаётган бўлади. Шунинг учун Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ҳеч қачон аҳоли кам жойларда Гаудия Матхнинг марказларини очишга ҳаракат қилмаган.

Абхай имкони бўлган пайтларда руҳий устозининг гапларини тинглашдан чарчамасди, лекин у руҳий устозига фалсафий саволларни жуда кам берган. У шунчаки руҳий устозининг гапларини тинглашни маъқул кўрарди.

Шрила Прабхупада: *Мен руҳий устозимга: “Сизга қандай хизмат қилишиш мумкин?”* – дегандан бошқа ҳеч қачон ҳеч қандай савол бермаганман.

\* \* \*

Абхай Чаран Де машҳур фармацевт бўлиб етишди. У Боузнинг лабораториясида яхши иш олиб борди, бошқа компаниялар ҳам уни

ўзларининг вакили бўлишини истарди. У бой-бадавлат бўлишдан умидвор эди.

Шрила Прабхупада: *Руҳий устозим менга: “Сен шундай қил!”* деб буюрди. Лекин мен: *“Аввал мен бойлик орттириб олишим керак, кейин руҳий устознинг буйргуни бажараман”* – деб ўйладим. *Аввалига мен: “Руҳий оғайниларим саннийаси қабул қиляптилар. Улар садақа сўраб эшикма-эшик юрадилар. Наҳотки мен ҳам одамлардан садақа сўраб юришим шарт бўлса? Яхиси мен кўп пул ишлаб топаман ва Криинани англаш таълимоти тарғибот қиласман”*.

Ҳиндистоннинг энг катта компанияси “Бенгал Хемикал” унга ҳамкорлик қилишни таклиф килди, лекин улар унинг баъзи бир шартларини бажармагани учун улар билан ҳамкорлик килмай қўйди, лекин кейин бу ишидан пушаймон бўлди. Лекин барибир у ўзининг келажагидан умиди катта эди. Бир астролог Абхайга Ҳиндистоннинг энг бадавлат кишиларидан бири бўлиши мумкинлигини башорат қилди. Доктор Боуз ҳам илгари унинг отасига: “Бу йигит жуда эпчил ва уддабурон!” – деб айтган эди.

Лекин, баъзи бир қийинчиликлар ҳам дуч кела бошлади. Иш бўйича сафарга чиқар экан, Абхай кредитга берган дорилар учун тўланадиган пулнинг факат ярмисини тўплай оларди, шунча пуллари одамларда қолиб кетарди. Кредитлар вактида тўланмасди, унинг компания олдидаги қарзи эса тобора ошиб борарди. Абхайнинг доктор Боуз Лабораторияси олдидаги қарзи ўн минг рупийга етди. Бунинг устига Абхайнинг рақобатчи душманлари ҳам кўпайди. Боузнинг Калькуттадаги расмий вакили бўлиб, Абхайнинг ўрнини эгаллаган янги бошлиқ доктор Боузни Абхайга қарши эговлай бошлади. У Абхайни жуда мустақил бўлиб кетганликда айбларди. Улар Абхайнинг “Бенгал Хемикал” билан шартнома тузмоқчи бўлиб юргани ҳақида эшитгандилар. Янги бошлиқ Абхайнинг Боуз олдидаги қарзи ошиб бораётганига сабаб унинг хиёнат қилаётганида деб тушунтириди. Карттик Боуз Абхайга аввалгидай яхши муносабатда эди. Лекин Абхайнинг қарзи жуда кўпайиб кетгандан кейин, ҳаммасини ўзи текшириб кўриш мақсадида Боузнинг ўзи Аллахабадга етиб келди. “Праяг Фармаси” да доктор Гхош унга шундай деди: “У жуда виждонли, ҳалол инсон. Бўлиб ўтган ишда унинг айби йўқ. У ишонувчанлиги сабабли бошқа аптекаларга кредитга мол улашиб берди, энди улар кредитларни тўлашни кечиктиртилар”.

“Майли – деди доктор Боуз, - лекин мен унга пул беришда давом эта олмайман”. Абхай доктор Боуз билан бирга ҳамма кредитларни кўриб чиқдилар ва шундай хulosага келдилар: агар Абхай “Праяг

Фармаси”даги ҳамма ишларни ва ҳисоб ҳужжатларини доктор Боузга топширса яхширок бўлади. Шундай қилиб, Абхай қарзидан қутулди, лекин айни пайтда у ишидан ҳам айрилиб қолганди.

Атулананда браҳмачари Абхайдан сўради: “Нимага сен матхга боришни истамайсан? Ахир сен энди банд эмассан-ку?” Абхай уйига яқин жойда жойлашган Рупа Госвами матхига тез-тез бориб турадиган бўлди. У ердаги браҳмачарилар унга ҳамма нарсада фақат Кришнага таваккал қилишни, дунёвий ишларни тарк этиб, уларнинг сафига кўшилишни ва тарғибот билан шуғулланишни маслаҳат бердилар. Лекин Абхай ишини ташлаб қўйишини хаёлига ҳам келтирмасди. Агар уларнинг маслаҳатига амал қиласидиган бўлса, хотини ва болаларининг аҳволи нима бўлади? Энди Радхарани билан унинг учинчи фарзанди, яна бир ўғли туғилган эди, шунинг учун Абхайнинг ўз оиласи олдидаги маъсулияти яна ҳам ортган эди. Браҳмачарилар унга ҳеч қандай ёмонлик истамасдан, беғараз самимий равища дунёвий ишларни тарк этишини таклиф килдилар, лекин Абхай уларнинг бу таклифини жиддий қабул қила олмасди.

Ишсиз қолган Абхай бироз вакт анча қийин аҳволда қолди, лекин у ўзига ишонар ва бирор янги иш топишдан умид қиласарди. Абхайнин ўзларининг вакили қилиб олишга тайёр бошқа компаниялар ҳам бор эди. Унинг баъзи бир мижозлари ҳам, у энди Боуз лабораторияси билан ҳамкорлик қиласиганига қарамасдан унга иш таклиф қилишлари мумкин эди. Абхай ўзининг шахсий лабораториясини ташкил қилиш ҳақида ўйларди. Нихоят у Аллахабаддан ҳам каттароқ бўлган шаҳарда ўзининг дори ишлаб чиқарадиган фабрикасини очишига қарор қилди. У Бомбей шаҳрини танлади.

У оиласини Аллахабадда қолдириб, укаси билан Бомбейдаги шароитни билиб келиш учун жўнади. Гарчи Радхарани эрининг ҳафталааб уйда бўлмаслигига кўнишиб қолган бўлса ҳам, энди эри оиласини ташлаб умуман бошқа шаҳарга кетишини эшитиб, бироз саросимага тушди. Абхай унга тушунтириб айтдики, унинг ишидан айрилиши Кришнанинг режаси билан бўлган, энди эса, оиланинг эҳтиёларини қондириш учун у жиддийроқ иш топиши, шунинг учун у ўзининг фабрикасини ташкил этиш учун Бомбейга кетиши керак.

Абхайнинг Аллахабаддаги оилавий ҳаёти вақтинча тўхтаб қолганди. У бу ерда ўзининг дори ишлаб чиқарадиган кичик лабораториясини қолдирди, уни бошқарив туришни жияни Туласига топшириб, ўзи укаси билан бирга Бомбейга жўнади.

Абхай Бомбейга келиб, Грант Роудда бир квартирани ижарага олди ва Боуз лабораториясида олган тажрибасидан фойдаланиб, ўзининг кичик фабрикасини очди. Унинг иши дарров юришиб кетди, катта бир компания, Смит Институти, унга ўзининг савдо агенти

бўлишни таклиф қилди. Абхай Смит Компаниясининг вакили сифатида пул ишлаб топиш ва айни пайтда ўзининг фабрикасини ҳам ривожлантиришни назарда тутиб, уларнинг таклифини қабул қилди. У ўзининг кучига ишонар ва дори ишлаб чиқариш саноатида етарли пул ишлаб топишига шубҳа қилмасди.

Бомбейга иш билан бориб юрган пайтларида у Гаудия Матх аъзоларини, Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг шогирдлари бўлган катта саннийасиларни – Бхактиракшака Шридхара Махараж билан Бхактишаранга Госвамини учратиб қолди. Абхай ваишнавлар фалсафасини ва муқаддас китобларни жуда яхши биладиган бу руҳий оғаларини жуда хурмат қиларди. У қаерга борса ҳам Парвардигор уни ўзининг руҳий оғайнилари билан учраштириб тургани яққол сезилиб турарди. Унинг ўзи ҳам, икки руҳий оғаси ҳам шундай катта шаҳарда уларнинг тасодифан учрашиб қолиши – яхшилик аломати деб баҳоладилар. Аллахабаддаги сингари, бу ерда ҳам Гаудия Матхнинг маркази йўқ эди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати номидан тарғиботчилар эшикма-эшик юриб, Гаудия Матхнинг Бомбейдаги бўлимига бирор ёрдами тегадиган кишиларни излаб юрардилар.

Абхайнинг уларга жуда ёрдам бергиси келиб кетди ва уларга ўзининг ёрдамини таклиф қилди. Гарчи, саннийаси бўлгани учун улар Абхайдан устун турсалар ҳам, ҳозир уларнинг аҳволи қайсиdir маънода ночор, ноилож эди, шунинг учун улар Абхайдан ёрдам сўраб турардилар. Улар Проктор Роунддаги бир кичик бинода турардилар, уларнинг бу ерда бирор жиддийроқ танишлари ҳам йўқ эди. Энди улар бир команда бўлиб олдилар: Абхай бу саннийасиларни ўзининг бизнесдаги ҳамкорлари билан таништиради, саннийасилар эса, улардан янги марказ очиш учун маблағ сўрайдилар. Маблағ тўплаш борасида Абхайга тенг келадиган киши йўқ эди, шунинг учун у бу ишга хурсанд бўлиб киришиб кетди. Руҳий оғалари яна уни ҳаётини бутунлай тарғибот қилишга бағишлишга ундан кўрдилар.

Шрила Прабхупада: *Бизлар эҳсон йигиши учун бир гуруҳ бўлиб олдик: Шридхара Махараж, Госвами Махараж ва мен. Мен уларни ўзимнинг танишларим – химиклар, врачлар билан таништирадим. Икки кунда бизлар беш юз рупий тўплладик. Одатда мен уларни таништирас, Шридхара Махараж суҳбатлашиб ўтирас, Госвами Махараж садақа сўрарди. Госвами Махараж мендан жуда миннатдор эди, у мени мақтаб шундай дерди: “Бу бабу жуда тажрибали, унинг жуда кўп дўстлари бор. У матх учун жуда кўп маблағ тўплади. Агар у бизларнинг матхга раҳбарлик қилиб, бизлар билан бирга яласа яхши бўларди. Нимага у бир ўзи бошқа жойда яшайди?”*

Абхай матхнинг Проктор Роуддаги квартирасига бориб турар, Худонинг содиклари билан киртанада иштирок этиб, "Шримад Бҳагаватам"дан маъруза тингларди. Саннийасиларнинг илтимоси билан Абхай марказ учун яхшироқ жой излаб топишга киришди. Абхай қаерга борса ҳам, Гаудия Матх маркази учун бирор ер майдони излаб юради. Унинг ўз оиласи олдида бурчи бор эди, лекин энди у фотиха олган шогирд сифатида ўзининг руҳий оғайниларига ҳам ёрдам бериши керак эди. У энди тирикчилиги учун курашиб факат дунёвий ишлар билан юрмасдан, Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилишда ҳам иштирок этиши лозим. Лекин у вақти келиб у ҳам мана шу саннийасиларга ўхшаб яшашини тасаввур ҳам қила олмасди – на иши, на бирор маблағи бўлмасдан тақир ерда ухлаш, оддийгина овқатланиш....

25 феврал 1935 йил.

Бу кун Шрила Бхактисиддханта Сарасвати олтмиш икки ёшга тўлди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати яшайдиган Жаганнатха Пурида Худонинг содиклари шу муносабат билан байрам маросимини ўtkаздилар. Гаудия Матхнинг Бомбейдаги марказида ҳам Худонинг содиклари кечкурунги сифиниш маросимини каттароқ қилиб ўtkазиши, яқин атрофдаги қўшниларни таклиф қилиши режалаштирилар. Байрам муносабати билан Абхай руҳий устозига атаб бир шеър ёзди:

*"Ҳамма, ҳамма мана шу ҳатто самодан ҳам саодатлироқ, май ойидан ҳам ширинроқ бўлган кунни, муқаддас Пурида менинг ҳукмдорим ва руҳий устозим Илоҳий Ҳазрат тугилган баҳтиёр кунни олқишиласин!"*

Эй руҳий устоз, Инжил фариштаси, йўлимиизга нур сочинг, маъшалангни ўчирманг! Бутун инсоният баҳти учун курашишида давом этинг; бизнинг ягона умидимиз – Ўзингиз, Ҳазрат.

Бизлар адашиб, йўлимиизни йўқотдик. Бутун қалбимиз билан илтижо қиламиз, бизни қутқаринг, эй Ҳукмдор! Сиз бизларни гаройиб равиида уйқудан уйгота олдингиз. Мен Сизнинг пойи қадамларингга боши ураман, Илоҳий Ҳазрат!

Кришнани эсдан чиқариб, биз адашган руҳлар майяга жуда оғир бадал тўлаб юрибмиз. Атрофимизни зулмат қоплаган, бирор ёргулек кўринмайди. Ягона умидимиз Ўзингиз – Илоҳий Ҳазрат!

Сиз, ҳаммадан яширин бўлган Чайтанья васият қилганидек, Худога садоқат билан хизмат қилиши ҳақида, ҳақиқий баҳт ҳақида

*хабар келтирдингиз, мана шу – маънога тўла сизнинг неъматингиздир, Илоҳий Ҳазрат!*

*Сиз Мутлақ Ҳақиқат фикрлашини ва ҳис қилишини исботладингиз. Сиз имперсонализмнинг қашшоқлигини бартараф этдингиз. Мана шу бизга янги ва порлоқ ҳаёт бағишлайди. Мен сизнинг пойи қадамларингизга бош қўяман, Илоҳий Ҳазрат!*

*Наҳот сиз, Криинанинг амрини дадил ва баралла эълон қилиб юрган зот, келмасангиз? Сизнинг истагингиз бу, сизга шундай ваколат берилган? Мени, адашган бандани қутқаринг, Илоҳий Ҳазрат!*

*Сиз очган хизмат қилиши уфқлари кишини худди тонг шафагидай жонлантириб ва қувонтириб юборади. Энг қадимий, ва ҳамиша навқирон, сиз мўъжиза яратдингиз, Илоҳий Ҳазрат!”*

Абхай Чаранаравинда

Шунингдек, Абхай ўша кунга атаб нутқ ҳам ёзди ва уни Гаудия Матх марказида браҳмачарилар ва меҳмонлар олдида ўқиб берди. Гарчи Абхайнинг она тилиベンгал бўлса ҳам, у инглиз тилида тоза ва табиий гапирап эди.

“Жаноблар, бугун биз нишонлаётган, Ачаръядевага сифиниш маросими – шунчаки бир диний оқимнинг иши эмас, чунки, гурудева, ачаръядева қоидаси ҳаммабоп қоида бўлиб одамларга тааллуклидир. Биз бу ерда бизларнинг гуру сизларнинг гурудан ёки бошқа бирор зотдан нимаси билан фарқ қилиши ҳақидаги масалани ўртага ташламоқчи эмасмиз. Аслида фақат битта Гуру бор, ана шу Гуру менга, сизларга ва бошқа одамларнинг ҳаммасига Худо ҳақидаги илмни ўргатиш учун сон-саноқсиз қиёфаларда намоён бўлади. Ҳақиқий муқаддас китоблардан биламизки, Гуру, яъни ачаръядева, Мутлақ Ҳақиқат оламидан, ҳамма бирдай Мутлақ Ҳақиқатга хизмат қиласидиган Мутлақ Шахснинг илоҳий даргоҳидан хабар келтиради”.

Абхай ўзининг шеърини ҳам, нутқини ҳам чин юракдан самимий гапирган эди, бунинг устига унинг гаплари ҳам, шеъри ҳам фалсафий жиҳатдан асосланган эди. Абхайнинг вайшнавлар фалсафасини шунчалик маҳорат билан таърифлаб берганини кўриб, унинг руҳий оғайнилари хайратдан ёка ушлаб қолдилар. У қандай қилиб бунга эришган? Албатта, улар учун бу кутилмаган ҳол эмасди. Бошқа руҳий оғайнилари сингари Абхай ҳам вайшнавлар фалсафасини Шрила Бхактисиддханта Сарасватидан тинглаган эди. У ўзи “Бҳагавад-гита”, “Шримад Бҳагаватам”, “Бҳакти-расамрита-синдху”дан ўқиб олган, руҳий устозининг оғзидан эшигтан гапларини ўзининг тилида баён

этганининг нимаси ҳайратланарли? Ахир у парампарада турган Худонинг содик хизматкори эмасми? Лекин, шу пайтгача ҳеч ким уни вайшнавлар фалсафасини инглиз тилида шунчалик равон ва тушунарли қилиб баён эта олади деб ўйламаган эди.

“Мен ўйлайманки, бу ерда ўтирганлардан бирор киши Икки Мутлақ Ҳақиқат бўлиши мумкин эмаслигига шубҳа қилмайди, демак, худди шунлай, икки гуру ҳам бўлиши мумкин эмас. Бугун бу ерга тўпланганданинг ҳаммаси камтарин ҳолда ҳурмат эҳтиром кўрсатаётган Ачаръядева – қандайдир бир диний оқимнинг руҳий устози эмас, у - Мутлақ Ҳақиқатни ўз билганича талқин қиласидиган, ҳамиша бир бирига қарама-қарши фикр билдирадиган сон-саноқсиз ҳақиқатгўйлардан бири ҳам эмас. Аксинча, у – Жагад-гуру, ҳамманинг руҳий устозидир. Лекин, бировлар унга ўз ихтиёри билан бўйсунадилар, бировлар эса, унга бевосита бош эгишни истамайдилар”.

Албатта, бу ерда гап бораётган гуру шабҳасиз, барча муқаддас китобларнинг бошлангич муаллифи бўлган Въясадеванинг вакили - Шрила Бхактисиддханта Сарасвати эди. Абхай ўтирганларга қандай қилиб Парвардигор Кришна бу илоҳий илмни аввал коинотни яратган Браҳмага ўргатганини гапириб берди. Бу илм Браҳмадан Нарада Мунига, Нарададан – Въясага, Въясадан – Мадхвага ... ўтди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ўзи парампарада турган ҳолда, Ведалар илмини асл холида, ҳеч қандай ўзгартишларсиз баён этгани учун у – бошқаларнинг йўлини Ведаларнинг илоҳий илми нури билан ёрита олишга қодир бўлган ҳақиқий ачаръя эди.

Абхай давом этди: “Жаноблар, бизларнинг илмимиз шунчалик саёз, сезгиларимиз шунчалик номукаммал, имкониятларимиз шунчалик чекланганки, бизлар Шри Въясадеванинг ёки унинг ҳақиқий вакилининг нилуфар қадамлари пойига ўзимизни топширмасак, ўзимиз ёлғиз ҳолда Мутлақ олам ҳақида озгина бўлса ҳам тасаввурга эга бўла олмаймиз”.

Абхай тушунтиридики, Илоҳий илм Ҳиндистонда минглаб иyllардан бери маълум, гарчи ҳозир қисман йўқолган ва ўзгарган бўлса ҳам, айнан мана шу илоҳий илм Ҳиндистоннинг бутун инсониятга берадиган ҳақиқий бебаҳо инъоми бўлади.

“Демак, ўзидан-ўзи шундай хулоса келиб чикади, ҳозирги даврда одамларнинг жаҳолат ботқофига ботишига сабаб моддий ютукларнинг етишмаслигига эмас, балки бизларнинг руҳий тараққиётга олиб борадиган йўлдан четга чикиб кетганимиздир. Айнан мана шу инсон ҳаётининг энг муҳим эҳтиёжи ҳисобланади, факат руҳий тараққиётгина инсонлар жамиятини олий даражага кўтара олади. Самолётлардан бомба ташлашни ўрганиш – юксалиш, тараққиёт эмас.

Аслини олганда, ҳозирги одамлар ўзларининг бу иши билан қадимда душманларининг бошига төгнинг тепасидан тош ташлаб юрган ёввойи аждодлариға ўхшаб кетадилар. Одамлар бир бирларини пулемёт ва заҳарли газлар билан ўлдиришни ўрганиб олдилар, лекин улар ўзларининг бу хунари билан бир бирини камон ва пайконлар билан ўлдира олганидан мағрураниб юрган ёввойи аждодларидан қанчалик юқори күтарила олдилар? Факат ўзини ўйлаш касали ҳайвонларга ўхшаб фикр юритишнинг белгисидир”.

“Шундай килиб, жаҳоннинг бошқа давлатларидағи одамлар ўзларини унудиши зулматида юрган эканлар, Ҳиндистондаги донишмандлар маданиятнинг одамларга ҳақиқий ўзлигини англаб етишида ёрдам берадиган бошқа бир турини ривожлантирилар. Улар аникладиларки, бизлар аслида моддий зотлар эмасмиз, бизлар – Мутлақ Ҳақиқатнинг мангу ва ҳеч қачон йўқолиб кетмайдиган, руҳий табиятга эга хизматкорларимиз”.

Абхай гапиришда давом этиб, инсон Худони унудиб, умрини ўткинчи ташвишларга ғарқ бўлиб ҳазон қиласа, бунинг оқибати туғилиш ва ўлишлар чархпалагида сарсон бўлиб юраверишга олиб келиши ҳақида гапирди. Абхай тақрор ва тақрор инсон ўзини руҳий устознинг нилуфар қадамлари пойига топшириши шарт ва зарурлигини таъкидлади. У дунёвий олимларнинг фалсафасини, имонсиз сиёsatчиларни ва ўз сезгиларининг қули бўлиб юрган одамларни қаттиқ танқид қилди. У инсон аслида ягона Парвардигорнинг ва Унинг асл содиқ хизматкорининг содиқ хизматкори бўлган улуғвор руҳий зарра эканини кўрсатиб берди. Икки йил аввал руҳий устозидан фотиха олган Абхай бу ерда ўзини камтарин шогирд деб билади:

“Жаноблар, гарчи биз илоҳий оламни билишда хали ғофил ёш болаларга ўхшасак ҳам, Илоҳий Ҳазрат, руҳий устозимиз, дунёвий илм зулматини ёритиш учун бизнинг қалбимизда кичкина шамчироқ ёқиб кўйдилар. Энди биз шунчалик ишончли ҳимоя остидамизки, дунёвий илмнинг ҳеч қандай далиллари бизни Илоҳий Ҳазратнинг нилуфар қадамлари пойида мангу қолишимиздан бир қадам ҳам силжита олмайди. Бунинг устига, биз майавадиларнинг энг кучли билимдон олимларини ҳам баҳсга чакиришга ва уларга Ведаларнинг энг улуғвор таълимоти факат Худонинг Олий Шахси ва Унинг илоҳий эрмакларидан иборат эканини исботлашга тайёрмиз”.

Кейин у самимий илтижо оҳангига жаранглаган галар билан нутқини яқунлади:

“Мен ўзим келаждакда миллион умрлар давомида бу дунёда сарсон бўлиб юрсам ҳам, Парвардигорга бевосита бирор хизмат қила олишимга кўзим етмайди. Лекин менинг ишончим комилки, ҳозир

ўзим тушиб қолган бу моддий оламдаги адашишлар чангалидан қачон бўлса ҳам чиқиб кета оламан. Шунинг учун мен ўзимнинг илохий руҳий устозим нилуфар қадамлари пойига бош қўйиб, ундан менга ўзимнинг аввал қилган хатоларим оқибатида келадиган барча мусибатларга сабот билан сабр қилишимга ёрдам беришини, лекин, ҳеч қачон менинг, аслида ўзим ҳар нарсага қодир бўлган Мутлақ Ҳақиқатнинг, ягона Парвардиғорнинг арзимас хизматкори эканимни эсимдан чиқариб юборишимга йўл қўймаслигини самимий илтижо қиласман. Мен факат ўзининг бесабаб марҳаматини мендан аямаган руҳий устозим ёрдамида ўзим аслида Худонинг мангубодиҳи хизматкори эканимни билиб олдим. Шунинг учун мен унинг олдида нилуфар қадамлари пойига бош қўйиб, эҳтиром билан сажда қиласман”.

Абхай ўзининг нутқини ҳам, шеърини ҳам Гармонист журналининг таҳририятига жўнатди. Абхай ўзининг нашр қилинган биринчи шеъридан кейин ўзида инглиз тилида ажойиб асар ёзиш қобилиятини сезди. Гармонист журналининг муҳаррири Бхактипрадипа Тиртха Свами, Абхайнини норасмий равишда кави, яъни, “билимдон шоир” деб атади. Абхайнинг баъзи бир руҳий оғайнилариға ҳам бу ном ёкиб қолди ва улар ҳам Абхайнини кави деб атади. Абхайнинг баландишилар. Уларнинг кўплари, ҳатто саннийасилар ҳам инглиз тилини яхши билмасдилар. Лекин Абхайнинг ёзган бу гаплари шунчаки одатдаги гаплар эмасди. Унинг руҳий оғайнилари бу гапларнинг чин юракдан ёзилганини дарров сезган эдилар, бу гаплар Абхайнинг руҳий устоз олдида камтарона бош эгиши бўлиб, руҳий устоз қабул қиланидан жуда хурсандлигини ифодалаб турарди. Айни пайтда унинг ёзганлари муқаддас китобларнинг хуносаларига аниқ мос келарди.

Лекин, унинг руҳий устозининг тугилган кунига атаб ёзган шеърининг ҳақиқий мукофоти бу поэма Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг қўлига бориб етгандан кейин келди. Руҳий устоз ундан жуда мамнун бўлганди. Шеъргаги бир куплет унга жуда ёкиб қолган ва у бу шеърни ҳамма меҳмонларга ўқиб берарди:

*Сиз Мутлақ Ҳақиқат фикрлашини  
ва ҳис қилишини исботладингиз.  
Сиз имперсонализмнинг қашшиоқлигини  
бартараф этдингиз.*

Мана шу тўрт мисрада Абхай руҳий устозининг майядиларга қарши қилиб юрган тарғиботининг энг аниқ мазмунини ифодалаб берган эди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Абхай унинг кайфиятини жуда аниқ ҳис қилишини кўрди. Ёзган шеъри руҳий устозига жуда ёққанини эшитиб Абхай жуда хурсанд бўлди.

Абхайнинг бир руҳий оғаси унинг бу шеърини худди Рупа Госвамининг Чайтаня Махапрабхунинг ички кечинмаларини ифодалаб ёзган шеърига ўхшатди ва бу иши билан Абхайнин жазавали лаззат оғушига гарқ қилди.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Абхайнинг нутқини ҳам “ажойиб” деб баҳолади ва уни ўзининг энг ишончли шогирдларига кўрсатди. Гармонист журналининг муҳарририга эса: “У ёзган нарсаларнинг ҳаммасини нашрга чиқаринглар” – деб кўрсатма берди.

Абхай ўзининг ракобатчилари кўп эканига ҳайрон бўлмади, аксинча, бу унинг муваффақият қозонаётганидан далолат берарди. Лекин, Бомбейдаги ракобат натижасида у бадавлат кишилардан бири бўлишнинг яна бир имкониятидан маҳрум бўлди. Рақобатчи Смит Институти бошқарувчисининг ўғли бўлиб чиқди. Ота-бала Абхай Чаран Институтнинг эмас, балки кўпроқ ўзининг молларини реклама қиляпти деб шикоят қила бошладилар. Бунинг натижасида Абхай Смит Институтидаги ўрнидан маҳрум бўлди, бошқарма бошлиги унинг ўрнига ўзининг ўғлини тайинлади. Абхай яна ўзи мустақил ишлашга мажбур бўлди.

Бомбейда ўзининг руҳий оғаларига, саннийасиларга ёрдам беришда давом этар экан, у Гоулия Тэнк Роудда ижарага бериладиган икки қаватли бир бино топди. Бу иморат Гаудия Матх маркази учун жуда қулай эканини ҳамма тасдиқлади, Абхай иморат эгаси билан ижара ҳақини ва бинони таъмирлашни келишиб олиб, саннийасиларнинг янги бинога кўчуб ўтишларига ёрдам берди. Абхай, руҳий фаолият соҳасида кўл урган ҳар бир ишида муваффақият қозонаётганини, лекин дунёвий ишлари қанча уринса ҳам, барибир бирин кетин чиппакка чиқиб кетаётганини сезди. Албатта, бир ховуч ракобатчилар унинг ҳафсаласи пир бўлишига сабабчи бўлолмасди, - бизнесда ҳамиша шундай бўлади, барибир ишбилармон одамлар орасида унинг обрўси катта эди. Уни бизнесдаги ютуқ ва йўқотишлар эмас, балки кўпроқ бошқа нарса безовта қиласди: руҳий устозига хизмат қилиш учун унинг танлаган йўли(кўпроқ пул ишлаб топиш) ҳақиқатан ҳам тўғрими ё бошқа йўл излаши керакми? Агар бизнес руҳий фаолият билан баравар ривожлансангина яхши бўлади. Парвардигор Чайтаня Ҳаре Кришнани мантрани куйлаш ҳар бир шаҳар ва қишлоқда тарқалиши кераклигини башорат қилиб кетган, Абхай руҳий устозига Парвардигорнинг ана шу ниятини амалга оширишда, хусусан, кўпроқ пул топиб, янги янги марказлар очиш билан ёрдам бериш истаги билан ёниб яшарди. Унинг ишлаб топган пули факат оиласининг харажатларига сарфланиб кетавериши керак эмас.

Аслини олганда, рухий ва оиласи ҳаёт бир бирига зарар етказмаслиги керак, аксинча, бир бирини қўллаб қувватлаши керак. Лекин асосий муаммо Абхайнинг хотинида эди. Абхайнинг ишидаги муаммолар уни қаттиқ безовта қиларди, эрининг рухий юксалишдаги ютуқлари эса, уни умуман қизиқтирмасди. Унинг бутун қизиқишлари уйнинг ичиди, оиласида мужассам эди; Абхай шунча маслаҳат берса аҳм, у Шрила Бхактисиддханта Сарасватидан фотиҳа олмади. Шундай бўлиб чиқдики, Абхайнинг ҳаётда дуч келган энг катта муаммоси – унинг хотини эди. У энг катта каршиликка, аксинча, унга ёрдам бериши керак бўлган жойда, - ўзининг оиласида дуч келди.

Абхай вақти вақти билан Аллахабаддаги оиласига бориб турар экан, уларни ўзининг бизнес соҳасидаги келажакдаги режалари билан танишириб, уларни овутишга ва тушкунликка туширмасликка ҳаракат қиларди. Абхайнинг Бомбейдаги савдо-сотиқ ишлари ўзи кутгандагидай яхши эмасди, лекин унинг янги режалари бор эди, шу боис у уйидагиларни хавотирланишга ўрин йўклигига ишонтиришга уринарди. У кўпроқ одамларни уйига таклиф қилиб тарғибот қилишни истарди, шунда унинг бутун оиласи рухий фаолиятда иштирок этган бўларди. У меҳмонларни чақириб уйида улар билан "Бҳагавад-гита" ва "Шримад Бҳагаватам" асарларини муҳокама қилишни, киртана ўтказишни, уларни прасадам билан меҳмон қилишни истарди. У ҳам худди рухий устози ва рухий оғайнилари сингари тарғибот қилишни истарди. Тарғибот қилишнинг бундай усулида саннийаси ёки браҳамачарилар бўлиши шарт эмас. Бу ишларнинг ҳаммасини Абхайнинг ўзи ташкил қила оларди. Мана шу намунали оиласи ҳаёт кечириш бўларди. Лекин Радхаранининг фикри бошқача эди. Меҳмонлар олдида Абхайнинг айтган гапларини тинглаш ўрнига у бошқа хонада ўтириб чой ичарди.

Абхай Бомбейда Шридхара Махараж ва Бхактишаранг Махараж билан яқин муносабатда бўлди. Бу икки саннийаси ҳам жуда билимдон олимлар эди. Худонинг содиклари Шридхар Махаражни шастраларни чуқур билгани учун, Бхактишарангга Махаражни эса, ёзган асарлари ва инглиз тилида тарғибот қилгани учун жуда хурмат қилардилар. Абхай баъзан ўзининг рухий кечинмаларини улар билан муҳокама қиларди.

Абхай ҳам мустақил равишда муқаддас китобларни ўрганарди – рухий устозининг "Бҳагавад-гита" ва "Шримад Бҳагаватам"га ёзган изоҳларини, шунингдек, аввалги ачарйаларнинг изоҳларини. Вишванатха Чакраварти Тхакурнинг "Бҳагавад-гита" 2.41 га ёзган изоҳида бир гаплар Абхайнинг эътиборини ўзига тортиб, унинг қалбидаги мустаҳкам ўрнашиб қолди: "Рухий устозининг кўрсатмаси – шогирднинг ҳаётидаги ҳамма нарсадан энг қимматли бойлиқдир". Бу

гаплар унинг Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг кўрсатмасини бажариш истагини бир неча бор кучайтириб юборди.

“Шримад Бҳагаватам”нинг ўнинчи қўшиқ саксон саккизинчи бобида Парвардигор Кришнанинг Ўзи айтган шундай гаплар унинг қалбининг тўрида акс садо бериб турарди:

*Ясьяхам анугриханами  
Харишье тад-дханам шанаих  
Тато дханам тийаджсантий асия  
Сва-джсана духкха-духкхитам*

“Мен кимга алоҳида меҳрибонлик қилмоқчи бўлсан, аста-секин унинг барча моддий бойлигини тортиб оламан. Ана шундай қашшоқ ва ачинарли ахволга тушиб қолган кишидан барча дўстлари ва қариндошлари юз ўгирадилар”.

Абхай бу шеърни ўқир экан, бирдан сесканиб кетди. У Парвардигор Кришнанинг бу сўзлари айнан унга тааллукли эканини ҳис қилди. Бу нима дегани? “Бу – Кришна аста-секин менинг ҳамма пулларимни тортиб олади, дегани эмасми?” – ўйланиб қолди у. Ахир унинг хаётида ҳам шундай ҳолат бўлаётгани йўқми? Унинг бизнесдаги барча омадсизликларининг сабаби ҳам шунда эмасми? У ўзининг хаёлида пайдо бўлган бу фикрларни Шридхара Махаражга айтди. “Ҳа, - деб тасдиқлари Махараж, - айнан шундай бўлиши мумкин. Парвардигор Кришна билан Абхай орасида айнан шундай муносабатлар бошланаётганга ўхшайди”.

1935 йил июлида Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Гаудия матхнинг шу ердаги марказида Парвардигор Кришнанинг Илохини ўрнатиш ва Унга сифинишни бошлаб бериш учун Бомбейга келди. У шогирдлари шунча иш қилиб қўйганини кўриб жуда хурсанд бўлди, Бхактишаранг Махараж бунга жавобан унга тушунтирдики, бу ишларнинг ҳаммасини асосан Абхай Бабу қилди, у жуда кўп маблағ тўплади ва мана шу янги марказни очди. “Нимага Абхай бизлар билан бирга яшамаяпти – деб сўради Шрила Бхактисиддханта Сарасватидан Госвами Махараж. –Бомбейдаги марказнинг президенти албатта Абхай бўлиши керак!”

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати унга шундай деб жавоб берди: “У сизлардан алоҳида яшагани маъкул. У ҳамма ишни қиласди. Вақти келганда унинг ўзи ҳамма ишни қиласди. Уни менга тавсия қилишининг ҳожати йўқ”.

Бу сухбатда Абхайнинг ўзи иштирок этмаганди, лекин руҳий оғалари унга Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг гапларини етказдилар. Руҳий устознинг бу гапларида сирли башорат бор бўлиб, бу Абхай учун жуда муҳим эди. Абхай руҳий устознинг бу

гапларининг аҳамияти ҳақида бош қотириб, уни қалбининг тўрига жойлаб қўйди.

1935 йил ноябр ойида у яна Вриндаванда руҳий устози билан бирга бўлиш баҳтига мұяссар бўлди. Вриндаванни зиёрат қилиш учун энг шарофатли бўлган Картика ойи эди, Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ўзининг шогирдлари билан биргаликда осоиишта муҳитда, Кришна билан Радха Ўзларининг ишқий эрмакларини ўтказган радхакунда соҳилида бир ой яшади. Бомбейдан кетгандан кейин Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Калькуттага борди, у ерда радио орқали тарғибот қилди, бир неча марта оммавий маърузалар қилди. Европага жўнатган шогирдларини кутиб олиб, улар билан учрашди, "Шримад Бхагаватам"ни нашр қилиш ишларини охирига етказди. Кейин, октябр ойида Радха-кунда соҳилига келди. Шрила Бхактивинода Тхакур куриб кетган бир каватли шинам бинода жойлашиб, у вақтини Упанишадаларни, "Чайтанья Чаритамрита" ва "Шримад Бҳагаватам" асарларини ўқиш ва муҳокама қилиш билан ўтказди. Айнан ана шу ташрифи пайтида у Шри Кундавихари Матхдаги Илоҳларни ўрнатган эди.

Бу ердаги муҳит, ҳар бир нарса кишига кришна-лилани эслатиб турарди. Беш минг йил аввал мана шу жойда Радха ва Кришна Ўзларининг илоҳий эрмакларини намоён этгандар, атиги беш юз йил муқаддам Парвардигор Чайтанъя унтутилиб кетган Радха-Кундани топган. Парвардигор Чайтанъянинг буюк издоши Рагхунатха дас Госвами тинимсиз Ҳаре Кришна мантра куйлаб ва Парвардигор Чайтанъянинг эрмакларини муҳокама қилиб, узоқ йиллар шу ерда яшаган. Мана шу ерда, кичкина бҳаджан кутирда Кришнадас Кавираж Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг энг севимли китобини, Парвардигор Чайтанъянинг эрмакларини баён этадиган "Чайтанья Чаритамrita" асарини ёзган. Радха кунданинг кўпчилик аҳолиси бабджилар бўлиб, ўзларининг бутун вақтини бҳаджана-кутирларда, Ҳаре Кришна мантра зикр қилиш билан ўтказадилар. Руҳий устози Радха-Кундада жойлашганини эшитиб, Абхай ҳам руҳий устозини кўриш учун ўғли билан Бомбейдан йўлга чиқди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати билан учрашиш Абхай учун ҳамиша чексиз қувонч бағишиларди, руҳий устози билан айнан Вриндаванда учрашиши унинг қувончини яна ҳам кучайтириб юборганди. Абхайнинг ўзининг севимли ва қадрдан руҳий устози билан бу галги учрашуви унинг 1932 йилдаги учрашувига умуман ўҳшамасди. Энди Абхай бу ерда, хонанинг энг чеккасида, ҳаммадан орқада ўтирадиган бегона эмас. Энди у – фотиха олган, бошқалар кави деб тан олган, руҳий устозига муносиб шеър ва поэма ёзган шогирд, тинглашни ёқтирадиган ёш йигит, Гаудия Матхнинг Аллахабаддаги марказига

ёрдам бериб туралынан, ҳатто Бомбейда ажойиб бир марказ очган фаол содик. Бу гал Абхай ўзининг руҳий устози билан ёлғиз қолиб сұхбатлашиш баҳтига мұяссар бўлди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Абхайнинг ўғлини эслаб қолганди, унга бир бандхи, жакет совға қилди. Радха-кунда атрофида сайр қилиб юрганида Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Абхайга ўтирилиб қараб, унга ўзини ташвишга солиб юрган нарсалар ҳақида гапириб берди.

У айтдики, Калькуттада ўзининг асосий шогирдлари орасида жанжал бошланган, бу унинг қалбини қаттиқ оғритяпти. Ҳатто мана шу ерда, Вриндаванда ҳам у ана шу оғир фикрлар унинг миясидан чиқиб кетмаяпти. Бир неча шогирди Калькуттадаги матхнинг биносида қайси хона кимга тегиши устида ўзаро жанжаллашиб қолганлар. Бу содикларнинг ҳаммаси бир матхнинг аъзолари эди, матх эса, Шрила Бхактисиддханта Сарасвати раҳбарлиги остида Кришнани англаш таълимотини кенг тарғибот қилиш мақсадида қурилган эди. Шунга қарамасдан улар ҳатто руҳий устозининг олдида ҳам жанжаллаша бошладилар. Браҳман ва вайшнавлар барча тирик мавжудотларга нисбатан ҳасад қилиш туйғусидан озод бўлишлари лозим. Бир бирига ҳасад қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Агар улар ҳозирданоқ ўзаро жанжал қилиб юрган бўлсалар, кейин, руҳий устозлари бу дунёни тарқ этгандан кейин нима бўлади? Абхай бу нарсаларнинг ҳаммасидан четда эди, у ҳатто кимлар бундай қилиб юрганини ҳам билмасди. Лекин руҳий устозининг гапларини тинглар экан, унинг ҳам дили оғрий бошлади.

Қаттиқ безовта бўлган Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Абхайга шундай деди: “Агуң джвалбе” – Ёнгин бўлади! Бир куни келиб Калькуттадаги матхда шахсий манфаатлар ёнғини бўлади, у ҳамма нарсани яксон қиласди. Абхай тингларди, декин нима деб ўйлашни ҳам билмасди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ҳар қандай инсон браҳман, санъяси ёки вайшнав бўлиши мумкинлигини исботлаш учун узоқ вақт давомида дадил кураш олиб борди. Лекин, унинг шогирдлари ҳатто озгина бойлик ва шон-шуҳрат таъсири остида ҳам иллатга ботиб кетяптилар, бу билан улар фотиҳа олиб поклангани ва тарбия олгани билан барибир улар аввалгидай пасткаш одамлар бўлиб қолганини исботлаяптилар. Бу билан улар руҳий устозининг тарғиботининг илдизига болта уряттилар. Агар улар дин ниқоби остида қулай жойда яшашга, шон-шуҳратга ва боғланиб қолсалар, бу факат бир нарсани билдиради – улар руҳий устозининг берган таълимими англаб етмаганлар.

Шрила Прабхупада: *Руҳий устоз улардан қаттиқ хафа бўлиб гупиради: “Бу одамлар шунчаки ўзларига қулай бўлган хонани*

эгаллашга уриняптилар. Улар шунчаки гишт ва тошлардан қурилган иморат устида бир бири билан талашиб юрибдишар”. Рухий устоз уларнинг ишини қаттиқ қораларди. У жуда қаттиқ хафа бўлган эди.

Бизлар Ультадангода бир уйни ижарага олиб турганимизда – деди Шрила Бхактисиддханта Сарасвати, - жуда яхши яшардик. Агар 200-300 рупий пул тўплай олсақ, биздан баҳтиёр одам йўқ эди. Ўша пайтларда бизлар баҳтироқ яшардик. Лекин, Багхбазарда мана шу мармар сарой пайдо бўлганидан бери одамларимиз орасида ҳар хил жанжаллар юзага кела бошлади. Бу хонани ким эгаллади? У хонада ким яшайди? Бу хона кимники бўлади? Агар девордаги мармар тошларни кўчириб олиб, сотиб юбориб, тушган пулга китоб нашр қиласам яхши бўларди”.

Абхайга худди рухий устози унга ёрдам сўраб илтижо билан мурожаат қиласетгандай ёки яқинда юз беражак бир фалокатдан хабар берадетгандай бўлиб туюлди. Лекин Абхай унга қандай ёрдам бера оларди? Кейин Шрила Бхактисиддханта Сарасвати шахсан унга мурожаат қилиб шундай деди: “амар ичча чхила кичху бай карана”: “Мен бир неча китоб нашр қилмоқчиман. Агар, қачон бўлса ҳам, кўлингга бироз пул тушиб қолса, китоблар нашр қил!”.

Радха-кунда сохилида рухий устозига қараб турар экан, Абхай рухий устозининг бу гаплари унинг қалбининг тўрига кириб борганини ҳис қилди: “Агар қачон бўлса ҳам кўлингга бирор пул тушадиган бўлса, китоблар нашр қил”.

\* \* \*

1936 йил декабрь.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Жаганнатха Пурида бўлиб, унинг саломатлиги ёмон эди. Абхай Бомбейда эди, у рухий устозига хат ёзишга қарор қилди. “У менга шунчалик меҳрибон, – деб ўйларди Абхай, – У менинг илтимосимни тўғри қабул қиласди”.

У шундай деб ёзди:

“Хурматли Гуру Махараж,

Илтимос, нилуфар қадамлари пойида камтарин таъзимимни қабул қилинг. Сизнинг шогирдларингиз кўп, мен – улардан бириман, лекин бошқалар сизга шахсан хизмат қила оладилар. Уларнинг баъзилари браҳмачари, баъзилари – санніаси, лекин мен оиласи одамман. Менинг ундан имкониятим йўқ. Гарчи мен баъзан молиявий ёрдам кўрсатиб турган бўлсан ҳам, мен барибир сизга бевосита хизмат қила олмайман. Мен сизга қандай хизмат қилишиим мумкин?”

Абхай икки ҳафтадан кейин жавоб хати олди:

*“Ишончим комилки, сен бизнинг фикрларимизни ва далилларимизни бизнинг тилимизни тушунмайдиган одамларга тинглиз тилида тушунтириб бера оласан. Бу билан сен ўзингга ҳам, сени тинглаган кишиларга ҳам бебаҳо ёрдам берган бўласан. Агар сен Парвардигор Чайтанъянинг таълимотини оддий одамларга, файласуф ва диндорларга, уларни жалб қиладиган қўринишида тушунарли қилиб таништириши билан Худога хизмат қилиб юрсанг, инглиз тилида гапирадиган жуда яхши тарғиботчи бўлиб етишасан деган умиддаман”.*

Абхай руҳий устозининг бу гапларида унинг 1922 йилда биринчи марта учрашганда берган маслаҳатларини кўрди. Руҳий устози ҳозир ўзининг берган ўша кўрсатмасини тасдиқлаган эди. Энди Абхай, бу дунёда яшар экан, олдига қандай мақсад қўйишини яхши биларди. Руҳий устозининг Калькуттада 1922 йилда айтган гаплари ҳам, уларнинг ўша учрашуви ҳам, шунчаки тасодифий нарсалар эмасди. Унинг бераётган кўрсатмалари ўзгармасдан қолганди: “Инглиз тилида гапирадиган яхши тарғиботчи бўл! Бу билан сен ўзингга ҳам, бошқаларга ҳам бебаҳо ёрдам кўрсатган бўласан”.

\* \* \*

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати бу ўткинчи дунёни 1937 йил биринчи январда тарк этди. У ўзининг охирги кунларини "Чайтаня Чаритамрита"ни ўқиш ва тасбеҳда мантра зикр қилиш билан ўтказди. Унинг олдига врач келиб укол қилмоқчи бўлганида у эътиroz билдириди: “Нимага сиз мени безовта қиляпсиз? Шунчаки Ҳаре Кришна мантра зикр қилинг. Шунинг ўзи етарли”. Унинг охирги гапирган галаридан бири шундай бўлди:

“Мен сизларнинг ҳаммангизга бор куч ва имкониятларингиздан фойдаланиб, Рупа-Рагхунатханинг таълимотини тарғибот қилишни маслаҳат бераман. Бизларнинг олий мақсадимиз Шри Шри Рупа Госвами ва Рагхунатха Госвамиларнинг нилуфар қадамлари пойида бир гард бўлишдан иборат. Сизлар ҳаммангиз Мутлақ Ҳақиқатга, Худо Шахсига хизмат қилиш учун руҳий устозингиз раҳбарлиги остида ҳамкорлик қилиб меҳнат қилишингиз лозим. Сизлар бу ўткинчи моддий оламда факат Худога садоқат билан хизмат қилиш учун яшашингиз ва бир бирингиз билан жанжаллашмаслигингиз керак. Илтимос, ҳар қанча хавф-хатарларга, танқидларга ва ноқулайликларга дуч келсанглар ҳам ҳеч качон Худога хизмат қилишни тарк этманглар. Бу дунёдаги одамларнинг аксарият қўпчилиги Худонинг Олий Шахсига хизмат қилмаётганини кўриб,

ҳафсалангиз пир бўлмасин; Худо йўлида қилаётган хизматингизни ҳеч қачон тарк этманг; бу хизмат сизнинг ўзингиз учун; Худонинг илохий номларини кўйлаш ва тинглаш йўлини инкор этманг. Худонинг илохий номларини қатъият билан зикр қилинг. Дараҳтдай сабрли, ҳасдан паст камтар бўлинг. Сизларнинг орангизда жуда кўп ишлар қилишга қодир шогирдлар бор. Бизнинг бундан бошқа ҳеч қандай истагимиз йўқ”.

У умрининг охирги дақиқаларигача ўзининг тўлиқ онгидаги бўлиб, шогирдларига насиҳатлар беришда давом этди. У очиқ ва аниқ васият қилиб, ўзи асос солган Гаудия Матхга Худонинг содиклари орасидан сайланадиган, ўн икки кишидан иборат бошқарув кенгаси раҳбарлик қилишини айтди. Охирида у шундай деди: “Шу ерда иштирок этаётганлар ва иштирок этмаётганлар, ҳаммангизни дуои-фотиха қиласман. Ҳар бирингизнинг эсингизда бўлсин, **бизларнинг ягона бурчимиз ва динимиз – Худога ва Унинг асл содикларига хизмат қилишни тарқатиш ва тарғибот қилишдан иборат**”. У биринчи январ куни эрталаб 5,30да охирги марта нафас олди.

Бу нохуш хабар Бомбейдаги Абхайга дарров етиб келди. Бу хабарни эшишиб, Абхай бошига тушган бу мусибатдан йиглаб юборди, - энди чексиз шодлик келтирадиган учрашувлар ҳам бўлмайди, бизнес баҳонасида руҳий устози Шрила Бхактисиддханта Сарасвати, “Инжил фариштаси” билан учрашиш учун Калькутта ёки Вриндаванга боришлиар ҳам бўлмайди. Абхай энди ҳеч қачон руҳий устози билан учрашмаслигини сира тасаввурига сиғдира олмасди. Фалсафий жиҳатдан мусибат чекишига асос йўқлигини Абхай яхши тушунарди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати бу дунёга Парвардигор Чайтанъянинг ниятини амалга ошириш учун келган, мана энди, бу сайёрани тарк этиб, Худонинг фармонини, илохий хабарни етказиш учун бошқа жойга жўнаш вақти келди. Лекин барибир, бу фалсафий тушунчалар Абхайнин унинг юрак бағрини тилка пора қилаётган алам, изтироб туйғусидан халос эта олмасди. У ўзини жуда ёлғиз хис қилиб кетди. Унинг энг яқин дўстлари, энг яхши саодатмандлари уни ташлаб кетган эдилар, аввал отаси, кейин эса – руҳий устози. Лекин у руҳий устозидан жуда миннатдор эди, чунки бу дунёни тарк этиб кетишидан атиги икки хафта олдин унга алоҳида марҳамат кўрсатиб кетган – ўзининг охирги кўрсатмасини бериб кетган эди. Абхай руҳий устозининг охирги хатини такрор ва такрор ўқирди, энди у руҳий устозидан хат ололмайди. Шахсий учрашувлар ва сұхбатларнинг ҳаммаси хотира бўлиб қолди, лекин айнан мана шу хат шарофати билан Абхай ўзининг кейини ҳаётини Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг насиҳатлари асосида ташкил этади. Хат жуда вақтида келган эди. Энди бошқаларнинг нима деб гапирганининг мутлақо

аҳамияти йўқ; у қандай қилиб руҳий устозини мамнун қилишни ва Парвардигор Кришна билан бўлган алоқани сақлаб қолишни аниқ билади. Ана шу кўрсатмага амал қилиб у ўзининг энг азиз саодатмандидан айрилиш мусибатини енгади.

## **Бешинчи боб Уруш**

*Хозирги вазиятда, 1936 йилдан бошлаб, мен шунчаки фикр юритардим: мен на маблагим, на қобилиятим бўлмай туриб, бу қийин ишига қўл уришига журъат қила олармиканман? Лекин, бу нарса мени қўрқита олмагани учун мен бу ишига қўл уришига ўзимда куч топа олдим.*

Шрила Прабхупада, “Худога қайтиш” журнали.

“Матхдаги ёнгин” деярли дарров ўт олиб кетди. Катта шогирдлардан бири Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг руҳий меросхўри фақат бир ачаръя бўлиши керак, фақат у шогирдларга фотиха бериши ва барча мунозараларни ҳал қилиши мумкин. Лекин, Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ҳеч қачон бундай демаган. У бир ачаръяни тайинлашни илтимос қилмаган. Аксинча, у Гаудия Матх аъзоларига ўн икки кишидан иборат бошқарув органи тузишни ва жамиятни биргаликда бошқаришни буюриб кетган. Лекин шогирдлари унинг бу қўрсатмасини эсдан чиқариб юбордилар; унинг ўрнига битта раҳбарни тайинлаш таклиф қилинди. Ўн икки кишининг ўрнига раҳбарликни бир киши қўлига олиши керак эди. Фақат ўша киши ким эканини аниқлаб олиш керак эди.

Шогирдлар бир бирига қарама-қарши икки гурухга бўлиндилар. Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг энг фаол тарғиботчиларидан бири жуда иззатталаб эди, шу боис, обрўли саннийасиларнинг қўллаб-қувватлашига ишониб, бор кучи билан ачаръя бўлишга интиларди. Бошқа бир шогирд, Кунжавихари ҳам, Гаудия Матхнинг барча бойликларини кўлга киритишга ҳаракат қиласди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати даврида у бош директор эди, шунинг учун у хозир Калькуттадаги ажойиб эхромга ҳам, Гаудия Матхнинг бутун Хиндистон ўйлаб жойлашган бошқа мулкларига ҳам эгалик қилишни даъво қилаётган эди. Гарчи Шрила Бхактисиддханта Сарасвати шогирдларига васият ёзиб қолдирган ва унда Гаудия Матхнинг мулкини бошқариш учун бошқарув органи сайлашни буюриб кетган бўлса ҳам, у бу васиятноманинг қонунийлигини инкор этарди. У ва унинг ҳамтовоқлари айтардиларки, Шрила Бхактисиддханта Сарасвати бу мулкнинг ҳаммасини Худодан олгани учун бу мулк аслида уники эмас, шунинг учун мулкнинг навбатдаги эгаси кимлигини аниқлашга унинг ҳаққи йўқ. У ва бошқа содиклар аввалги

ачаръянинг хукукий ва илохий жиҳатлари борасида ўзаро баҳслашардилар.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати кетгандан кейин орадан сал вакт ўтмасдан суд жараёни бошланди. Гаудия Матхнинг кўпчилик аъзолари қўллаб-қувватлаётган Ананта Васудева навбатдаги ачаръя бўлгани учун Гаудия Матхнинг ҳамма мулки ва ҳокимлиги фақат уники бўлиши кераклигини даъво қилди. Лекин, Кунжавихари томонда атиги бир неча киши бўлишига қарамасдан, у судда адвокат ёрдамида кўпчиликка қарши чиқиб, ўз хукукини даъво қила бошлади.

Кунжавихари ва унинг одамлари Майяпурдаги Чайтанья Матх ва эҳромни эгалладилар, қолган мулк Васудева гурухига қолди. Ўзаро баҳс ва жанжаллар бошланди. Гаудия Матхнинг тарғибот ишлари бутунлай тўхтаб қолди.

Абхайнинг Гаудия Матхнинг фаолиятида иштирок эта олмаслиги кутилмагандга унга жуда кўл келиб қолди. У ҳамиша Гаудия Матх азосидан кўра шунчаки меҳмон эди, сиртдан қарагандаги миссионер эмас, оиласи бизнесмен эди. Шунинг учун Гаудия Матхдаги ўзаро жанжаллардан у четда эди. Албаттa, у Аллаҳабаддаги ва Бомбейдаги матхлар билан алока қилиб турарди, лекин у матхда бирор раҳбарлик лавозимини эгалламаган эди, шунинг учун унга суднинг ҳам бирор нарсага даъво қилишнинг ҳам умуман кераги йўқ эди. У ҳокимият учун бўлаётган бу курашда ҳеч кимнинг тарафини олишни истамасди. Бошқа кўпчилик шогирдлар сингари, руҳий устозининг ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги кўрсатмасини кўпчилик шогирдлар инкор этаётганидан, руҳий устозининг ишини суддаги тортишувларга айлантириб юборгандаридан унинг ҳам ҳафсаласи пир бўлаётган эди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ўзининг катта шогирдларини ҳамиша ҳамкорлик қилишга чакирганини яхши биларди, шунинг учун у ўзаро жанжаллашетган гурухларнинг ҳаракатларини маъқуллай олмасди. Икки томон ҳам Шрила Бхактисиддханта Сарасватини ҳақорат қилаётган эдилар.

Абхай тарғибот қилишни истади. “Инглиз тилида гапирадиган яхши тарғиботчи бўлиш” нияти ҳали амалда эмас, кўпроқ фақат унинг хаёлида эди, Гаудия Матх унинг тарғибот қилиши учун жуда яхши восита бўла оларди. У ўзининг асарларини Гаудия Матхнинг нариётларида нашр қилган, Аллаҳабад ва Бомбейдаги марказларда руҳий оғайнилари билан бирга хизмат қилган эди. албаттa, Абхай учун руҳий устозига хизмат қилиш – унинг миссиясига хизмат қилиш, яъни унинг ишини давом эттириш эди. Лекин, ҳамиша Парвардигор Чайтанья таълимотини соф ва дадил тарғибот қилиши билан машхур бўлган Гаудия Матх эндиликда ўзаро жанжаллашиб юрган гурухларнинг жанг майдонига айланиб қолди. Гаудия Матхнинг

тарқалиб кетиши Абхайга ҳам таъсир қилди. Бундай вазиятда у қандай қилиб тарғибот қилиши, руҳий устозининг кўрсатмасини бажара олиши мумкин? Аввал унинг тарғибот қилишига ўз оиласи олдидағи бурчи қаршилик қиласиди, энди эса қаршиликлар яна ҳам кўпайди. Энди унинг бу можароларнинг тугашини кутишдан бошқа чораси қолмади. Кришна унга нималар тайёрлаб қўйган экан?

1938 йил

Бомбейдаги ишлар яхши юришмади. 42 ёшга кирган Абхай яна Калькуттага қайтиб келди ва Сита Канта Баннерджи кўчасидаги 6-уйни ижарага олди. Бу тор кўчанинг икки томонида уч қаватли бинолар жойлашган эди. Унинг иш хонаси биринчи қаватда жойлашган бўлиб, эшиги кўчага қараган эди. Оиласи иккинчи қаватда яшарди. Абхай 7-уйни ҳам ижарага олиб, у ерни ўзининг лабораторияси қилди ва дистилланган сув, “оғриқ қолдирадиган маз Дэ”, “Вимал тоник”, “Альфа”(яралар учун дори) ва бошқа ҳар хил дорилар ишлаб чиқара бошлади. Шунингдек, у ишлаш учун ичкари ҳовлини ҳам эгаллади. Сиртки эшик тепасига у ўзининг расмини қистириб, ёнига катта қилиб “Абхай Чаран Дэ ва ўғиллари” деган ёзувни осиб қўйди.

Абхай баъзида ёрдамга икки-уч киши ёлларди, лекин кўпинча битта ўзи ишларди. Ўзининг “Бенгал Компани”, “Глюконет” ва бошқа агентларига у тоза сув етказиб берарди. “Оғриқ қолдирадиган маз Дэ”ни реклама қилиш учун у “подагра, ревматизм ва бошқа касалликларда оғрикни аъло даражада қолдиради” деган кичкина китобча чиқарди, агар мижоз бу касалликларнинг яна қайталашини истамаса, ўша китобчада Абхай мижозларига “маст қиладиган ичимликларни ичмасликни, овқатга фақат сабзвот ва мевалар, сут сингари пок ва ҳалол нарсаларни ишлатишни” тавсия қиласиди.

Калькуттадаги янги бизнес дарров ривожланиб кетди, лекин Абхай қалбида бошқа нарса ҳакида ўйларди. Бизнес унинг бурчи эди, у оиласини бокиши учун бизнес билан шуғулланиши керак. Унинг Калькуттадаги янги танишлари уни Худонинг самимий содифи, оила бошлиғи, лекин, бизнес ва оиладан кўра тарғибот қилиш ва ижод қилиш ҳакида кўпроқ ўйлайдиган киши деб билардилар.

Гханди Мукерджи(Абхайнинг Бихари Стритдаги қўшниси): Уни фақат Ҳудога садоқат билан хизмат қилиши қизиқтирасиди, бизнес билан эса у шунчаки оиласини бокиши учун шуғулланарди. У бирор

*фойда күриши учун, күпроқ пул ишлаб топши учун ёки бадавлат бўлиши учун ишламаётгани шундай кўриниб турарди.*

Чхаран Мукерджи(Абхайнинг рўпарадаги қўшниси): *Абхай Чаран Дэ ҳамиша ҳар қандай мижознинг ҳамма, ҳатто энг бемаъни гапларини ҳам, дикқат билан тингларди. Фалсафани билмаганим учун мен бутунлай аҳмоқона гапларни гапиравдим. Лекин жсаноб Дэ ҳамиша менинг гапларимни дикқат билан тингларди. У ҳеч қачон хафа бўлмасди, жсаҳли чиқмасди, ҳамиша хотиржам юрарди, менга Худо ҳақида жуда кўп нарсалар гапириб берган. У фақат Парвардигор Кришна ҳақида гапиравди. У "Бҳагавад-гита"ни таржима қиласар, айни пайтда бизнес билан шуғулланарди.*

Кўшнилар кўпинча уни даҳлиздаги кроватда ўтирганини кўярдилар. У ўзининг руҳий устозининг китобларини ўқир, баъзан санскритча шлокларни такрорларди. У уйига келган кишилар билан фалсафий мавзуларни муҳокама қилишни ёқтиради. Одатда унинг оиласи юқоридаги хоналарда бўларди, унинг ёлғиз ўзи дҳоти ва курта ёки дҳоти ва жакет кийиб пастда, меҳмонхонада ўтиради. Кўпинча у ёзарди, унинг болалари эса кўчада, шу ҳовлида яшайдиган қўшниси Гангуларнинг оиласидаги болалар билан ўйнаб юрарди.

Кўшнилар жуда иноқ, худди бир оиладек яшардилар, Абхай кўпинча улар билан вайшнавлар фалсафаси ҳақида, баъзан бизнес ҳақида сухбатлашиб ўтиради. Жаноб Гангуларнинг фикрига кўра, Абхайнинг гаплари ҳамиша “ҳаёт фалсафаси ёки Худо ҳақида” бўларди. Абхай Кришнани англаш фалсафасига ғарқ бўлган эди, ҳатто жуда қисқа сухбатларда ҳам у Парвардигор Кришна ва Унинг "Бҳагавад-гита"даги насиҳатлари – руҳий ва моддий оламларнинг асосини ташкил этиши ҳақида гапиради. Ўзининг лабораториясида ишлаганида ҳам, мусулмон савдогардан шиша идишлар сотиб олганда ҳам, дориларини сотиш учун чиққанида ҳам у фақат Худо ҳақида ўйлар ва гапирап эди.

У пайтларда Калькуттада Худо билан қизиқадиган кишини топиш қийин эмасди. Абхай ҳатто Абдулла, шиша идишлар сотадиган мусулмон ҳам жуда такводор киши эканини сезди. Бир куни Абхай аввалига жуда қашшоқ бўлган, кейин эса, бизнеси орқали бойиб кетган Абдулладан сўради: “Энди сенинг пулинг кўп. Сен уларни нимага сарфламоқчисан?” Шиша идишлар сотувчи мусулмон унга шундай деди: “Эй ҳурматли хукмдорим, мен бир масжид куришни орзу қиласман”.

\* \* \*

Айни пайтда Гаудия Матхдаги жанжаллар авжига чиққан эди. Бир бирига қарама-карши бўлган икки гурухнинг ҳам ниятлари нопок эди, икки гурух ҳам ўзларининг руҳий устозининг насиҳатларини инкор этган эдилар. Уларнинг, руҳий устоз ўз васиятида аниқ кўрсатиб кетган бўлишга қарамасдан, Гаудия Матхнинг мулки кимга тегишли бўлишини суд орқали аниқлашга уринишларининг ўзиёқ уларнинг руҳий устозининг кўрсатмаларига амал қилмаганидан далолат берарди. Суд жараёни йилдан йилга чўзилиб бораверди, лекин суддаги тортишувлар шогирдларни на яқинлаштира олди, на поклай олди. Бир суд ишни Ананта Васудева фойдасига ҳал қилди, лекин кейинчалик олий суд Гаудия Матхнинг мулкининг учдан икки қисми Кунжавихарига, қолган қисми Васудевага тегишли деб қарор чиқарди. Лекин шунга қарамасдан, гарчи Васудевага Гаудия Матх мулкининг оз қисми теккан бўлса ҳам, унинг тарафдорлари кўпчиликни ташкил этарди, уларга Васудева Гаудия Матхнинг тарғиботчилик фаолиятини қайта тиклашга кўпроқ ҳаракат қилаётгандай бўлиб кўринди. Лекин орадан сал вакт ўтмасдан Васудева саннийасилар қоидасини қўпол равишда бузиб, бир аёл билан кетиб қолди, унинг тарафдорлари эса кичик кичик гурухларга бўлинib кетди. кўпчилик саннийасилар қоидаларга риоя қилишда давом этардилар, аммо уларнинг кўплари, бўлиб ўтган воқеалардан хафсаласи пир бўлиб, бир бирига қарама-карши бўлган ҳар икки гурухнинг ҳам тарафини олмай қўйдилар. Уларнинг ҳар бири ўзининг алоҳида ашрамини ташкил этди: Гаудия миссияси, Чайтанъя Гаудия Матх ва бошқалар. Бутун Ҳиндистон бўйлаб марказлари бўлган миссия, сон-саноқсиз эҳромлардан, бир неча босмахонадан ва ягона раҳбарлик остида тарғибот қилиб юрган юзлаб Худонинг содикларидан иборат бўлган Гаудия Матхдай катта ташкилот энди ўз ишини тугатган эди. Шогирдлар Чайтанъя Махапрабхунинг таълимотини Шрила Бхактисиддханта Сарасвати орқали қандай олган бўлсалар, шундайлигича риоя қила бошладилар. Лекин руҳий устоз уларга биргалиқда ҳаракат қилишни васият қилгани учун, уларда энди аввалгида, яхлит бир ташкилот сифатида ҳаракат қилган пайтлардагидай куч йўқ эди. Алдамчи шон-шуҳратга ва мол-мулкка эга бўлиш истаги, руҳий устознинг кўрсатмасини уларнинг қалбидан сикиб чиқарган эди. Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг иши – Парвардигор Чайтанъя таълимотини бутун жаҳонга тарғибот қилиш ҳаракати барбод бўлган эди.

\* \* \*

Абхай қаерда бўлса ҳам, у руҳий оғайнилар жамоасини ўзига жалб қилаётгандай бўларди. Бомбейда Абхай билан бирга фаолият кўрсатган, Абхай ҳамиша яхши содик ва билимдон олим сифатида

хурмат қиласиган Шридхара Махаражнинг бир неча издошлари Абхай билан, унинг Банерджидаги уйида учрашилар ва бу ҳақда ўзининг Майяпурдаги ашрамида яшаётган Шридхара Махаражга гапириб бердилар. Шридхара Махараж Гаудия Матхнинг ўзаро душман гурухларнинг бирортасига қўшилмади, лекин саннийаси сифатида аввалгидай тарғибот қилишда давом этарди, у вайшнавлар адабиётини нашр қилишдан манфаатдор эди. У Калькуттада ўзининг ашрамини очишни истарди, шунинг учун у ойига 20 рупийга Абхайдан 7-уйнинг тўрт хонасини ижарага олди. Улар лабораториянинг тепасини эгалладилар.

Энди, Шридхара Махараж, Пури Махараж ва Бхактишаранга Махараж Калькуттага келганларида ана шу алохида хоналарда яшардилар. Ашрамда мунтазам равища Махаражлар ва браҳмачарилар меҳмон бўла бошладилар. Шридхара Махараж уйнинг кўча томонида деворга катта ҳарфлар билан ёзилган: “Девананда Сарасвати Матх” деган плакат осиб қўйди. Гаудия Матхнинг тарқалиб кетганига Шридхара Махараж шундай, Майяпурда матх очиш, кейин Калькуттада унинг филиалини очиш билан жавоб берган эди. Бошқа саннийасилар каби у ҳам, Гаудия Матх устидан бўлиб ўтаётган суд натижаларини кутиб ўтирмасдан, янги шогирдларга фотиха берар, тарғибот қилишда давом этар эди. Абхай Шридхар Махараж ва мана шу кичик ашрамда унинг фаолиятига қўшилган бошқа содикларга ёрдам беришдан баҳтиёр эди. Бу ерда Абхай, Шридхара Махараж ва уларнинг издошлари Гаудия Матхда бўлиб ўтаётган жанжалдан четда қолиб, биргаликда руҳий устозининг Кришнани англаш таълимоти кенг ҳалқ оммасига тарқатиш режасини амалга оширишлари мумкин эди.

Саннийасиларнинг ўзлари ўзларининг ошхонасида алохида овқат тайёрлар, пуджа ўтказар, эрталаб ва кечкурун Кришнага сифиниш маросимларини ўтказар эдилар. Гарчи Абхай оиласи билан бирга бўлиб, улар билан бирга овқатланиб, ўзи пуджа ўтказиб юрган бўлса ҳам, у тез-тез Шридхара Махаражнинг олдига бирга "Шримад Бҳагаватам"ни муҳокама қилиш учун бориб турарди. Абхай яшайдиган уйнинг томидан руҳий устози асос солган иморат - Багхбазардаги Гаудия Матхнинг гумбази кўриниб турарди. Гаудия Матх аъзолари ҳозир ана шу катта бино устида бир бири билан талашиб тортишаётган эдилар.

Абхай кўпинча Шридхар Махараж ва унинг ёрдамчилари билан бирга ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиб, киртан пайтида мриданга чаларди. Шридхар Махараж касалланиб қолган пайтларда Абхайнинг ўзи бошқа содикларни ўтказиладиган ҳар хил тадбирларга

олиб борар, улар билан бирга киртан ўтказар, мриданга чалар, "Шримад Бҳагаватам"дан маъруза киларди.

Шридхара Махараж: *Биз Абҳай бор кучини пул ишилаб топишига сарфлаётганини кўрмадик. У жуда бадавлат кишига ҳам, мол-мулки жуда кўп кишига ҳам ўҳшамасди. Уни оиласидан кўра кўпроқ руҳий муносабатлар қизиқтирарди. У ҳеч қачон мен билан ўзининг савдо ишиларини муҳокама қилимаган. Молиявий жиҳатдан унда миссияга пул эҳсон қилиши имконияти йўқ эди.*

Абҳай вайшнавлар фалсафаси бўйича китоб ёзиш ҳакида жиддий ўйлай бошлади. Унинг руҳий устози ундан жуда мамнун бўлган кўринади, чунки Гармонист журналининг мухарририга: "Унинг ёзган ҳамма нарсаларини нашр қилинглар!" – деб кўрсатма берган. Агар у бизнес билан жиддийроқ шуғулланиб, кўпроқ пул топа олса, у бу пулларни инглиз тилида китоб нашр қилишга сарфлаган бўларди. Руҳий устози унга шундай кўрсатма берган эди: "Агар сенда пул бўлиб қолса, китоблар нашр қил!" кўриниб турибдики, Гаудия Матх бу ишни қилмайди. Кунжавихари суд харажатларини кўтариш учун Шрила Бҳактисиддханта Сарасватининг босмахонасини сотиб юборди. Йўқ, Абҳай мустақил ҳолда ҳаракат қилади, у бизнес билан ҳам, китоб ёзиш ва уларни нашр қилиш билан ҳам бир вақтда шуғулланади. Шрила Бҳактисиддханта Сарасвати ҳам шуни тавсия қилган: "У сизлардан алоҳида яшагани маъқул. Вакти келиб унинг ўзи ҳамма ишни амалга оширади".

1939 йилда Абҳай "Гитопанишадга кириш"ни ёзди. Бу кичкина очерк эди, лекин бу очерк Абҳай вақти келиб "Бҳагавад-гита"ни инглиз тилига таржима қилишидан ва унга изоҳ ёзишидан дарак берарди. Албатта, шу пайтгача "Бҳагавад-гита"га инглиз тилида жуда кўп изоҳлар ёзилган эди, лекин бу асарларнинг деярли ҳаммасини имперсоналистлар ёки "Бҳагавад-гита"нинг бошланғич руҳини, - Курукшетра жанг майдонида "Бҳагавад-гита"ни бевосита Парвардигор Кришнанинг Ўзидан тинглаган Аржуннинг руҳини аниқ таърифлаб бера олмайдиган кишилар ёзган эдилар. Лекин Абҳай "Бҳагавад-гита"га инглиз тилида, шогирдлар силсиласи орқали авлоддан авлодга ўтиб келаётган Парвардигор Чайтанья таълимоти асосида изоҳ ёзид, "Бҳагавад-гита"ни асл ҳолида баён этиш мумкинлигини биларди, шунинг учун у бу ишга кўл урди. У қачон вақти бўлса шунда "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзишга ўтирарди. Гарчи унинг инглиз тилида ёзган гапларидан жиддий тилшунослар баъзи бир хатолар топиши мумкин бўлса ҳам, барибир унинг изоҳларида "Бҳагавад-гита"нинг маъноси аниқ равшан баён этилган эди.

"Бҳагавад-гита"да Абхай ҳали мактабда ўқиб юрган пайтларида "Видья-ратна" – "таълимнинг бебаҳо жавоҳири" деган маъruzага кирганини эслайди. Маъruzанинг мавзуси шундан иборат эдики, Худо йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Агар Худо бор бўлса, ҳар хил диний уруш-жанжалларга чек қўйиш учун У албатта ерга тушган бўларди; Худо инсон учун шу ишни қилмадими, демак, биз Худо борлиги ҳакидаги фикрни миямиздан бутунлай чиқариб ташлашимиз керак. "Маъruzага тўпланган болалар маъruzачининг айтиётган гапларини охиригача тушуниб етмадилар – деб тушунтиради Абхай.- Лекин, барибир улар маъruzачининг келтирган далиллари уларда чуқур таассурот қолдириб, улар шу ердан худосизлик ғоясининг мағрурлигини олиб кетдилар, кейинчалик эса, атеист ва агностикларга айландилар. Агностикларнинг келтирган далиллари Абхайни қаноатлантира олмасди, чунки, "отам мени Шри Шри Радха-Говинданинг содиқ хизматкори қилиб тарбиялаган эди". Лекин, "видья-ратна" мавзусидаги ана шу маъruzадан кейин мен ичимда агностицизм билан Худонинг мавжудлиги орасида кескин кураш борлигини ҳис қилдим. Кейинчалиқ, Абхай руҳий устозининг гапларини тинглагандан кейин англаб етдики, Худо Шахси ҳар қандай фаолиятнинг ҳар бир жиҳатида мавжуд. "Лекин бизларда Худони кўришга қодир бўлган кўзлар йўқ – деб ёзди Абхай, - Агар Парвардигор ер юзида келса ҳам, ўзаро жанжал қилиб юрган имонсиз дунёвий одамлар жанжалдан тўхтамайдилар, ўзларининг ғофиллиги сабабли ҳеч қачон нигоҳини Худога ёки Унинг вакилига қаратмайдилар. Ҳар бир алоҳида руҳга Худонинг марҳамати билан бериб қўйилган ва ҳеч ким таҳдид сололмайдиган эркинлиги ана шундан иборат".

"Бҳагавад-гита" – ҳакиқий "видья-ратна", - "ҳакиқий илм жавоҳири" "Бҳагавад-гита"да Парвардигор Кришна ер юзида ўзаро жанжаллашиб юрган одамларнинг барчасига мурожаат қиласи: Мен бу ердаман, жанжанлашишни бас қилинглар". Таълимнинг бебаҳо жавоҳири ҳакида маъруза қилган имонсиз агностик бебаҳо жавоҳирдан кўзи кўр бўлиб қолган, шу боис у Худони кўра олмаган ва Худо Шахсининг муносиб қадрига етмаган. Шундай қилиб, у бошқаларни ҳам бебаҳо жавоҳир бўлишга ишонтиришда давом этарди.

Руҳий устозининг изидан бориб, Абхай ҳам Худо ҳакидаги соф таълимотга қарши чиққанларга қарши худди шундай шиддат билан аёвсиз кураш олиб бораради. У шунчаки бетараф илмий тушунчаларни таърифламасди; у, замонавий агонстикларми ёки ваишнавизмнинг эски, душманлари бўлган имперсоналист майявадиларми, ҳар қандай кишини баҳсга тортишга ва у билан баҳслашишга тайёр эди. Камдан

кам олимлар "Бҳагавад-гита"да таърифланган Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилиш йўли ҳакида гапирадилар, лекин барибир, "Бҳагавад-гита" – барча илмларнинг мазмунни эканини деярли ҳамма тан олади. Шунинг учун Худо ва дин ҳакидаги илмни одамларга нотўғри тушунтириб юрган одамларга қарши крашда "Бҳагавад-гита" мукаммал қурол эди. "Бҳагавад-гита" агностикларни ҳам, ўзлари ўйлаб топган Худоларга сифиниб юрган одамларни ҳам, антроморфистларни ҳам, имперсоналистларни ҳам, генотеист(ўз миллатини Худо деб сифинадиган киши)ларни, пантеистларни ва мутлақ монистларни бутунлай инкор этарди. Гарчи "Бҳагавад-гита"га олти юзга яқин изоҳ ёзилган бўлса ҳам, уларнинг ҳаммаси қалбининг тўрида Худодан нафратланадиган кишилар томонидан ёзилган изоҳлар эди, шунинг учун бу изоҳларни мукаммал деб ҳисоблаб бўлмасди. "Шундай ҳасадгўйлар – деб ёзган эди Абхай, - худди, ёғзи бекитилган банка ичидаги асалнинг мазасини тота олмайдиган пашша сингари, ҳеч қачон "Бҳагавад-гита"нинг асл маъносини тушуниб ета олмайдилар".

Абхай Ҳиндистон маданиятини тубсиз океан деб таърифларди, фикрларнинг чукурлиги ва ҳар хил хулосаларнинг аралашиб кетгани сабабли уни умуман кечиб ўтишининг иложи йўқ. "Лекин, бу китобда – деб ёzáди Абхай, - ҳинд маданияти ва фикрининг ёзма тарихи бўлган муқаддас китоблар асосида мен Кришна – Худонинг Олий Шахси эканини исботлаб бераман".

Баннержидаги 7-йда яшайдиган саннийасилар Абхайнинг режаларининг кенглиги ва фикрларининг чукурлигини кўриб ҳайратга тушгандилар. Одатга кўра энг муносиб ваишнавни ўзининг фазилатларига мос келадиган бирор унвон билан мукофотлаш лозим эди, шу боис Бҳактишарангта Махараж Абхайга ҳам бҳактисиддханта деган унвон беришни таклиф қилди. Лекин Шридхара Махараж эътиroz билдириб, унга руҳий устози билан бир хил унвон берсак унчалик тўғри бўлмайди, деди ва унга бҳактиведанта деган унвон беришни таклиф қилди. Бҳакти – садоқат дегани, веданта эса - олий илм деган маънони англатади. Абхай улардан жуда миннатдор бўлди. Бу унвонда ҳақиқий динга садоқат билан Парвардигор Чайтанъянинг билимдон издошлири орқали келган жиддий фалсафага содиклик мужассам эди. У руҳий оғаларининг бу самимий кутловини Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилишдаги руҳий фаолиятида ўзига юклangan қўшимча мажбурият сифатида қабул қилди.

У мунтазам равища Шридхара Махараж билан учрашиб, у билан "Шримад Бҳагаватам"ни муҳокама қилиб юрди. Абхай уни тарғибот ишларини тобтора кенгайтиришга ундарди, лекин Шридхара Махараж табиатан камтар олим эди, шу боис фаол тарғибот қилишга мойиллиги

йўқ эди. Абхай бир неча марта Шридхар Махаражга ўзи билан бирга Ганди ва Нерунинг олдига бориб, улардан нимага улар "Бҳагавадгита"нинг конун-коидаларига риоя қилмаётгани ҳақида сўрашни таклиф қилди,

Баннержи – 7 даги руҳий учрашувларнинг яна бир натижаси Шридхара Махараж ёзган "прапанна-живанамрита" китоби бўлди. Бу китобда вайшнавларнинг ҳар хил муқаддас китобларидан олинган шеърлар тўпланиб, ўзини Парвардигор Кришнага топширишнинг олти турига мос равишда олти кисмга бўлинган эди. Абхай Девананда Гаудия Матхдаги саннийасилар билан бирга, ана шу китобнинг нашрдан чиқишига моддий ёрдам берди. Шундай қилиб, бу китоб руҳий дўстларнинг биргаликдаги ҳамкорлиги натижаси бўлди.

1939 йил 3-сентябрь

Ҳиндистон вице-қироли Лорд Линлисгоу Ҳиндистонни Германия билан уруш ҳолатида деб эълон қилди. Шундай қилиб, Англия, бирор ҳинду билан маслаҳатлашмасдан Ҳиндистонни ҳам урушга жалб қилган эди. Гарчи мустақилликка интилаётган Ҳиндистон бегона давлатнинг бундай зуғумини қоралаётган бўлса ҳам, барибир уруш одамлар онгода ҳар хил аралаш ҳис-туйғуларни юзага келтирган эди. Ҳиндистон мустақилликка интиларди, лекин иттифоқчиларнинг гарбда фашизмга қарши курашини қўллаб-кувватлар ва шарқ томондан Япония империсининг ҳужум қилиб қолишидан қўркарди. Бир ёзувчи Дехлидаги оддий бир талабадан шундай деб сўради: "Сизлар Англиядан шунчалик нафратланасизлар, лекин сизлар Япония ҳужум қилиб, Ҳиндистонни босиб олишини истайсизларми?" "Йўқ – деб жавоб берди талаба, - лекин Ҳиндистонликлар Худога илтижо қилиб, Британия ўзи муносиб бўлган зарбага бардош бера олишини тилайдилар".

Гарчи уруш бошланган пайтда Ҳиндистон армиясида атиги 175 минг аскар бор бўлса ҳам, инглизлар ҳинд аскарларининг сонини икки миллионга етказишга муваффақ бўлдилар. Умумий чақирув бўлмади, лекин, армияга кўпроқ йигитларни жалб қилиш учун инглизлар мамлакатнинг ҳамма жойига ўзларининг вакилларини юбордилар. Айниқса Пенжаб вилоятидаги қашшоқ одамлар учун амрияда хизмат қилиш таклифи жуда қўл келди. Пенжабликлар яхши ҳарбийлар эдилар,ベンガлияликлар эса, армияга фақат зобит, амалдор ёки врач бўлиб ишга кирадилар. Ҳиндистонлик аскарларни Египетга, Ирокка, Сирияга, Персияга, Малайзияга, Бирмага ва Ассамга урушга юбордилар.

Инглизлар хиндларни урушга жалб қилишга уринар экан, айни пайтда, охирги йигирма йил ичидә вақти вақти билан ўзининг кучини кўрсатиб қўядиган миллий озодлик ҳаракати жуда кучайиб кетганди. Конгресс партияси аъзолари ҳарбий сиёсатда иштирок этишнинг ҳар қандай кўринишидан бош тортиб, Хиндистонга мустақиллик кафолатини беришни талаб қиласдилар. Англия ўзининг бутун дикқат эътиборини Германия билан урушга қаратиб турган пайтда, кўзголон кўтариб, куч ишлатиш орқали мустақилликка эришиш керак деган фикрлар юарди. Ганди пацифизм тарафдори бўлиб, ҳатто Хиндистонни ҳимоя қилиш учун ҳам куч ишлатишга қарши эди. Лекин 1942 йилга келиб, у анча қатъиятлироқ бўлиб олди, энди унинг Британияга бўлган муносабати аниқ ва дадил эди: “Хиндистонга озодлик!” Унинг бу чакириғига минглаб ҳиндистонликлар лозунг кўтариб кўчаларга чикиш, ҳатто баъзи жойларда темир йўлларни бузиб ташлаш билан жавоб бердилар.

Абхайнинг мактабдош дўсти Шубҳас Чандра Боуз ҳам инглизларга қарши кураш олиб борарди, лекин у бутунлай бошқа йўл тутганди. Германияга бориб у Гитлер билан музокара олиб борди ва ундан немисларга асир тушган ҳамма хиндларни қайтариб беришни илтимос қилди. Боуз улардан ўзининг миллий армиясини ташкил қилишни ва шу армия билан келиб Хиндистондан инглизларни қувиб чиқаришни мўлжалларди. Лекин, Германияда бирор натижага эриша олмагандан кейин у Японияда Тоджо билан худди шундай шартнома тузди. Шундан сўнг минглаб гуркх ва сикхалар(энг яхши хинд аскарлари) британия армияси сафидан қочиб, Сингапурда ташкил этилган Боуз армиясига бориб қўшилдилар. Боуз шимол тарафдан Хиндистонга кириб келиш учун ўзининг армиясини тайёрлай бошлади.

Кейин, 1943 йилда, инглизлар Бирмани босиб олган Япония, Бенгалия тарафдан Хиндистонга жуда яқин келиб қолганини сезиб қолдилар. Шунда “воз кечиш сиёсати” деган режа асосида инглизлар душман қўлига тушиб қолишидан қўрқиб, хиндларнинг озиқ-овқат ташийдиган кўплаб кемаларини чўқтириб юбордилар, кўплаб шоли майдонларини яксон қилдилар. Бунинг оқибатида маҳаллий хиндлар савдо-сотик қилиш учун зарур бўлган кемаларидан ва озиқ-овқатларидан айрилиб қолди. Бенгалияда юзага келган очарчилик охирги юз эллик йил ичидә мисли кўрилмаган эди. Ҳукумат озиқ-овқат маҳсулотларининг баҳосига қўйилган ҳар қандай чеклашларни бекор қилди. Баҳоси афсонавий равишда кўтарилиб кетган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга курби етмаган одамлар Калькутта кўчаларда очликдан ўлиб кетардилар.

Шрила Прабхупада: *Мен бу нарсаларни ўз бошимдан кечирганиман – ҳукумат суний равишда мамлакатда очарчиликни юзага келтирган эди. Уруш давом этарди, жаноб Черчиллининг сиёсати одамларни очарчиликка дучор қилишидан иборат эди, шунда улар ноилож аҳволда армия сафига қўшилардилар. Ҳукумат шундай қилди ҳам. Амалдорлар бозорлардаги ҳамма гуручини сотиб олдилар. Олдин бир килоси олти рутий бўлган гуруч бирданига эллик рутийга кўтарилиб кетди. Мен бир баққолдан харажмат қилаётган эдим, бирданига у: “Бўлди, энди мен ҳеч нарса сотмайман!” – деб қоди. Ўшанда гуручининг килоси олти рутий эди. У бирдан гуруч сотини тўхтатиб қўйди. Бир неча соатдан кейин қайтиб борсан, бир кило гуручининг баҳоси эллик рутийга кўтарилиб кетибди.*

Ҳукумат вакиллари гуруч ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳаммасини сотиб ола бошлидилар. Улар бу маҳсулотлар нархини истаганча кўтариши мумкин эди, чунки молия уларнинг қўлида эди. Улар минглаб қоғоз доллар чиқариб тўлашлари мумкин эди. Оддий одам: “О, менинг юз долларим бор!” - деб қувониб юради, лекин аслида у бир парча қоғоз, холос.

Сиёсат шундай эди. “Бизларнинг тулими ҳам, гуручимиз ҳам йўқ!” Ҳечқиси йўқ, бунинг бошқа йўли бор – армияга бориб аскар бўлине! Жуда кўп пул оласиз!” Муҳтожслик одамларни армия сафига ёзилишига мажсбур қиласиди. Мен буни ўз кўзим билан кўрганман. Бозорда гуруч сотиб олишининг иложи йўқ эди. Одамлар очликдан ўлиб кетаётган эдилар.

Абхай оиласи тирик қолиши учунгина етарли бўлган гуруч сотиб олишга эриши. Лекин у кўчаларда гадойлар сони бирданига жуда кўпайиб кетганини кўрди. Кўплаб ойлар давомида у уйсиз гадойларнинг кўчаларда, дараҳт тагларида ётиб юрганини кўрди. У ахлат ташланадиган жойларда бирор егулик ахтариб юрган болаларни кўрди. Ахлатларда болаларнинг бир бурда егулик нарса учун қучуклар билан талашиб юриши Калькуттада одатдаги ҳол бўлиб қолди. Инглизларнинг бутун вақти ва кучи урушга кетаётган эди. Улар фақат уруш учун бирор фойдаси тегадиган кишиларнинг очликдан кутқариб қолардилар. Қолган одамларнинг ҳаммасига империя фақат бир нарсани – очликни таклиф қила оларди.

Шрила Пррабхупада: *Ўша даврда Хиндистонда яшаган бир инглиз шундай деган эди: “Одамлар очарчиликда яшаптилар. Бизларнинг мамлакатда аллақачон революция бошланиб кетган бўларди”. Ҳа, лекин Хиндистонда одамлар шундай тарбия олганларки, сунъий равишда очарчиликка дучор қилинган бўлсалар ҳам, улар ўғирлик*

қилишгача бориб етмаганлар. Одамлар очликдан ўладилар, лекин барыбир буни: “Майли, Худодан келган құргилик экан!” – деб ҳисобладилар. Ведалар маданиятининг асосий қоидаси шундай. Ҳамма нарсаны Худодан деб қабул қилиши.

Агар табиат қонунларига риоя қилиб яшаса, очарчилик бўлмаслигини Абхай яхши биларди. Парвардигор мукаммал қилиб яратган Ер қанча зарур бўлса, шунча озиқ-овқат етиштириб беради. Ҳамма гап одамларнинг очкўзлигида: “Бу дунёда ҳамма нарса етарли – дерди Шрила Бхактисиддханта Сарасвати, - фақат Кришна онги етишмайди”. 1943 йилги очарчиликка Абхай айнан шундай нуқтаи-назардан караган эди. Ана шундай руҳий нуқтаи-назар ҳозирги кунда ҳамма нарсадан ҳам муҳимроқ бўлган энг долзарб муаммо, биринчи навбатда керак бўлган зарурат эди. Одамларнинг очкўзлик, қизғанчлик, урушиш, одамларга керак нарсаларни яшириб кўйиш сингари бемаъни, миллионлаб одамларни аслида йўқ бўлган мусибатга дучор этадиган одатларига қарши бошқа қандай йўл билан курашиб мумкин? У ингизларнинг Ҳиндистондаги энг жирканч ишларининг гувоҳи бўлди: Ҳиндистон хунармандлари чиқарган кийим-кечаклар инглизларнинг саноатига рақобат қилмаслиги учун улар тўкувчиларнинг бош бармоқларини кесиб ташлардилар; бегуноҳ қуролсиз одамларни отиб ташлар, сунъий равишида очарчиликни юзага келтирас, хинд маданияти тош давридан қолган деган уйдирмаларни тарқатар эдилар. Лекин Абхай мустақил ҳинд ҳукумати одамларнинг аҳволини яхшилашига барибир ишонмасди. На Ганди, на Субхаш Чандра Боуз, Кришна онгидан маҳрум бўлган на бошқа бирор ҳукумат ҳеч қандай ҳақиқий қадр-қимматга эга бўлган қарор қабул кила олмайдилар. Улар факат вақтинчалик чораларни кўрадилар, холос. Ҳудонинг мукаддас китобларда ва буюк донишмандларнинг асарларида баён этилган қонунларига бўйсунмас экан, ҳар қандай ҳукумат фақат инсониятнинг мусибатларини қучайтиради, холос.

Кейин Калькуттада ҳар куни бомбалар портлай бошлади. Шаҳарнинг Киттапурдаги порт, Шъяма Базар сингари маълум жойлари портларди. Бу жойлар Абхайнинг уйига жуда яқин эди. Америка самолётлари Хитой ва Японияни бомбардимон қилиш учун Калькутта яқинидаги аэроромдан кўтарилилар эдилар, шунинг учун японларнинг душман ҳужумига қарши Калькуттага бомба ташлаши табиий ҳол эди.

Ҳа, лекин ҳақиқатан ҳам шундай эдими? Баъзи бир одамлар бу бомбаларни Боуз армияси ташляпти деб гумон қилардилар, чунки бомбалар факат инглизлар яшайдиган кварталларга тушарди. Лекин Калькутталиклар учун ким ҳужум қилаётганининг аҳамияти йўқ эди.

Бириңчи марта бомба түшгандан кейин оқиодамлар шаҳарни ташлаб кета бошладилар. Кечалари шаҳарда бирор ёруғлик бўлмаслиги қатъий назорат қилинарди.

Шрила Прабхупада: *Калькутта бўй-бўши бўлиб қолган эди. аниқроғи мен ва яна беш олти киши қолган эдик. Мен ўғилларимни Навадвипага жсунатган эдим, қизим эрга теккан эди. хотиним Калькуттадан кетишдан бош тортди. У шундай деди: “Бошимга бомба тушса ҳам, бу ердан ҳеч қаёққа кетмайман”. Шунинг учун мен ҳам Калькуттада қолишига мажбур бўлдим. Тун бўйи мен Калькуттани бомбардимон қилганларини кузатиб турардим. Бомбалар овози эшиитлганда мен овқатланиб ўтирадим. Менинг уйим бомбадан қочадиган жой эди. Мен оч эдим, шунинг учун аввал қорнимни тўйгазиб олдим. Кейин мен ўз хонамга кириб олдим, шундан кейин бомбалар портлай бошлади: “Чии-кйам!” Мен бу ҳам Кришна, лекин бошқачароқ қиёфада, деб ўйлаб қолдим, Кришнанинг бу қиёфаси одамни ўзига жалб қилмасди.*

\* \* \*

Ана шундай кулфатлар орасида Абхай Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиш қанчалик муҳим эканини ҳар қачонгидан ҳам чуқурроқ тушуниб етди. Уруш оқибатларидан қаттиқ қийналиб юрган бутун жаҳондаги одамларга унинг айтадиган гаплари бор эди, у тарғибот қилишнинг самаралироқ турини – қандайдир даврий нашр қилинадиган журнал чиқаришни орзу қиласарди, Абхай унда жаҳон ҳалқи дуч келаётган муаммоларни муқаддас китоблар асосида ҳал қилиш йўлларини худди ўзининг руҳий устози баён этган шаклда ёритишини истарди. Унинг мянисида фоялар етарли эди, шунинг учун у бизнесидан ортган пулларини айнан ана шу мақсадга тўплай бошлади.

Лекин, барибир, агар ҳатто Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг катта шогирдлари, катта саннийасилар бу борада бирор иш қилмаган бўлса, қандай қилиб у ўзининг журналини чоп этишга журъат эта оларди? У ҳеч қачон руҳий оғайниларининг орасида ўзини буюк олим деб ҳисобламасди. Гарчи руҳий оғалари уни кави, ҳатто Бхактиведанта деб атаган бўлсалар ҳам, ҳеч ким уни, ўзи грихастха бўла туриб, ўзининг шахсий журналини чиқара бошлайди деб ўйламаган эди.

Лекин замонлар ўзгариб кетди. Гармонист журнали Шрила Бхактисиддханта Сарасвати бу дунёни тарқ этган пайтдан бошлаб чиқмай қўйди. Орадан деярли ўн йил ўтятпти, Гаудия Матх эса, суд

орқали тортишувлар билан бўлиб, тарғибот қилиш ҳақида ўйлашга ҳам вақтлари йўқ. Ҳозирга пайтда Гаудия Матхда ўн йил давомида ҳар куни чикадиган Надия Пракаш газетаси чоп этилиб турган аввалги тарғиботчилик руҳи йўқ эди. Ҳиндистоннинг турли жойларида жойлашган тўрт босмахона энди аввалгидай Шрила Бхактисиддханта Сарасвати раҳбарлиги остида илоҳий адабиётларни чоп этмай кўйган эди. Босмахонаарни Кунжавихари сотиб юборган эди. Замон ўзгариб кетди. Гаудия Матх ўзаро бир бири билан мулк талашиб юрар, имонсиз одамлар эса, жаҳон урушида бир бирларини ўлдирап эдилар.

Сита Канта Баннержи 6-үйдаги ўзининг хонасида ўтириб, Абхай ўзининг бўлғуси журнали учун мақолалар ҳақида мулоҳаза юритар, машинкада ёзар, тахрир қилар эди. У ўзининг журналига эмблема ўйлаб топди. Саҳифанинг тепа қисмида чўзиқ тўртбурчак, унинг чап томонида юқорида Парвардигор Чайтанъянинг нур сочиб турган қиёфаси, ўнг томонда пастда ана шу нурга интилаётган одамларнинг сояси туради. Парвардигор Чайтанъя билан одамлар орасида худди шиор каби ҳилпираб журналнинг номи - “Худога қайтиш” ёзуви туради. Ўнг томонда пастда у бир китоб устида ишлаб ўтирган руҳий устозининг суратини кўйди. Журналнинг номи устига Абхай журналнинг шиорини ёзиб кўйди: “Худо – ёруғлик, ғофиллик – зулмат. Худо бор ерда зулматга ўрин йўқ”. Эмблеманинг остида шундай гаплар ёзилган эди:

**Илоҳий Ҳазрат Шри Шримад Бхактисиддханта Сарасвати  
Госвами Прабхупаданинг бевосита кўрсатмаси асосида  
Таъсисчи ва муҳаррир Абхай Чаран дэ**

Абхайнинг ўзининг бизнес ишлари бўйича нашр қилиш борасида бироз тажрибаси бор эди, шунинг учун у кўлёзмалар устида ишлаб бўлгандан кейин, уларни Бенгалиядаги энг яхши босмахона бўлган Сарасвати Прессга олиб борди. Шунингдек у Калькуттадаги энг яхши китоб савдогарлари Такер, Спинк и Компани ва бошқалар билан ҳамкорлик қила бошлади, улар бу журнални барча китоб магазинлари ва кутубхоналарга, шу жумладан чет элга ҳам тарқатишни ваъда бердилар.

Лекин, Абхай қоғоз сотиб олиш учун борганида қоғоз сотиш хукumat томонидан чекланган эканини билиб қолди. Уруш сабабли қоғоз етишмас экан, рухсат бериш учун хукumat унинг ёзганлари миллат учун қанчалик зарур эканини баҳолаши зарур экан. Жаҳон инкиrozга учраб турган бир пайтда диний журналга ким ҳам эътибор берарди.

Бу ҳақда ўйлаб ўтиришни ўзларига эп кўрмасдан ҳукумат вакиллари Абхайга рад жавобини бердилар. Лекин Абхай жуда қатъиятли эди. У амалдорларни қоғоздан Худонинг қонунларини тарғибот қилишда фойдаланиш исрофгарчилик ёки нотинч замонда долзарб бўлмаган иш эмаслигини тушинишга чақирди. Ниҳоят у ўзининг қирқ тўрт сахифали “Худога қайтиш” журналининг биринчи сонини нашр этишга етарли қоғоз сотиб олишга рухсатнома олди.

Абхай китобхонларга журналнинг “Худо – ёруғлик, ғофиллик – зулмат” деган шиорини тушунтириб берган эди: Инсон аслида ўзи Худонинг ўғли эканини эсдан чиқариб қўйса ва ўзини тана деб ҳисоблай бошласа, у ғафлатда юрган ғофил одам бўлади. У худди ҳайдовчига эътибор бермасдан, автомобилнинг моторини жиддий ўрганаётган кишига ўхшайди.

“Ҳозирги одамларнинг асосий камчилиги мана шунда. Аслида замонавий тараққиёт ғофиллик ва алданишга асосланган, айнан шунинг учун инсонлар жамияти урушга юз тутиб турибди. Ҳамма фақат танасига ва танаси билан боғлиқ нарсалар учун қулайлик яратишга интилади, ҳеч ким ана шу танани ҳаракатга келтириб турган рух, жон ҳакида ўйламайди. Лекин, агар ҳайдовчи бўлмаса, машинанинг ҳеч қандай фойдаси йўқлигини ҳатто ёш бола ҳам тушунади. Бундай илмнинг йўқлиги жуда хатарли, ана шу ўта кетган ғофиллик, жаҳолат милитаризм кўринишидаги даҳшатли тараққиётни юзага келтирди. Ана шу милитаризм, худди миллатчилик сингари, одамларнинг ҳаммаси азалдан қон-қардош эканини тушуниб олиши йўлида катта тўсиқни юзага келтиради. Ташқи кийимларнинг ҳар хил бўлиши – ўзаро уруш қилиш учун асос бўлолмайди. Шунинг учун, инсонлар орасидаги ўзаро муносабатлар тушунчаси тананинг қайси иркка мансублигига ёки унинг рангда эканига боғлиқ бўлмаслиги керак. “Худога қайтиш” – муаллифнинг камтарин ҳолда, Гаудия Матхнинг машхур асосчиси ва фаолиятининг ташкилотчиси Илохий Ҳазрат Шри Шримад Бхактисиддханта Сарасвати Госвами Прабхупаданинг кўрсатмаси асосида муаллифнинг ҳақиқий инсоний муносабатларни Худонинг Олий Шахси билан ўзаро муносабатлар даражасига кўтаришга бўлган уринишидир. Барча давлатларнинг раҳбарлари ўз фаолиятида айнан мана шундай адабиётга жуда муҳтожлик ҳис қиласпилар, шунинг учун журналдаги матнлар бу ишда уларга катта ёрдам беради”.

1944 йил эди, Абхай ўзининг журналида жаҳон инқирозига алоҳида аҳамият берарди. Бутун жаҳонда сиёсий арбоблар одамларнинг муҳтожлик сабабли қаттиқ изтироб чекиб юрганидан қаттиқ норози эди. Миллионлаб одамларнинг умрини хазон қилган тўрт йиллик урушдан кейин Ер юзи яна йигирма йил давомида уруш

оқибатларидан қаддини ростлай олмайди. Гарчи уруш охирлаб қолган бўлса ҳам, сиёсий раҳбарлар бундан хурсанд ҳам эмасдилар, бирор яхшиликка умид ҳам қилолмасдилар, - улар ноаниқлик олдида қаттиқ чарчагандилар. Ҳатто бу уруш тугаса ҳам, навбатдаги уруш бошланмаслигига ким кафолат беради? Наҳотки, инсон ҳалигача тинчтотув яшаш кераклигини англаб етмаган бўлса?

Абхай Ҳиндистон архиепископининг гапларини келтирди: “Ҳиндистон бутун жаҳонни тинчлик ва акл-фаросатга қайтара олади”. У Кўшма Штатлар Президентининг гапларини келтирди: “Куролли тўқнашув юзага келишнинг олдини олиш мақсадида маънавий жиҳатдан қуролсизланиш дастурининг тўхтаб қолишга йўл қўймаслик керак. Ана шундай маънавий қуролсизланиш дастури самарали бўлиши учун уни бутун жаҳон миқёсида қўллаб-кувватлаб туриш лозим”. Шунингдек, Абхай ундан олдинги президент, Герберт Хувернинг гапларини келтирди: “Ҳозир жаҳонда маънавий ва руҳий қадриятларга қайтиш энг муҳим зарурат бўлиб қолди”, буни Британия палаталар жамоасининг резолюцияси ҳам тасдиқларди: “Руҳий қонун-қоидалар бутун инсониятнинг бойлиги бўлиб, одамлар ва миллатлар ягона Парвардигорнинг ҳукмронлигини қабул қилишлари энг муҳим заруратдир”. У Россияга килган сафаридан қайтиб келган Вендел Уилкнинг баёнотидан мисол келтирди, у миллионлаб ҳалок бўлган, мажруҳ бўлган ёки бедарак йўқолган руслар, муҳтожликда яшаётган ва камоққа ташланган миллионлаб одамлар ҳақида ёzáди.

“Рус ҳалқининг чекаётган мусибатларини – деб ёzáди Абхай, - бошқа ҳалқлар ҳам чекеяпти; биз хиндулар ҳам худди шундай муҳтожликни, қашшоқликни бошимиздан кечиряпмиз, худди руслар сингари урушдан нафратланамиз”. У уруш келтирган мусибатлар сабабли қалби дард ва аламга тўлиб, архиепископ Кентерберијскийнинг фикрини маъқуллаган Англия ташқи ишлар вазири Энтони Эденнинг гапларини кетиради: “Ер юзининг ҳамма жойида одамлар уруш балосидан ҳалос бўлишга ва ўзлари бошидан кечирган шафқатсизлик ва йўқотишлардан ҳеч ким ўқ отмайдиган жойларда тинч тотув яшаб нафасини ростлаб олишга интиладилар. Лекин кўпинча одамлар жаннатнинг ҳукмдорини четда қолдириб жаннат қуришга харакат қиласдилар. Парвардигорсиз Унинг салтанатини яратишнинг иложи йўқ”.

**БИЗ ХУДОНИНГ ДАРГОҲИГА ҚАЙТИБ КЕТИШГА ИНТИЛИШМИЗ КЕРАК.** Биз миллатларнинг ўзаро тинч-тотув яшашини, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш режаларини тузамиз. Ҳақиқатан ҳам бу муҳим нарсалар, уларни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Лекин, токи биз Худо томонга юзланмас эканмиз, тузган режаларимизнинг ҳаммаси инсон эгоизмининг қояларига уриб

чил-парчин бўлаверади. **ХУДОГА ҚАЙТИШ** – Англия учун ҳам, бошқа ҳар кандай миллат учун ҳам энг асосий заруратдир.

Шунингдек, у англиялик Сэр Франц Юнгхасбенднинг гапларини келтирди: “Ҳамма жойда дин қаттиқ қаршиликларга дуч келаётган ҳозирги кунда биз бирор нажот ёки ишора бўлишини кутиб, Ҳиндистонга, диннинг бошлангич даргоҳига кўз тикамиз”. Охирида у Сэр Сарваталли Радхакришнаннинг гапларини келтирди: “Агар тинчликни мустаҳкам сақлай олмасак, бу уруш, ўзи тугагандан кейин бошқа урушларга сабаб бўлади. Агар қудратли миллатлар ўзларининг заиф миллатларга зулм ўтказиш орқали тўплаган бойликлари билан мағурланишни бас қилсаларгина ер юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш мумкин”. Балки Сэр Ҳакорт Батлер: “Индуизм қоидалари жаҳон маданиятини кутқариб қолиш учун жуда муҳим асос бўла олади” деганида, айнан шуни назарда тутгандир.

Радхакришнаннинг гапларини Абхай журналнинг шиорларидан бири сифатида ишлатарди: “Биз фикрлаш соҳасида зўравонлик қилишга барҳам беришимиз ва саёрамизда тинчликка интилиш истагини қайта тикилашимиз лозим. Ақлни ва инсон табиатини тарбиялаш воситалари шунга муносиб ижтимоий дунёқарашни шакллантиришга қаратилиши лозим. Акс ҳолда ҳукуматнинг халқни бошқариш борасидаги уринишлари самараисиз бўлиб қолади”.

Абхай Ҳиндистоннинг руҳий мероси фақат Ҳиндистондаги одамларга эмас, балки, бутун дунё ҳалқларига баҳт-саодат келтиришига ишончи комил эканини ёzádi.

Кейин у “Худога қайтиш” журнали устида ишлашга уни нима мажбур қилгани ҳақида ёzádi. У руҳий устози Шрила Бхактисиддханта Сарасвати бу дунёни тарқ этиб кетишига икки ҳафта қолганида унга хат ёzádi, жавоб хатида руҳий устози унга инглиз тилида тарғибот қилишни буюради.

*“Ана шундай вазиятда, 1936 йилдан бери, мен на маблагим, на қобилиятим бўлмаган ҳолда бундай қийин ишга қўл урсаммикан деб ўйланиб юрадим. Бу иши менга оғирлик қилмагани учун мен бу ишига қўл уришга қарор қиласидим. Ҳозирги даврда, гарчи уруши асоратлари сабабли юзага келган қийинчилклар ўтиб кетмаган бўлса ҳам, қалбим мени ишига киришишига ундаяпти”.*

Абхай таъкидляяпти, унинг журналида фақат Ҳиндистоннинг буюк донишмандларининг, айниқса, Парвардигор Чайтанъянинг илоҳий хабарлари ёзилган бўлади ва унинг бурчи – худди таржимонга ўхшаб, фақат такрорлашдан иборат бўлади. У ўзидан ҳеч нарсани тўқиб чиқармайди, шунинг учун унинг гаплари одамларни Худога қайтишга ундейдиган илоҳий товушлар бўлади. У,

журнални онгнинг мутлақо бошқа соҳасига мансуб бўлган мавзулари, ўқувчилар учун анча зерикарли бўлиб туюлиши мумкинлигини тан олади, лекин ишонтириб айтадики, уларни дикқат билан ўқиган ҳар бир инсон албатта саодатга эришади: “Сўроққанд фақат сариқ касалига чалинган одамга аччиқдай бўлиб туюлади, лекин ундан беморнинг дардига фақат ширинлик даво бўлади. Агар бемор мунтазам равишда дори сифатида сўроққанд сўриб юрса, унинг ширин таъмни сезиш қобилияти аста-секин қайта тикланади. Биз “Худога қайтиш” журналининг обуначиларига ҳам шу усулни таклиф этамиз”.

Абхай одамларга Ведаларнинг мангу хабарини етказишиň ўз олдига мақсад қилиб кўйганди, лекин бу ишни у жаҳон инқизозга юз тутган пайтда қиласиди. Ўзининг “Худо ва Унинг имкониятлари” деган эссесида, у Ведалардан мисоллар келтириб, Худо ва алоҳида руҳлар мангу, илм ва лаззатга тўла илоҳий табиатга эга зотлар эканини тушунириш учун мантиқий далиллар келтиради. “Одамлар Худо билан ўзларининг муносабатларини эсдан чиқариб кўйганлари сабабли, улар ҳеч қачон ўткинчи ва муқаррар мусибатларга тўла бўлган бу моддий оламда ҳеч қачон қаноат ҳосил қила олмайдилар. Ҳар бир тирик мавжудот – табиатан мангу бўлган руҳдир, шунинг учун ҳар ким ҳамиша унга ҳужум қилиб турадиган ва бирин-кетин келаверадиган мусибат ва хавф-хатарлардан кутулишга интилади. Лекин моддий тана мусибат чекишга, охир-оқибатда яксон бўлишга маҳкум.

Калькутта аҳолиси японларнинг бомбаларидан кўркқанидан шаҳарни ташлаб, бошқа жойларга кетяптилар, бунинг асосида ҳам ўша мангу тириклик хусусияти ётади. Лекин бу ердан қочиб кетаётган одамлар билмайдиларки, улар японларнинг бомбаларидан қутулиб қолгани билан, коинотнинг бирор жойида ўзининг танасини моддий табиатнинг уч турли азоб-уқубатлардан иборат бомбаларидан ҳимоя қила олмайдилар.

Хозир, босиб олган жойлари ҳисобига ўз баҳтини кўпайтириш ниятида Калькуттага ҳаводан бешафқат ҳужум қилиб турган японлар ҳам билмайдиларки, уларнинг баҳти ҳам ўткинчи, буни улар ўзларининг ватанида ҳам бир неча марта бошидан кечирганлар. Бошқа томондан, ҳар хил ҳужумларга дучор бўлиб юрган тирик мавжудотлар ўзларининг табиатига кўра мангу, кўринмас, тутқич бермас ва сезилмас ва ҳоказо. Шунинг учун барча тирик мавжудотлар, ҳужум қилаётганлар ҳам, ҳужумга учраганлар ҳам Майянинг мустаҳкам чангалига тушиб қолганлар, демак ғофиллик зулматида юрибдилар”.

Абхай ёзадики, фақат ўзларининг кучига ишониб ҳеч қачон яксон бўлишдан қочиб кутула олмайдилар. “Кўплаб йўлбошчилар инсониятни урушдан халос қилишга уриниб кўрдилар, лекин

уларнинг барча уринишлари бирор фойда бермади, чунки улар ҳаёт ҳақидаги моддий тасавурларга таянар эдилар. Уларнинг уринишлари худди зулматни зулмат билан ёритишга ўхшайди; аслида эса, зулматни факат ёруғлик билан ёритиб бўлади.

Ёруғлик бўлмаса, инсон ақлининг бирор фикри ҳеч қачон тирик мавжудотларга уларнинг мангу баҳтини қайтариб бера олмайди. Ана шундай зулмат ичида ер юзида тинчлик ўрнатишга бўлган ҳар қандай уриниш факат вақтинчалик енгиллик олиб келади. Ташки Кувват яратган ҳамма нарса ўткинчи. Зулмат ичида беозорлик ҳам худди зўравонлик сингари фойдасиз, аксинча, ёруғликка чиқсан жамиятда зўравонликка ҳам, беозорликка ҳам эҳтиёж қолмайди”.

Абхай факат уруш ҳақида ёзмасди. “Худо ҳақидаги илм, теософия ваишнавизмда ниҳоясига етади” деган мақолада у Теософиянинг Мадам Блаватскаянинг издошлари Хиндистонда тарғибот қилган оммабоп фояларининг нуқсонларини танқид қиласди.

“Биргаликда куйлаш” мақоласида у илохий башорат, Парвардигор Чайтанъянинг санкиртана ҳаракати бутун сайёра бўйлаб ҳар бир кишлөк ва ҳар бир шаҳарда тарқалиши ҳақида ёзади.

“Ана шу башоратга таянган ҳолда умид қилишимиз мумкинки, санкиртана ҳаракати яқин қунларда бутунжаҳон диний ҳаракатга айланади, Худонинг муқаддас номларини зикр қилишга, шарафлаб куйлашга ҳеч ким тўсқинлик қилмайдиган, ўзаро жанжалларга ҳожат қолмайдиган ана шу бутун олам дини, ҳақиқий муқаддас китобларда ёзилганидек, узоқ йиллар давомида мавжуд бўлиб туради”.

Кўриниб турибдики, “Худога қайтиш” журналининг асосий мавзуси Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг кўрсатмаси ҳисобланади. Журналнинг Шрила Бхактисиддханта Сарасвати чукур фикр-мулоҳазага берилган ҳолда тасвирланган муқовасида ҳам, бағишлоуда ҳам, журналнинг мақсади таърифланганда ҳам, муаммоларга мурожаат қилганда ҳам, теософияни таҳлил қилганда ҳам, санкиртана ҳаракатининг кенг тарқалиши башорат қилинганда ҳам – журналнинг ҳар бир соҳасида Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг кўрсатмаси яққол сезилиб туради.

Абхай журналга бошқа муаллифларнинг ҳам тўрт мақоласини киритди, улар орасида Шридхара Махаражнинг ҳам мақлоаси бор эди.

Журнал муқовасининг орқа томонида реклама жойлашган эди:

**“Худога қайтиш” журналиниң мухаррири ва асосчиси Абхай Чаран Дэнинг Гитопанишади.**

Уч қисмдан иборат, 1200 бет. Катта форматда. Аъло сифатли қоғозда.

Бутун жаҳонда маълум бўлган ҳинд фалсафасининг жавоҳири – "Бҳагавад-гита"нинг батафсил баёни. Шри Кришна, Брахма, Нарада, Вьяса, Мадхава, Мадхавендра Пури, Ишвара, Парвардигор Чайтанья, Рупа Госвами, Жива Госвами, Кришнадас, Нароттама, Вишванатх, Баладева, Жаганнатх, Тхакур Бхакти Винодэ, Гоур Кишорэ, Тхакур Сиддханта Сарасвати сингари руҳий устозлар силсиласининг ҳамда муаллифнинг ишончли илмий-илоҳий изоҳлари.

Ҳар хил ҳақиқий муқаддас китоблардан олинган кўплаб рангли ва оқ-қора расмлар билан безатилган.

Китоб тез орада нашрдан чиқади. Буюртмалар олдиндан қабул қилинади.

**Баҳоси: Ҳиндистон учун 18 рупий, бошқа давлатлар учун – 1 фунт, 10 шиллинг.**

Иккинчи катта китоб: икки қисмдан иборат, минг бетлик “Парвардигор Чайтанья” китоби. Бу икки китоб ҳам ҳали тугалланмаган эди, лекин Абхай, руҳий устозининг номидан ана шу жиддий ишларга кўл уришга жиддий интиларди.

“Худога Қайтиш” журналиниң иккинчи сонини нашрдан чиқариш пайтида Абхай яна аввалги муаммога дуч келди. У икки марта газета коғозини сотиб олишга руҳсат сўраб хукумат вакилига мурожаат қилди, лекин рад жавобини олди. 1944 йил 10-июлда Абхай учинчи хатни ёзди:

“Сизга муносиб хурмат-эҳтиром қўрсатган ҳолда сиздан шуни ҳисобга олишни илтимос қиласманки, гаудия ваишнавларнинг руҳий устози Илоҳий Ҳазрат Шри Шримад Бхакти Сиддханта Сарасвати Махаражнинг қўрсатмасига биноан мен "Худога қайтиш" журналини нашр қилишни бошлашим керак эди. Уни нашр қилишни айнан ҳозир, бутун жаҳон қаттиқ парокандалик остида бўлган пайтда бошлаш ниятимиз журналнинг номиданоқ қўриниб турибди. Мен журналнинг бир нусхасини диққат билан ўқиб чиқишингиз учун юборяпман. Унда сиз ҳар хил давлатларнинг обрўли раҳбарларининг инсоннинг тафаккури ва табиатини тарбиялаб, уни руҳий погонага кўтариш орқали жаҳонни соғлом фикрлаш йўлига қайтиришга қодир бўлган бундай харакатни қўллаб-куvvatлаган фикрларини топасиз. Бу – ҳар

бир инсоннинг энг олий эҳтиёжи. Сиз журнални, айниқса кириш мақоласини кўриб чиқасиз, деган умиддаман”.

Абхай яна айтдики, "Худога қайтиш" журналининг таҳририяти қоғоз етишмаслик муаммосига эмас, балки одамларда маданият етишмаслиги муаммосига дуч келяпти. Охир-оқибатда бу дунёдаги ҳамма нарсани Парвардигор беради, лекин, шунга қарамай, иймонсиз одамлар ўзларини ҳамма нарсанинг эгаси деб биладилар.

“Устиворликка эришиш учун бўлиб ўтган уруш сабабли ҳозирги пайтда юзага келган парокандалик ҳам сохта эгалик туйғусининг оқибатидир, шу боис, ҳамма нарсанинг ягона эгаси Парвардигор эканини ҳамма билиб олиши инсонлар жамиятида тушунтириш ишлари олиб бориш энг муҳим заруратдир”.

Балки, Ҳиндистонда қоғоз етишмаётган бўлиши мумкин. Лекин қадимда такводор инсонлар мунтазам равишда қурбонлик маросими ўтказиб, унда тонналаб ги ва донларни оловга эҳсон қилганлар. Лекин шунда ҳам одамлар бирор нарсага муҳтож бўлмаганлар. Лекин, ҳозирги даврда, Худога бирор нарса эҳсон қилишни бутунлай эсидан чиқариб юборгани сабабли одамлар ҳамиша у ёки бу нарсага муҳтож бўлиб юрибдилар.

“Шу боис, шунча қоғоз бекорга сарфланаётганини ҳисобга олиб, сиз бутун инсониятга буюк саодат келтириш учун бир неча пачка қоғоз эҳсон қилолмайсизми? Мен ҳукуматдан илтимосимни дунёвий ҳисоб-китоб юзасидан эмас, руҳий тушунча нуқтаи-назаридан кўриб чиқишини илтимос қиласдан. Ҳатто Британияда ҳам ҳукумат, қоғоз камёблиги бизнигига қараганда анча кучлироқ бўлишига қарамасдан, бизнигига ўҳшаган “Маънавий куролсизланиш ҳаракати” деган жамиятни қўллаб-куvvatlab, унга етарлича қоғоз ажратди.

Майли, берган қоғозингиз журналнинг атиги биргина варағига етсин, мен шунга ҳам розиман. Лекин мен ҳукуматдан менинг “Худога қайтиш” журналим таклиф қилаётган энг муҳим мавзуларни мухокама қилиш тўхтаб қолишига йўл қўймасликни илтимос қиласдан. Шу боис мен сиздан, бунга шунчаки қоғозни исроф қилиш эмас, балки, бутун инсоният ва Парвардигор учун қилинаётган эзгу иш сифатида қараб, бу масалани жиддий кўриб чиқишини ва менга ҳафтасига ёки ойига бир марта ва бир варақдан бўлса ҳам журнал нашр қилишга рухсат беришингизни илтимос қиласдан”.

Хат ўз кучини кўрсатди. У энди журналнинг иккинчи сонини яширин истеҳзо билан “Ҳиндистон ҳукуматига раҳмат!” деган мавзу билан бошлади. У ҳукумат, журнал тиражини камайтиргани сабабли кўплари тушкунликка тушган журналхонларга хабар бердики, у энди журнални ҳар ойда бир марта нашр қиласди. Абхай ҳукумат вакилиги ёзган хати билан унга олган жавобини ҳам журналга ёзган эди.

Бу гал мақолалар қисқароқ эди. Абхай буюк маҳорат кўрсатиб, чукур фалсафий тафаккури билан жонли ва кулгили тарзда жаҳондаги обрўли йўлбошчиларнинг оммавий ахборот воситалари орқали халққа айтаётган гапларини танқид қиласарди. Бу сонда “Ганди ва Жиннинг сұхбати”, “Жаноб Черчиллнинг маънавий олами”, “Бернард Шоунинг истаклари”, ва “Худога самимий муҳаббат” деган мавзулар бор эди.

“Ганди билан Жиннинг сұхбати”: “Биз яқинда Гадининг Жин билан амалга ошмай қолган сұхбатидан каттиқ ҳафа бўлдик. Абхай “жамият раҳбарларининг ана шундай аҳён аҳёнда бўлиб турадиган сұхбатлари”га ишончсизлик билан кааради. Ҳатто улар бирор муваффақиятли келишувга эришсалар ҳам, бу барибир бошқа бир муаммога сабаб бўлади. Йўлбошчилар хиндулар билан мусулмонларни бирлаштиришга интиладилар, лекин Европада христианлар бир бирини ўлдириб ётибдилар, Осиёда эса, аҳоли асосан буддистлардан таркиб топган, улар ҳам ўзаро жанжаллашиб ётибди. “Шундай қилиб, ўзаро жанжаллар давом этаверади: хиндулар мусулмонларга қарши, хиндулар – хиндуларга қарши, мусулмонлар мусулмонларга қарши, христианлар христианларга қарши, буддистлар буддистларга қарши – то охирзамонгача шундай давом этаверади”. Токи одамлар онгига фақат ўз манфаатини ўйлаб, иллатли ҳиссий лаззатларга интилиш туйғуси сақланиб қолар экан, aka укасига қарши, ўғил отасига қарши, миллат миллатга қарши жанг қиласеради. **Фақат ягона Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш поғонасидағина ҳақиқий бирдамликка эришиш мумкин.** “Махатма Ганди – деб ёзади Абхай, - оддий инсон эмас, биз ундан жуда миннатдормиз”. Лекин Абхай Гандига дунёвий фоалиятни тарк этишини ва руҳий поғонага кўтарилишни таклиф қилди, - фақат шундагина барча одамларни бирлаштириш ҳақида гапириш мумкин. Абхай “Бҳагавад-гита” асосида ҳақиқий махатма қандай бўлиши кераклигини тушунтириди: Ўзининг диққат-эътиборини Худонинг Олий Шахси Шри Кришнага хизмат қилишда жамлаган киши. У Махатма Гандидан “Бҳагавад-гита” таълимотига риоя қилишни ва ундаги Парвардигор Кришна ўзини топшириш хабарини оамлар орасида тарғибот қилишни илтимос қилди. Махатма Ганди ўзининг эришган юксак обрў-эътибори билан шунчаки “Бҳагавад-гита”ни тарғибот қилиш орқали бутун жаҳон ахлига ёрдам бериши мумкин.

“Жаноб Черчиллнинг маънавий олами”: “Хозирги кунда ҳам жаҳондаги сиёсий партияларнинг раҳбарлари, масалан, жаноб Черчилль, бутун инсоният ҳақида қайфура бошлаганидан, миллий нодонлик ва ўзаро нафрат сингари иллатлардан халос бўлишга интилаётганидан биз жуда хурсандмиз. Нафрат – муҳаббатнинг

қарама-қарши томони. Ватандошларининг Гитлерга бўлган нодонларча муҳаббати, шу муҳаббат билан ҳамиша бирга бўладиган нафратга олиб келди, бу нафрат бошқаларга қаратилган эди. Жаҳон уруши - ана шу муҳаббат ва нафрат деб аталадиган ана шу бемаъни қарама-қаршиликнинг мевасидир. Шундай қилиб, агар биз бемаъни нафрат туйгусидан халос бўлишни истасак, демак, бемаъни муҳаббатдан ҳам воз кечишга тайёр бўлишимиз керак. Фақат зарур бўлган илмга эга бўлгандагина одамлар бемаъни муҳаббат ва нафратдан пок бўлган озодликка эриша оладилар. Токи одамлар ўзининг танаси ичидаги рухни кўра билишни ўрганмас экан, бир бирига қарама-қарши бўлган ўзаро муҳаббат ва нафрат давом этаверади, бундай ҳолатда одамлар орасида тинчликни сақлаб қолишининг иложи йўқ”.

“Фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали инсон ўзининг ички ҳолатини ана шундай таҳлил қилиши мумкин. Шундай қилиб, жаноб Черчилльнинг маънавий олами шуни тақозо этадики, биз Худога қайтишимиз лозим”.

**“Бернард Шоунинг истаклари”:** “Жаноб Бернард Шоу Махатмани етмиш олти ёшга кириши муносабати билан шундай гаплар билан табриклаган: “Мен Ганднинг етмиш беш йиллик юбилейи ўрнига ўттиз беш йиллик юбилейини нишонлашини истардим”. Жаноб Бернард Шоунинг Махатма Гандининг умридан қирқ бир йилни кесиб ташлаш ниятини биз ҳам чин дилдан кўллаб қувватлаймиз. Лекин, афсуски, бизларнинг истаклар биз билан ҳисоблашмайди. На жаноб Шоу, на Махатма Ганди, на бошқа бирор инсон ҳеч қачон ўлим муаммосини ҳал қила олмайди.

Хукумат раҳбарлари кўплаб одамларни самарали ўлдиришга қодир бўлган қуролларни ишлаб чиқарадиган кўплаб заводлар курдилар, лекин улардан бирортаси инсонни ажал домидан сақлаб қоладиган қурол ишлаб чиқарадиган завод қуриш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмадилар, ваҳоланки, ҳеч ким ҳеч қачон ўлишни истамайди. Одамлар кўпроқ қорнини тўйғазиш учун қаердан нон топиш ҳақида ўйлайдилар, лекин аслида бу муаммони она табиатнинг ўзи ҳал қилиб қўйган. Ҳақиқий инсон ўлим муаммосини ҳал қилиш устида бош қотириши керак.

“Бҳагавад-гита” бизга хабар берадики, ўлим муаммосини ҳал қилиш мумкин. Гарчи бу моддий оламда ўлим ҳамма жойда бор бўлишига қарамасдан, “Менга эришган киши – дейди Парвардигор Кришна, - бу моддий оламда қайтиб туғилмайди”. Мангу руҳий олам мавжуд, шу жойга эришган киши бу ажал маконига қайтиб келмайди.

Нимага миллий йўлбошчиларнинг ҳаммаси ўлим муқаррар бўлган мана шу сайдага ёпишиб олганлар?”

“Биз, - дейди, мақолани якунлар экан, Абхай, - кексайиб қолган жаноб Шоу ва Махатма Гандининг биргалашиб, одамларга ўзларининг ҳақиқий уйига, Худонинг даргоҳига қандай килиб қайтиб боришни ўргатишига ҳаракат қилишларини истардик”.

Журналнинг икки сонини нашрдан чиқариб, Абхай тўхташи керак бўлди. Журнал жуда кўп маблағ талаб қиласди. Лекин у Гитопанишад, янги мақолалар, муқаддас китобларга фалсафий изоҳлар устида ишлаб, бунинг учун ҳатто ўзининг дори ишлаб чиқариш формулаларини ёзадиган китобларидан фойдаланиб, мунтазам равишда ёзишда давом этди.

\* \* \* \*

Бир куни Абхай ғалати туш кўрди. Унинг олдида Шрила Бхактисиддханта Сарасвати пайдо бўлиб имо билан уни олдига чақириди. У Абхайдан уйини тарқ этишни ва саннийаси қабул қилишни илтимос қилди. Абхай жуда кучли ички руҳий кечинма билан уйғонди. “Даҳшат!” – ўйлади у. У кўрган тушининг оддий туш эмаслигини биларди, лекин барибири, руҳий устозининг бу илтимоси унинг учун жуда оғир ва амалга ошириб бўлмайдигандай туюлди. Саннийаси қабул қилиш?! Ҳар ҳолда у айнан ҳозир бундай қилолмайди. Ҳозир у ўзининг бизнес ишларини тартибга солиши ва топган пулига китоб нашр қилиши керак. У ўз бурчини бажаришда давом этди, лекин бу туш хеч қачон унга тинчлик бермасди.

\* \* \*

1945 йил уруш тугади, лекин Ҳиндистон аввалгидай Британия ҳукми остида эди. Абхай бизнесини ривожлантириш имконига эга бўлди. Калькуттадан олти юз чақирим узоқда бўлган Ланау шаҳрида у бир бинони ижарага олиб, ўзининг “Абхай Чаран дэ ва ўғиллари” деган хусусий корхонасини ташкил этди. Бунинг учун қирқ минг рупий бошлангич маблағ керак эди, энди Абхай бизнес билан жиддий шуғулана бошлади. Бунинг устига у Ҳиндистон қонуни бўйича, химикатлардан тўғри фойдаланаётганини, қонунни бузмаётганини кўрсатиш учун хукумат инспекторларидан уч кишини ишга ёллаши лозим эди. Шунча харажатларга қарамай, барибири у мижозларни ўзига яхши жалб қилди, унинг харидорлари кўп эди. У Калькуттадаги магазинларини ёпиб, бутун кучини Лакнауга қаратди.

Маҳаллий аҳоли у ижарага олган бинони жин-арвоҳлар эгаллаб олган деб айтишиди, лекин уларни гаплари Абхайнин кўркита

олмади. Корхона ишлай бошлаганида баъзи бир ишчилар кўқиб, унинг олдига келдилар: “Бабу, Бабу, анави ерда арвоҳлар юрибди!” Абхай Ҳаре Кришна мантра зикр қилиб бинонинг ҳамма хоналарини айланиб чиқди, шундан кейин ҳеч кимни жин-ажиналар безовта қилмади.

Ўн учинчи ноябрда Абхай хизматкори Гаурангага Лакнаудаги баъзи бир муаммолар ҳақида ёзид, ундан келиб ёрдам беришни илтимос қилди. Бу хатида у хотини ва болаларидан шикоят қиласарди:

*“Гаурангга прабху, таъзимларимни қабул қил. Еттичинчи ноябрда ёзган хатингни олдим. Дарров жавоб ёзишига вақтим бўлмади. Мен бу ерда бир неча ишчиларим билан яшайман. Агар мен бу ердан кетсан, ишишимни бутунлай бекитишга тўғри келади. Бир марта кетиб, бизнесни ёпганим учун 10000 рупий йўқотгандим, одамларнинг менга бўлган муносабати ҳам ўзгарган, душманларим ҳам кўпайган эди. Шунинг учун мен ҳаётимни хавф остига қўйиб бўлса ҳам курашишига мажбурман. Мен бу ерда шунча муаммолар орасида бекорга юрганим йўқ. Шунинг учун мен бир неча марта сени бу ёқса чақирган эдим. Ушибу хатни олган заҳоти уни Дурбага кўрсат. Ундан камида ўн рупий ол ва бу ерга кел. Сен келгандан кейин мен сенинг қариндошингга тул юбораман. Сени у ёқда фақат уларга овқат пишириши ва уларнинг хизматини қилиши учун ушлаб туришининг нима кераги бор? Мен уларга етарлича хизмат қилдим, шунча вақт хизматкорлар, ошпазлар, чўрилар ёллаб юрдим, лекин улар ўзгаришини истамайдилар, Худога садоқат билан хизмат қилиши ҳақида умуман ўйламайдилар. Шунинг учун оиласий муносабатлар энди мени қизиқтирилмайди. Сен бу ерга келгандан кейин мен Калькуттага кетаман. Агар оиласидагилар Худога садоқат билан хизмат қилишига қизиқаётганини кўрсамгина уларга моддий ёрдам бериб турман. Акс ҳолда менинг улар билан ишим йўқ. Мен учун битта кўрпа олиб кел.*

Абхай.

Икки нарса – оила ва тарғибот – бир бири билан ўзаро курашар эди. “Худога қайтиш” журнали Радхаранини умуман қизиқтириласди. У Абхайнинг фаолиятини умуман кўллаб-куватламасди – на руҳий фаолият борасида, на бизнес борасида. Унинг корхонаси “Абхай Чаран Дэ ва ўғиллари” деб аталарди, шунга қарамасдан унинг ўғиллари ҳам унга ёрдам беришни истамасдилар. У ўзининг хизматкоридан Лакнауга келишни илтимос қилганида, “Гаурангга, отамдан кўра бизларга кўпроқ керак” деб оиласи бунга қарши чиқди. Бундан нима фойда? Оиласи унинг бизнесини кўллаб-куватламасди, Худога садоқат билан хизмат қилишни қабул қиласди. У асосан оиласини бокиш учун бизнес билан шугулланиб юргани учун, кераксиз оиласи бокиш учун ўзининг шунча вақтини ва кучини

сарфлаб юрганидан у қаттиқ қийналарди. Абхай колледжа ўрганган Маршал иқтисоди қонунида шундай дейилганди: “Оиласига боғланиш бўлмаса, эркак киши ишлаб пул топишга интилмайди”.

Албатта, оилавий ҳаёт ва Худога садоқат билан хизмат қилиш бир бири билан ҳамоҳанг бўла олади. Шрила Бхактивинода Тхакур инсоннинг икки бурчини кўрсатади: тана билан боғлиқ, рух билан боғлиқ бурчлари. Жамиятдаги ўрни, ақлини ривожлантириш, поклик, овқатланиш ва тирикчилик учун кураш – тана билан боғлиқ вазифалардир; инсоннинг рухий мажбурияти – Кришнага садоқат билан хизмат қилиш борасидаги фаолияти. Инсон ана шу икки мажбуриятни ҳам параллел олиб бориши лозим. Шрила Бхактивинода Тхакур учун оила – рухий илҳом манбаи эди, у ўзининг жамиятдаги обрўсидан Худога садоқат билан хизмат қилишни тарғибот қилиш учун фойдаланарди.

Лекин Абхайнинг ҳолати бошқачароқ эди. Унда ана шу икки йўл бир бири билан курашиб, бир бирини яксон қилиш пайида эди. У ўзини худди ўзи қаттиқ танқид қилиб юрган имонсиз дунёвий одамлардай яшаб юрганини ҳис қиласди: рухий ўзлигини англашга вақт ажратмасдан, фақат тирикчилик учун кечаю-кундуз елиб югуриш. Гарчи унинг оиласи ундан тобора кўпроқ пул ишлаб топишни талаб қилаётган бўлса ҳам, у улар учун ишлашни тобора камроқ истарди, у кўпроқ Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилишни истарди. У ҳозир ана шундай қийин ахволда қолган эди. У шунчаки бизнес билан шуғулланишда, оиласини боқишда давом этиши ва тарғибот ишларини давом эттириш учун кўпроқ пул ишлаб топишдан умидвор бўлиши мумкин эди.


Лекин Лакнаудаги корхонасини бир ўзи бошқара олмасди. У кўпроқ пул ишлаб топиш учун катта иш бошлаган эди. Лекин ҳар ой сайин унинг харажатлари ошиб борарди, у ижара ҳақини тўлолмай қарзга ботиб кетди, ижарачи билан судлашишга мажбур бўлди. Гарчи у Калькуттага мунтазам равишда бориб турган ва ҳар куни Лакнауга хом ашё келтириб турган бўлса ҳам, Калькуттадаги оила аъзолари унга бирор ёрдам бермасдилар. Унинг хизматкори Гаурангага ҳам унинг буйрукларини ёқтирмасдан бажарар, ўзининг оиласи олдига қайтишни ўйлаб юрарди. 23 ноябрда Абхай Гаурангага яна хат ёзди.

*“Ваишнавлар олдидаги камттарин ҳолда бош эгаман. Гаурангага прабху, мен 18\11\45да юборган открытияни олдим. Шунча пул сарфлаб бу ерга фақат бир ойга келишининг ҳожати йўқ. Дурбадан йигирма беш рупий ол ва уйингга кет. Уйингга боргандан кейин менга хат ёз, мен сенга қолган пулларингни почта орқали юбораман. Уйингга боргандан кейин бу ерга қачон кела олишингни билдирип. Мен бу ерда катта бизнес бошладим. Сен буни ўз кўзинг билан кўргансан.*

*Агар даромад ололмасам, ким суд харажатларини күтараради, ҳамма ишини ўзим қилишимга түгри келяпти. Укам ва ўғилларим, худди бекорчи аёлларга ўхшаб, менинг елкамга ўтириб олиб, фақат еб-ишиб ухлашдан бошқа бирор иши қылмаяптылар.*

*Пулларни олган заҳоти уйингга кет, иложи борича төзроқ бу ерга келишга ҳаракат қил.*

Шри Абхай Чаран Дэ”



## **Олтинчи боб Нотаниш дўст**

*Ахлоқ–одоб қоидаларига қатъий амал қилиб юрган кишилар мени адашиб юрибди деб айтаверсинглар; мен эътиroz билдиrmайман. Ведавий қонун-қоидаларнинг билимдонлари мени нотўғри йўл танлаган деб айтаверсинглар, қариндошлиарим ва дўстларим мени омадсиз деб, оғайниларим эса - ақлсиз нодон деб атайверсинглар, молдунёга ҳирс қўйган бадавлат одамлар мени жинни деяверсинглар, билимдон файласуфлар эса мени жуда мағрур, манман деб айтаверсинглар. Буларнинг ҳаммасига қарамасдан, гарчи бунга муносиб бўлмасам ҳам, Говинданинг нилуфар қадамлари пойтига хизмат қилишига бўлган қатъий интилишим озгина бўлса ҳам камаймайди.*

Мадхавендра Пури

Оиласи ва бизнеси билан боғлиқ қийинчиликлардан ташкари Абхай Ҳиндистон тақдиридаги бурилиш даври – мустақилликка эришиш ва давлатнинг бўлиниши билан боғлиқ қийинчиликларни ҳам бошидан кечирарди. У сиёsatда фаол иштирок этмасди, лекин барибир миллионлаб бошқа хиндулар сингари Ҳиндистон мустақиллигининг зўравонлик билан шиддатли ривожланиши унга ҳам таъсири киларди.

Ганди ва хиндулар таъсири остида бўлган Миллий Конгресс бирлашган Ҳиндистон давлатининг мустақил давлат бўлишига эришиш учун курашар экан, Жинна бошлиқ мусулмонлар Лигаси одамларни Ҳиндистондан ажralиб чиқиб, Покистонда алоҳида мусулмон давлати тузишга чакирарди. Ўзаро низо юзага келди. 1946 йил августида ўзининг таъсирини йўқота бошлаган Англия ҳукумати Ҳиндистон Миллий Кенгашининг президенти бўлган Жаваҳарлал Неруни чакириб, муваққат миллий ҳукумат ташкил этишни таклиф қилди; лекин мусулмонлар лигаси муваққат ҳукумат мусулмонларнинг талабларини қондирмайди деган баҳона билан бу таклифни инкор этди. Жинна 16 августни “очиқ ҳаракатлар куни” деб эълон қилди, бу кун Ҳиндистоннинг кўп жойларида тинч ўтди, лекин бу кун Калькуттада хиндолар билан мусулмонлар орасида катта тўқнашувга олиб келди. Беш кун давом этган тўқнашув пайтида беш

минг киши курбон бўлди. Минглаб одамлар жароҳат олгандилар. Кейинги ойларда бутун Ҳиндистон бўйлаб ҳиндлар билан мусулмонлар орасида тез тўқнашувлар бўлиб турди.

1947 йил бошида янги вице-қирол, лорд Моунтбаттен Ҳиндистон сиёсий раҳбарлари билан ҳукуматни топшириш масаларини ҳал қилиш учун учрашганида, ҳиндлар билан мусулмонлар тўқнашуви яна авж олиб кетди, чунки мусулмонлар Покистон давлатини тузишни талаб қилардилар. Фуқаролар уруши бошланиб кетишидан қўрқсан Конгресс охир-оқибатда Ҳиндистон давлатининг бўлинишига рози бўлди, шундан кейин 18 июлда Ҳиндистоннинг мустақиллик қонуни бир овоздан қабул қилинди. Орадан бир ой ўтгандан кейин Ҳиндистон ва Покистон расмий равишда мустақил давлатлар сифатида ташкил этилди. Жаваҳарлал Неру Ҳиндистоннинг биринчи премьер министри бўлди.

Ҳиндистон учун давлатнинг бўлиниши жуда мashaқатли бўлди. Покистонда беш миллион сикх ва хиндулар яшардилар, Ҳиндистонда ҳам шунча мусулмон яшарди. Буюк кўчиб ўтиш даври бошланди. Покистон қочоқлари билан Ҳиндистон қочоқлари бир бири билан, ҳатто бошқа дингаги ўз ватандошлари билан тўқнашардилар, ана шу тўқнашув сабабли юз минглаб одамлар курбон бўлдилар.

*Шрила Прабхупада: Махатма Ганди Ҳиндистон Мустақиллик Ҳаракатини ҳар хил табақага мансуб одамларни бирлаштириши ниятида бошлаган эди. Лекин бунинг натижаси аксинча бўлди, бирлашиши Ҳиндистоннинг иккига бўлиниб кетишига олиб келди. Бўлинни жараёни ҳамма нарсани шунчалик заҳарладики, агар авваллари ҳиндулар билан мусулмонлар орасидаги тўқнашувлар аҳён-аҳёнда, баъзи бир штатларда юзага келиб турган бўлса, эндиликда бу тўқнашувлар Ҳиндистон билан Покистон орасидаги урушига айланиб кетди. Шунинг учун аслида Ҳиндистонда одамларнинг бирлашуви эмас, бўлиниб кетиши содир бўлди.*

Ҳиндулар мусулмонларнинг масжидларига бориб, уни бузиб ташлардилар, мусулмонлар ҳиндарнинг эҳромларига бориб, у ердаги Илоҳларни синдирадилар. Улар: “Ҳиндарнинг Худосини яксон қилдик” деб ўйлардилар. Ҳиндлар ҳам шундай ўйлардилар: “Бизлар мусулмонларнинг Худосини йўқ қилдик!” Улар ҳам булар ҳам гоғиллик ботқогига ботган эдилар. Худо фақат ҳиндуларники бўлолмайди. Худо фақат мусулмонларники ҳам эмас. Худо – ҳамма учун бир Худо, ягона Парвардигор.

Биз 1947 йилдаги ҳиндулар билан мусулмонлар орасидаги тўқнашувини кузатдик. Бир томонда мусулмонлар, бир томонда

ҳиндулар турарди. Улар бир бирларини дўппосларди; ҳар икки томондан ҳам ҳалок бўлганлар кўп эди, лекин тўполон тамом бўлгандан кейин полициячилар мурдаларнинг ҳаммасини бир жойга тўплаб олиб кетишарди – улардан ким мусулмон, ким ҳинду эканини билиб бўлмасди. Улар бир бирлари билан дўппослашарди, кейин эса, уларнинг мурдалари Багхбазарда бир чуқурда бирга ётарди. Одам ўлганидан кейин ҳеч ким унинг мусулмон ёки ҳинду эканига эътибор бермасди. Шунчаки уни йўлдан четга олиб қўйиб ўтиб кетишарди.

Абхай Ҳиндистон эришган мустақиллик одамларга бирор яхшилик олиб келишини кутиб ўтирмади. Токи йўлбошчилар Худони англаб етмас экан, қандай ўзгариш бўлиши мумкин? Энди у чет элликларнинг ҳокимлиги сабабли келаётган мусибатлар ўрнига ўз ватандошларининг ҳукмронлиги сабабли келаётган мусибатларга айланганини кўриб турарди. Аслида муаммолар яна ҳам кўпайиб кетган эди.

Ҳиндистонда сиёсий кураш давом этган барча йиллар давомида Абхайни Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиш истаги бирон марта тарқ этмади. У ваъда қилинган бирлашиш ва мустақиллик асосан нархларнинг ошиб кетишига, халқни бошқаришнинг ёмонлашишига олиб келганини кўриб турарди. У Ҳиндистон ва Англия дипломатларининг ўзаро келишуви оқибатида ҳиндар билан мусулмонлар узоқ вақтлардан бери тинч-тотув яшаб келаётган жойларда ҳам ўзаро нафрат ва тўқнашувлар юзага келаётганини кўрди.

“Дунёвий ҳаётдан лаззатланиш истаги билан қўл-оёги чамбарчас боғланган кишилар, шу боис ўзига ўхшаган сезгиларга лаззат берадиган ташки нарсаларга боғланиб қолган кўзи кўр кишини руҳий устози ёки йўлбошчиси қилиб танлаган киши **инсон бўлиб яшашдан мақсад – ўзининг мангубийига, "Худога қайтиши"** ва **Парвардигор Вишнуга хизмат қилиш** эканини тушуна олмайди. Худди бошқа бир кўр кишига эргашиб бораётган кўр киши йўлдан адашиб, чукурга қулагани сингари, имонсиз дунёвий одамга эргашиб бораётган имонсиз одам ҳам оёқ-қўллари кармали фаолиятнинг жуда мустаҳкам арқонлари билан қаттиқ боғланган бўлади. Ана шундай баҳтиқаро одамлар умрлар оша уч турли мусибатларга дучор бўлиб бу дунёда яшашда давом этаверадилар.

Ваишнав руҳий устозига: “Илохий илм машъали билан кўзларимни очган зот” деб илтижо қиласи ва руҳий устозига миннатдорчилик сифатида ўзи ҳам ана шу маъшала билан инсониятга ёрдам бериши кераклигини юракдан чукур ҳис қиласи”

Ваишнавларнинг мангу парампараси вакили сифатида Абхай ҳам инкиrozга юз тутган ҳозирги инсоният йўлини илохий илм машъали билан ёритишни истарди. Гарчи 1944 йилдан бери нашр қилишни давом эттира олмаётган бўлса ҳам, унинг "Худога қайтиши" журналининг мақсади шундан иборат эди.

Лекин, нашр қилишга маблағ бўлмаса ҳам, Абхай мақолалар ёзишда давом этарди. Абхайнинг энг дадил режаси Гитопанишад, унинг "Бҳагавад-гита"ни инглиз тилига таржима қилиш ва изоҳлашга киришиши эди. Ганди ва бошқалар ҳамиша "Бҳагавад-гита" донишмандлигига мурожаат қиласидилар, Ҳиндулар хеч қачон ўзларининг "Бҳагавад-гита"сини эсдан чиқармасдилар, - лекин, унга изоҳ ёзган кишиларнинг кўпчилиги уни одамларга Кришна истаганидай таништирмасдилар. Улар "Бҳагавад-гита"ни баён этган Парвардигор Кришнани Худонинг Олий Шахси сифатида тан олмасдилар, лекин, ўзларининг шахсий гояларини тасдиқлайдиган шиор сифатида Кришнанинг гапларидан фойдаланар эдилар. Сиёsatчилар, дин арбоблари ёки олимлар – деярли уларнинг ҳаммаси Гитани ўз билгандарича рамзий маънода талқин қиласидилар. Абхай эса, одамларга "Бҳагавад-гита" аслида қандай бўлса, шундайлигича, асл ҳолида тақдим этишини истарди. Ҳажми бўйича у 1200 бет, чиройли расмлар билан безатилган уч жилдли китоб бўлиши керак. Абхай учун бу китоблар ҳақиқатан ҳам деярли бор эди, бунинг учун озгина вақт бўлса бас. Охирги икки йил давомида унда асл ҳолидаги "Бҳагавад-гита"нинг юзлаб қўлёзма сахифалари пайдо бўлганди. У ўзининг блокнотида, кераксиз қоғозларда ёзар, кейин эса, уларни номерлари қўйилган варакларга машинкада кўчирап эди. Ҳали унда ўз вақтининг ҳаммасини фақат китоб устида ишлашга сарфлаш имконияти йўқ эди, лекин барибири унинг хаёлида китобнинг аниқ мавжуд ҳолати аста-секин аниқ юзага кела бошлади.

Шунингдек, у Парвардигор Чайтанья таълимотини хат орқали хукумат раҳбарларига, ўзининг обрўли танишларига ва газеталарни кўздан кечирган пайтда мақоласи ёки гаплари унинг эътиборини тортган кишиларга тарғибот қила бошлади. Ўзини уларнинг камтарин қули деб танишириб, уларга Ҳиндистоннинг Кришна онгидаги бошланғич маданияти ҳар қандай муаммоларни муваффакият билан ҳал қила олиши ҳақидаги ўзининг гояларини тушунтирап эди. Баъзан Абхай хатларига жавоб оларди, агар Абхай уларнинг бирортасида салгина бўлса ҳам қизиқиш сезса, бу қизиқишни хат орқали кўлдан келганида кучайтиришга интиларди.

Машхур реформачи Махендра Пратап Раджа "Умумжаҳон Федерацияси"ни ташкил қилди. Абхай Вриндаванда чоп этилган

варакани ўқиб чиқди, унда жаноб Пратап барча миллатларни, барча одамларни бирлашишга чақиради.

Абхай унга хат ёзиб айтдики, "Бҳагавад-гита"да баён этилган Парвардигор Кришнанинг таълимоти барча динларни бирлаштиришга қодир бўлган Худо ҳақидаги илмдир. 1947 йилда Пратап унга шундай деб жавоб ёзди: "Мен сизнинг "Бҳагавад-гита"ни чуқур ўрганиб юрганингизга ҳавасим келади. Мен ҳам мумтоз адабиётларга жуда қизиқаман. Сизни ишонтириб айтишим мумкинки, мен қатъий равишда ана шу китобнинг кўрсатмаларига риоя қиласман". Жаноб Пратап ўзининг китобини "Мухабbat дини" деб атади ва "Умумжаҳон федерацияси"нинг диний масалалар борасидаги фикрини билиш учун Абхайга уни ўқиб кўришни тавсия қилди. "Лекин мен – деб ёзганди жаноб Пратап, - сизнинг "Парвардигорнинг Кришна ва Говинда номлари асосида ҳар хил динларни бирлаштириш таклифингизга қўшиласман. Мен сизнинг "Худога қайтиш" журналини нашр қилиш устида олиб бораётган ишларингизни жуда юксак баҳолайман".

Абхай унинг ёзган китобини излаб топди, ўқиб чиқди, 1947 йил июлда Канпурга борган пайтида унга жавоб ёзди. Абхай Канпурга руҳий устоз сифатида эмас, шунчаки дори сотиш учун келган эди. Лекин у ёзув машинкасини ҳамиша ўзи билан олиб юрар, тарғибот қилишни ҳеч қачон тўхтатмас эди.

"Аввалги хатимни давом эттирган ҳолда, сизга хабар бераманки, сизнинг "Мухабbat дини" деган китобингизни ўқиб чиқдим. Менинг фикримга кўра китобнинг мавзуси пантеизм фалсафасига асосланган, сиз муаммоларни ҳал қилиш йўли – инсониятга хизмат қилишда деб биласиз. Мухабbat дини – ҳақиқий диний ғоя, лекин муаммоларни ҳал қилиш йўли фақат инсониятга хизмат қилишга асосланган бўлса, сиз таклиф этаётган йўл илмий ҳам эмас, тўлиқ ва мукаммал ҳам эмас.

Ҳақиқий муҳабbat дини "Бҳагавад-гита"да мукаммал ҳолда баён этилган. Бундан ташқари сиз ўз фикрларингизни баён этишда бирор ишончли манбадан далил келтирмайсиз. Шу боис, сизнинг гапларингизнинг ҳаммаси ўзингизнинг мавхум фикрларингиздир. Агар дин ва унинг аҳамияти ҳақида ҳар хил одамлар ҳар хил мавхум фикрларни ўртага ташлайверсалар, кимнинг гапларини қабул қилишимиз керак бўлади? Шу боис бу муаммони ҳал қилиш учун унга ишончли, илмий ва ҳаммабоп йўл билан ёндошиш керак".

Кейин Абхай ўн пунктда "Бҳагавад-гита"нинг мазмунини баён этди ва хатини шундай яқунлади: "шунинг учун инсониятга хизмат қилишининг энг яхши йўли – "Бҳагавад-гита" фалсафаси ва динини ҳамма вақт, ҳамма жойда, ҳамма одамларга тарғибот қилишдан иборат".

Лекин, одатдагидай, унинг хати узоқ вақт давом этадиган фалсафий диалогга олиб келмади. 1947 йилда Абхай янги ташкил этилган хукуматнинг олий мартабали амалдорларига хат ёзиб, оммавий тартибсизликларга қарши курашишнинг қулай воситасини таклиф этди, лекин улар Абхайнинг таклифини қабул қилмадилар. У гарбий Бенгалия Губернатори билан учрашиб сұхбатлашишга имкон беришларини илтимос қилди, губернаторнинг котиби унга: “Губернатор жаноблари иши хаддан ташқари күплиги сабабли сиз билан учраша олмаслигидан жуда афсусда эканини билдирадилар”. Халқ таълими вазирига ёзган хатига Абхай унинг котибидан жавоб олди: “Хинди斯顿 Хукумати афсус билан сизга шуни маълум қиласиди, у сизнинг таклифингизни қабул қила олмайди”.

Баъзан амалдорларнинг унга бўлган муносабати худди ёш болани алдаб бошини силашга ўхшаб кетарди: “Ишончим комилки, сизнинг мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича таклифларингизни премьер-министр албатта қўллаб-қувватлади”. Ёки: “У(Халқ таълими вазири) жамиятнинг ривожланиш йўналишини кўрсатиб беришга интилаётганингиздан жуда миннатдор, У сизга жаноб... билан учрашишни маслаҳат беради”.

Маҳаллий амалдор мулойимлик билан у билан учраша олмаслигини айтди: “Мен сизнинг ёзган хатларингиз ва билдирган фикрларингиз учун сиздан жуда миннатдорман. Сиз ташкил этмоқчи бўлган ташкилотга қўшилиб, мен бирор фойдали мақсад учун хизмат қила олишимга кўзим етмайди. Шу боис бу мавзуда сиз билан баҳслашиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, сиз ҳам мен билан учрашишга вақт кетказиб юрманг. Лекин барибир мен сизга омад тилайман”.

1947 йил октябр ойида, Калькуттадаги тўқнашувдан кейин Абхай реабилитация комитети раисига хат ёзди ва ундан шундай жавоб олди: “Хари-киртана ва прasadам масаласига келсак, Сиз ўзингиз истаган дастурни амалга оширишнинг мумкин, лекин, мени бу масала қизиқтирмайди деб ўйлайман, шу боис сиз билан учрашишга зарурат йўқ”.

Абхай вайшнав тарғиботчи вазифасини бажаарди, ҳар хил хукумат идораларининг котиблари уни тан олиб, муносиб кутиб олардилар. Лекин улар у таклиф килаётган “Бҳагавад-гита” фалсафасини амалда қўллаш усулини ҳамда унинг хари киртана ўтказиш борасидаги таклифини қабул қила олмасдилар. Лекин барибир вақти вақти билан кимdir унинг таклифлари билан қизиқиб қоларди. Жаноб Астхана, Олий Суд адвокати шундай жавоб берди: “Ёзган хатингиз, жамиятни ривожлантириш бўйича сизнинг аниқ ва кенг кўламли режаларингиз учун жуда миннатдорман. Сизни хат ёзишга ун DAGАН ЭЗГУ ҳис-туйғуларни жуда кадрлайман ва менинг

саволим борасидаги муносабатингизни ҳурмат қиласан. Мен "Бҳагавад-гита"ни ўргандим

ва унинг баъзи насиҳатларини тан олдим, лекин ҳали мен баркамолликдан жуда олисадаман. Агар сизга ўшаган киши менга руҳий юксалиш йўлида раҳбарлик қилса, жуда хурсанд бўлардим. Шу боис илтимос, менга ўз режаларингизни юборсангиз, кейин ўз фикримни айтишим мумкин бўларди".

\*\*\*

Табиийки, Абхай Махатма Гандини Худога садоқат билан хизмат қилишга жалб қилиш ҳақида ўйламай туролмасди. Махатма Гандининг дадиллиги, риёзатга берилганлиги ва ўз ватандошларининг баҳти учун қилган эзгу ишлари шарофати билан у ҳинд ҳалқига жуда катта таъсир кўрсата оларди. Умумжаҳон Клифедерациясидаги Махендра Пратапа сингари Махатма Ганди учун ҳам Худога хизмат қилиш - сиёsat ва ўзининг шахсий ғоялари ёрдамида одамларни баҳтиёр қилишдан иборат эди. Бир инглиз сиёsatчиси Махатма Ганди ҳақида шундай деган эди: "Махатма Ганди ё сиёsatчилар ичиди авлиё, ё авлиёлар ичиди сиёsatчи". Лекин ким бўлса ҳам, у том маънода Худога соғ садоқат билан хизмат қилиш билан банд эмасди, "Бҳагавад-гита"таълимотига асосан унинг қилиб юрган ишлари махатмаларнинг ишлари эмасди. "Бҳагавад-гита" таълимотига кўра махатма – Кришнани Худонинг Олий Шахси деб билган ҳолда, Унинг шон-шуҳратини тарғибот қилиб, Унга садоқат билан хизмат қилишга ўзини бутунлай топширган инсондир. Махатма бошқаларни Кришнага ўзини топширишга илҳомлантиради.

Лекин Абхай ёшлигига Махатма Гандининг издоши эди, шунинг учун калбида унга нисбатан алоҳида жуда илиқ муносабат ҳис қиласди. Албатта, Шрила Бхактисиддханта Сарасвати кейинчалик Абхайни ўзини Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай баҳшида қилишга ишонтирган эди. Лекин, Махатма Ганди бутун жаҳон бўйлаб катта обрўга эга инсон бўлишига, Абхайни эса, бутун жаҳон нари турсин, ҳатто Гандининг ўзи ҳам танимаслигига қарамасдан, ҳозир Абхай қалбида Махатма Гандига нисбатан эски қадрдонлик туйғусини ҳис қиласди.

1947 йил еттинчи декабрда Абхай Канпурдан Махатма Гандига ҳат жўнатди. Махатма Ганди Дехлининг Бирли деган жойида яшарди. Бу ерда қудратли қуролли кучлар бутун шаҳарга тарқалиб, хиндалар билан мусулмонлар орасидаги тўқнашувнинг олдини олишга ҳаракат қиласдилар. Махатма Гандининг котиби Пъярелал Найар Махатма Гандининг ўша пайтдаги ҳолатини "инсон тасаввур қилиши мумкин бўлган энг маюс киши" деб таърифлаган эди.

У Ҳиндистон мустақиллиги учун курашга олиб борган кишилар – Жавахарлал Неру, Валлабхай Патель ва бошқалар миллатта йўлбошчилик қилардилар. Махатма Ганди эса, ўзининг халқни беозорлик, бирдамлик ва дехқончиликка чакирувчи шиорлари билан энди улар билан жуда кўп масалалар бўйича келиша олмасди. У ўзини энди эскилик сарқити бўлиб қолаётганини ҳис қиласди. Унинг собиқ ҳамкорлари у билан фахрланардилар, лекин унинг раҳбарлик қилишини истамасдилар. Унинг барча дастурлари – ҳиндулар билан мусулмонларни бирлаштириш, беозорлик, қашшоқ аҳолига ёрдам бериш – бутун жаҳонда олқишиланар эди, лекин Ҳиндистонда 1947 йил барбод бўлган эди. Яқинда мусулмон қочоқларининг лагерига борганида, мусулмонлар унинг машинасини ўраб олиб, уни ҳақоратлар эдилар, у Қуръондан бир оятни мисол келтирмоқчи бўлганида эса, бир гуруҳ ҳиндулар ҳайқириқлар билан унинг овозини ўчириб ташлаган эдилар. Етмиш саккиз ёшга тўлган Махатма Ганди жисмонан заифлашиб, каттиқ тушкунликка тушиб қолган эди.

Абхайнинг хати ҳеч қаҷон унинг кўлига бориб тушмаслиги эҳтимолга яқинроқ эди. Абхай буни яхши биларди. Махатма Гандига хат жўнатиш худди хатни шишага солиб, денгизга кўйиб юбориш билан баробар эди. У ўзининг хати Махатма Гандига келаётган минглаб хатлар оқимиға қўшилиб кетишини, Ганди уни ўқишига вақти бўлмаслигини биларди. Лекин барибир Абхай унга хат жўнатди.

“Хурматли дўстим Махатма Ганди,

Илтимос, камтарин намаскаримни қабул қилинг. Мен сизнинг нотаниш дўстингизман. Гарчи ҳали бирон марта сизнинг жавобингизни олмаган бўлсан ҳам, вақти вақти билан мен сизга хат ёзиб тураман. Мен сизга ўзим нашр қилаётган "Худога қайтиш" журналларини ҳам юборган эдим, лекин котибингиз хат ёки журнал ўқиши учун сизнинг вақтингиз йўқлигини айтди. Мен сиз билан сухбатлашиш имконини беришларини сўрадим, лекин котибингиз менинг илтимосимни қондиришгча ҳам вақтингиз йўқлигини айтди. Нима бўлганда ҳам, сиз ҳатто мени танимасангиз ҳам, мен сизнинг эски дўстингизман, шу боис мен сизга ўзингиз муносиб бўлган жойни эгаллашингизга ёрдам бериш ниятида хат ёзяпман. Факат сизнинг баҳтингизни ўйлаб иш қилаётганим учун мен сиздай дўстим олдидағи бурчимни эсдан чиқара олмайман.

Дўстингиз сифатида, агар шармандаларча ўлиб кетишини истамасангиз, сиёsat ишларида фаол иштирок этишни ҳозирнинг ўзида тарқ этишни сиздан чин қалбимдан ўтиниб сўрайман. Сиз ўзингиз истагандай, 125 ёшгача умр кўришингиз мумкин, лекин шармандаларча ўлим сизга муносиб эмас.

Ҳозирги ҳаётингиз давомида сиз эришган обрў-эътиборга бутун инсоният тарихида ҳеч ким эриша олган эмас. Лекин сиз билишингиз лозимки, бу обрў-эътибор сохта, чунки уларни Парвардигорнинг алдамчи қуввати – Майя яратган. Мен “сохта” деганда, сизнинг сонсаноқсиз дўстларингиз сизга нисбатан иккюзламачилик қилганини ёки сиз уларга нисбатан носамимий бўлганингизни назарда тутаётганим йўқ. Мен шунчаки буларнинг ҳаммаси ўткинчи, бошқача қилиб айтганда, алдамчи эканини, алдовга асосланиб эришган обрў-эътиборингиз эса, Маянинг яратиб кўйган тузоғидан бошқа нарса эмаслигини айтмоқчиман, айнан шунинг учун улар сохта ва ўткинчи, буни сиз нима деб атасангиз атайверинг. Лекин сизлардан ҳеч ким – на сиз, на сизнинг дўстларингиз буни билмайсизлар”.

**Садху олқишлиши керак эмас, садху чўрт кесиши керак.** Унинг дўстлиги айнан шунга асосланган – у дунёвий кишининг алданишини чўрт кесиб ташлайди. Дўстлари ташлаб кетган Махатма Ганди Ҳиндистон мутакиллиги учун олиб борган узоқ ва оғир кураши натижаларидан ҳафсалари қаттиқ пир бўлганди. Келажакни ўйлаб қаттиқ саросимага тушиб, у ҳозир шундай ҳолатда эдик, у барча дўстлари ҳам, кўрсатган фаолияти ҳам алдовга, иллюзияга асосланган эканини англаб ета оларди. Унинг ҳозирги ҳолати, Абхайнинг хати устида чуқур мулоҳаза юритиш учун унинг ҳаётидаги энг қулай вақт эди.

“Ҳозир, Худонинг марҳамати билан ана шу алданишдан ҳолос бўляпсиз, энди сизнинг Ачарья Крипалини сингари содик дўстларингиз сизни уларга аввалгидай, - беозорлик ҳаракати авжида бўлган пайтдагидай, бирор ижобий ҳаракат дастурини бера олмаслиқда айбламоқдалар. Шунингдек, сиз, сизнинг рақибларингиз юзага келтирган ҳозирги сиёсий парокандаликни тезроқ ҳал қилиш йўлини топиш мажбурияти билан банд бўлиб қолгансиз. Шу боис бу хатимни сиз ўзингизнинг арзимас дўстингиздан огоҳлантириш сифатида қабул қилинг: агар сиз фаол сиёсий ишлардан ўз вақтида четланмасангиз ва қолган умрингизни ҳақиқий махатмалар сингари бутунлай “Бҳагавад-гита” таълимотни тарғибот қилишга бағищламасангиз, сиз ҳам худди Муссолини, Гитлер ёки Ллойд Жорж сингари шармандаларча ҳалок бўласиз”.

Абхай кўп йиллардан бери Махатма Гандига шундай хат юборишини орзу қилиб юради. Аслида у аввал ҳам хат ёзган эди, лекин бирор натижа бўлмаганди. Лекин, энди унинг ишончи комил эдик, агар Махатма Ганди фаол сиёсий фаолиятдан четлашмаса, тез орада шармандаларча ўлиб кетишига ишончи комил эди. Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини тарғибот қилиш ўрнига Махатма Ганди сиёсат ишларида фаол иштирок этарди, шунинг учун уни

оогохлантириш лозим эди. Абхай бу хатни дўстини қутқариб қолиш учун ёзанди.

“Сиз, дўстлик ниқобини кийиб олган сиёсий рақибларингиз нимага ва қандай қилиб сизни алдаб, қалбингизни тилка-пора қилиб, сизга ўзингиз шунча йиллар давомида оғир кураш олиб борган зулм наштарини сизга қаратиб юрганини осон тушуниб оласиз. Сиз истаган асосий нарса – Ҳиндистонда хиндулар билан муслмонларни бирлаштириш эди, лекин улар, аста-секинлик билан, билдирамасдан сизнинг барча уринишларингизни йўққа чиқариб, Ҳиндистондан мустақил бўлган Покистон давлатини туздилар. Сиз Ҳиндистоннинг озодликка чиқишини истаган эдингиз, улар эса Ҳиндистонни ҳамма вақтга қарам қилиб қўйдилар. Сиз бхангларнинг аҳволини яхшилашни истаган эдингиз, лекин, гарчи сиз уларнинг колониясида яшаётган бўлсангиз ҳам, уларнинг баҳтикаро аҳволи ёмонлигича қолиб кетяпти. Шунинг учун буларнинг ҳаммаси – алданиш, иллюзия, сиз буни ҳақиқат кўзи билан кўрсангиз, бу Парвардигорнинг иродаси эканини тушуниб оласиз. Сиз шунча вақтдан бери Ҳақиқат деб курашиб келган ғояларингиз шунчаки алданиш, иллюзия эканини кўрсатиши билан Парвардигор сизга Ўз марҳаматини кўрсатяпти”.

Абхай бу ўткинчи дунёда мутлақ Ҳақиқат бўлган нарсанинг ўзи ўйклигини Махатма Гандига айтишни ўзининг бурчи деб биларди. Худди нур ҳамиша соя билан бирга бўлгани сингари, ахимса, беозорлик албатта химса, зулм билан бирга бўлади. Қарама-қаршиликлар оламида бирор нарсани Мутлақ Ҳақиқат деб бўлмайди. “Сиз шуни тушунмадингиз, - деб ёзади Абхай, - ҳатто буни ишончли манбалардан билиб олишга ҳам интилмадингиз, шунинг учун сизнинг бирдамликка эришиш учун қилган ҳаракатларингиз бўлинниб кетишига, ахимса(беозорлик) учун курашингиз эса – химса(зулм)га олиб келди”.

Абхай Махатма Ганди ҳеч қачон ўзига ҳақиқий руҳий устоз танламаганини алоҳида таъкидлаб айтди, ваҳоланки, руҳий устоз танлаш – руҳий фаолиятнинг зарурий ва замонлар синовидан ўтган ишончли шартидир. “Бҳагавад-гита” шогирдлар силсиласида турган гуру қабул қилиш зарурлигини кўрсатса ҳам, Махатма Ганди ҳамиша факат ўзининг қалбига қулоқ солар, бошқа кўплаб кишиларнинг масалан, Раскин ва Торонинг, ғояларини қабул қиласар ва уларни Инжил ва “Бҳагавад-гита” таълимотлари билан аралаштириб юборар эди. “Гуруга мурожаат қилиб, - деб ёзади Абхай, - Махатма Ганди Мутлақ Ҳақиқат борасида ҳеч қачон адашмаган бўларди”.

“Катха Упанишад”да аниқ айтилганки, шунчаки муқаддас китобларни яхши биладиган эмас, балки, Браҳманни, Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган ҳақиқий гуруни қабул қилиш лозим, факат шу

йўл билан Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш мумкин. "Бҳагавад-гита"да ҳам шунга ўхшаш кўрсатма берилган:

*Тад виддхи пранипатена парипрашинена севайа*

*Упадекийанти ту джсанам джсанана таттвадаршина*

Лекин мен биламанки, ўз мақсадингизга эришиш йўлида ўзингиз ўйлаб топган риёзатларга берилган ёки ўткинчи ҳақиқатлар устида ўтказаётган тажрибаларингиз давомида турли хил усувлар ўйлаб топган пайтларингиздан бошқа ҳолларда, сиз ҳеч қачон ўзингизда бу илоҳий таълимотнинг таъсирини хис қилмагансиз. Агар сиз, юқорида тавсия қилинганидек, Гуру қабул қилган бўлсангиз, осонлик билан бундай хатоларни четлаб ўтган бўлардингиз”.

Махатма Гандининг олийжаноб ва риёзатчилик фазилатларига тан берган ҳолда Абхай ундан Мутлақ Ҳақиқатга ўзини топшириш учун ўзининг руҳий юксалиши билан шуғулланишни илтимос қилди. Абхай у сиёsatни тезда тарқ этиши кераклигини қатъий талаб қиласади.

*"Риёзат чекии ёрдамда ўзингизда илоҳий сифатларни ривожлантиришига самимий интилишларингиз, албатта, сизнинг руҳий юксалишида анча юқори погонага кўтарилишингизга ёрдам берди, лекин сиз ўзингизнинг ана шу ҳолатингиздан Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиши ўйлида фойдаланганингиз маъқул. Агар сиз ана шу ўткинчи ҳолатингиздан мамнуният ҳосил қиласангиз, Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишига интилмасангиз, ҳеч шубҳа йўқки, моддий табиат қонунлари сизни эришиган ана шу, бир қараида улугвордай кўринган погонангиздан улоқтириб ташлайди. Лекин, агар сиз ҳақиқатдан ҳам Мутлақ Ҳақиқатга мурожсаат қилишини истасангиз, агар сиз бутун, жаҳонга, бутун инсониятга ўз ичига бирдамлик, тинчлик ва беозорлик гояларини ҳам оладиган ҳақиқий фойда келтиришини истасангиз, сиз бу гуноҳкор сиёsatчилар даврасини ҳозироқ тарқ этишингиз ва ўзингизча фойдасиз талқин қиласдан, "Бҳагавад-гита"нинг соф фалсафасини ва соф динини тарғибот қилиши погонасига кўтарилишингиз лозим. Мен баъзан бу мавзуни "Худога қайтиши" журналида ёритганман, шу журналнинг бир саҳифасини сизга ҳам юборяпман.*

Мен Сиздан бир нарсани ўтиниб илтимос қиласман – сиёsat ишларидан ҳеч бўлмаса атиги бир ойга четлашинг, шунда биз сиз билан "Бҳагавад-гита"ни муҳокама қилишимиз мумкин. Ишончим комилки, бу суҳбатимиз фақат сизнинг эмас, балки бутун дунё

*халқининг манфаати учун сизнинг ҳаётингизга янги нур олиб киради, чунки биламанки, сиз ҳалол, самимий ва олижсаноб инсонсиз”.*

Сизнинг жавобингизни кутиб қолувчи самимий дўстингиз Абхай Чаран Дэ.

Жавоб келмади. Орадан бир ой ўтгандан кейин Махатма Ганди Ҳиндистон бўлиниш шартномасида кўрсатилганига биноан Покистонга 550 млн рупий пул тўлашини талаб қилиб, очлик эълон қилди. Аввалига Покистондан қочиб келган хиндулар Махатма Гандининг деразаси олдига келиб: “Гандига ўлим!” дея бақиришиб, намойиш қилдилар. Махатма Ганди ўзининг ажалини тобора яқинлаштираётган мана шу очлик шарофати билан миллат қалбидаги ўзига нисбатан ташвишли ҳамдардлик туйғусини уйғотди, ҳукумат раҳбарлари Покистонга пул тўладилар. Энди Махатма Гандининг деразаси олдидаги одамлар гавжум бўлиб, “Яшасин Ганди!” деб бақирадилар. Айни пайтда ҳиндулар билан мусулмонлар орасида тўқнашувлар давом этарди.

30 январ куни Конгресс партиясининг янги уставини ёзиб бўлиб, Ганди овқатланди, ўзининг ип йигириув становигида ишлади, кейин кечкурунги ибодатга йўл олди. Йўлда унинг кўксига уч марта ўқ узига ўлдирдилар. У Худонинг муқаддас номини айтиб жон берди: “Хе Рама!” Абхайнинг бир ой олдин ёзган хати худди аниқ башоратдай бўлиб янгради. Лекин, афсуски Ганди ўзига ёзилган бу хатни ўқимаганди.

\* \* \* \*

“Махатма Ганди фонди” раҳбарлари Махатма Гандининг хаёти ва фаолиятини қандай қилиб абадийлаштириш бўйича тавсиялар тўплай бошлаганида, Абхай уларга ва Ҳиндистон бош вазири Валлабхбхай Пательга хат ёзиб, бойликларни тақсимлашда “Гандининг тутган йўли”ни таклиф қилди.

“Махатма Гандининг бутун умри инсониятга, айникса, одамларнинг маънавий ҳолатини юксалтириш йўлида хизмат қилишга бағишланган эди. Унинг умрининг охирги кунларидаги фаолияти шуни кўрсатадики, у ҳамма одамларга нисбатан бир хил муносабатда бўларди, бутун жаҳон ҳалқи уни сиёсий арбоб эмас, балки кўпроқ руҳий йўлбошчи деб тан олган. Худога садоқат унинг олий мақсади эди, мен унинг табаррук хотирасини оддий йўллар билан эмас, “Ганди йўли” сифатида абадийлаштириш лозим деганда, мен факат унинг йўлидан бориши оммалаштиришгина унинг хотирасини муносиб ҳурмат қилиш бўла олишини назарда тутяпман”.

Абхай Махатма Гандини ваяшнав деб олқишиларди, у жуда қам ҳолларда бундай қиласы. Үзининг зарур сиёсий ишларига қарамасдан, Махатма Ганди ҳеч қачон кечқурунги сифиниш маросимларида иштирок этишини тарк этмаган. Ҳатто у ўз ажалини ҳам кечқурунга киртанга бораётган пайтида кутиб олган эди. Абхай таъкидлаб айтдикى, Махатма Ганди одамларнинг маънавий, руҳий ҳолатини юксалтириш устида иш олиб бориш учун кучни айнан мунтазам равища ўзи иштирок этиб юрган киртанлардан оларди.

“Ганди минус руҳий фаолият – оддий сиёсатчидир – деб ёзганди Абхай, - Лекин, у сиёсий арбоблар орасида ҳақиқий авлиё зот эди”. Абхай ёздики, Парвардигор Чайтанья Худонинг Кришна ва Рама муқаддас номларини биргалиқда куйлаш ҳаракатини бошлаб берди, унинг издошлари бўлган олти Госвами эса, Худо ҳақидаги илмни муҳокама қилиш ва тушуниб этиш учун кўплаб китоблар ёзиб қолдирдилар. “Махатма Ганди фонди” раҳбарлари Махатма Гандининг ҳаётидан ўrnак олиб, уни кент ривожлантиришлари лозим. Шу боис, Махатма Ганди хотирасини муносиб абадийлаштиришнинг ягона йўли – ҳамма жойда одамларнинг ҳар куни биргалиқда "Бҳагавад-гита"ни ўрганишини ташкил этишдан иборат. Одамлардаги табиий руҳий фазилатлар ҳар куни ўтказиладиган руҳий сұхбатлар ёрдамида мустаҳкамланиб турилса, уларда улуғвор илохий сифатлар ривожланади”.

Абхайнинг яна бир таклифи бор эди. Махатма Ганди паст табақадан чиққан одамларга эхромларга кириш ҳуқуқини беришга интилишлари билан машҳур эди. У оддий одамлар сифиниши учун Ноакхалида Радха-Кришна Илохини ўрнатганди. Гарчи, одатда буни одамлар Махатма Гандининг иккинчи даражали фаолияти деб ҳисобласалар ҳам, Абхай Махатма Гандининг ҳаракати руҳий қадриятларга асосланганлигини исботлаб, буни Махатма Ганди ҳаётининг мазмуни деб таъкидларди. Абхай тушунтиридикى, гарчи Ҳиндистонда юзлаб, минглаб эхромлар бўлса ҳам, уларга нотўғри раҳбарлик қилаётганлари сабабли зиёли кишилар эхромларга бормайдилар. Ведаларнинг бошланғич маданиятида эхромлар одамларда руҳий маданиятни тарбиялаш учун мўлжалланган. Агар Ҳиндистондаги эхромлар ҳаётга тўла руҳий марказлар бўла олсалар эди, кундалик турмуш ташвишларига гарқ бўлган одамлар уларга бориб, ҳаётда ўзларининг энг олий бурчларини билиб олган бўлардилар.

“Одамларни ана шу руҳда тарбиялаш ва шунга амал қилиб яшаш ҳар бир инсоннинг Худони борлигига ишонч ҳосил қилишига ёрдам берган бўларди, зеро, Махатма Ганди айтганидек, агар худо хоҳламаса, дараҳтнинг япроғи ҳам шитирламайди”.

Шунингдек, Абхай Махатма Ганди ташкил этган харижонлар харакатини ҳам эслаб ўтди. Бу билан Ганди ҳароми одамларни харижон, худонинг бандаси деб, уларга ҳам бошқалар билан бир хил ҳуқук беришга интилган эди. Кўпчилик одамлар Махатма Гандининг бу ишларини шунчаки инсонпарварлик харакати деб билар эди, лекин, Абхай унинг бу ишларини ҳам руҳий фаолият деб, уни бошқа, руҳий тарафдан ёритди. Лекин Абхай кўшиб кўйидики, ҳароми одамларга шунчаки харижон деб тамға осиб қўйиш керак эмас, - пасткаш одамларнинг онгини юксалтирадиган таълим-тарбия тизимини тузиш керак. Ана шундай дастур "Бҳагавад-гита"да берилган, бу дастурни Парвардигорнинг асл содиги раҳбарлиги остида амалга ошириш мумкин. Абхай "Махатма Ганди фонди" раҳбарларига бу ишни амалга ошириш ишларини унга топширишни таклиф қилди. Абхай огоҳлантириб айтдики, агар "Махатма Ганди фонди" раҳбарлари Махатма Гандининг фаолиятини ва эришган ютуқларини абадийлаштиришга харакат қилиб, унинг ҳаётининг руҳий томонини эътиборсиз қолдирсалар, "тез орада унинг хотираси ҳалқ ёдидан кўтарилиб, у ҳам бошқа кўпчилик сиёсатчилардан фарқи қолмайди".

Балки, Абхайнин навбатдаги бир ақидапараст ёки авантюрист деб қарагандирлар. Лекин Абхай ўзини Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг камтарин хизматкори деб биларди. Махатма Гандининг характерида вайшнавларнинг баъзи бир сифатларини кўриб, Абхай ундан ўзининг руҳий устозининг хабарини ҳалққа етказиш йўлида фойдаланмоқчи эди. Шу боис у Махатма Гандини Худонинг ҳар куни киртанада иштирок этиб юрган, эхромда Илоҳларга сиғиниб, омадсиз одамларни "Худонинг бандалари" поғонасига кўтаришга харакат қилган буюк содик хизматкори сифатида муносиб қадрларди.

\* \*\*

Иш билан Жанубий Ҳиндистонда, Мадураи шаҳрида бўлганида у ўзи ёзган нарсаларнинг баъзиларини дори-дармон билан савдо қиласиган савдогар Мутхусвами Чхеттига кўрсатди. Жаноб Чхеттида улар жуда катта таассурот қолдирди, шу боис у бу китобларни нашрдан чиқариш учун машхур "Жанубий Бирла" фирмасидаги дўсти Доктор Аллагапни кўндириш ҳақида ўйлай бошлади. 1948 йил жаноб Хетти Аллагаппига ундан Худони мамнун қиласиган бир ишда Абхайга ёрдам беришни илтимос қилганлари ҳақида ёзади. У Абхайдан Мадрасдаги дўсти Доктор Аллагаппига кўрсатиш учун "Бҳагавад-гита"нинг тайёр бўлган кўлёмзмасини жўнатишни илтимос қилди. Жаноб Чхетти унга "Бҳагавад-гита"нинг 1200 бетлик ажойиб

таржимаси ҳақида гапирган ва Абхай бу китобни нашрдан чиқаришга 1946 йилдан бери ҳаракат қилиб юрганини айтган эди.

Орадан сал вакт ўтмай жаноб Чхетти Аллагаппдан жавоб хати олди, унда китоб билан қизиққанини айтиб Абхайга шундай деб ёзган экан: “Мен сенга ёрдам беришга тайёрман, менга эса, фақат Худо ёрдам бера олади”. Аллагапп билан учрашиш масаласига келсак, бунинг ҳожати йўқ, чунки “у бу ишни инсонпарварлик фаолияти сифатида савоб учун” қиласди. Ишнинг муваффақиятли ривожланаётганидан хурсанд бўлиб, Чхетти Абхайнин Мадрасга таклиф қиласди, шу ерда у Аллагапп билан учрашаши мумкин эди. “У сенинг Худо олдидаги бурчингни бажаришингга ёрдам беради”. Абхай Мадрасда китобнинг биринчи босмасини кўриши ва хатоларини тўғрилаши лозим эди. Абхай учун бу жуда катта муваффақият бўлиб, Абхай бундай нодир имкониятларни кўлдан бой берадиган кишилардан эмасди. Агар китоб нашрдан чиқса, бу Абхайнинг ўз руҳий устози Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг кўрсатмасини бажариш йўлида эришган буюк ғалабаси бўлади.

Лекин, афсуски энг мудхиш нарса юз берди. Кўлёзма ғойиб бўлди. Кўлёзма ягона нусхада бўлиб, Абхай ҳамиша уни уйидаги ишончли жойда сақларди. У оила аъзоларидан ва хизматкорларидан сўраб чиқди, нима бўлганини ҳеч ким билмасди. У бир неча ой ишлаган ишларининг ҳаммаси йўқка чиққанини сезиб турарди. Гарчи бирор нарсани исбот килиш амри маҳол бўлса ҳам, Абхай бу ишни пул ишлаш мақсадида унинг хизматкори ёки ҳатто ўғли қилган бўлиши мумкин деб ўйларди. Лекин ҳаммаси сирлигича қолди.

\*\*\*

1949 йил давомида Абхай бенгал тилида маколалар ёзиб, уларни Б.П. Кешава Махаражга жўнатди, у бу маколаларни “Гаудия Патрика” журналида чоп этарди. Абхайнинг жаҳон муаммоларига бўлган дунёқараши ўзининг руҳий устозининг дунёқарашидан фарқ қилмасди. Ҳатто ўзларининг 1922 йилдаги биринчи марта учрашуvidaёқ Шрила Бхактисиддханта Сарасвати аслини олганда, жаҳонда ҳеч қандай сиёсий, ижтимоий ёки бошқа бирор моддий инкиroz йўқ, фақат одамларга руҳий илм етишмайди, деб, Абхайнинг миллатчилик гоясини кўллаб қувватлайдиган далилларини маглуб қилган эди. Ҳозир Абхай шунчаки ана шу мавзуни давом эттиарди. У ҳеч қачон жаҳоннинг одатдаги муаммаоларига нисбатан локайд бўлишни тарғибот қилмасди, лекин, таъқидлардики, жаҳонда юзага келган инкиrozни фақат Худога ишонадиган ва Уни тан оладиган ҳукумат бартараф эта олади. Агар биринчи ўринга Кришнани англаш, Кришна онги қўйилган бўлса эди, колган муаммолар аста-секин ўз -

ўзидан ҳал бўларди. Лекин, Кришна онги бўлмаса, Худони эсдан чиқарсалар, ҳар қандай қарорлар шунчаки вақтингачалик ва фойдасиз чоралар бўлиб қолаверади.

Абхай ўзининг бенгал тилидаги биринчи мақоласида Калькуттанинг “Амрита Базар” газетасида чоп этилган бош мақоладан мисол келтирган эди. Унда бош муҳаррир Ҳиндистон миллий озодликка эришган бўлса ҳам, ҳалигача энг оғир мусибатлар тамом бўлмаётганидан афсусланарди.

“Миллий ҳафта бошланди. Жалианвалл Багҳ хотираси ва сиёсий қуллик энди бизларга ташвиш келтирмай қўйди. Лекин бу билан мусибатларимиз тугагани йўқ. Тақдир тақозоси билан инсоният ҳалигача тинчликка эриша олмаяпти. Бир ташвиш ниҳоясига етган заҳоти навбатдаги муаммо пайдо бўлади. Сиёсий мустақилликка эришган Ҳиндистон хозир бегона давлат ҳукмронлиги келтирадиган мусибатлардан кам бўлмаган муаммоларга дуч келяпти”.

Муҳаррирнинг бу гапларидан фойдаланиб, Абхай ахволни яхшилаш борасидаги жаҳондаги барча режаларнинг асосий камчилиги нимада эканини кўрсатмоқчи эди. У ёзадики, гарчи Ҳиндистон Муҳаммад Гхори давридан бери(1050йил) чет элликлар ҳукмронлиги остида бўлиб келганига қарамасдан, у хеч қачон ҳозиргидай қуллик даражасига тушиб кетмаган эди. Ўша пайтларда Ҳиндистон ҳалқи барибир ўзларининг иймон-эътиқодини сақлаб қолган эди. Ҳиндистоннинг таназзулга юз тутиши, унинг йўлбошчилари ўзларининг руҳий қадриятларидан, ота-боболаридан қолган маънавий меросдан юз ўтиргандан кейин бошланди.

Шундай килиб, ҳинdlар хозир бошига тушиб турган мусибатларни моддий табиатнинг бешафқат ва адолатли қонунларининг ҳаққоний жазоси сифатида кабул килишлари лозим. “Амрита Базар Патрика” газетасининг муҳаррири “бир муаммо ўrniga дарров иккинчи муаммо келади” деб ёзади. Лекин бу ҳақда миллион йиллар аввал “Бҳагавад-гита”да ёзилган”.

Мана шу мавзу Абхайнинг 1944 йилдаги “Худога қайтиш” журналининг ва кўплаб хатларининг асосий мавзуси бўлиб қолган эди. “Парвардигорнинг ҳукмронлигини тан олмайдиган кишини Унинг назорати остида ҳаракат қиласидиган моддий табиат жазолайди. Инсон моддий табиатни илмий изланишлар ёрдамида енгиш учун газетага мақолалар ёзиши, учрашув ва конференцияларда иштирок этиши мумкин, лекин барибир у табиат қонунларини енга олмайди. Одамлар жазодан кутулиб қолишга интила бошласалар, Парвардигор уларни алданиш ботқоғига баттар фарқ қиласади, шунда улар баҳти каро бўлиб, мағлуб бўладилар”. Абхайベンгалияликларнинг мақолини

келтиради: “Мен Шиванинг ҳайкалини ясамоқчи эдим, лекин ҳайкал маймунга ўхшаб чиқди”.

“Жаҳонни мусибатлардан халос қилиш ва одамларга ҳақиқий баҳт келтириш учун бизлар энди атом бомбаси яратдик. Атом бомбаси ҳаммани яксон қилиб юбориши мумкинлигидан қўрқкан ғарблик мутафаккирлар қаттиқ саросимага тушиб қолдилар. Кўпчилик олимлар, атом қуввати факат тинчлик йўлида, халқ фаровонлиги учун ишлатилади деб ҳалқни овутишга уриняптилар. Лекин, аслида буларнинг ҳаммаси алдамчи қувватнинг навбатдаги алдовидир”.

Абҳай тушунтирадики, муаммонинг асосий сабаби шундаки, жаҳонда Кришна онги билан яшайдиган Худонинг содиклари етишмайди. Моддий табиат тўрларига ўралиб қолган йўлбошчилар ҳеч қачон жаҳон муаммоларини ҳал қила олмайдилар. Моддий табиат айникса ғарбий давлатлардаги одамларни каттиқ алдаб қўйган, шунинг учун Ҳиндистон ҳеч қачон уларга тақлид қилиши, ёки улардан ўrnak олиши керак эмас. Лекин шунга қарамасдан, бир кун келиб Кришнани англаш таълимоти, Кришна онги билан яшаш турмуш тарзи ғарб давлатларидағи ҳалқлар орасида ҳам тарқалади.

“Хали ҳеч қачон Ғарбий давлатларда атомар ўлчамли алоҳида руҳнинг олий онг сохиби бўлган Худо Шахси орасидаги ўзаро қандай муносабатда эканлиги ҳақидаги масала мухокама қилинмаган. Уларнинг фаолияти ҳам, уларнинг юксалиш жараёнидаги ҳолати ҳам ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам, ҳатто моддий соҳада шунча катта муваффақиятларга эришган бўлсалар ҳам, ҳалигача афтини буриштириб, ҳиссий лаззатларга берилиш туйғусининг аччиқ заҳрини тотиб юрибдилар. Бир кун келиб ҳиндларнинг тинч тотув яшаш формуласи уларнинг қулоқларига ҳам бориб етишига заррача шубҳамиз йўқ”.

Абҳайнинг мақолалари мунтазам равишида “Гаудия Патирка” журналида босила бошлади. Руҳий оғайнилари унинг мақолаларини юкори баҳолардилар: унинг мақолаларида ақлнинг моддий тасаввурга эга бўлган фикрларини бешафқат фош қилиши худди руҳий устозининг тарғиботларига ўхшарди. Ахайнинг тасаввурига кўра, “Бҳагавад-гита”даги асур(иблис)лар ибораси қандайдир афсонавий қаҳрамонлар эмасди; асурлар ҳозирги даврда Гитлер, Черчилль ҳатто Ҳиндистон бош вазири қиёфасида келгандилар. Абҳай такрор ва такрор таъкидлаб айтардики, унинг нотўғри йўлдан бораётган кишиларни фош қилиши- ўзи ўйлаб топган гаплар эмас; у шунчаки Парвардигор Кришнанинг гапларини замонавий кўринишда такрорляяпти, холос.

1950-51 йилларда у ҳар хил ташкилот ва сиёсий раҳбарларга ҳатлар ёзишда давом этди. У Умумжаҳон Пафиистлар Комитетига Ҳиндистон Президентига, Ҳалқ Таълими вазирига ҳат жўнатди. У Ҳиндистон маданият озодлиги Конгрессига ҳат ёзиб, ҳатингиз бизларга адашиб тушиб қолибди, деган жавоб олди. У Бомбейдаги Барча Динлар Конференцияси раисига ҳат ёзиб, айтдики, сизларнинг дин масаласига бундай ёндошаётганингиз сабабли Конференция ҳеч қандай фойда келтирмайди: “бу муаммони амалда ҳал этиш йўли Худо Шахси Шри Кришнанинг илоҳий хабарида берилган бўлиб, улар “Бҳагавад-гита” да баён этилган”.

14 сентябрда у Американинг Деҳлида чиқадиган “Америкен репортер” газетасининг муҳарири Даниел Бейли билан ҳат ёзиша бошлади. Абхай кўрсатдики, Ҳиндистонлик донишманд ва авлиё зотларнинг Мутлақ Ҳақиқат хақидаги тасаввури Фарб ва Шарқни бирлаштиришга уринишлардан устун туради. Жаноб Бейли жавоб бериб айтдики, Шаркнинг Фарбга кўрсатаётган фалсафий ва диний таъсиридан хабардор, масалан, Нью-Йорк ситида йога миссиясининг Америкада протестантизм ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатган. Лекин, Абхай ўзининг мақолаларидан биттасини “Америкен Репортер” газетасида нашр қилиш ҳакида сўраганида, Бейли унга шундай жавоб берди: “Агар биз “Америкен репортер”да “Бҳагавад-гита” тарфдорининг мақоласига рухсат берадиган бўлсак, адолат юзасидан биз бошқа фалсафаларга ҳам шунча жой ажратишимиз лозим бўлади. Биз эса, улардан бирортасини қоралашни ҳам, қўллаб қувватлашни ҳам истамаймиз, шунчаки яхшироқ тушуниб олишга ёрдамлашамиз холос”. Ўз навбатида Абхай унга шундай эътиroz билдири: “Ҳаётнинг барча соҳаларида ақл-фаросати пастроқ одамлар юксак илмга эга бўлган кишиларга эргашадилар”.

Абхай ҳатто Детройтга, Форд Фаундейшенга ҳам ҳат ёзди, унинг ҳукумат ёрдамчиси унга шундай жавоб йўллади: “Афсус билан сизга ҳабар берамизки, биз сизнинг зиёли кишилар жамияти тузиш таклифингизни қабул қила олмаймиз. Форд Фаундейшеннинг режаларида сизникига ўхшаган ғояларни киритиш мумкин бўлган дастурлар йўқ”.

Гарчи унинг таклифларининг аксарият кўп кисми рад этилаётган бўлса ҳам, барибир вақти вақти билан унга ижобий ҳатлар ҳам келиб тараарди. Аллаҳабад Университетининг профессори Муҳаммад Саид шундай жавоб берган: ”Сиз қадимий Ҳиндистоннинг ҳаммабоп таълимотини жуда яхши ўзлаштириб олибсиз, бу ишингиз билан сиз энг юксак олкишларга муносибсиз”. Уттар Прадеш вилоятининг губернатори эса, шундай жавоб ёзган: “Сиз жуда олижаноб иш

қиляпсиз. Бу дунёда Худони англаб яшашдан ҳам ажойиброк бирор нарса йўқ”.

Абхай ўзининг хатларида шунчаки маслаҳат бериб қолмасди, - у ҳар кимга ва ҳаммага амалий ёрдам таклиф қиласди. Агар унга ташкилий ишларда ёрдам берсалар, у жуда кўп нарсаларга қодир эди; машғулотлар ўтказар, эхромларни бошқарар, эхромда сифиниш маросимларини ўтказиши ўргатар, Худонинг содикларига фотиха берар, "Бҳагавад-гита"нинг асосий қонун-коидаларини тарғибот қилишнинг турли йўлларини ташкил қиласди. Одатда у қандай амалий ишларни қилиш лозимлигини кўрсатиб, батафсил тушунтиришларга берилиб кетмас, балки замонавий фалсафий усусларнинг камчилигини кўрсатар ва Ведаларнинг қонун-коидаларига амал қилиб яшашнинг афзаллигини айтарди. Руҳий устозининг марҳамати билан унга "Бҳагавад-гита" таълимотини ҳар қандай вазиятда амалда қўллай олиш қобилияти берилган эди. Агар бирор киши унинг таклифлари билан қизиқиб қолса, у унга **"Бҳагавад-гита"нинг қонун-коидаларига асосланган ҳаётнинг афзаллигини ошкор этарди.**

Бир мажлисда машхур саноат раҳбари ўзининг корхонасида ишчилар билан раҳбарларнинг ўзаро муносабатлари жуда яхши экани ҳақида гапирганини эшитиб, унга шу корхонада маҳа-мантрани биргаликда кўйлашнинг одамларга кўрсатадиган ижобий таъсирини ўрганишини таклиф қилиб узун хат ёзди. Фабрикада ишчилар клуби, дам олиш хонаси бор эди, Абхай шу ерларда ишчилар тўпланиб биргаликда мантра кўйлашини ташкил этишни таклиф этганди.

Абхай ҳар бир инсонга ўзини Парвардигор Кришнага бутунлай топширишини таклиф қилиб мурожаат қиласди, лекин одамларнинг аксарият кўпчилиги ҳаётда ўз фалсафалари билан яшар, унинг таклифларини эса, шунчаки ақидапарастилик, ёки уни ўз динига айлантириб олишга уринаётган ақидапарааст деб билардилар. "Бҳагавад-гита" – ҳаммабоп илм, - деб ёзарди Абхай, - ҳатто ҳукумат ўзини дунёвий деб атаса ҳам, бирор дастурда унга Худони ҳам киритишини эсдан чиқармаслик керак. Парвардигор Кришна барча тирик мавжудотларнинг отаси, барча дастурлар, ташкилотлар ва ҳукуматлар Унинг назорати остида. "Бҳагавад-гита"нинг ғояларини айниқса хиндлар жуда қадрлашлари лозим.

Гарчи унинг маслаҳатлари ортида хамиша амалий режалар турган бўлса ҳам, барибир Абхай биринчи навбатда сухбатдошини қизиқтиришга ҳаакат қиласди. **Унинг таклифлари аксарият ҳолларда жавобсиз қоларди, асосан унга рад жавобини берардилар, лекин у ҳеч қачон бундан ҳафсаласи пир бўлиб, тушкунликка тушмасди, у ҳеч қачон ҳамфикр киши топишга**

**уринишни қанда құлмасди.** У барча ёзган хатларидан нусха олиб, келган жавоблар билан бирга сақлаб күйрди; агар кимдир уни салгина құллаб қувватлаган ёки озгина қизиқиши үйғотган бўлса, у дарров чукур маънога эга бўлган иккинчи хатни жўнатарди.

У Гаудия Матх томонидан бирор кўрсатма ёки раҳбарлик кутиб ўтирасдан қилиб юрган ҳаракатлари билан қалбидаги Парвардигор Чайтанья миссиясига бўлган чексиз садоқатни намоён этарди. Баривир у қалбининг тўрида бир кун келиб руҳий оғайнилари яна бирга тўпланишиб, биргаликда тарғибот қилишни бошлайдилар деган умидни авайлаб сақлаб келарди, лекин у энди матхларга бирор куч сарфламасди – агар шундай қилса, у ўзаро жанжаллашиб, руҳий устозини ҳақорат қилиб юрган икки тарафнинг бирини қўллаб-куватлаган бўларди. Гаудия Матхдаги ички тўқнашувлардан сиртда қолиб, Абхай ёлғиз ўзи, ўзини "Бҳагавад-гита" тарғиботчиси ва "Худога қайтиш" журналининг муҳаррири деб таништириб, хатлар жўнатишида давом этарди.

1948 йилда Абхай Лакнаудаги фабрикасини ёпди. У ўз ишчиларига вақтида иш ҳақи беришни таъминлай олмаганди, 1946 йилдан бери қисман қарзини тўлаб келарди. Дори сотиш жуда камайиб кетгандан кейин фабрика инқизозга учраган эди. У энди ҳамма нарсасидан маҳрум бўлганди.

*Шрила Прабхупада: Мен Лакнауда катта фабрика ташкил этгандим. Ўша кунлар олтин кунлар эди! Бизнесим ҳар қачонгидан ҳам гуллаб яшинарди. Кимё саноатида мени ҳамма танирди. Лекин кейинчалик аста-секин ҳаммаси барбод бўла бошлади.*

Бир неча танишлари унга Аллахабадда кичик фабрика ташкил этишга ёрдам бердилар. У ўғли Бриндабан билан Аллахабадга кўчиб ўтиб дори ишлаб чиқаришни давом эттириди. Унинг оиласи Калькуттада қолган эди, Абхай саёҳат қилишда давом этарди, энди у ойлаб уйида бўлмасди.

Ўша кунлари у яна ўша тушни кўрди. Унинг олдида Шрила Бхактисиддханта Сарасвати пайдо бўлди; у яна ўзининг олдига чорларди, у яна имо-ишора билан саннийаси олиш кераклигини кўрсатди. Лекин Абхай ҳалиям унинг бу кўрсатмасини бажаришга тайёр эмасди. У оиласи киши эди, унга катта маъсулият юклатилганди. Саннийаси қабул қилиш ҳаммасини ташлаб кетиш демакдир. Лекин у пул ишлаб топиши керак эди, энди унинг беш боласи бор эди. "Нимага гуру Махараж мендан саннийаси қабул қилишни илтимос қиляпти?" – деб ўйларди у. Ўша пайтда бунинг иложи йўқ эди.

Аллахабадда ишлар яхши эмасди. “Хозирги пайтда фабрикадаги ишлар яхши эмас, - деб ёзганди у, олдига келмоқчи бўлган хизматкори Гаурангага, - Ишларим йўлга тушиб кетгандан кейин, агар сен ўша вақтда банд бўлмасанг, ўзим сени чақираман”. У жон-жаҳди билан ишларди, лекин натижка у кутгандай эмасди.

Худди бошқа воқеа-ходисалар сингари, Абхай бу вазиятга ҳам муқаддас китоблар нуктаи назаридан каарди. Албатта, у "Шримад Бҳагаватам"даги ўша шеърни ўйламасдан туролмасди:

*Ясьяхам анугриханами  
Хариишье тад-дханам шанаих  
Тато дханам тыйаджсанти асия  
Сва-джсана духкха-духкхитам*

“Мен кимга алоҳида меҳрибонлик қилмоқчи бўлсам, аста-секин унинг барча моддий бойлигини тортиб оламан. Ана шундай қашшоқ ва ачинарли аҳволга тушиб қолган кишидан барча дўстлари ва қариндошлари юз ўгирадилар”. "Шримад Бҳагаватам" 10.88.8.

У бу шеърни Шрила Бҳактисиддханта Сарасвати оғзидан эшитганди, ҳозир тез-тез шу шеър ҳақида ўйларди. У ҳозирги ҳолати ҳам Парвардигор Кришнанинг назорати остида эканини тушунарди. Кришна уни Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиш учун ҳамма нарсадан озод қилиш ниятида атайлаб уни шундай аҳволга солиб қўйган эди.

Шрила Прабхупада: *Барибир менинг Чаштания Махапрабху таълимотини тарғибот қилиши истаги тобора кучайиб, айни пайтда бошқа барча истак-интилишларим сусайиб борарди. Мен ўзим унчалик истамасдим, лекин Кришна мени шунга ундарди: “Сен буларнинг ҳаммасини тарк этишинг керак”. Турган гап – ишларим тобора ёмонлашиб борарди...*

"Шримад Бҳагаватам"да малика Кунтининг илтижолари бор: “Эй азизим Парвардигор Кришна, фақат барча моддий бойликларидан биратўла маҳрум бўлган кишигина осонлик билан Сенга эриша олади....”

Шрила Прабхупада: *1950 йилда мен дунёвий ишлардан четлашибим. Бутунлай эмас, барибир қолган ишларимга озигина бўлса ҳам аралашиб юрдим. Кейин деярли ҳаммаси тамом бўлди. Қолган нарсаларнинг ҳаммаси.... яхши. Истаган ишингни қиласкер!*

Абхайнинг хотини оиланинг иқтисодий аҳволи яхшиланишига ишончи қолмаганини баҳона қилиб, отасининг уйига қайтиб кетишга қарор қилди.

Абхай кўп вақтини уйдан ташқарида, сафарда ўтказарди. Астасекин у оиласидан узоқлашиб бораради. Бир неча ойдан кейин у хотини ва болаларининг олдига борганида қайнотаси унга танбех берди: “Сен ҳамиша узоқларда юрасан. Сен фақат Худога сифинасан, лекин менинг оила аъзоларимга ғамхўрлик қилмаяпсан”. Абхай иложини топган пайтларида оиласига бироз пул жўнатарди.

Жаноб Судхир Кумар Датта(Абхайнинг жияни): *Мен у ҳамиша жуда кўп нарсалар ҳақида қайғурганини кўрардим: оиласи, ўзининг мақолалари, бизнес. “Нима қилсам экан? Нима қилсам экан?” У ўзининг бизнеси орқали иложи борича кўпроқ пул ишлаб топиш йўлларини жиоддий изларди. Лекин бунинг учун бизнесга жуда кўп вақт сарфлаши керак эди. У ўзининг ёзув ишларини ҳам қолдирмасди. У тобора кўпроқ вақтини ёзишига, ижодга кетказарди. Баъзан одамлар уни койирдилар: “Хой, сен фақат диний шеърлар ёзасан, фақат Худо ҳақида ўйлайсан! Сенинг оиласини ким боқади? Сен оиласиг учун нима қилдинг?” Баъзан у бунга эътиroz билдираради: “Оилас менга нима берди? Нимага мен Худони унуттишим керак экан? Мен тўғри иши қиляпман, сизлар буни тушиуна олмайсизлар”.*

Калькуттага борганида Абхай қайнотасининг уйида қолди, унга алоҳида хона ажратдилар. Хотини унга овқат олиб келганида, у овқат магазиндан сотиб олинганини кўрди. “Нимага? – деб сўради у хотинидан. “Ошпазимиз касал” – деди Радхарани.

Абхай ўйланиб қолди: Бизлар бу ердан, унинг отасининг уйидан тезроқ чиқиб кетганимиз маъқул, акс ҳолда у баттар тубанликка юз тутади. Шунинг учун улар тез орада бошқа жойга, Четла Стритга кўчиб ўтдилар. Шу ерда у оиласи билан баъзан бир неча ой қолиб, вақтини мақолалар ёзип билан ўтказарди, лекин у кўпроқ вақтини асосан Аллахабадда ўтказарди.

Эллик тўрт ёшга кирган Абхай Аллахабадда худди, оиласий ишлардан четлашган ванапрастхалардай яшарди. Уни энди оиласи ҳам, бизнеси ҳам қизиқтирамасди. Одатда, оиласий кишилар оила ва бизнесни ўзининг энг асосий бурчи ва баҳт келтирадиган асосий манбалар деб биладилар.

Абхай ўз мақолаларида Ведавий жамиятда руҳий юксалишнинг руҳий босқичлари бўлган тўрт ашрам мавзусини бир неча бор муҳокама қилганди. Умрининг аввалги босқичи(браҳмачари)да ота-онаси ёш боласини гурунинг уйига,

гурукулага юборади, шу ерда оддий турмуш тарзи билан яшаб, гуру раҳбарлигига муқаддас китобларни ўрганади. Шундай қилиб, у ёшлигига риёзат чекишни ва руҳий илмни ўрганади, айнан мана шулар унинг келажакдаги бутун ҳаётининг йўналишини шакллантиради.

21 ёшда брахмачари уйланиши ва руҳий юксалишнинг навбатдаги боскичига – грихастха ашрамга ўтиши мумкин. Ёки Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Тхакурга ўхшаб, бутун умри давомида брахмачари бўлиб қолишга касам ичиши мумкин. Абхай болалигидан жинсий поклигини сақлаб юрган, ота-онасидан қалбига Кришнага садоқат қоидаларини сингдириб олган эди. Гарчи у ўз уйида яшаган бўлса ҳам, у брахмачари бўлиб тарбияланган эди.

21 ёшида уйланганидан кейин у, айнан ўз вақтида, грихастха ашрамга кирди. Абхай Ўзининг отаси Гоур Моҳан мисолида кўрдики, ҳатто оилавий турмуш тарзи билан яшаб юриб ҳам, Кришнинг содик хизматкори бўлиб қолиш мумкин. Ваишнав бўлган ҳолда Абхай ҳам, унинг хотини ҳам, ҳеч қаҷон оилавий ҳаёт қоидаларини бузмадилар.

Эллик ёшида инсон дунёвий фаолиятдан воз кечиши лозим, - инсон ҳаётининг бу даври ванапрастха деб аталади. Ванапрастха ашрамида эр ҳам, хотин ҳам жинсий алоқалардан воз кечишга қарор қиласидилар; улар бирга яшашда давом этишлари мумкин, лекин энди уларнинг мақсади – бир бирига руҳий юксалишда ёрдам беришдан иборат. Ванапрастхалар моддий оламни ташлаб кетиш мукаррар эканини тушуниб, шунга муносиб тайёргарлик кўриш учун биргаликда Ҳиндистоннинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишлари мумкин.

Шундай қилиб, ведавий ашрамлар инсоннинг моддий истакларини амалга оширишга, кейин эса, тугилиш ва ўлишлар чархпалагини тамом қилишига ва мангучу руҳий оламга қайтишига ёрдам беради. Инсон эллик ёшга киргандан кейин, кексайиб бораётган танаси унга мукаррар ажалнинг яқинлашаётганини эслатиши лозим, шундан кейин у ана шу мукаррар жараёнга ўзининг онгини тайёрлаши лозим.

Руҳий юксалишнинг ҳамда инсон умрининг охирги погонаси бўлган саннийаси ашрамда эркак киши хотинини вояга етган ўғлининг қарамоғида қолдиради ва ўзининг қолган ҳаётини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлади. Қадимда саннийаси ашрамда одамлар Ҳимолай тогига кетиб, умрининг охиригача тавбатазарруларга берилиб яшаганлар. Лекин гаудия ваишнавларнинг урфодатларида Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Кришнани англаш таълимотини одамларга тарғибот қилишга катта аҳамият берган.

Гарчи Абхай расмий равища бирор ашрамга ҳам мансуб бўлмаса ҳам, унинг турмуш тарзи грихастхаларнидан кўра кўпроқ ванапрастхаларнинг турмуш тарзига ўхшаб кетарди. Бизнесининг барбод бўлишини ва оиласидаги муҳитнинг жуда ёмонлигини у Кришнанинг кўрсататётган марҳамати деб билди. Парвардигор Кришна уни оилавий ташвишлардан халос этиб, бутун қалби билан ўзини Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг кўрсатмасини бажаришга – Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилишга ундаётган эди.

\* \* \*

Аллахабадда Абхай қандайдир мўъжизавий йўллар билан "Худога қайтиш" журналини нашр қилишин давом эттириш учун зарур бўлган маблағ тўплашга муваффақ бўлди ва 1952 йил унинг ҳам уйи, ҳам иш жойи бўлган хонасидан журналнинг охирги саккиз йил ичидағи биринчи сони босмадан чиқди. Худди аввалгидай, у "Худога қайтиш" журналининг ҳамма ишларини ўзи қиласади: мақолаларни ўзи ёзар, уларни машинкада печат қиласади, таҳрир қиласади, босмахона эгаси билан музокара олиб борар, босмадан чиқсан журналларни ўзи тарқатар эди. У кўп нусхаларни шахсан ўзи обрўли кишиларга олиб бориб берар, бутун Ҳиндистон бўйлаб сиёсий ва ижтимоий арбобларга поча орқали жўнатар эди. У Аллахабаддаги ёки бошқа бирор жойдаги ҳаётининг асосий мазмуни шундан иборат эканини ҳис қиласади, мана шу – топган пулларини энг муҳим ишга самарали равища сарфлаш эди, мана шу – ўзини Парвардигорни шарафлаш билан бутунлай банд қилиш - унинг инсон сифатидаги ҳаётига чукур маъно бериб турарди. Колган бошқа ишларнинг ҳаммаси вақтинчалик ўткинчи нарсалар эди – эртами қечми – барибир йўқолиб кетади.

У Калькуттага келганида эски дўйстлари унинг хонасида тўпланардилар, шунда у уларга тарғибот қилиб, "Бҳагавад-гита"дан маъруза қиласади. Абхай ўзининг хотини ва болаларини ҳам ана шу маърузаларга таклиф қиласади, лекин улар ўжарлик билан тепадаги хонада қолганчча, унинг қилиб юрган тарғибот ишларини менсимаслигини намойиш этаётгандай бўлиб, чой ичиб ўтирадилар. Абхай барибир уларнинг эҳтиёжларини кондиришда ва улар билан бирга бўлишда давом этарди, лекин барибир у фақат бошқаларга Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиш билан шугулланишни истарди, оиласидагилар эса, унга ўзининг уйида тарғибот қилишига халақит бериш учун кўлидан келганчча ҳаракат қиласадилар. Агар бу ҳақиқий оила бўлса эди, унинг хотини ва ўғиллари унинг шундай етук тарғиботчи бўлиб етишганидан хурсанд бўлган бўлардилар.

Улар руҳий устозига хизмат қилиш - отасининг ҳаётининг мазмуни эканини тушунишлари лозим эди. Улар отасида рўй берадиган ўзгаришларга шунчаки эътибор бермай юраверишлари керак эмасди. Улар уни аввалгидай оддий инсон деб хисоблай олмасдилар. Абхай, вақти келиб аста-секин мени тушуниб етар деган мақсадда ўз хотинини тарғибот ишларига жалб қилишга уринишда давом этарди. Лекин эрининг айтган гаплари аввалгидай унга заррача таъсир қиласди.

Нимага энди у ўзининг умрини оиласига ғамхўрлик қилишга, дориларга, пул топишга сарфлаши керак? Майли, қариндошлари уни танқид қиласверсинлар, лекин "Худога қайтиш" журналини нашр қилиш – катта оиласига – бутун инсониятга ҳақиқий хизмат қилишдир. Мадхавендра Пури, Парвардигор Чайтаньядан олдин келган буюк руҳий устоз дунёвий одамларнинг танқид қилишларига шундай жавоб ёзади: "Ахлоқ–одоб қоидаларига қатъий амал қилиб юрган кишилар мени адашиб юрибди деб айтаверсинлар; мен эътиroz билдирамайман. Ведавий қонун–қоидаларнинг билимдонлари мени нотўғри йўл танлаган деб айтаверсинлар, қариндошларим ва дўстларим мени омадсиз деб, оғайниларим эса - ақлсиз нодон деб атайверсинлар, молдунёга ҳирс қўйган бадавлат одамлар мени жинни деяверсинлар, билимдон файласуфлар эса мени жуда мағрур, манман деб айтаверсинлар. Буланинг ҳаммасига қарамасдан, гарчи бунга муносиб бўлмасам ҳам, Говинданинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилишга бўлган қатъий интилишим озгина бўлса ҳам камаймайди.

Эй фаришталар, эй аждодларим, илтимос, мени кечиринглар! Энди мен сизларни мамнун қилгудай бирор нарса таклиф эта олмайман. Мен энди шунчаки ҳамиша ва ҳамма жойда Ядавалар хонадонининг буюк авлоди ва Камсанинг буюк душмани бўлган Кришнани эслаб юриш билан аввал қилган барча гуноҳларимдан покланишга қарор қилдим. Ўйлайманки, мен учун шунинг ўзи кифоя. Бошқа ишлар ҳақида бош қотириб ўтиришнинг нима маъноси бор?"

Бутун Ҳиндистон ва бутун инсониятнинг муаммоларини ҳал қилиш йўлларини била туриб, нимага у ўзининг вақтини оиласи ташвишларнинг майда-чуйда муаммоларини ҳал қилишга сарфлаши керак? "Бҳагавад-гита" билимдони сифатида у ўзининг энг биринчи вазифаси жаҳондаги энг мушкул инқироз, Худосизликнинг, иймонсизликнинг энг тубан қўринишлари бўлган – урушлар, очарчилик, ахлоқсизлик, жиноятчилик сингари иллатларни йўқотиш йўлларини кўрсатишдан иборат эканини ҳис қиласди. Ана шундай фаолият натижасида аҳамиятсизроқ вазифалари бажарилмай қолса, бунинг ҳечам кўркинчли жойи йўқ.

\* \* \* \*

1952 март ойида Абхай "Худога қайтиш" журналиниңг иккинчи сонини нашардан чиқарди. Журнал асосан Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг ва унинг отаси Шрила Бхактивинода Тхакурнинг ҳәёт фаолиятига бағишлиланган эди. Шрила Бхактивинода Тхакур ўша пайтда Парвардигор Чайтанья номидан ҳаракат қилиб юрган сохта илохиётчилар учун ашаддий кураш олиб борган эди. Ҳали ҳукумат таркибида хизмат қилиб юрган пайтларидаёқ Шрила Бхактивинода Тхакур бхакти йўлини реформа филиш ишларини бошлаб юборган эди. Оилавий ҳәёт билан яшаб, олий суд раиси бўлган ҳолда у бенгал, инглиз ва санскрит тилларида жуда кўп китоблар ёзиб, Парвардигор Чайтанъяга бутунлай ўзини топшириш қандай бўлишини аниқ таърифлаб берган.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ёшлигиданоқ отаси Шрила Бхактивинода Тхакурнинг қилаётган ишларидан ҳайратга тушиб, унинг бошлаган ҳаракатига қўшилган эди. У Шрила Бхактивинода Тхакурнинг котиби бўлган, отаси унга Парвардигор Чайтанъянинг ишини давом эттириш учун руҳий ваколат берган. Шрила Бхактивинода Тхакур кетгандан кейин Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ана шу реформа ишларини бошқаришни ўз кўлига олган эди.

Ўзининг ойлик журналини чиқариш ишларига бутунлай ғарқ бўлган Абхай бошқа фаолиятларга умуман эътибор бермай кўйган эди. Баъзан у ишлари бўйича саёҳат қилар, баъзан кечки поездга ўтириб, оиласидан хабар олиш учун Калькуттага бораради. Агар купеда одамлар кўп бўлмаса, у чирокни ёкиб мақола ёзишга тушарди. Тунги поездларда саёҳат қилиш чуқур мулоҳазаларга берилиш, ҳатто ёзиш учун жуда қулай эди. Баъзан у бир неча соат ухлаб олар, кейин ўрнидан туриб, яна фикр-мулоҳазаларга ёки ёзишга берилиб кетар эди.

Тонг отиши билан поездда чой сотувчиларнинг овозлари эшитила бошларди: "Чай! Чай! Чай!" Дарров вагоннинг ичи ҳар куни эрталаб албатта бир пиёла иссиқ чой ичишга ўрганиб қолган одамлар ичаётган чойнинг ҳиди билан тўларди.

Поездда саёҳат қилиб юрган пайтларида Абхай эътибор бердики, одамларнинг аксарият кўпчилиги сигарет чекишини ўрганиб олганлар, ёлғиз ўзи саёҳат қилиб юрган аёлларни тобора кўпроқ учратиш мумкин. Ҳиндлар ғарб давлатлардаги одамларнинг урф-одатларини ўзларига тобора кўпроқ сингдириб боряптилар. Миллат йўлбошчилари бунинг учун одамларга тобора кўпроқ қулай шароит яратиб беряптилар, кўрларга эргашган кўрлар. Улар худосиз Худонинг салтанатини куришни истайдилар. Улар Ҳиндистонни

саноати ривожланган илғор, лекин Кришнасиз мамлакатга айлантиromoқчилар. Вагон ойнасидан у ишланмай ётган катта катта далаларни кўрарди, айни пайтда мамлакатда шунча одамлар очарчиликдан қийналиб юрибдилар.

Абхай бъязан газеталарни ўқир, улардан янги мақола ёзишга ёки янги фоялар таклиф этишга туртки бўладиган гапларни қирқиб оларди. У ёрдам сўраб одамларга мурожаат килиш кераклиги, қандай йўл билан Кишна онги билан яшайдиган содиклар жамиятини ташкил этиш ҳакида ўйларди. Фақат Ҳиндистонда эмас, балки бутун жаҳон бўйлаб одамлар Кишна онги билан яшаш турмуш тарзини қабул қила оладилар. Чaitанъя Бҳагаватада башорат қилинганди, бир кун келиб жаҳоннинг ҳар бир қишлоқ, ҳар бир шаҳрида одамлар Парвардигор Чaitанъянинг номини тилга оладилар. Шрила Бҳактисиддханта Сарасвати ҳам шуни истаган. Айнан шу мақсадда у ўзининг бир неча саннийаси шогирдини Англияга юборган эди. Лекин улар расмий равишда кирол оиласига ташриф буюрдилар, фаҳрий сафда турдилар ва ҳамма қатори қиролнинг тожига сажда қилиб, одамлар онгига бирор таъсир ўтказа олмасдан қайтиб келдилар. Абхай "Худога қайтиш" журналини гарбий давлатларга юбориш ҳакида ўйларди. Унинг агентлари бўлган "Такер, Спинк ва К" компаниясининг Америка ва Европада бўлимлари бор эди. Бутун жаҳонда одамлар инглиз тилида ўқидилар, уларнинг баъзиларини "Бҳагавад-гита" ва "Шrimad Бҳагаватам" фоялари қизиқтириб қолишига ҳеч шубҳа йўқ. Шрила Бҳактисиддханта Сарасвати айнан шуни истаган эди. Кришнани англаш таълимоти фақат Ҳиндистон учун мўлжалланган эмас. Бу Ҳиндистоннинг бебаҳо неъмати ва у ҳамма, бутун инсоният учун мўлжалланган.

## **Еттинчи боб Жханси: Содиклар жамоаси**

*Барча амалий мақсадларга эришиши йўлида "Бҳагавад-гита" таълимотини бутун жсаҳон бўйлаб тарғибот қилиши учун ўзида ҳақиқий браҳманларнинг илоҳий фазилатларини ривожлантиришини истаган, ҳар қандай миллатга мансуб бўлган номзодлар тақлиф қилинади. Муносиб номзодлар бепул турар жой ва овқат билан таъминланади.*

Содиклар жамоасининг асосчиси ва раҳбари А.Ч.  
Бҳактиведантага мурожаат қилинг. Бҳарат Бхаван. П.О. Жханси(У.П.)  
Абхай Чаран Дэ.

Бу яна кўплаб тўхташ жойлари бўлган, поездда ўн икки соатлик сафар эди. Вагон ғилдиракларининг тақиллаши, вагоннинг ҳар томонга тебраниши ёзишга халакит берарди, лекин Абхай, учинчи класс вагонида, бошқа йўловчилар билан тўла ёғоч ўринидикда ўтирганча ёзишда давом этарди.

Абхай Жхансига кетиб борарди – бу гал савдо иши билан эмас, тарғибот қилиш учун. Бир ой олдин, 1952 йил октябрда Абхай савдо ишлари билан Жхансида бўлганида, Жхансидаги шифохона эгаси жаноб Дубай Абхайни Гита Мандирга маъруза қилиш учун тақлиф қилганди. Жхансида жуда кўп одамлар вайшнавларнинг, теософларнинг, майавадиларнинг, сиёсатчиларнинг ёки истаган бошқа бирорларнинг гоялари билан, диний ва маънавий фанлар билан қизиқадилар. Улар жамиятга фаровонлик ёки одамларни тақводорликка олиб келадиган ҳар қандай йўлни “дхарма” деб қабул қиласидилар. Бир вақтлар жаноб Дубай “Худога қайтиш” журналидан бир неча мақола ўқиган эди, шунинг учун у Абхайдан бу ерда маъруза қилишни илтимос қилган эди. Абхай эса, айнан шундай тақлифларни кутиб юрган эди. У юздан ортиқ кишиларнинг Кришнани англаш таълимоти билан жиддий қизиқишини кўрди, уларнинг асосий қисми талабалар ва шу ердаги аюрведа коллежини битирган ёшлар эди.

Абхай эллик олти ёшда эди, унинг Кришнани англаш таълимотини уларга жонли ва қурдатли кўринишда таништириши

Жхансидаги диний дунёқарашга эга бўлган соғлом фикрли кишиларнинг кўпчилигига жуда кучли таассурот қолдирди. Санскрит коллежининг ректори, Жхансидаги Аюрведа Университетининг бошқарувчиси, йигирма беш ёшли Прабхакар Мишра Абхайдаги Кришнани англаш таълимотини кенг халқ оммаси орасида тарқатишга бўлган кучли истакни кўрди. Гарчи Абхай оқ либос кийиб юрган бўлса ҳам, доктор Мишра унда ўзига хос гуруни кўриб турарди. “У қанчалик камтар – ўйлади у, - ҳақиқий садху!” Аюрведа бўйича ўзининг фаолиятини энди бошлаган ўрта бўйли, тўладан келган доктор Шастри жуда фаол йигит эди. Абхайнинг қалбининг поклиги ва унинг **Кришнани англаш таълимотини бутун жаҳонга тарғибот қиладиган халқаро жамият** тузиш ҳақидаги орзулари унда жуда катта таассурот қолдирган эди. Каттароқ тингловчилар, масалан, идиш-товоқ сотадиган, худди Неруники сингари оқ қалпоқ кийиб юрадиган, ўзи шеърлар ёзиб турадиган Рамчаран Хайхаран Митра ҳам Абхайдан Парвардигор Чайтанъя ҳақида жуда кўп нарсаларни билиб олишни истарди. Гита Мандирнинг раҳбари доктор Маллик, Университетдан доктор Сиддхи ўзларининг хотинлари билан бирга маърузадан кейин Абхайга самимий мурожаат қилиб, ундан Жхансига яна бир марта ташриф буюришни илтимос қилдилар.

Абхай бу ерга дори-дармон сотадиган савдогар ёки оила ташвишларига ғарқ бўлган киши сифатида эмас, балки Парвардигор Чайтанъянинг содик хизматкори сифатида келган эди. Гарчи Кришнани англаш таълимотининг Шрила Бхактисиддханта Сарасвати талқин қилган баъзи жиҳатлари бу ерда тўпланганларга нотаниш бўлса ҳам, барибир унинг насиҳатлари уларда қизиқиш уйғотди. Абхай бу таълимотни уларга қанчалик кўп баён этган сайин, Парвардигор Кришнанинг хабарини кенг халқ оммасига тарқатишга интилиб, ўзининг келажақдаги режалари ҳақида уларга гапириб берган сайин ўтирганлар орасида уни кўллаб-кувватлайдиган одамлар тобора кўпайиб борарди. Уларнинг баъзилари Жхансида ўзининг миссиясини очишни таклиф қилиб, бу ишда унга ёрдам беришга тайёр эканини айтдилар. Доктор Шастри ҳатто Абхайни ўзининг уида яшашга таклиф қилди. У Абхайни шаҳарнинг бир неча обрўли кишилари билан таништириди ва Жхансининг ҳар хил жойларида унинг маъруза қилишини ташкил этди.

Бу ерда ўн кун бўлгандан кейин Абхай Аллахабадга қайтиб келди, лекин Жхансида олган таассуротлари унинг яна бизнес билан шуғулланишни давом эттиришига халақит берарди. Унинг ақли энди анча муҳимроқ мавзу: **Кришнани англаш таълимотининг назарий ва амалий илмини бутун жаҳон бўйлаб тарғибот қиладиган Худонинг содиклари жамиятини ташкил этиш билан банд** эди.

Гаудия Матх парчаланиб, бўлиниб кетган эди - унинг руҳий оғайнилари бир неча жойда ўзларининг шахсий ашрамларини ташкил этдилар, улар бирлашишга бўлган ҳар қандай таклифга қарши эдилар. Лекин, бутун дунёда худосизликнинг тобора авж олиб бораётган иллатларига қарши қандайдир бир чора кўриш керак эди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати башорат қилганидек, **бутун жаҳон бўйлаб ҳаракат қиласидиган тарғиботчилар бирлашмаси** пайдо бўлиши керак эди.

Дунё давлатлари Миллатлар Бирлашмасини, кейин эса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тузиб, бирлашишга интилардилар. Бирлашма инқизотга учради, агар одамлар барча тирик мавжудотларнинг Худонинг Олий Шахси билан ўзаро муносабатларда ҳақиқий, руҳий жиҳатдан тенглигини ва бирлигини тан олмасалар, БМТни ҳам инқизотга учраши аниқ. Абхай бундай ташкилотлардан бирор яхшилик кутмасди: улар бирдамликка ва тинчликка интилаётганига қарамасдан, уларнинг уринишлари Худосизликнинг намоён бўлишининг яна бир кўриниши эди, холос. Йўқ, **бутун жаҳон миқёсида тинчлик ва бирдамликни қайта тиклаш - вишишнавларнинг вазифасидир.**

Абхай ана шундай ташкилотга асос солиш учун Жханси қулай жой бўлиши мумкин. Шаҳар унчалик катта эмас, лекин, унда бу муаммога бефарқ қарамайдиган одамлар топилди. Тарабалар унинг гапларини шунчаки тинглаб ва қабул қилиб қолмасдан, унга бу ишда ёрдам беришга тайёр эканини билдирилар. Абхай уларда хали ҳақиқий самимилик ва чукур тушунча етишмаслигини тушунарди, у баъзан уларнинг онги ҳиссиётлар поғонасида эканини сезар, шу боис уларнинг гапларининг жиддийлигига бироз шубҳа ҳам қиласди, - лекин, агар у шу ердан бир неча, ёки атиги биттагина жиддий тингловчини топа олса, ишни бошлаш учун шунинг ўзиёқ етарли эди. Абхай тарғибот қилишни истарди – бу унинг **инсон бўлиб яшашдан олдига қўйган ягона мақсади** эди. Бунинг устига у кексайиб боряпти, агар у бирор муҳим иш бошламоқчи бўлса, орқага сурмасдан, хозирнинг ўзида бошлиши керак. Шунинг учун у Жхансига бир ўзи боради, кейин у ёқда қанча зарур бўлса шунча қолади. Аллахабаддаги ишлари ҳақида унчалик безовта бўлмасдан, у ишларнинг ҳаммасини ўғли ва жиянига топширди ва уларга Жхансига кетиб бораётганини эълон қилди.

Жханси станциясига келиб, Абхай узоқдан унга кўлларини силтаб турган доктор Шастрини кўрди. Улар биргаликда тангода доктор Шастрининг диспансерига йўл олдилар. Жуда ҳаракатчан ва фаол бўлган доктор йўл бўйи унга маърузалар қилиш, сухбатлашиш учун жуда кўп имкониятлар борлиги ҳақида гапириб борди. У Жханси

шахрининг тарихи ҳақида ҳам гапириб берди: Жхансининг ўрнида аввал, Парвардигор Рамачандранинг ўзи риёзатга берилган ўрмон бўлган экан, ўша ўрмонда қувгинда бўлган пайтларида Пандузодалар яшаган, жуда кўп донишмандлар шу ерда ўзларининг кулбаларини қурган эканлар. Жханси, шунингдек, 19 аср ўрталарида инглизлар ҳукмронлиги остидан Ҳиндистонни озодликка чиқариш учун кураш олиб борган хинд қаҳрамон аёли Лакшми Бхайнинг ватани экан. Бу ерда Лакшми Бхайнинг от устида қўлига қилич ушлаб турган ҳайкалини ва расмларини жуда кўп учратиш мумкин. Лекин хозир, 1952 йилда Жханси – одамлар билан тўла, қулайликлар кам, кўчалари тор қашшоқ шаҳар.

Доктор Шастри Сипри Базар мавзесидаги икки қаватли бинода бир ўзи яшарди. Биринчи қаватда унинг шифохонаси жойлашган эди, иккинчи қаватда унинг бир хонали квартираси бўлиб, Абхай ҳам шу ерга жойлашди. Ёш, лекин машҳур ва обрўли доктор айнан Абхайнин Жханси шахрининг қизиқувчан одамлари билан танишира оладиган киши эди, унинг ўзи ҳам шуни қаттиқ истарди. У жуда чаққон ва очиқ чехрали бўлиб, шаҳар аҳолиси билан дарров тил топишиб кетарди. У ёши ўзидан икки марта катта бўлган Абхайнин **ваишнавларнинг турмуш тарзи билан яшагани, ўз фалсафасида жуда қаттиқ туриб олгани учун** жуда хурмат қиласарди. Доктор Шастри Абхайга ёрдам беришни ўзининг бурчи деб билар, шу боис уни ўзининг ишлари билан танишириар ва ҳар хил жойларда маъruzалар уюштиради.

Абхай ва доктор Шастри бирга овқат тайёрлаб, худди бир оила аъзолари сингари бирга овқатланардилар. Абхай унга “Содиклар жамоаси”ни, бутун жаҳон бўйлаб фаол ҳаракат қиласидиган, лекин Жхансида жойлашадиган ташкилот тузиш режаси ҳақида гапириб берди. Жхансининг бутун аҳолиси бутун жаҳон бўйлаб Парвардигор Кришнанинг миссиясини тарқатишига ёрдам беришлари керак. Парвардигор Чайтанъя айтган эдики, хинд халқига алоҳида бир вазифа юкланган – Кришнани англаш таълимотини бутун Ҳиндистонга ва бутун жаҳонга тарқатиш.

Доктор Шастри: *Унинг қалбини ҳамиша бутун жаҳонда одамлар ҳаёт ҳақида “еб-ишиб, ўйнаб-кулиб қол!” деган моддий тасаввурга эга бўлганлари сабабли мусибатларга дучор бўлиб юргани ҳақидаги фикр қаттиқ қийнарди. Шунинг учун у, Чайтанъя Махапрабху ва ўзининг руҳий устозининг кўрсатмаларини амала ошириб, кун бўйи одамлар орасида юриб тарғибот қиласарди. Унинг ўз ишига бўлган ишончи жуда мустаҳкам ва ўзгармас эди. У олдига қўйган мақсадига албатта эришишига заррача шубҳа қиласди. У дридҳа-вратат (ўзгармас қатъий қарорга эга) эди. Аслини олганда у бетиним тарғибот*

құларди: харер нама харер нама харер намаива кевалам\ калау насти эва насти эва насти гапириб аниятха. – “Харе Кришна намадан бошиңа ҳеч қандай йүл йүк!” У бу ҳақда ҳамма вақт, баъзан тун бўйи гапириб юради. Баъзан ҳатто менинг жонимга тегиб кетарди, шундай мен ундан: “Илтимос, мени безовта қулманг. Илтимос, мен озгина ухлаб олай!” У эса, кекса ёшли киши, меҳнаткаш, миссионер – худди ёши йигитдай шижкоатли эди. Мен унда ҳали ёши йигит эдим, у менга худди дўстимдай, акамдай эди. У менинг раҳбарим, ўқитувчим эди. Ўқитувчи – ҳам дўст, ҳам файласуф, ҳам йўлбоиши.

У ҳамиша “Бҳагавад-гита” ва “Шримад Бҳагаватам” асосида жуда ёқимли муҳит яратишга интиларди. Унинг кундалик турмушида бутун “Бҳагавад-гита” мужассам эди. Унинг миссияси фақат тарғибот қилиши эмас, балки амалий фаолиятга ўргатиш ҳам эди. У мени ҳам шу миссияга хизмат қилиши билан машгул қилишига ҳаракат қуларди, лекин мен бош тортисига ҳаракат қулардим. Мен у бутун жаҳон ҳалқининг онгини ўзгартириб юбориши учун бирор мўъжиза кўрсатади деб ўйламаган эдим, лекин у бизларни айнан шунга чақиради.

Доктор Шастри шифохонасида ишлар экан, Абхай унинг мижозлари билан сұхбатлашарди. Вақти вақти билан уларга баъзи бир дорилар тавсия қилас, лекин кўпинча тарғибот қуларди. Ҳозир у Жхансида ўзининг ҳаётидан, тарғибот қилиб юрганидан мамнун эди. Бу ерда у ҳақиқий ҳаёт билан яшаётган эди – одамлар унинг Харе Кришна мантра зикр қилишга ундайдиган тарғиботларига муносиб жавоб бераётган эдилар. Унинг қалбида ҳамма нарсадан воз кечиб, бирор натижага эришишда факат Кришнага таваккал қилиб, туну-кун тарғибот қилиш истаги тобора кучайиб борарди.

У шаҳарнинг турли жойларида мунтазам равища ҳар хил тадбирларда иштирок этиб, баъзан кунига бир неча марта маърузалар қилиб, киртаналар ўтказа бошлади. Якшанба кунлари у Садхана Мандирда маъруза қилас, бошқа куни Гита Мандирда, кейин Теософлар жамиятида, мунтазам равища шаҳарнинг ҳар хил фуқаролари уйида Кришнага сиғиниш дастурини ўтказарди.

Магазин эгаси ва шоир жаноб Рам Митра уйининг ёнида маъбуд Шиванинг эхромини таъминлаб турарди, шу ерда Абхай мунтазам равища маъруза қилиб, киртана ўтказа бошлади. Баъзан жаноб Митра Садахана Мандирда “Бҳагавад-гита” бўйича хинд тилида фикр алмашиб тадбирини ўтказарди, бу тадбирларда Абхай ҳам иштирок этарди. Баъзан Абхай жаноб Митранинг Жханси бозорида одам гавжум жойда жойлашган идиш-товоқ магазинига бораради. Абхай магазинда бир бирининг устига тахлаб кўйилган, лаган ва

бошқа идиш-товоқлар орасида худди бир харидордай ўтириб олиб, жаноб Митра ва унинг дўстларига "Чайтаня Чаритамрита" ҳақида гапириб берарди. Баъзан эса у жаноб Митранинг янги нашрдан чиққан шеърлар китоби ва унинг шуҳрати ҳақида тингларди.

Жаноб Митра Абхай олдига жуда катта мақсад қўйганини – бутун Жханси шаҳрини Кришна онги билан тўлдиришга қатъий ишонч билан самимий интилиётганини кўрди. Абхай "Чайтаня Чаритамрита"ги бир шеърни мисол келтирди: "Нодир омад соҳиби бўлиб, Ҳиндистондай табаррук заминда туғилиш баҳтига эришган киши биринчи навбатда ўзининг ҳаётини баркамол қилиши, кейин эса, бошқаларнинг баҳт-саодати учун Кришнани англаш таълимотини бошқаларга тарғибот қилиши лозим". "Шунинг учун, жаноб Митра – қўшиб қўярди, одатда Абхай – бутун жаҳон мана шу маънавий революцияни орзиқиб кутяпти". Жаноб Митра унинг гапларини маъқуллар, унинг Неруниги ўхшаган чиройли юзида дарров табассум пайдо бўларди. Лекин у Абхай одамлардан факат унинг гапларини тинглаб ўтираверишдан ҳам кўпроқ нарса кутаётганини, уларнинг ана **шу олий мақсад йўлида бирор нарса қилишга ҳаракат қилишини** истарди.

Бир куни жаноб Митра Абхайга ўзининг китобини кўрсатди, у жуда машхур киши ёзган кириш сўзига эътибор беришни илтимос қилди ва унинг шеърлари буюк садха Виноба Бхавага жуда ёққанини бир неча марта таъкидлади.

Абхай мунтазам равишда сут ичишини билгандан кейин, жаноб Митра уни ҳар куни ўзининг қора сигирининг сутидан меҳмон қила бошлади. "Қора сигирнинг сути алоҳида яхши сифатга эга бўлади" – дерди жаноб Митра. Абхай жаноб Митрадан ўзи билан бирга яқин қишлоқларга тарғибот қилиш мақсадида бир гурӯҳ содиклар билан киртана кўйлаб боришга таклиф қилди, лекин у магазинда ўрнига қоладиган одам тополмагани учун унинг илтимосини рад этишга мажбур бўлди.

Абхайнинг Кришнани англаш таълимотини бутун жаҳон бўйлаб тарқатиш режалари билан қизиқиб қолган яна бир Аюрведа доктори жаноб Сиддхи эди.

*Доктор Сиддхи: У менинг олдимга бир неча марта келди. Ўйимнинг томида киртсан ўтказиши жойи бор эди, у ўзининг киртсанларини шу ерда ва Гита Мандирда ўтказарди. Бизлар ҳар куни Теософлар Жамиятига бориб турардик. У ерда жуда осойишта ва руҳий муҳит, киртана ўтказиши, маъруза ўқии ва тарғибот қилиши учун шароит жуда яхши эди. Одатда у Гармонияда ўйнарди. У одамларга ўзининг миссияси ҳақида гапириб берадиган учрашувларда*

*бизлар у билан бирга бўлардик. Одатда у киртана ўтказар ва "Бҳагавад-гита"дан маъруза қилар, Парвардигор Кришнанинг кароматларидан гапириб берарди. Чаштанийа Махапрабху унинг Худоси эди. Мен уни жуда севардим.*

Гита Мандир ва Садхана Мандир раҳбари Радхелал Маллик Абхай билан мунтазам равишда учраша бошлади.

*Радхелал Маллик: У менга жуда катта таъсир қилди. Одатда мен ҳар куни у билан суҳбатлашиб уч-тўрт соат ўтирадим. Унинг жуда кўп катта-катта китоблари бор эди. У ўша кунлари ҳаммадан кўпроқ Чаштанийа Махапрабхуга бағишиланган китоблар ҳақида ўйларди. У ўша пайтларда ижод ҳам қиларди. Бизлар Гита Мандир раҳбари билан унга овқат тайёрлардик.*

\* \* \*

Радхелал билан эрталаб сайр қилиб юрган кунларининг бирида Абхай биринчи марта Бхарата Бхаванга, Антъя деган катта кўлнинг нариги томонидаги эҳромнинг катта иморатига эътибор берди. Бу мавзу Антъя тал деб аталарди, Сипри Роуд деб аталадиган Жханси ва Сипри Базарни бирлаштириб турган катта йўлга яқин жой бўлиб, одам кам яшайдиган тинч ва сўлим маскан эди.

Абхай Малликдан ана шу эҳром ҳақида сўраб-суриштириди ва улар иккиси сўқмоқ бўйлаб эҳромнинг асосий дарвозаси томон юра бошладилар.

Мана шу ерда манго ва ним дараҳтлари орасида улар бир неча бўш ер майдонларини кўрдилар. Эҳром биносида энг катта иморат Радха Мемориали эди. У худди соат минораси сингари кичик эди, лекин пишиқ ғиштдан чироили қилиб қурилган эди. Мемориал саккиз қиррали тош асос устида осмонга бўй чўзиб турар, унинг гумбазини нақшинкор безатилган саккиз мармар устун кўтариб турарди. Кирадиган катта эшик олдида ўзларининг хартумида омад фариштаси Лакшми кўтариб турган икки фил ҳайкали безаб турарди. Кираверишда тепага “Радха-смарак” деган сўзлар ёзилган бўлиб, инглиз тилида унинг таржимаси тошга ўйиб ёзилган эди – “Радха Мемориали”.

Мармар тошдан қурилган эҳромнинг деворига санскрит тилида ёзилган Харе Рама Харе Рама Рама Харе Харе деган ёзувларни кўриб, Абхай Радхелал Малликка ўгирилиб қаради ва қатъий ишонч билан шундай деди: “Парвардигор бу бинони айнан мен ундан

фойдаланишим учун қурдирган!" Ана шу пайтдан бошлаб Абхай шу бинони күлгө киритиш ҳақида бош қотира бошлади.

Жаноб Маллик гапириб бердики, бу эхром 1939 йилда, бадавлат ер әгаси ва ваяшнав Радха Бхай хотираси учун қурилған бўлиб, ҳозирги даврда ундан ҳеч ким фойдаланмаяпти. Абхайга таниш бўлган ва бир неча марта учрашган Доктор Прабхакар Мишра эхромнинг бир неча хонасини эгаллаб олган эди, лекин унинг бошқа кўплаб хоналари бўш турибди. Жаноб Маллик Абхай билан бирга доктор Мишрани унинг асосий бинодаги квартирасидан излаб топдилар. Доктор Абхайнинг қанчалик ихлос билан ёниб турганини кўриб, ундан шу ерда қолишни илтимос қилди. Доктор Мишра айтдики, бу ерда фақат бозор қунлари эрталаб у "Бҳагавад-гита"дан маръзуза қиласиди, бошқа вақтларда бу хоналар бўш туради. Шунинг учун у Абхайни ўзининг ижод ишлари билан шу ерда шуғулланишини таклиф қилди.

Унинг таклифи Абхайга ёқди. У бу бинодан қандай мақсадларда фойдаланиш кераклиги ҳақида ўйлай бошлади. Абхай хаёлан қайси хонадан қандай фойдаланиш режаларини туза бошлади: мана бу хонада жуда кўп одалар иштирокида киртана бўлади ва маърузалар тингланади; мана бу хонада Чайтаня Махапрабхунинг Илохи ўрнатилади; мана бу хонада саннийаси ва браҳмачарилар жойлашади; меҳмонлар бу хонада бўладилар; мана бу хона –иш хонаси бўлади; босмахона мана бу хонада жойлашади. Бу ерда ҳатто сигир бокса бўладиган яйлов ҳам бор эди. Бу - ҳамма қулайликларга эга бўлган катта комплекс эди. Бу ерда юзлаб одамлар киртан куйлашлари, прasad қабул қилишлари ва маъруза тинглаб, сухбатлашишлари мумкин. Кўчада одамларга "Худога қайтиш" журналини тарқатадиган одамлар эрталаб ман шу ердан чикиб кетишлари мумкин. Баъзи бировлар Парвардигор Чайтаня таълимотини тарғибот қилиш учун ҳатто чет элга ҳам чиқишли мумкин.

Абхай ва унинг ҳамроҳлари бу бино шу ерда ашрам ташкил қилишга қанчалик яроқли эканлигини режалаштириб, эхромни айланиб юрар экан, ҳамроҳлари Абхайнинг қатъиятини яна ҳам ошириб, унга аайтдиларки, агар шу ерда қолиб иш олиб бораман деса, Радха Бхайдан мерос қолган барча кўчмас мулкларнинг бошқарувчиси жаноб Рева Шанкар Бхаял бу бинони унга беришга эътиroz билдиримайди. "Бу бинонинг әгаси бу эхромни менга берса бўлмайдими? – сўради Абхай. -Хозир у шунчаки бўш туриб ишдан чикиб боряпти. Агар бу ҳақиқатан ҳам Радхега ёдгорлик бўлса, ундан Радхаранининг севимли Ҳукмдори бўлган Парвардигор Кришнага хизмат қилишда фойдаланиш лозим".

Абхайнинг қарори қатъий эди, дўстлари ҳам унга бу ишни амалга оширишда ёрдам бершга ваъда бердилар. Биринчи навбатда улар Рам Митра билан учрашдилар, у айтдики, жаноб Бхаял билан шунчалик яқин дўстки, унинг илтимоси билан у бу ерларни шу заҳотиёқ Абхайга беради. Доктор Шастри ҳам жаноб Бхаялнинг олдига бориб, унга Абхайнинг мана шу ерда яшаси Жханси аҳолиси учун қанчалик муҳим эканини тушунтиришини айтди. Рева Шанкар Бхаялнинг ўз дўсти Рам Митра билан бўлган учрашувида шунингдек, Абхай, Доктор Шастри, Радхелал Маллик, Прабхакар Мишра ва ёш зиёли аёл Суръямуҳхи Шарма ҳам иштирок этдилар.

Улар вазиятни бир неча нуқтаи назардан тушунтириб бердилар, жаноб Бхаял уларнинг ҳар бирининг гапини диккат билан тинглади. У ҳозирги пайтда бинодан ҳеч ким фойдаланмаётганини тан олди, шу боис уларнинг бу таклифи унга ёқди. У Абхайга бу ерда “Содиклар Жамоаси”ни ташкил этиш учун бинони чекланмаган вақтгача бериб туришга розилик билдириди. Абхайнинг илтимоси билан у ҳам Жамоа аъзоси бўлишга рози бўлди. Улар бир бирлари билан қўл қисишиб, “шартномани тасдиқладилар”. Бутун хонадони номидан жаноб Бхаял Бхарати Бхаван ер майдонини Абхай Чаранга ва “Содиклар Жамоаси”га эҳсон қилди.

\* \* \*

Абхай декабрь ва январь ойларида “Содиклар Жамоаси”нинг уставини тайёрлади. У ўзининг руҳий устозидан ўрнак олиб, кенг халқ оммасига шиддатли равишда тарғибот қилишни бошламоқчи эди. У ўзининг режаларини қоғозга кўчиришга киришиб қараса, унинг тарғибот қилиш дастури дарров кенгайиб, Жханси, Ҳиндистон чегараларидан ҳам чиқиб кетди. Албатта, “Содиклар Жамоаси” Жханси ёшлари учун мўлжалланган эди, улар Кришнани англаш таълимотига жуда қизиқиши билдирган эдилар – лекин, Абхай ёзган устав, шунчаки кечқурунги киртан ва маъruzадан бошқа жуда қўп нарсаларни ўз ичига оларди. У жамиятнинг тўрт табакаси ҳақидаги тушунчаларни ҳамда бутун жаҳон диний Ҳаракатининг фАООлиятини батафсил режасини ўз ичига олган катта дастур тузган эди. Уставда бўлғуси аъзолар учун қўйиладиган синов даври, руҳий фотиха бериш қоидлари, Жамоа билан унинг ҳар бир аъзосининг молиявий муносабатлари, тарғиботчиларни турар жой билан таъминлаш тартиби ҳам, таъкиданган нарсалар қатъий тартибда белгиланган эди: “Аёллар билан ноқонуний алоқа қилиш, маст қилувчи нарсалар истеъмол қилиш, вегетариан таомлардан бошқа овқатлар истеъмол

қилиш, қимор ўйинлари ва ҳар хил бемаъни спорт ва эрмак турлари” қатъяян ман қилинади.

Юридик манзили Лакнауда бўлган “Содиклар Жамоаси”ни ташкил этиш учун Абхай Жамоанинг барча аъзолари имзо чеккан “Жамоанинг Меморандуми”ни ёзиши керак эди. Ташилотнинг асосий вазифалари кўрсатилган бу хужжатда Абхай ўзининг руҳий устозининг миссиясини қандай давом эттиришни кўз олдига келтирганди. Худди Гаудия Матх тарқалиб кетгандан кейин, ҳар ким ўзининг матхларини ташкил этган руҳий оғайниларига ўхшаб, Абхай ҳам, Гаудия сампрадайанинг янги шохобчасини ташкил этиб, уни “Содиклар Жамоаси” деб атаган эди. У шунчаки бир неча бинога эгалик қилишга интилаётгани йўқ эди, у Кришнани англаб етган кишилар жамоасини ташкил этган, бу жамоа кейинчалик Халқаро Ҳаракатга айланиб кетиши керак. Унинг режалари чексиз бўлиб, бутун жаҳон бўйлаб “руҳий юксалиш марказлари”ни очишга қаратилган эди. Абхай шундай деб ёзади: “Парвардигор Чайтанья Худонинг Олий Шахси билан алоқа ўрнатишнинг илоҳий жараёнини очиб берди, Унинг таълимотида sogлом фикр нұқтаи назарида бирор бемаъни гаплар ҳам, sogлом фикрли инсонлар ва зиёли кишилар тан оладиган бирор ҳақиқий дин қоидаларига зид келадиган жойи ҳам йўқ”. Жамоанинг мақсадларидан бирини у бутун жаҳон бўйлаб марказлар очиш деб белгилади ва шу тариқа Жамоани “ҳар қандай миллатга, эътиқодга ва табакага мансуб одамларни аъзо килиб оладиган ва таълим, маданият орқали руҳий юксалиш Халқаро ташкилоти” деб атаган эди. Жамоа кўплаб тилларда Худо ҳақидаги илмни тарғибот қиласиган адабиётлар ва "Худога қайтиш" ойлик журналини нашр қилиши керак эди.

Абхай Жамоа Меморандумига керакли имзоларни тўплаб бўлгандан кейин Лакнауга йўл олиб, шу ерда 4-феврал куни эллик рупий бадал тўлаб, ариза бланкасини тўлдирди ва яна Жхансига қайтиб келди.

\* \* \*

Абхай Радҳа Мемориалидаги ўзининг хонасида ҳар куни эрталаб соат тўртда уйғонар ва қўшниси Прабхакар Мишрани уйғотарди. Соат бешгача у ёзарди, бешда Антъя Талга сайр қилгани чиқарди, беш яримда ювинарди, кейин соат еттигача мантра зикр қиларди, кейин "Бҳагавад-гита" ёки "Шримад Бҳагаватам"дан маъруза қиласиди. Одатда маъруза тингловчи факат Прабхакар Мишра бўларди. Соат саккизда у яна ёзишга ўтиради, соат ўнгача у машинкада ёзарди, кейин овқат тайёрлагани киришарди. Тушлиқдан кейин у Жханси бўйлаб айланиб, одамлар билан учрашарди, тарғибот қиласиди,

“Содиклар Жамоаси”га аъзо бўладиган янги кишиларни изларди. Кейин кеч соат еттигача у яна ёзишга ўтиради, кейин шаҳарнинг уни тақлиф қилган турли жойларида бўладиган маъруза ва киртанга тайёргарлик кўрарди. Гарчи “Худога қайтиш” журналини нашрдан чиқаришда давом эттиришга хозир Абхайнинг пули бўлмаса ҳам, у барибир журнал учун мақолалар ёзишда давом этарди. У тахминан йигирма тўрт минг сўздан иборат бўлган “Худонинг амри” деган катта бир очерк ёзди. Шунингдек у “Бҳагавад-гита”нинг бир неча бобларини жаҳон муаммолари нуқтаи назаридан таҳлил килиб чиқди, ва Рупа Госвамининг “Бҳакти-расамрита-синдху” асарининг қисқача баёни бўлган “Садоқат Лаззати” китобини тайёрлади.

\* \* \*

1953 йил 16 май куни “Содиклар Жамоаси”нинг расмий равишда очилиш маросимини эрта тонгдан то коронғу кечгача давом этган узок вақт маъруза ўқиш, киртана ва прасад тарқатиш билан катта тантана қилиб ўтказди. Кечқурун, айниқса кўп иштирокчилар тўпланганида Абхай “Бҳагавад-гита”нинг Раджа-гухия йога деб аталадиган тўққизинчи бобидан маъруза қилди. Прабхакар Мишра олов ёқиб қурбонлик маросими ўтказди, бир неча браҳманлар “Брахмасамхита”дан мандралар ўқидилар. Ҳар бир келган меҳмон “Содиклар Жамоаси” ва унинг максадлари кўрсатилган ўн олти варакли проспект оларди. Абхай Проспектларга “Оум Тат Сат. Абхай Чаранаравинда Бҳактиведанта, “Содиклар Жамоаси”нинг асосчиси ва Раиси” деб имзо чеккан эди. “Содиклар Жамоаси”нинг очилиш маросими Жханси шаҳрининг ҳаётида ёқимли в саҳоватли кун бўлди, шаҳарнинг юзлаб одамлари кечқурун Абхайнинг маъruzасини тинглаш учун йифилдилар. Жамоанинг фаҳрий аъзоси Доктор Шарма ва Жханси кундалик газетасининг муҳаррири бу тантана ҳакида олдиндан эълон бериб, кейинчалик уни батафсил таърифлашни режалаштирган эди. “Содиклар Жамоаси”нинг очилиши ҳакида “Гаудия Патрика”да ҳам мақола бор эди.

“Теософия Жамияти” журналининг муҳаррири Шри Лакшминарайян Раджапати ҳам маросимда иштирок этарди; Бҳактиведанта Прабху билан унинг фалсафий дунёқарашлари бир биридан фарқ қилса ҳам, у бу Ҳаракатни қўллаб қувватларди; маросимда тилга олишга муносиб бўлган жуда кўп обрўли кишилар иштирок этдилар. Намойиш иштирокчилари Раджапати Шри К.М.Муншидан қурбонлик маросими ўтказишни илтимос қилдилар. Бу марказ жамиятларни қайд қилиш актида рўйхатдан ўтган эди. Шри Бхарати Бхаван – “Содиклар Жамоаси” жойлашган бинонинг номи,

унда маъруза қилиш учун катта зал, саройга ўхшаган катта эхром бор. Жамият бу марказда ҳар хил фаолият билан шугулланади, Бхарати Бхаванда жамоа аъзолари учун турар жойлар ҳам бор”.

Энди Бхарати Бхаван “Содиклар Жамоаси”нинг ўзгармас манзили бўлиб қолишига Абхайнинг ишончи комил эди. Жамоанинг очилиш маросими фақат унинг шахсий иши эмас, балки шаҳарнинг энг обрўли кишилари учун ҳам катта байрам бўлганини кўриб жуда баҳтиёр эди.

\* \* \* \*

Унинг аввалги ҳаёти ундан тобора узоклашиб бораётгандай кўринарди. Лекин бир куни, у Жхансида олти ойдан кўпроқ вақт ўтказганидан кейин, унинг аввалги муносабатларини эсига тушириб қўйган бир нохуш хабар келди. Келган телеграммада унинг Аллахабаддаги корхонаси талон тарож килинган эди. Унинг хизматкорлари корхонадаги пулларни, дори дармонларни ва бирор қийматга эга бўлган нарсаларнинг ҳаммасини олиб кетган эдилар. Етказилган зарар етти минг рупийча бор эди. Абхай телеграммани ўқиб кулиб юборди ва яна "Шримад Бҳагаватам"даги шеърни эслади:

*Ясьяхам анугриханами  
Хариишье тад-дханам шанайх  
Тато дханам тийаджсанти асая  
Сва-джсана духкха-духкхитам*

“Мен кимга алоҳида меҳрибонлик қилмоқчи бўлсам, аста-секин унинг барча моддий бойлигини тортиб оламан. Ана шундай қашшоқ ва ачинарли аҳволга тушиб қолган кишидан барча дўстлари ва қариндошлари юз ўғирадилар”.

Абхайнинг ўғли, Бриндабан орадан сал ўтмай Жхансига келди ва отасидан эски “Абхай Чаран Дэ ва ўғиллари” деган корхонани оёққа турғазиш учун Калькуттага қайтиб келишни илтимос қилди. Радха Мемориалидаги ўзининг хонасида Абхай ўғлига энди оиласига қайтиб боролмаслигини тушунтирди. У ўғидан шу ерда қолишни ва машинкада ёзиб, унга ёрдам беришни илтимос қилди, лекин ўғли унинг илтимосини рад килиб, Калькуттага қайтиб кетди.

Биринчи марта учрашган кунидан бошлаб Абхай зиёли ёш йигит Прабхакарни “Содиклар Жамоаси”нинг фаолиятида фаол иштирок этишга ундарди. Гарчи ўқитувчи ва тибиёт ишчиси сифатида Прабхакарнинг Университетда ишлари жуда кўп бўлса ҳам, у Абхайга қўлидан келганча ёрдам берарди. Сал ўтмасдан у Абхайнинг энг яқин ёрдамчисига айланди. Абхай уни Жамоанинг котиби қилиб тайинлади ва бир неча ойдан кейин унга фотиха берди. Шундай килиб, Абхай

Прабхакарнинг руҳий устози бўлди, Прабхакар эса, унинг биринчи шогирди бўлди. Тарғиботчи сифатида Абхай ўзига шогирдлар қабул қилиши, уларга Харе Кришна маҳа мантра бериши ҳамда парампара кўрсатмаларини ўзи руҳий устозидан қандай олган бўлса, шундайлигича уларга етказиши шарт эди. Лекин Прабхакар ўзини руҳий устозига бутунлай топширган шогирд эмасди, у мустақил ҳаракат қилиб, кўпинча ўзини унинг шогирд эмас, балки кўпроқ ёрдамчисидай тутарди. Университет ректори, санскритолог, тиббиёт доктори сифатида у ўзининг ишлари билан ҳам шугулланишда давом этарди.

*Шрила Прабхупада: Содиклар Жамоасида мен бир ўзим эдим. Бир неча талабалар бор эди, лекин улар унчалик фаол эмасдилар. Ҳамма ишини бир ўзим қиласдим. Мен ташкилотга Прабхакар Мишра ва бошқаларни жалб қилмоқчи эдим, лекин уларни келажакда бу ишига ўзларини бутунлай бағишилаши унчалик қизиқтирилмасди. Агар мен ундан жамоанинг фаолиятига ўзини бутунлай бағишилашини илтимос қилсан, у бунга қўнмаган бўларди. Лекин барибир у мендан фотиҳа олди. Уларнинг ҳаммаси санскритолог олимлар эди.*

Шунинг учун, “Гаудия Патрика”нинг Жамоанинг очилиш маросими ҳақидаги мақолада Прабхакар олий мартабали киши сифатида хурмат билан тилга олиниб, “Содиклар жамоаси”да Абхайнинг ҳамкори деб айтилган эди. Лекин аслида у Шрила Бхактиведантанинг шогирди эди. “Бхактиведанта Прабху машхур Ачарья, кавъя(шоир), въякарна(грамматик), веданта(файлласуф)тиртха, санскрит бакалаври, тиббиёт магистри Шримад Прабхакар Мишра Шастрини қурбонлик маросими ўтказишга таклиф қилди. У – Веда ва Веданглар ўрганиладиган ва илмий унвонлар бериладиган коллеж ректори, шунингдек, у – “Содиклар Жамоаси” бошлигининг ёрдамчиси.

Абхай бу ёш йигитни макон ва шароитга қараб Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул қилганди. Абхай ўзига кўплаб шогирлар орттиришга эмас, балки “Содиклар жамоаси”ни ташкил этишига интиларди. Бунинг учун эса, унга ёрдамчилар керак эди.

Прабхакар Мишра: Биринчи марта учрашганимиздаёқ Свамиджи менга: “Сен браҳман ва прабхакарсан, лекин ресторонда овқатланасан? Меникига юр, мен ўзим сенга овқат пишириб бераман” - деди. Шундай қилиб, бизлар парсадам тайёрладик, Парвардигорга таклиф қилдик ва бхагават-прасадамни бирга қабул қилдик. Шундай қилиб, унинг марҳамати билан мен прасадамдан тотиш баҳтига муяссар бўлдим. Шунингдек у менга: “кеша-хин(сочингни олдир!)” – деди. Шундай

қилиб, мен сочимни қириб олдириб, ўзим дарс берадиган коллежга бордим, ҳамма устимдан куларди. Мен вазиятни Свамиджига тушунтиридим, кейин у: “Сен тиббиёт ходимисан, шунинг учун соч ўстириб юришинг мумкин” – деди.

Мен дикша олганимда Свамиджи менга Ачарья Прабхакар деган ном берди. Аввал менинг исмим Прабхакар Мишра эди, лекин у: “Мишра деб ёзма. Сен – Ачарья Прабхакарсан” – деди. У менга ном, туласи-мала берди, пешонамга тилака кўйди, бўйнимга кантхи-мала боғлади. У “Содиклар Жамоаси”ни рўйхатдан ўтказиб, мени Кришнани англаш таълимотини бутун жаҳон бўйлаб тарғибот қилишда ўзининг котиби қилиб тайинлади. Бизлар ҳамиша киртана ўтказиш ва "Бҳагавад-гита"дан маъруза қилиш учун ҳар хил қишлоқларга борардик.

\* \* \*

Абхай Жхансида санкirtana Ҳаракатини бошлаган эди. Аввалига у факат Ачарья Прабхакар билан бирга Найбхasti туманига бориб Харе Кришна куйладилар. Лекин у ўзининг бу ишини давом эттириди, аста-секин унинг атрофида одамлар кўпая бошлади, ниҳоят улар эллик киши бўлдилар, улар энди парикрамага чиқиш, биргаликда Харе Кришна куйлаш ва эхромларга бориш учун муентазам бир жойга тўпланишиб турардилар. Кейин улар одатда Радха Мемориалида кечкурунги маърузани тинглаш учун тўпланардилар.

Одатда, Абхай кўшни қишлоқларга тарғибот қилгани борганида, ўзи билан бирга Жамоа аъзоларидан бўш вақти бўлган бир кишини олиб юрарди. Бир куни Ачарья Прабхакар билан бирга у Жхансидан 20 чақирим узоқда жойлашган Чхиргоан қишлоғига пада-ятра(пиёда саёҳат қилиб юриб тарғибот қилиш)га борди. Чхиргоанда ўша пайтда машҳур ҳалқ шоири Майтхили Шаран Гупта яшарди, у Абхай билан унинг шогирдини ўзиникига тушликка меҳмонинг чақириди. Абхай мезбонга айтдики, у ҳалққа танилган маданиятли шоир бўлгани учун энди у Парвардигор Кришнани шарафлайдиган шеърлар ёза бошлиши лозим, шоир унинг гапларига рози бўлди. Чхиргоанда тарғибот қилишни тугатиб, Абхай билан Прабхакар йўлдаги ҳар бир қишлоқда бир кун тўхтаб, яна Жхансига қайтиб келдилар. Кечкурунлари маҳаллий аҳоли тўпланарди, Абхай киртан ўтказарди. У Прабхакарга тушунтиридики, гарчи бу қишлоқи одамларнинг кўплари "Бҳагавад-гита" ёки "Шримад Бҳагаватам" билимдони бўлмаса ҳам, барибир, киртанда иштирок этиб ўзлари учун жуда катта руҳий фойда оладилар. Қишлоқ одамлари Абхайнин хурсанд бўлиб кутиб олардилар ва ундан қишлоқка яна бир марта ташриф буюришни, лекин, уни

муносиб қутиб олиша тайёргарлик кўришга улгуришлари учун қачон келишини олдиндан хабар беришни илтимос қиласдилар.

Жханси атрофида тарғибот қилас экан, Абхай ўзи асос соглан “Содиклар Жамоаси”нинг фаолиятини халқаро миқёсга кўтаришга ҳам ҳаракат қиласди. У ўзи бошлаган жиддий таълим дастурини кенгайтиришга ёрдам беришларини сўраб, ҳукумат органларига мурожаат қилди, шунингдек, тарғибот ишларига ўзининг эски дўстларини ҳам жалб қилишга ҳаракат қила бошлади. У Калькуттага, ўзининг мактабдош дўсти Рупен Митрага хат ёзиб, уни бутун жаҳон миқёсидаги миссионерлик фаолиятида иштирок этишни таклиф қилди.

“Бу миссия учун мен қирқта шогирд тайёрламоқчиман, ана шу таълим тарбия дастурига ёрдам беришларини сўраб Ҳукумат раҳбарларига мурожаат қилдим. Мен сенинг ана шу шогирдлардан бири бўлишингни истардим; Картиқдадани ҳам бу ишда бизларга қўшилишни илтимос қил. Менг сенга юбораётган газеталардан бизларнинг қандай яшаб, нима билан шугулланиб юрганимизни билиб оласан. Шундан кейин бу иш сенга тўғри келадими йўқми ўзинг ҳал қилассан. Биринчи навбатда бизлар дунёвий ишлардан четлашган бир неча ёши ўтган кишиларни ванапрастха турмуш тарзига, бир неча ёш болаларни браҳмачари турмуш тарзига ўргатмоқчи эдик. Қизил либос кийиб олган саннийасилар руҳий ҳаётнинг бу тарзининг обрўсини ерга уриб бўлдилар. Рупен, илтимос, куйидаги эълонларни инглиз ва хинд тилида бизларнинг газеталарда босиб чиқариш қанча туришини аниқлаб, менга хабар бер.

## Таклиф қиламиз

Барча амалий мақсадларга эришиш йўлида "Бҳагавад-гита" таълимотини бутун жаҳон бўйлаб тарғибот қилиш учун ўзида ҳақиқий браҳманларнинг илоҳий фазилатларини ривожлантиришни истаган, ҳар қандай миллатга мансуб бўлган номзодлар таклиф қилинади. Муносиб номзодлар бепул турар жой ва овқат билан таъминланади.

Содиклар жамоасининг асосчиси ва раҳбари А.Ч.  
Бҳактиведантага мурожаат қилинг. Бҳарат Бҳаван. П.О.  
Жханси(У.П.)

Абхай Чаран Дэ.”

\* \* \*

Абхай Бхарати Бхаван ҳақиқатан ҳам “Содиклар Жамоаси”га тегишли эканини тасдиқлайдиган ҳужжат бўлишини истарди. Ҳозир бу бино фақат оғзаки равишда унга тегишли эди. Жхансида Жамоанинг марказини узоқ вақтга жойлаштириш учун у бино ҳақида ёзма ҳужжатга эга бўлмоқчи эди. У Рева Шанкар Бхаялга мурожаат қилиб, бинони Жамоага эҳсон қилгани ҳақида ҳужжат беришни илтимос қилганида, у бинони рўйхатдан ўтказиш учун беш юз рупий сўраб, унга ҳужжат берди. Лекин Абхай яқинда етти минг рупий бойлигидан маҳрум бўлган, тарғибот қилиш (асосан Жамоанинг очилиш маросими харажатларига)ишларига уч минг рупий сарфлаган эди, шунинг учун ҳозир беш юз рупий тўплаш Абхай учун жуда катта муаммо эди. Ачаръя Прабхакар, гарчи академик лавозимини эгаллаб турган бўлса ҳам, жуда кам маош оларди, ота-онаси унга кунига уч рупий пул берардилар. Абхайнинг кўпчилик шогирдлари асосан талабалар бўлиб уларда пул йўқ эди, келадиган меҳмонлар ҳам бадавлат кишилар эмасди. Жаноб Бхаялнинг беш юз рупий тўлаш ҳақидаги илтимоси айнан ҳозир қилиш шарт бўзлган иш эмасди, шунингдек у агар Абхай шу пулни тўламаса нима бўлишини ҳам айтмаганди. Лекин, орадан сал вақт ўтмасдан у бошқа бир таклиф билан мурожаат қилди: жаноб Абхай Чаран Де Бхарати Бхаванни беш минг рупийга сотиб олиши керак.

Унинг бу таклифи Абхайнини бутунлай саросимага солиб қўйди. Олийжаноблик билан қилинган эҳсон бирданига сотиб олиш учун таклифга айланди. Шахардаги одамлар бу ерни аллақачон Абхай Бхактиведантанинг ашрами деб атардилар, унинг деворига катта ҳарфлар билан “Содиклар жамоаси” деб ёзиб қўйилганди. Абхайнинг дўстларининг тазиёки остида жаноб Бхаял уларни ишонтириб айтдики, Абхай шу ерда яшашда давом этиши мумкин. Лекин, барибири охир оқибатда у ер майдонини сотиб олиши керак бўлади. Жаноб Бхаял “Содиклар Жамоаси” учун бинонинг баҳосини жуда кам қўйишига ваъда берди.

Абхай эр эгаси яна нима гапларни ўйлаб топишини тасаввур қила олмаганидан қаттиқ қийналарди. Албатта, “Содиклар Жамоаси” учун энг яхшиси бу жойни сотиб олиш эди. Лекин у ҳозир беш минг рупий нари турсин, беш юз рупий тўплашга ҳам қодир эмасди. Абхай ўзининг бирлашмасида ўзини моддий томондан қўллаб-куватлайдиган манбани тополмади. Жамоада ўзини бутунлай шу миссияга бағишилайдиган бирор одам йўқ эди. Унинг ҳар бир аъзоси жамоа фаолиятида фақат ўзининг **шахсий истакларини амалга оширишдан қолган** имкониятига яраша иштирок этарди.

У шунча пулни тўплашнинг фақат бир йўлини биларди: бу унинг ўзининг аввалги иши, дори-дармон ишлаб чиқариш билан

шүгүлланиш. Ҳали унинг бир неча савдо-сотиқ ҳаракатлари сақланиб қолган бўлиб, уларни Калькуттада ўғли бошқариб турган эди. Авваллари Абхай ойига уч минг рупий пул ишлаб топарди. У ёрдам сўраб ўзининг руҳий оғайниларига мурожаат килиш ҳакида ўйлаб кўрди, лекин унга ўзининг пул ишлаб топгани маъкулроқ кўринарди. У ўттиз йил давомида дори-дармон билан савдо қилиб пул ишлаб топган эди, ҳозир ҳам у пул сарфлашга муносироқ бўлган олий мақсад йўлида шу иш билан шуғулланиб пул ишлаб топиши мумкин эди.

\* \*\*

1954 йилда у Калькуттага келганида унинг ҳеч қандай пули йўқ эди. Шунда у оиласи яшайдиган жойга яқин бўлган Чхетлдаги Гаудия Сангадаги руҳий оғайниларининг ёнида яшашга карор қилганди. Унинг пули бўлмагани учун ашрам бошлиги унинг барча харажатларини ўз зиммасига олган эди. Абхай ҳар куни "Шримад Бҳагаватам"дан сұхбатлар олиб бораради, Гаудия Сангадаги оғайнилари унинг сұхбатларига жуда катта баҳо берардилар.

*Кришна Кумара Браҳмачари: Ҳатто у кетгандан кейин ҳам унинг ёқимли овози анча вақтгача қулогимдан кетмай юрганди. У чет элга чиқиб тарғибот қилиши истаги борлигини жуда кўп гапиради.*

Абхайнинг ўғилларидан бири унчалик катта бўлмаган "Лаборатория Вималтон" деган бир корхонани бошқарар ва шу йўл билан оиласи тебратиб турарди. Абхай ўзининг Жхансидаги фаолияти хотинини қизиқтирмаслигини биларди; ўғли Жхансида бўлганди, лекин отасининг қилиб юрган ишлари унда катта тааассурот қолдирмаганди. Қариндошлари унинг Жхансидаги тағибот ишларини оиласининг фаровонлигига рапхна солиш деб биларди. Абхай эса, Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиш орқали бутун жаҳонни ўзgartириш фояси билан яшарди, энди унинг бу режаси унга аниқ амалга ошадигандай бўлиб кўрина бошлаганди. У ҳатто "Содиклар жамоаси"нинг бир бўлимини Калькуттада очиш ҳакида ҳам ўйлаб кўйганди.

Лекин у яна оила ташвишларига ғарқ бўлиши керак эди: унинг болаларидан баъзи бирлари ҳали оила қурмаганди, квратиранинг ижара ҳаки ва бошқа харажатлар ҳали тўланмай ётганди. Ҳатто у "Вималтон Лабораторияси"ни бошқаришни ўз қўлига олса ҳам, оиласи у ишлаб топган пулларнинг ҳаммасини ундан олиб кўяди. Ҳатто у уларнинг талабини қондириб, улар билан бирга яшашга рози бўлса ҳам, барибир унинг олдида катта тўсиқ – оила аъзоларининг

Худога садокат билан хизмат қилишга бўлган ёмон муносабати - ўзгармай қолаверади. Абхай уларни ўзгартира олмади.

Агар оила аъзолари Худонинг содиклари бўлмаса, улар билан биргаликда бизнес билан шугулланишдан нима фойди? У оиласига борди, лекин яна аввалги аҳвол тақрорланди. Унинг дўстлари меҳмонга келишди, Абхай уларга тарғибот қилди, худди Жхансидагидек "Бҳагавад-гита"дан маъруза қилди. Унинг хотини ва болалари эса, бу пайтда бошқа хонада чой ичиб ўтирадилар.

Шрила Прабхупада: *Мен хотинимга ёрдам берии учун уни ҳам Кришнани англаши таълимотини тарғибот қилиши ишларига жалб қилишга қўлимдан келганча ҳаракат қилиб кўрдим. Лекин у жуда ўжар чиқди. У Кришнани англаши таълимотини тарқатишда менга ёрдам бермади. Ниҳоят, орадан шунча йил ўтгандан кейин тушуниб етдим – у ҳеч қачон менга ёрдамчи бўлолмайди.*

У чой ичишини яхши кўрарди. Мен шунча марта ундан чой ичмасликни илтимос қилдим, чунки мен ҳақиқий валинавлардай тартибли оиласда яшишини истардим. Мен бу ҳақда унга бир неча марта гапирдим, ниҳоят бу гал мен унга шундай дедим: *Етар, энди ўзинг иккисидан бирини танла: ё мени, ё чой ичишини. Ё чой ичишини ташлайсан, ё мен бутунлай кетаман*". Мен ҳатто оиласмининг боиқа аъзоларини ҳам койирдим. Лекин, улар мени отам, эрим деб ҳисобласалар ҳам, менинг айтганларимни қилмасдилар. Шунда хотиним шундай деди: "Чойдан ёки эрдан воз кечиш? Албатта, мен эрдан воз кечаман". У мени ҳазиллашяпти деб ўйлаган бўлса керак.

Бир куни Радхарани тузатиб бўлмайдиган хатога йўл қўйди. Ҳиндистонда шундай савдо тури бор: бунда харидор тарозининг бир палласига ўзи олиб келган бирор қадрли нарсани қўяди, иккинчи палласига эса, сотувчи унинг истаган нарсасидан то тарози паллалари тенглашгунча қўя бошлайди. Бир куни уйда Абхай йўқ пайтда, хотини унинг ўқиб юрган "Шримад Бҳагаватам" китобини бозорга обориб чой билан ичадиган печеньега алмашиб келди. Абхай келиб китобини излай бошлаганида, хотини унга китобни печеньега алмашиб келганини айтди. У бўлиб ўтган воқеага жиддий ўтибор бермаганди – шунчаки унинг чой билан ичадиган печеньеси тамом бўлганди, шунга китобни печеньега алмашиб келган эди, шунгаям ота гўри қозихонами? Лекин бундан Абхайнинг фигони фалакка чикиб кетди. Аввалига у оғир тушкунликка тушганди, лекин кейинроқ сабр косаси тўлиб, оиласини бутунлай тарқ этишга қатъий карор қилди: хотинининг ана шу иши уларнинг оиласвий ҳаётига чек қўйган эди.

Абхай уйидагиларга бутунлай кетмоқчи эканини айтганида, улар унинг нимани назарда тутаётганини тушунмадилар. Ўттиз йил давомида у шунча марта сафарга кетиб, кейин яна қайтиб келганди. У: “Кетаман!” – деб эшик олдига келганида, улар: “У яна қаергадир кетяпти” – деб ўйладилар. Бу улар учун одатдаги ҳол эди. Буни ҳамма кўрди, ҳатто кўшнилар ҳам – жаноб Дэ яна кетяпти. У уйида эди, энди кетяпти. Лекин, Абхай энди уйига ҳеч қачон қайтиб келмаслигини биларди.

Шрила Прабхупада: *Оиламни ташлаб кетишдан аввал мен болаларимни уйлантириб қизларимни эрга бермоқчи эдим. Лекин уларнинг баъзилари бунга кўнмадилар. Кейин эса... Кейин бунга вақтим бўлмади. Улар оила қуришибими, йўқми, бу ҳақда ўйлашига вақтим йўқ эди. Энди ҳаммасини ўзлари ҳал қиласверсинглар. Агар мен ҳозироқ ўлиб қолган бўлсан, қизимга ким гамхўрлик қилган бўларди? Бундай пайтларда одатда шундай дейдилар: “Худонинг ўзи гамхўрлик қиласди”. Нимага мен ҳам шундай деб ўйламаслигим керак? Худонинг Ўзи гамхўрлик қиласди. Руҳий устозим оилани одатда: “Фуқаронинг ўзини ўзи ўлдириши” – деб атарди. Ўзини ўзи ўлдириши - оғир жиноят. Лекин менинг ишим(оилани тарк этиши) худди ўз ихтиёри билан ўзини ўлдиришга ўхшайди: энди мен ўлганман. Истаган ишингизни қиласверинглар!*

Кришна: *сарва дхарман паритайаджна – “Ҳамма динларни тарк эт” - дейди. Оила – гриха-дхарма – оила дини. Кришна: уни тарк эт, деган. Лекин бизнинг қабимизда боғланиши бор. Биз боғланиши туйғусидан аста-секин ҳалос бўлиши керак деганда, бу дегани, биз оиласвий ришиналарни бирданига узуб ташлай олмаслигимизни назарда тутмамиз. Чунки қалбимизда ана шу боғланиши сақланиб қолган. Декин, мен тўсатдан ўлиб қолсан, оиласмага Худонинг Ўзи гамхўрлик қиласиган бўлса, нимага У ҳозир ҳам оиласмага гамхўрлик қилмас экан?”*

Унинг руҳий кечинмалари шунчалик тугёнга келган эдики, у ҳатто Жхансига боришини ҳам истамасди. У поездга ўтириб истаган, боши оққан томонга кетишни истарди. У ўзининг эски дўстларини, руҳий оғайниларини, Калькуттага яқин жойда, Жарграмдаги ашрамда яшайдиган Худонинг содикларини эслади. У бир дўстидан ўн рупий қарз олди ва Жаргартмгача чипта сотиб олди.

Бу унча катта бўлмаган матх эди. Абхайнини Парамахамса Махараж, Дамодара Махараж ва бошқалар кутиб олишиди. Парамахамса Махараж Абхайнинг биринчи марта Шрила Бхактисидханта Сарасвати билан учрашганида ҳам иштирок этган, ва

ўша пайтда Абхай қандай лиbosda эканини ҳам эсларди – оқ кхади кийиб олган, Гандининг издоши бўлган “анархистлар”га ўхшарди. Абхай уларга шундай деди: “Мен оиласининг эҳтиёжларини қондира олмадим. Энди Парвардигор Чайтанъя таълимотини тарғибот қўлмоқчиман”. Абхай қандай қилиб бизнесда омади юришмай қолгани, қандай қилиб оиласини тарқ этгани ва энди бир тийинсиз кўчада қолгани ҳақида гапириб берди.

*Парамахамса Махараж: Абхай келганида жуда оч ва қашиоқ кўринарди. Унинг бир тийин ҳам пули йўқ эди. У ёлғиз ўзи келганди, у фақат Харе Кришина мантра зикр қиласарди.*

Абхай Жаргармда Худонинг муқаддас номларини такрорлаб, оиласини тарқ этиб янги шароитга кўнича бошлади. Бир неча кун давомида у деярли тинмасдан мантра зикр қилди. Парамахамса Махараж кечқурунлари маъруза қиласарди, кейин Абхай "Бҳагавадгита"дан маъруза қиласарди. Орадан анча вақт ўтгандан кейин у яна Жханси ҳақида ўйлай бошлади, кейин яна ўзининг “Содиклар жамоаси”га қайтишга тайёр эканини хис қила бошлади. У жамоага тегишли бинони сақлаб қолиши ва тарғибот қилишни давом эттириши лозим эди.

Жхансига кетишдан олдин, Абхай Бхарати Бхаванда ўрнатишга мўлжаллаб Парвардигор Чайтанъянинг катта муртисини сотиб олди. У аслида у Калькуттага пул ишлаб топиш учун келган эди, лекин, тақдир тақозоси билан энди унинг пули ҳам, иши ҳам, оиласи олдидаги мажбуриятлари ҳам йўқ эди. У ўттиз олти йил давомида оилавий турмуш тарзи билан яшаганди. Мана энди, эллик саккиз ёшида у тўлалигича ванапрастхা бўлиб олди. Энди у ўзининг бутун ҳаётини Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилишга бағишилай олади.

\* \* \*

Абхай ванапрастхалар киядиган шафран либос кийиб ўтирмади, оқ дхоти ва курта кийиб юраверди. Жхансиликлар уни, бир ярим йил аввал биринчи марта бу ерга келгандан бери, ҳамиша оиласи йўқ тарғиботчи деб билардилар. Энди у бу ерга Парвардигор Чайтанъя Илоҳини олиб келган ва Жхансида Парвардигор Чайтанъянинг эҳромини ташкил қилишга жиддий ният қилган эди. Ачарья Прабхакара ва бошқалар Абхайни жуда яхши кутиб олдилар. Лекин, айни пайтда у Радха Мемориалига эга бўлишда қаттиқ қаршиликларга ҳам дуч келган эди.

Ҳаммаси Жхансида санскрит бўйича ўтказилган конференциядан бошланган эди. Уни вилоят ҳокими К.М. Мунши ва унинг хотини Лилавати ўтказган эдилар. Лилавати жамиятнинг ижтиомий ҳаётида фаол иштирок этарди, у “Махила Самити Сангх”нинг, яъни, аёлларнинг ижтиомий аҳволини яхшилаш, уларга котиба бўлишни ва инглиз тилини ўргатишни мақсад қилиб кўйган ташкилотнинг бир неча бўлимларини очган эди. Жхансилик икки зиёли аёл, Чандрамукхи ва Суръямукхи, Жхансида ҳам аёлларнинг ижтиомий аҳволини яхшилаш дастурини амалга оширмоқчи эдилар, улар фурсатдан фойдаланиб, ўша конференция пайтида ёрдам сўраб Лилавати Муншига мурожаат қилган эдилар. У буларнинг ташаббусини кўллаб қувватлади ва энди улар Жхансида қаерда аёлларнинг ижтиомий марказини очиш мумкинлиги ҳақида ўйлай бошладилар. Улардан бири Бхарати Бхаванни таклиф қилди. Гарчи Суръямукхи Шарма бир вактлар Абхайнинг номидан Бхараати Бхаванни Абхайга беришни илтимос қилиб жаноб Бхайалга мурожаат қилган кишилардан бири бўлса ҳам, энди у аёлларнинг аҳволини яхшилаш иши муҳимроқ деб ҳисоблар ва бунинг устига, Абхайнинг бу бинога бўлган ҳуқуқи ҳали расмий равишда тасдиқланмаганидан хабардор эди. Аёллар бир овоздан Абхай Чараннинг қилиб юрган ишидан кўра аёллар муаммосини ҳал қилиш муҳимроқ ва ана шу бино аёллар ташкилоти жойлашиши учун жуда қулай деган қарорга келишди.

Суръя мукхи, ҳокимнинг хотинининг кўллаб-кувватлашига ишончи комил бўлган ҳолда, А. Ч. Бхактиведантага мурожаат қилди. У Абхайга у ҳеч қачон бутун жаҳон вайшнавлар жамоасини амалда ташкил қила олмаслигини тушунтириди. Абхай яхши инсон, Суръямукхи ҳам уни ёқтиради, лекин у ҳеч қачон ўзининг жуда фантастик бўлган ғояларини амалга ошира олмайди. У Абхайга Бхарати Бхаванни вилоят ҳокимининг хотини ташкил этган аёлларнинг ижтиомий марказини жойлаштириш учун бўшатиб беришни маслаҳат берди. “Сиз саёҳат қилиб, эҳром қуриш учун жой ахтаришингиз мумкин – деди у Абхайга, - Лекин Жхансидаги бечора аёлларнинг ҳеч нарсаси йўқ, шунинг учун бу биноларни уларга бериш керак”. Абхай қатий равишида унинг таклифини рад этди: “Йўқ, - деди у – бошқа бино изланглар!” Абхай унга ўзи бошлаган бу иши муайян бир гурух одамлар учун эмас, балки барча тирик мавжудотлар учун мўлжалланганини тушунтира бошлади. Лекин Суръя мукхи ундан ҳафсаласи пир бўлиб кетиб қолди. Абхай энди “Содиклар Жамоаси”нинг аъзолари вилоят ҳокимининг хотинининг кўллаб-кувватлаши остида унга қарши чиқа бошлаганини кўриб ҳайрон бўла бошлади.

Мунши хонимнинг сиёсий арбоблар билан алоқаси кучли эди, бу масалани ҳал қилиш учун унинг Абхай билан учрашиб ўтириши ҳам шарт эмасди. Абхай унинг энди қандай ҳаракат қилишини ҳам билмасди. У жаноб Бхайал билан сухбатлашди, Бхайя унга Абхай Бхарати Бхаван биносига дъво қилмаслиги учун унга тазийқ ўтказишни бошлашини ваъда берди. Жаноб Бхайалнинг Жхансисда бир кинотеатри бор бўлиб, сухбат пайтида agar Абхай Чаран Радха Мемориалини бўшатиб бермаса, жаноб Бхайалнинг кинотеатрда кино кўйиш хукуки хавф остида қолиши ҳақида гап борганди.

1954 йил декабрда Мунши хоним Абхайга хат ёзиб, бинони сотиб олиш учун унинг беш минг рупий тўплай олмаганини эслатиб қўйди. “Хурматли Бхактиведанта, - деб ёзганди у, - Сиз бу ерда ўзингизнинг жамоангизни очмоқчи эдингиз, лекин бу иш қўлингиздан келмади. Мен Махила Самити ташкилотини очишим керак. Бу бинони менга берсангиз бўлмайдими?” Абхай бўш келмасликка қарор қилди. Унинг адвокат дўстлари бор эди, улар айтдиларки, ҳатто ҳокимнинг хотини қўллаб турган бўлса ҳам, судда Абхайнинг ютиб чиқиш эҳтимоли кўпроқ. Диний биноларга нисбатан ҳурмат кўрсатишни тақозо этадиган Ҳиндистон маданияти Абхай томонда эди.

Абхай ўзини “Содиклар Жамоаси”нинг асосчиси ва раҳбари деб танишириб, Мунши хонимга жавоб ёзди. У жамоанинг мақсадлари ҳақида ёзди, уставини хатга қўшиб юборди ва жуда кўп обрўли кишиларнинг, ҳатто унинг эри, вилоят ҳокимининг айтган гапларини ҳам келтирди. У яна шуни билдириди, яқинда жамоа президенти Калькуттада Ҳокимдан, унинг эри жаноб Муншидан юзлаб рупий эҳсон олганини ҳам қўшиб қўйди. Абхай унга тушунтириди, Жхансисда ўзининг иши билан секин бўлса ҳам, тинчгина шуғулланиб юрганди, лекин энди унинг ақли Мунши хоним билан бўладиган мунозаралар билан тўлиб кетган. У хонимдан уни Бхарати Бхавандан чиқиб кетишга мажбур қилиш учун хеч кимга тазийқ ўтказмасликни илтимос қилди ва қўшиб қўйди: “агар сиз ёки сизнинг вакилларингиздан бирортаси жиддий тазийқ ўтказа бошласа, мен албатта бунга қаршилик қила олмайман”.

Абхай, agar жамоанинг мақсадларини унга батафсил тушунтириб берсам, балки у жамоанинг иши Махила Самитидан муҳимроқ эканини тушунар деб умид қилган эди. У “Бҳагавад-гита”нинг тўртинчи бобидан биринчи уч шеърни келтирди, унда Парвардигор Кришна қадимги бҳакти-йога илми парампара орқали авлоддан авлодга ўтиб келгани, шоҳлар Кришнани англаш таълимотининг одамлар орасида тарқалишини назорат қилиши лозимлигини айтади. У яна тушунтиридики, “Бҳагавад-гита”да айтилишича, минглаб одамлар орасидан факат биргина киши руҳий ўзлигини англашга

интилади. “Содиклар Жамоаси” эса, ўзининг аъзоларини айнан руҳий ўзлигини ангнлашга ундейди, демак, **жамоа инсонлар жамиятиди энг нодир ва энг муҳим ишни амалга оширияпти**. У Мунши хонимга шу вилоятда яшайдиган ўн беш саннийаси билан учрашиб кўришни, улар билан ҳамкорлик қилишни ва жамоанинг фаолияти жуда муҳимлигини тушунишни таклиф қилди. Содиклар жамоаси жамиятдаги барча табақаларга мансуб одамларнинг баҳтини ўйлаб фаолият кўрсатади. Парвардигор Кришна “Бҳагавад-гита”да айтганидек, “Ҳатто энг пасткаш одамлар ҳам Парвардигорнинг паноҳи остига кириши мумкин”. “Лекин, Махила Самити, - деди Абхай, - ҳаёт ҳақида ўзини тана деб биладиган дунёқарашга – одамларнинг табақасига, динига, танасининг рангига, жинсига қараб фаолият кўрсатадиган ташкилот, шунинг учун унинг фаолияти унчалик муҳим эмас”. Шунинг учун, Абхай Мунши хонимдан “Содиклар Жамоаси” олижаноб ва олий мақсад учун фойдаланиб юрган Радха Мемориали биносини улардан тортиб олмасликни илтимос қилди. Хатга у “А.Ч. Бхактиведанта, “Содиклар Жамоаси”нинг асосчиси ва раҳбари” деб имзо чекди.

Ўзи билмаган ҳолда қандай вазиятга тушиб қолганини англааб етган Абхай фикрини бир ойга тўплаб, ўзининг Бхарати Бхаванда бўлган кунларининг асосий воқеаларини қофозга тушира бошлади.

## Қисқача тарих

Мен Жхансига 1952 йил октябрда келдим.

7. Гита Мандирда Ганди Жаянти кунига аталган маросимда бир неча марта маъруза қилдим.

8. Прабхакар шастри билан танишдим.

9. “Содиклар Жамоаси”ни ташкил қилиш ғоям амалга ошди.

10. У Бхарати Бхаван борасида музокара олиб бориш учун мени Рева Шанкар билан учраштириди.

11. Шри Рева Шанкар Бхарати Бхаванни “Содиклар Жамоаси”га фойдаланиш учун эҳсон қилди. Бу учрашувда Прабхакар, Митраджилар ҳам бор эдилар.

1. Мен Аллахабаддан буни тасдиқлаш учун хат ёздим.

2. Хатим тасдиқланди. 10.12.52.

3. Прабхакар Рева Шанкарнинг истагини эслатиб қўйди. 1.1.53.

4. Мен содиклар жамоасини ташкил этиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрладим ва жамоа аъзоларининг имзоларини тўплаш учун Жхансига келдим. Рева Шанкар ҳужжатга имзо чекди ва жамоанинг бошқарув аъзоси бўлишга рози бўлди.

5. “Содикдар Жамоаси” Лакнауда 4.2.53да рўйхатга олинди. 10.10.53да Жхансига қайтиб келдим.

6. 16.5.53да тантанали равишда “Содиклар Жамоаси”нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Шундан бери бинода “Соиклар жамоаси” фаолият кўрсатиб келади.

Абхай шу орада бўлиб ўтган воқеаларни – берилган эълонларни, олинган табрик хатларини ва бошқа янгиликларни – эслаб, хотирасида қайта тиклаб, 30 дан ортиқ воқеани рўйхатга олди. У бошидан ўтган ишлар тарихини ёза бошлади: “Бизнес ва оиласми қурбон килиб бу ерга келдим. Аллахабаддан телеграмма олдим, унда корхонам талонтарож қилингани ҳақида хабар берилган эди. Мен бу ерда фаолият кўрсатаётганим сабабли бизнесим билан шуғуллана олмадим, натижада корхонам талонтарож бўлиб, етти минг рупий зарар кўрдим”.

Абхай ёрдам сўраб баъзи бир руҳий оғайниларига мурожаат қилиш ҳақида ўйлаб кўрди. Агар у ёки улар бу иморатни сотиб олсалар, ракобатчилар жим бўлиб қолардилар. У бу бинони сотиб олиш руҳий оғайнилари учун фойдали бўлиши ҳақида ўйларди, шунда улар бу бинодан ўзларининг миссияси учун фойдаланардилар.

Вриндаван унчалик узоқ эмас,- Матхурагача поездда тўрт соатлик йўл, кейин у ёғига тангода озгина юрилади. У 1953 йил октябрида Вриндаванга зиёратга борган, ҳатто шу ерда Кеши-гхат ёнидаги эҳромда бўш хона ҳам топган, келажакда шу ерга жойлашишни режалаштирган эди. Жхансига кўчиб ўтгандан кейин Абхай Вриндаванга бир неча марта бориб келган эди. Бу гал у Имлиталя эҳромига борди, у руҳий оғаси Бхактишаранга Госвами билан учрашмоқчи ва унга Шрила Бхактисиддханта Сарасвати васият қилганидек, Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилишда фойдаланиш учун Бхарати Бхаванни сотиб олишни таклиф қилмоқчи эди. Лекин Бхактишаранга Махаражни унинг таклифи қизиктирмади. Бу таклиф Дамодара Махаражни ҳам қизиктирмади, кейин у тангага ўтириб, Кешава Махараж билан учрашиш учун Матхурага қайтиб келди. Кешава Махараж Матхурага ўзининг бир гурух шогирдлари билан шу ерда марказ ташкил қилиш учун келган, лекин ҳалигача бирор қулай жой топмаган эди. Шу боис, Абхай унга Жхансидаги бино ҳақида гапирганида, у бинони бориб кўришга ваъда берди. Абхай билан Кешава Махараж биргаликда жаноб Бхайалга хат ёзиб, ўзларининг ташкилотларининг мақсади билан таништириб, бинони уларга беришни илтимос қилдилар. Кейин Абхай, Кешава Махараж ва унинг шогирдлари биргаликда Жхансига йўл олдилар.

Кешава Махараж ва унинг шогирдлари Жхансида бир неча кун меҳмон бўлдилар, ҳар куни киртан ўтказиб, маърузалар килдилар.

Улар жаноб Бхайал билан учрашмоқчи эдилар, лекин жаноб Бхайал шу куни улар билан учрашишдан бош тортди, кейин улар учрашувни эртаси кунига кўчирдилар. Айни пайтда Кешава Махаражда Жханси шахри ҳақида бироз тасаввурга эга бўлиш, Абхай билан Жхансида асосий марказни ташкил қилиш ҳақида сұхбатлашиб олиш имконияти пайдо бўлди. У айтдики, маҳаллий халқ Кришнани англаш таълимоти билан яхши қизикяптилар, лекин, бу жой анча узокда жойлашган. Шу боис, у ҳали жаноб Бхайал билан учрашмасдан олдиноқ унга Жхансида ўзининг бутун миссиясини жойлаштириш уччалик ёкмай турганди. Абхай унинг гапларига рози бўлди, чунки у Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг тарғиботчиларга катта-катта шаҳарларга боришни, хилват жойда бҳаджан билан шуғулланмасликни маслаҳат берганларини эслаганди. Шу боис у икки йил давомида Жханси шахрида битта кишини ҳам ўзининг издоши қила олмаганини тан олди.

Нихоят, улар жаноб Бхайал билан учрашганларида, у иморатни қачон сотиб олиш мумкинлиги ҳақида бирор аниқ гап айтмади. У бинони сотиб олишларингиз мумкин, лекин ундан қандай фойдаланишни ўзи белгилаб беришини айтди: у бу ерда ўтказиладиган тадбирларга ўз таъсирини ўтказа олиш ҳуқуқини сақлаб қолмоқчи эди. Абхай унинг бундай муносабатидан бу еда қандайдир ноҳақлик бўлаётганини, у қаттиқ тазиқ остида эканини англаб етди: у бу бинони Махила Самитига бериши керак. Кешава Махараж бинони сотиб олишдан бутунлай воз кечиб, Матхурага қайтиб кетди, Абхайнини ҳам унга қўшилишни таклиф қилди.

Лекин Абхай шу ерда қолди. Жаноб Бхайал тезроқ ундан кутулишни ўйларди, у ҳатто Абхайнинг берган 220 рупий пулига ҳам чек ёзиб бердида, Абхайга энди Бхарати Бхаванда яшашга ҳеч қандай асоси йўқлигини айтди.

Абхай қисқача тарихига қўйидаги пунктларни киритиб қўйди:

29. У менга икки юз ўн рупий учун чек ёзиб берди, лекин банкга борганимда унинг ҳисобида пул йўқлигини айтиб, чекни бекор қилишди.

30. Мендан олган пулни жаноб Бхайал ноқонуний равища ўз манфаати учун ўзлаштириб юборган, шунинг учун у банк билан келишиб, менга сохта чек ёзиб берган экан.

31. Мен буни бошидан охиригача фирибгарлик деб биламан.

32. Токи ҳамма пулларимни қайтариб бермагунларича мен бинони бўшатиб бермайман.

Лекин Абхай бунда Парвардигор Кришнанинг англаш бўлмас иродасини кўриб турарди. Атрофидаги воқеа-ходисалар ҳам, у ҳақидаги фикрлар ҳам, ҳаммаси у ўзининг миссиясини Жхансида

амалга оширишига қарши эди. Бу аломатлар бу ердан бирор яхшилик чиқмаслигидан далолат берарди.

Шрила Прабхупада: *Мен ўз миссиямни шу ердан бошламоқчи эди. Бу ер жуда яхши эди, катта иморат. У менга биратұла берилмаған бўлса ҳам, мен уни эгаллаб олгандим. Ўша аёл ҳам бу иморат жуда ажойиб эканини тушуниб етган эди. У аёл вилоят ҳокимининг хотини эди, шунинг учун солиқ йигувчилар ёки ҳукумат амандорлари орқали тазийқ ўтказа оларди. Албатта, менинг ҳам таниши дўстларим бор эди. Улар менга: “Бўши келма!” – деб маслаҳат бердилар. Мен эса ўйланиб қолдим: “Мен ўйимни тарк этиб кетганман. Энди бирорлар билан судлашиб юришининг нима кераги бор? Йўқ, менга бу бинонинг кераги йўқ”.*

Гаудия Матхдаги тағиботчилар қанча кучларини судларга сарфлаганини эслади. У узоқ вакт давом этган оила ва бизнес ришталаридан эндиғина халос бўлган эди, шу боис у судда тортишиб юришни истамасди. У бинони эгаллаш учун курашишни бошлаши мумкин эди, лекин Кешава Махараж Жхансидан унчалик умид қилмаётган эди. Албатта, миссияни бошлаш учун яхши шгароитлар бор эди, акс холда Абхай ҳеч қачон ўзининг халқаро жамоаси учун шундай чет бир шаҳарни танламаган бўларди. Зиёли ёш йигит қизлар унга ҳам, аёллар ташкилотига ҳам, Теософлар жамиятига ҳам, Арья Самаджга ва бошқа кўплаб ижтимоий ҳаракатларга ҳам муваффакият тилардилар. Лекин, шубҳа йўқки, уларнинг бу яхши ниятлари соғ садоқатга асосланган эмасди: ҳатто унинг шогирди ҳам унга факат ўз ишларидан бўш вақтларида гина ёрдам берарди. Лекин барибири, ҳақиқат шу эди: уни четлаб, бу ердан чиқариб юбордилар.

Шрила Прабхупада: *Агар мен ўзим кетишни истамасам, ҳеч ким мени қувиб юбормасди. Бу аниқ. Лекин мен ўйлаб қолдим: “Қаршилик қилишининг ҳожати борми? У ҳокимининг хотини, истаган кишига тазийқ ўтказа олади. Бу бинонинг эгасининг кинотеатри бор, у ўзининг лицензиясининг амал қилиши вақтини узайтириши керак. Шунинг учун солиқ идорасидагилар уни бинони бўшатишига мажбур қилдилар. Акс ҳолда улар унга лицензия бермай қўярдилар. Мен бу одам мен сабабли қийналиб қолади, деб ўйладим. Мен бино учун жуда катта пул тўлашим керак бўлади, у эса ҳокимининг хотини”.*

У бу ердан кетишга қарор қилди. У дўстларидан ўзи йўқлигига жамоани қўллаб туришни илтимос қилди. У кетаётганидан улар қаттиқ хафа эдилар, лекин унинг баъзи бир дўстлари очикдан очик

аёллар жамиятини олқышлардилар. Улар Абхай бир ўзи бинони сотиб ололмаслигини кўриб турган бўлсалар ҳам, унга бинони сотиб олишда ёрдам бермадилар. Унинг яқин дўстлари ҳақиқатан ҳам унинг кетишидан қийналаётган эдилар, лекин у уларни ишонтириб айтдики, дўстона муносабатлари давом этади. У Ачарья Прабхакарга, Радхелал Малликка, жаноб Митрага, доктор Шастрига хат ёзишни ваъда берди ва улар нима қилишлари кераклиги ҳақида маслаҳатлар берди. У Ачарья Прабхакарга жамоа котиби сифатида ҳаракат қилишда давом этишни, ҳамма вакт у билан алоқа килиб туришни топширди. Лекин шунга қарамай, уйма-уй, қишлоқма-қишлоқ юриб тарғибот қилиш, санкиртана ўтказиш, "Бҳагавад-гита"дан маърузалар қилиш, парсад тарқатиши билан шуғулланадиган Халкаро Ҳаракат ташкил этиш режасининг бу ердаги босқичи шу билан тамом бўлгани кўриниб турарди. Унинг яна Жхансига қайтиб келишига ва Жханси аҳолиси яна уни учратиши амри маҳол эди. Абхай бино тепасига икки метрлик катта ҳарфлар билан "Содиклар Жамоаси" деб ёзилган Бхарати Бхавандан кетар экан, қалбини оғир бир тушкунлик эгаллаб олди. Абхайнинг Жхансида эришган муваффақияти жуда осон ва ўткинчи бўлган эди. Жхансининг зиёли ёшлари аввал бошданоқ унга жуда катта ҳурмат-эҳтиром кўрсата бошлаган эдилар, агар бино сабабли орада бўлиб ўтган можаролар бўлмаса, у ҳеч қачон бу ердан кетмаган бўларди. Лекин у ҳозир кетишдан бошқа иложи йўқлигини сезиб турарди. У оиласи киши сифатида бу ерга бизнес ишлари бўйича келган эди, лекин бу ерда уйсиз ванапрастха бўлиб кетяпти. Энди унинг ягона паноҳи Парвардигор Кришна. Энди у нима билан машғул бўлишини тасаввур ҳам қила олмасди, лекин унинг аниқ мақсади ва мустаҳкам сиҳат-саломатлиги бор эди. Шунинг учун у ўзи билан бирга Парвардигор Чайтанъянинг Илохини олиб, Матхурага йўл олди.

## **Саккизинчи боб**

### **Нью-Дели. “Саҳрода ёлғиз қолган кишининг нолалари”**

*Мен Ҳақиқат йўлини топдим. Мен ҳозирги моддий танамни тарк этгандан заҳоти қандай қилиб “Худога қайтиши” йўлини биламан. Мен билан бирга яшаётган замондошларимни, эркагу-аёл ҳаммасини ўзим билан бирга олиб кетиш учун, бунга эришии воситаларидан бири сифатида ўзимнинг “Худога қайтиши” журналимни чиқара бошладим. Илтимос, ўзимнинг ҳозирги моддий танамни ташлаб, Худонинг даргоҳига қайтиб кетаман, деганимда мени қандайдир бир хаёлтараст ёки ақлдан озган телба деб ўйламанг! Бу ҳар кимнинг ва ҳаммамизнинг қўлимииздан келади.*

Ҳиндистон Президенти Жаноб Раджендра  
Прасадга ёзган хатидан

Абхай Матхурага келгандан кейин, шу ерда ўзининг матхини очишга уриниб юрган Кешава Махаражни излаб топди ва унга Парвардигор Чайтанъянинг Илоҳини совга қилди. Кешава Махаражнинг илтимосига кўра Абхай уницида қолишга ва “Гаудия Патрика” газетасини таҳрир қилишга рози бўлди. Абхайга бир хона ажратиб бердилар, энди у биринчи марта матхда руҳий оғайнилари билан бирга яшай бошлади. Катта тажрибали содиқ сифатида Абхай маъруза ўқир, ёш, саводсиз ва тарбия кўрмаган брахмачариларга Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини ва “Бҳагавад-гита” фалсафасини ўргатарди.

Орадан сал вакт ўтгандан кейин саннийаси ва Абхайнинг руҳий оғаси, Бхактишаранга Госвами ундан ўзининг Нью-Делидаги Гаудия Санга ашрамида унга ёрдам беришни илтимос қилди. Кешава Махараж сингари Бхактишаранга Махараж ҳам Абхайнинг ажойиб ёзувчи ва муҳаррир эканини билар, шу боис у билан бирга ишлашни истардилар. Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг шогирдлари орасида ҳамма А.Ч. Бхактиведанта Прабхунининг инглиз, хинду ва бенгал тилларида гапиришни ва ёзишни биладиган ажойиб тарғиботчи эканини тан оларди. Кешава Махараж Абхай ўзининг ёнида қолишини

ва Гаудия Патрикани таххир қилишини истарди, Бенгалияга кетиши керак бўлган Бхактишаранг Махараж эса, ундан Дехлига бориб, Гармонист(ҳинд тилида Саджжана тошани) газетасини чиқаришни илтимос қилганди. Абхай Бхактишаранг Госвамининг илтимосини бажаришни танлади, Кешава Махараж унинг бу қарорига рози бўлди, фақат, почта орқали бўлса ҳам, Гаудия Патрикани ҳам таххир қилишини давом эттириш шартини қўйди. Таххир қилиш Абхайнинг жони дили эди, шу боис у ўзининг руҳий оғайнилари билан биргаликда ҳамкорлик қилиб тарғибот қилиб юрганидан баҳтиёр эди. Гарчи Абхай ўзини етук ёзувчи ва олим деб ҳисобламаса ҳам, Шрила Бхактисиддханта Сарасвати унинг ёзган нарсаларидан мамнун эди ва уни ижод қилишини давом эттиришга унданаган эди. Энди эса, унинг катта руҳий оғалари, саннийасилар, Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг шогирдлари ёрдам сўраб унга мурожаат қилаётгандилар. Улар Абхайнинг хизматидан ким фойдаланиши устида бир бири билан тортишардилар. Абхай руҳий оғаларининг раҳбарлиги остида қилиб юрган ана шу камтарин хизмати унинг қолган ҳаёти давомида қиладиган асосий иши бўлиб қолса керак деб ўйлади.

Унинг Жхансидан чиқиб кетиши қайсиdir маънода омадсизлик эди; нима бўлса ҳам у маълум бир вақтгача Кришна уни қандай хизмат билан машғул қилишини истаётганини билмай гаранг бўлиб юрди. Лекин, энди, унинг ана шу саволларига руҳий оғалари жавоб бергандай бўлиб кўриняпти. Браҳмачари ва саннийасилар ашрамида яшаш ва ишлаш – бир вақтлар Абхай жуда қаттиқ риёзат деб ҳисоблаган турмуш тарзи эди. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ҳам шу ҳақда гапирганди: “Яхиси, у сизлардан алоҳида яласин!” Лекин, у ҳозир ё бир ўзи ёлғиз яшаб, ҳеч нарсаси бўлмаган ҳолда бир ўзи курашиши керак эди, ё Гаудия Матхдаги дўстларининг қаноти остида қолиши керак эди. Балки, у ўзининг Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиш истагини руҳий оғаларининг ашрамида амалга оширап?

Яқинда Саджжана Тошани журналининг редактори бўлиши аниқ бўлгандан кейин у журнални кенгайтириш йўллари ҳақида ўйлай бошлади. Билимдон кишилар учун мўлжалланган бу арzon журналнинг сони жуда кам эди. Абхай Саджжана Тошани журнали Ҳиндистонда оқ қоғозда чиқадиган Иллютрейтед Уикли деган журналдан ҳам кўпроқ нусхада чиқишини орзу қиласарди. Бу журнал ҳалқ орасида Американинг Лайф ёки Тайм журналларидан ҳам кўпроқ таниқли бўлиши керак. Нимага шундай бўлмаслиги керак? Ахир Кришна қашшок эмас-ку! Абхай Нью-Делининг бадавлат ва обрўли кишилари орасида журналга обуна қилиш дастурини амалга ошириш

ҳақида ўйлай бошлади. Шунда, Кришнанинг марҳамати билан у Саджжана Тошани журналини тез орада сифатли оқ қофозда, рангли суратлар билан нашр қила бошлайди. Кришнага таваккал қилган ҳолда у бунинг учун бор кучини ишга солиб харакат қиласди. Кейинчалик эса, у обуначилар билан келишган ҳолда у ўзининг кўлёзмаларини ҳам нашрдан чиқара олади. Жанубий Ҳиндистонлик Доктор Агалаппа унинг Гитопанишадини нашр қилмоқчи эди; шубҳа йўқ-ки, унга ўхшаган одамлар кўп. Балки, Бхактишаранг Госвами Абхайнинг китобларини Гаудия Санга хисобидан нашр қилишни истаб қолиши мумкин.

Орадан сал вакт ўтмасдан Абхай Бхактишаранг Госвамининг котибидан хат олди, у Дехлига қандай қилиб энг кам пул сарфлаб етиб келиш мумкинлигини батафсил тушунтириб ёзибди. Учинчи класс вагонда Дехлигача, кейин тангада матхгача. Вокзал олдидан турадиган тангалар жуда қиммат бўлгани учун, Абхай вокзалдан ўнг тарафга қараб юз метрча пиёда юриши керак, шу ерда арzonроқ танга топиш мумкин. Агар тангани Абхайнинг бир ўзи ёлласа, унга тўланадиган ҳақ бир рупий ўн икки анндан ошмаслиги керак. Шунинг учун у ўзи билан бирга бирор йўловчи топса яхши бўлади, шунда йўл пули арzonроқ бўлади. “Чап томонда турадиган крематориядан ўтгандан кейин - тушунтирганди котиб, ўнг тарафга қарсангиз, матх устида турган қизил байроқни ҳамда ҳинд ва инглиз тилида ёзилган матх номини кўрасиз. Сиз матхнинг тўғрисига келганингизда бизлар тангага йўл ҳақини тўлаймиз”.

Абхай Гаудия Сангада ишлар жуда ёмон ахволда эканини кўрди. Рухий устози Бхактишаранг Госвамининг йўклигига браҳмачарилар бир бири билан жанжаллашиб, ўзларининг вазифаларини бажаришдан бош тортардилар, натижада тағибот ишлари ва эҳсон тўплаш оқсоқланиб қолган эди. Тозалик даражаси, Илоҳларга сифиниши, прасад тайёрлаш ва ҳатто Худонинг содиклари орасидаги ўзаро муносабатлар ҳам жуда ёмон ахволда эди. Абхай бу ерга журнални таҳrir қилиш учун келган эди, лекин бунинг ўрнига бир гурух ўзаро жанжаллашиб юрган ёш браҳмачариларга дуч келди. У кўчада тарғибот қилишга маъсул бўлган браҳмачари умуман тарғибот қилмай кўйганини, одамларнинг уйларида киртана ўтказиб юрган содиклар ўзларининг ишига жиддий эътибор бермаганларини, велосипедини йўқотиб кўйгани учун хабарчи ўз вазифасини бажаришдан бош тортаётганини кўрди.

Бир Браҳмачари Абхайга Бхактишаранг Госвамидан бир хат олиб келди. Госвами ундан матх ишларини бошқаришни ўзининг қўлига олишни илтимос қилган экан.

“Хаммани Худога садокат билан хизмат қилишга илҳомлантирир, акс ҳолда бизлар қандай қилиб инглиз тилида журнал чиқаришимизни тасаввур қила олмайман. Етарлича пулимиз бўлмагани, браҳмачарилар ҳеч нарсани ўйламай юрганлари учун Акинчана Махараж матхни бошқариши эплай олмаслигини айтиб хат ёзди. Агар сен матх ишларига бош-қош бўлиб турсанг, яхши бўларди”.

“Саджжана тошани”ни нашрдан чиқаришнинг бошқа қийинчиликлари ҳам бор эди: печат машинкасининг йўқлиги ва босмахона билан бўлган муносабатларнинг ёмонлиги.

Бир неча кундан кейин Абхай Бҳактишаранга Госвамидан яна бир хат олди, унда Госвами унга журналга қайси мақолаларни ёзиш, журналнинг асосий мавзуларига ўзгартириш киритмасликни таъкидлаб, унинг вазифаларини эслатган экан:

“Акинчана Махараждан сенга менинг хонамнинг калитини беришни илтимос қилдим, сен ундан факат хизмат бўйича фойдаланишинг мумкин. Сен шу ерда яшаётганинг учун ашрамда ўзаро тотувлик мұхитини яратишга ҳаракат қил, ҳар бир браҳмачарига зарур бўлган кўрсатмаларни бериб тур”.

Токи ашрамда ўзаро низолар бартараф бўлиб, ишлар жойига тушиб кетмас экан, журналга мухаррирлик қилиш ҳақида гап ҳам бўлмаслигини Абхай тушунарди. Бҳактишаранга Госвамининг кўрсатмасига амал қилиб, у браҳмачарилар орасидаги ўзаро муносабатларни яхшилашга ёрдам бермокчи бўлганида, бир неча браҳмачарилар қарши чиқдилар, ҳатто руҳий устозларига унинг устидан шикоят қилиб, хат ёздилар.

Шунча қийинчиликларга қарамасдан журналнинг 1955 йил август сонини Абхай ўз вақтида тайёрлашга улгурди. Шунга қарамасдан, босмахонанинг айби билан журнал то сентябргача босмадан чиқмади. Ниҳоят биринчи нусхаларни олгандан кейин, Абхай уларнинг бир иккитасини Калькуттага Бҳактишаранга Госвамига юборди ва ундан журнал ҳақидаги фикрини билдиришни сўради.

Кейинги кўрсатмаларни Абхай бевосита руҳий оғасидан эмас, балки унинг котиби Раманандадан олиб турди. У журналнинг бир икки хатосини кўрсатган, лекин журнал руҳий устозига ёқкан ёқмагани ҳақида бирор гап ёзмаганди. Кўрсатилган хатолар асосан журнални безаш билан боғлик бўлган техник хатолар эди: Абхай журналнинг мавзуларини бошқача жойлаштирган, Бҳактишаранга Госвамининг исмини барча мақолаларда Махараж истаганидан бошқачароқ ёзганди. Абхайнинг печат машинкаси олиш ҳақидаги илтимосига келсақ, Рамананда ёзганки, “қўллэзмалар тушунарли бўлса, уларни босмахонага оқ қоғозга машинкада кўчирилган ҳолда

беришнинг ҳожати йўқ”. “Саджжана тошани”га келсак, Бҳактишаранга Госвами муқовага қўйилган қофознинг сифатини яхшилашни, журналини янги ускуна олган босмахонада оқ қофозга нашр қилишни маслаҳат берди. Абхай унинг гаплариға рози бўлди, лекин, журнални яхшилаш билан боғлиқ бўлган бу ишларнинг ҳаммаси қўшимча маблағ сарфлашни талаб қилас эди.

“Мен “Саджжана тошани”ни Калькутта қофозида чиқаришга розиман. Лекин мен, Парвардигор Чайтанъянинг таълимотни барча асосий тилларда, айниқса ҳинд ва инглиз тилларида тарғибот қила олишимиз учун Калькуттада ёки Дехлида яхши ускуналар билан жиҳозланган ўз босмахонамизни очсак яхши бўларди. Ҳинд тилидаги журналимидан Ҳиндистонда, инглиз тилидаги журналимидан эса бутун жаҳон бўйлаб тарғибот қилишда фойдаланаардик”. Яна Абхай ёздики, босмахонага мақолалар қўлёзма шаклида берилгани учун, улардан буюртмани тез бажаришни талаб қила олмаймиз, шу боис у печат машинкасини прокатга олган. Шунингдек, у обуначилар сонини кўпайтириш фикрини ҳам билдириди.

\* \* \*

Абхайнинг ўғли Бриндаван отаси билан бирга бир неча ой Гаудия Сангада яшаш учун келди. Абхайнинг оиласига қайтиб кетиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди, шу боис Бриндабан матхдаги кун тартибига амал қилиб, отасига ўз вазифаларини бажаришда ёрдам бериб, шунчаки отаси билан бирга бўлиб юрди.

Бир куни Гаудия Сангага кутилмаганда бир обрўли адвокат ташриф буюрди. Матхда деярли ҳеч ким йўқ эди, тайёр прасад ҳам йўқ эди, шунинг учун Абхай билан Бриндабан бу машхур адвокатни яхши кутиб олдилар, унинг учун прасад тайёрладилар, уни яхши меҳмон қилиб, Санганинг иш фаолияти билан таништирдилаар.

\* \* \*

Абхай тартибга келтирилмаган матхнинг ишларини бошқаришдан бўш пайтларида “Гаудия Патрика” ва “Саджжанатошани” журналларини таҳrir қиласар, “Чайтанъя Чаритамрита”ни ҳинд тилига таржима қиласарди. Гарчи у инглиз тилида ёки бенгал тилида ёзишга одатланиб қолган бўлса ҳам, одамлар ҳинд тилида гапирадиган мамлакатда тарғибот қиласар экан, ҳинд тилида ёзиши керак, чунки одамларга айнан шу тилдаги китоблар керак.

Бҳактишаранга Госвами ўзининг жавоб хатида ёздики, журналнинг сентябрь сонини факат беш юз нусхада нашр қилишни истайди. Лекин Абхай кўпроқ нусхада нашр қилмоқчи эди. Босмахона

билан беш юз нусха ўрнига шу пулга минг нусха нашр килишни келишиб, Абхай унга ана шу хушхабарни етказди. Абхай яна унга яқында эхсон қилинган қофозни тежаб қолганини, почта тўловларини 25 фоизга камайтиришни келишиб олганини хабар берди. Шунинг учун фақат озгина қофозни тежаб қолиш учун фақат беш юз нусха нашр қилишнинг нима фойдаси бор? Менимча, бизлар ҳар ойда ҳатто минг нусхадан ҳам кўпроқ нашр қилиб, уларни кўпроқ тарқатишими лозим.

Лекин Бҳактишаранга Госвами кичкина открытка орқали улар фақат беш юз нусха нашр қилишлари кераклигини айтди.

Абхай “Саджжана-тошани” журналини яхшилаш устида ишлашда давом этди. Бу унинг учун шунчаки расмий вазифа эмас, балки ҳамма нарсани ўз ичига оладиган тарғибот эди. Бҳактишаранга Госвами хат ёзиб, Абхай ундан журналнинг навбатдаги сони учун мақолалар кутаётганидан ташвишланётганини айтди. Матхнинг маблағи жуда оз эди, шунчалик оз эдики, Абхайнинг ҳатто яхшироқ дхотиси ҳам йўқ эди, шунга қарамасдан у хаёлида “Саджжана-тошани”нинг келажагини порлок деб тасаввур қилишда давом этарди.

“Мен бу журналнинг жуда кўп рангли иловалари бўлишини, уни ҳамма ўқий олиши учун журналнинг тиражи борасида “Иллюстратед Уикли”дан кам бўлмаслигини истардим. Бунинг учун мен ўзим унга кўплаб обуначиларни излаб топишга, ҳатто реклама берадиган кишиларни ҳам топишга тайёрман. Шу мақсадда мен иши юришиб турган бизнесменлар, суғурта компаниялари ва хукумат комитетлари билан учрашишим керак. Лекин менда кўчага чиққанда кийгудай кийимим йўқ. Ана шу муҳим иш учун менга бир жуфт яхши кийим керак, бу ҳақда сизнинг қарорингизни билсан хурсанд бўлардим. Мен бу журналнинг обрўсини энг юксак даражага кўтаришга самимий интилмоқчиман”.

Абхай Бҳактишаранга Госвамидан унинг “Чайтанайа Чаритамрита” китобини ҳинд тилида нашрдан чиқаришга ёрдам беришини илтимос қилди. Баъзи бир ҳинд жаноблар Абхайдан бу китобни сўрадилар ва китобнинг ҳар бир жилди учун 25 рупий беришга ваъда бердилар. Абхай китобнинг биринчи қисмини нашрдан чиқариш учун Бҳактишаранга Госвамига ҳар тарафдан фойдали бўлган шарт билан олти юз рупий қарз сўради. “Агар китобнинг биринчи қисмини тарқатсак, - деб ёзди Абхай, қолган қисмларини нашр қилиш учун қарз сўраб ўтиришга зарурат қолмайди.”

Лекин, Гаудия Сангада яшаш, Бҳактишаранга Госвами раҳбарлиги остида “Саджжана-тошани” журналини таҳхир қилиш Абхай учун жуда оғир бўлгани сингари, Абхайнинг журнал тиражини кўпайтиришга бўлган интилишлари ва таҳхир бўйича журналнинг ҳар

хил хатоларини күрсатаверишлари Бхактишаранга Госвамининг ҳам жонига тегиб кетган эди. Абхайнинг ёзган хатига Бхактишаранга Госвамининг котиби, Рамананда жавоб ёзди. Хатда Бхактиведанта Прабхуга аталган чиройли гаплар кўп эди, лекин, айни пайтда бу хатда уни Гаудия Сангадаги барча вазифаларидан озод қилингандигига ишора бор эди.

*“Вашинав Шримат Бхактиведанта Прабхунинг нилуфар қадамлари пойига камтарин ҳолда сон-саноқсиз саждалар қиласиз.*

*Биз сизнинг Шри Гуру Махараджга 1955 йил 5-октябрда ёзган хатингизни олдик. Сиз режалаштирган лойиҳа – жуда юксак мақсад, сиз бизнинг жамиятимизнинг энг олий саодатманди экансиз; биз буни ҳам тушуниб олдик.*

Охирги икки ой ичидা, шунча қийинчиликларга қарамасдан, - прасад билан боғлиқ муаммолар, содиқлар орасидаги тушунмовчиликлар ва бошқа кўплаб муаммоларга қарамасдан, Сиз фақат сиздай улугвор вайшинав кўрсата оладиган гайрат-шижоат намунасини кўрсатдингиз.

Сиз – Шрила Прабхупаданинг севимили вайшинависиз, Шрила Прабхупаданинг барча ҳамроҳларининг дўстисиз. Деҳлидаги Гаудия Санга Ашрамида яшайдиган содиқларнинг кўплари тарбия кўрмаган янги вайшинавлар. Улар сиздай улугвор вайшинавни, айниқса сизнинг улугвор гояларингизни муносиб ҳурмат қила олмайдилар. Ҳозирги шароитда бизларнинг жамиятимизда бундай гоялар жуда кам. Ишончимиз комилки, шундай улугвор сифатларга эга бўлган ҳолда, яқин қунлар ичидা сиз мустақил ҳаракат қила бошлийсиз, Шрила Прабхупаданинг истагини амалга ошириши ниятида жуда кенг миқёсда тарғибот ишларини бошлаб юборасиз. Сиздай нодир қобилиятили ва ҳурматли вайшинав учун Гаудия Санганинг Деҳлидаги матхида яшайдиган саводсиз ва илми саёз содиқлари орасида узоқ вақт қолиб кетишнинг иложи ийӯқ деб ўйлаймиз. Бунинг устига, сиз Шримат Кешава Махараджсинг Веданта Самитида “Гаудия Патрика” ва “Бхагавата Патрика”нинг бош муҳарририсиз, шунинг учун, агар сиз кўп вақтингизни бизларнинг матхда ўтказсангиз, бу уни ранжитиб қўйши мумкин. У ўзининг кўплаб содиқлари билан Браджса Заминини айлануб чиқшига ҳозирлик кўряпти, шунинг учун, ишончимиз комилки, бу парикрамада унга сизнинг ёрдамингиз жуда зарур бўлади. Шу боис, буни ҳар томонлама ўйлаб кўринг, агар сиз унинг ташкилотидаги ўзингизнинг раҳбарлик бурчингизни бажарсангиз, бизлар жуда мамнун бўлардик.

Журналнинг октябр сони учун бир неча мақолаларни юбордик, балки яна юборармиз. Агар сиз журналинг октябр сонини наширдан чиқарши ишларини Кешавананда Прабхуга ўргатсангиз, сиздан жуда

миннамтдор бўлардик. Ўйлаймизки, Шри Шри Гуру Махараж журналнинг ноябр ва декабр сонларини шахсан ўзи нашрдан чиқара олади. Бизлар уни Калькуттага янаварда юбормоқчимиз. Шри Шри Гуру Махараж жуда кексайиб қолган, кўпроқ вақтини бизларга суюниб ўтказишга мажбур. Сизнинг "Чаитаня Чаритамрита"ни ҳинд тилида нашрдан чиқарши учун жуда қаттиқ муҳнат қилиб юрганингиздан жуда хурсандмиз, лекин ҳозирги шароитда сизнинг китобингизни нашрдан чиқарши учун Гаудия Санга фондидан олти юз рупий ажратма олмаймиз. Шри Шри Гуру Махараж ҳозир ҳар хил лойиҳаларни режалаштириб қўйгани учун унга жуда кўп маблағ керак бўляпти, шу боис у сизнинг китобингизни нашр қилишига рози бўлолмайди.

Кешавананда Прабху хат ёзиди хабар бердики, сизнинг дохотингиз ишртилиб қолган, шунинг учун эҳромнинг тулидан ўзингизга икки жуфт кийим сотиб олинг, Агар эҳромдаги Худонинг содиқлари узоқни кўра олмаслиги сабабли сизнинг нилуфар қадамлари пойингизни ҳақорат қилиб қўйсалар, илтимос, уларни кечиринг".

Имзо. Ваишнавларнинг хизматкорининг  
хизматкори Шри Рамананда дас.

Аслини олганда, Кешава Махараж Абхайни парикрамага раҳбарлик қилишга таклиф қилгани йўқ эди, лекин барибир бу Рамананда учун Абхайдан Гаудия Сангадан чиқиб кетишни илтимос қилиш учун яхши баҳона эди. Шундай қилиб,, Кешава Махараж ва Бҳактишаранг Махаражнинг ашрамларида сидқидилдан хизмат қилгандан кейин, Абхай яна бир ўзи ёлғиз қолди.

\* \* \*

На бирор даромади, на бирор ташкилотда бошпанаси бўлмаган ҳолда Абхай Дехлида ўзини таклиф қилган кишиларнинг уйларида бир ҳафталаб яшаб юрди. Бошпана, кийим-кечак ва озиқ-овқат борасида бу даврлар Абхайнинг бутун умри давомидаги энг оғир кунлар эди. У ёшлигидан ҳеч қачон кийим-кечак ва овқатга муҳтоҷлик сезмай яшаганди, у ҳеч қачон қаерда яшашини ўйлаб, ташвишга тушмаган эди. У отасининг суюкли фарзанди эди, Шрила Бҳактисиддханта Сарасватидан ҳам илоҳий муҳаббат билан бирга алоҳида насиҳат ва кўрсатмалар олиб юрганди. Лекин Абхай ҳозир бაъзи пайтларда ўзини жуда ёлғиз хис қилиб кетарди.

Бошпанасиз ҳолда, ёши ўтиб қолган Абхай Дехли шаҳрида вақтинчалик бир бошпанадан иккинчи бошпанага ўтиб юрди – Вишинунинг эҳромида, Капурнинг коммерция коллежидаги бир хонада... Лекин у ўзига хомийлар кидирав, "Бҳагавад-гита"ни

тарғибот қилар, китоб ёзарди. У ўзига бошпана топишга ҳаракат қилмасди, - у илохий китобларни нашрдан чиқаришга ва Кришнани англаш таълимотини тарқатиш учун соф ва қудратли ҳаракат бошламоқчи ёки ўзининг интилишларини шундай Ҳаракат билан бирлаштироқчи эди.

Абхай нашрдан чиқармоқчи бўлган китобларининг рўйхатини тузди:

1. "Чайтанья Чаритамрита" - 2000 бет;
2. Гитопанишад (инглиз тилида)(1200 бет);
3. Садоқат илми(инглиз тилида)(300 бет);
4. Парвардигор Чайтанъянинг санкиртана ҳаракати(300бет);
5. Худонинг амри(инглиз тилида)300бет;
6. Бхагаванер катха(бенгал тилида) 50 бет;

Лекин бу китобларни нашрдан чиқариш учун унга ҳомийлар керак эди. У бадавлат кишилар билан уларнинг иш хоналарида, уйларида учрашар, уларга қўлёзмаларини кўрсатар, ўзининг миссияси ҳақида гапириб берар эди. Унда ҳомийларининг рўйхати бор эди, лекин факат улардан бир иккитасигина ёрдам беришга рози бўлдилар, уларинг қилган эҳсонлари ҳам беш-ўн рупийдан кўп бўлмасди. Вақти вақти билан у ўзининг ишларига олқиши хатлари ҳам олиб турарди.

Шундай хатлардан биттаси истефодаги муҳандис, Бирла Мандир Траст котиби Нараин Дас Раи Бахадурдан келганди. У Абхай ташкил этган машҳур гуру Анандамойи Она иштирокида ўтган оммавий китоб ўқиши мажлисида Абхайнинг маърузасини тинглаган экан. Абхайнинг ҳинд тилидаги "Чайтанья Чаритамрита"дан ўқишидан олган кучли таасуроти таъсири остида Анандамойи Она Абхайга беш юз рупий эҳсон қилган ва унга ҳозир касалхонада ётган машҳур садху Шри Хари Бабуни бориб кўришни маслаҳат берганди. Абхай Нараин Дас билан бирга Хари Бабуни бориб кўрди, у Абхайнинг "Чайтанья Чаритамрита"дан ифодали ўқиши уни руҳий жазавага гарк қилганини айтди. Шундан кейин Нараин Дас Абхайга ёрдам бермоқчи бўлди. Декабр ойида хат ёзиб, унда ҳар кимга "Ҳинд,ベンгал ва инглиз тилларидаги ҳар хил китобларини нашрдан чиқаришда Шри А.Ч. Бхактиведантага ёрдам қўлини чўзиши маслаҳат берди. Мен бундай олижаноб ишида унга муваффакият тилайман".

Абхай ана шу ва шунга ўхшаш бошқа хатларни ўзининг ҳомийларига кўрсатарди. Дехлида у ҳеч қийналмасдан ҳукумат вазирлари, судьялар, адвокатлар, компания раҳбарлари, дин пешволари билан учрашиш имкониятига эга бўлди; ҳамиша унинг гапларини жиддий тинглайдиган, баъзан эса, унга ёрдам беришга

тайёрлигини айтадиган кимдир топиларди. Шундай қилиб, факат Гаудия Сангадаги содиклар эхсон қилган икки дхотиси, икки куртаси бўлган, тарғибот қилиш ва одамларни ишонтира олиш қобилиятига эга, лекин на бошпанаси, на қўллаб-кувватлайдиган бирор ҳомийси бўлган Абхай, ҳеч нарсадан қўрқмасдан тарғибот қилишда давом этарди.

Китоблар ёзиш ва уларни нашрдан чиқаришга ҳаракат қилиш – Абхай қилиб юрган ишнинг факат ярми эди. Унинг ҳаракатларининг бошқа ярми “Содиклар жамоаси”га ўхшаган умумжаҳон Ҳаракат ташкил этишга бағишиланган эди. Абхай Нараин Даёдан Бирла Мандир(Дехлидаги энг катта эҳромлардан биттаси) қаноти остида бирор иш билан машғул бўлишнинг имкони бор ёки йўқлиги ҳақида суриштирди. Абхай Ҳиндистон ичиди ёки чет элларга инглиз тилида тарғибот қилиш ишларини бошқара олиши айтди. Нараин Даён ўзини санатана-дхарма издоши деб билгани учун, Абхай унга хат ёзиб, “Бҳагавад-гита”да ҳақиқий санатана-дхарма қандай таърифланганини тушунтириди. Агар Нараин дас унга ёрдам берса, санатана-дхармани, барча тирик мавжудотларнинг мангу динини қандай қилиб кенг тарқатиш ва амалда қўллаш бўйича Абхайнинг бир неча ғоялари бор эди.

“Мен қирққа яқин зиёли ёшларга илоҳий илмнинг ана шу фанини ўргатмоқчи ва уларни бошқа давлатларда мисионерлик фаолияти билан шуғулланишга тайёрламоқчи эдим.

Дарров инглиз тилида газета чиқаришни ёки ўзимнинг “Худога қайтиш” журналимни Ҳиндистонда чиқадиган “Иллюстрейтед Уикили” журналига ўхшатиб, кенг кўламда нашр қилишни давом эттиришни бошлаб юбормоқчиман.

Шунчаки яхши мусикачи ва ашулачилардан эмас, балки, садханага амал қилиб яшайдиган ва руҳий ўзлигини англашга жиддий интиладиган ёш йигитлардан санкirtана гурухини ташкил қиласман”.

Абхай вაъда бердики, яхши тайёргарлик қўриб олгандан кейин, ўзининг одамлари ва зарур бўлган нарсаларни олиб, мисионерлик ҳаракатини бошлаб юбориш учун бошқа давлатларга йўл олади. У ҳозир ўзининг жуда ночор аҳволда эканини ҳам тан оларди: “Илтимос, орқага сурмасдан, юқорида кўрсатилган ишларни ташкил қилишга ёрдам беринг ва менга яшагудай бошпана беринг. Мен ўзим турган вақтингчалик бошпанадан душанбагача чиқиб кетишим керак”.

Бирла Мандирнинг бошқарувчилари Абхайнинг таклифларини қабул қилмадилар. Лекин у улар билан ҳамкорлик қилишнинг бошқа шаклини ўйлаб кўйди: у одамларни “Содиклар Жамоаси”га аъзо бўлишга қизиқтириш учун Бирла Мандирда катта мажлислар ўтказиши мумкин. У Дехли шаҳрининг бошқарув раиси Р.Н.

Агарвалга мурожаат килиб, уни шаҳарнинг обрўли кишилари билан бўладиган учрашувга раислик қилишни илтимос қилди, у учрашувга келадиган обрўли кишилар рўйхатини кўриб чиқиб, розилик билдириди. Абхай учрашув вақтини 22 декабрга белгилаб, беш юз эълон ва икки юзта таклифнома нашр қилди.

У эълонда шундай деб ёзганди: “Парвардигорнинг марҳамати билан, Дехли шаҳри маданий учрашувлар марказига айланиб боряпти. Россия ва Ҳиндистон раҳбарлари яқинда барча миллатлар орасида маданий ҳамкорлик бўлиши кераклигини айтдилар. Аммо энг юксак маданият илмий руҳий илмни ўрганишдан иборат. Шунинг учун жаҳон маданиятининг энг яхши ўчоги Ҳиндистондир. Ана шу маданиятни сақлаб қолиш, шунчаки ўзаро бирлашмаган садху ва саннийасиларнинг иши бўлиб қолмаслиги керак. Бу маданият расмий равишда жамиятнинг энг обрўли кишилари томонидан қабул қилиниши лозим”.

22 декабр куни “Ҳиндустан Таймс” газетаси бугунги учрашувлар матни остида Ротари клубининг, Тагор жамиятининг, жаҳон муаммолари бўйича Ҳиндистон кенгашининг ва Ҳиндистон Фармацевтлар конгрессининг мажлислари билан бир қаторда “Содиклар Жамоаси”нинг учрашуви хақида эълон қилди.

“Жамоанинг мажлиси профессор X. Чанд ўтказган киртан билан бошланди, шундан кейин А.Ч.Бҳактиведанта, Жамоанинг асосчиси ва раҳбари, ўзининг Ҳаракатининг мақсади ва вазифалари хақида гапиди. Кейин Нараин Das сўзга чиқди, у Жамоанинг раҳбари таклиф қилаётган ва Ҳиндистон Ҳукуматига бу Ҳаракатни Махатма Ганди қоидаларига амал қиласидиган Ҳаркат сифатида қабул қилишни тавсия қиласидиган резолюция пунктлари билан таништирди. Резолюция қабул қилингандан кейин учрашув янга бир киртан ва прасад билан ниҳояига етди”.

Абхайнинг ишончи комил эдики, агар унинг ҳамфирлари ва маҳаллий инсонпарвар одамлар уни қўллаб-қувватласа, у бутун жаҳонда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлида Парвардигор Кришна садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига асосланган Ҳаракат ташкил қила олади. Лекин унинг вазифаси Кришнани англаш таълимотини кимга бера олса, шуларга тақдим этишдан иборат эди. Натижга фақат Кришнанинг Ўзига боғлиқ. Бирла Мандирда ўтган катта мажлисда иштирок этган кишиларнинг кўпчилигининг билдирган яхши ниятлари мана шу мажлис билан тамом бўлишини Абхай яхши биларди. Лекин бу ҳолат унинг ҳафсаласини пир қила олмасди. У ўзининг тарғибот билан шуғулланган бутун умри давомида кувноқ фалсафий кайфиятини сақлаб қола олган эди. Қайсиdir маънода у

ўзининг ҳаётидан деярли тўла мамнун эди: у руҳий устозининг номидан ҳаракат қилаётганидан ўзини жуда баҳтиёр хис киларди.

Гарчи унинг манзиллари жуда тез ўзгариб турса ҳам, почта барибир келган хатларни унга етказишга улгуради. У уйларга бориб таълим бериш ҳақида газетага эълон берди.

## Ўргатаман

**"Бҳагавад-гита"ning руҳий сирларини уйда, сиртқи курс бўйича ўрганиб, сизга иродаси кучли инсон бўлиб етишасиз. Тўла курс – 50 рупий. Таълим "Бҳагавад-гита"ning ишончли шогирдлар силсиласи, парампара талқини асосида олиб борилади. Сиз бундан ўзингизни қийнаб юрган ҳар қандай саволга жавоб оласиз. Ҳамма миллат ва жамоа вакиллари қабул қилинади.**

**А.Ч Бҳактиведантага мурожаат қилинг.**

\* \* \*

1952 йилдан бери, тўрт йил давомида Абхай "Худога қайтиш" журналинин нашрдан чиқармай юрган эди, энди у журнални нашрдан чиқаришни давом эттиришга қарор килди. "Худога қайтиш" бутунлай у билан машғул бўлишга арзидиган иш эди. Абхай журналга ўзининг бутун куч-куватини бағишилаган эди: нашр қилиш учун маблағ топиш, маколалар ёзиш, босмахонада нашр қилишни назорат қилиш, кейин минг нусхани тарқатиш. У журнални нашр қилиш учун керак бўлган маблағни шахсий учрашувларда хомийлардан сўради. Мунтазам равишда унга журнал учун эҳсон қиладиган кишилардан бири, унинг дўсти Бипин Чандра Мишра, Нью-Дехлининг Олий Суди судьяси эди.

*Мишра: Одатда у менинг олдимга ойда бир марта келарди. Мен унга журнал нашр қилиш учун пул эҳсон қилардим. Журнал атиги тўртvaraқ эди, лекин унинг мазмунни муаллиф мазуни жуда чуқур билишини, чуқур тафаккур соҳиби ва Парвардигор Кришнанинг асл содиги эканини кўрсатиб турарди. У жуда содда ва камтар инсон эди. У билан суҳбатлашиши ҳамиша ёқимли эди. У ҳамиша кулиб юради. Унинг энг асосий фазилати камтарлиги эди. У меҳр ва ишонч билан гапира оларди, бизлар у билан Худо ҳақидаги мавзуларни муҳокама қилардик, шунинг учун у билан бўлган ҳар бир суҳбатимиз руҳимизга озуқа берарди.*

Ўша пайтларда мен диний масалаларда катта обрўга эга эдим. Ўша пайтларда ҳеч ким уни Дехли шаҳрининг диний ҳаётига сезиларли таъсир қила оладиган бирор иш қила олишига ишонмасди, чунки унинг мақсади ҳинд тилида гапирадиган одамларнинг ҳаммасига эмас, балки фақат инглиз тилида гапирадиган зиёли кишиларга мурожсаат қилиш эди. Унинг етарли маблаги ҳам, мустаҳкам обрў-эътибори ҳам бўлмагани учун, унинг журнали обрўли одамлар орасида кўп тарқалмаган эди. Бошқа дин пеизволарининг имкониятлари жуда катта эди. Ундаги одамларни ўзига жалб қиласидиган ягона фазилати – унинг соддалиги ва Худонинг муқаддас номларига ва Унинг миссиясига бўлган қатъий ишончи эди.

Мақолалар ёзиш қийин иш эмасди. Руҳий устозининг марҳамати билан Абхай ғоялар етишмаслигидан ҳам, уларни баён қилолмасликдан ҳам қийналмасди. Ваҳнавларнинг асарларининг таржимаси ва уларга изоҳлар унга ўзидан ўзи келаверарди. **Нашриёт мўъжизаси, бриҳад-мриданга** уни ҳайратга солиб, илҳом багишларди. Ўзининг айтмоқчи бўлган гапларини қоғозга тушириш, кейин уни, фақат Дехли ёки Хиндистонда эмас, балки бутун жаҳон бўйлаб бевосита ҳар бир инсонга мурожаат қилиш лозимлигини чуқур англаган ҳолда, минглаб тиражда босмадан чиқариш Абхайни жазавали муроқаба ҳолатига солиб қўярди. У "Худога қайтиш" журналининг соғлом фикрли одамларнинг одамларнинг кўлига бориб тушишини, улар миннатдорчилик билан уни ўқиб чиқишлиарини хаёлан тасаввур қиларди.

Ўзининг тирикчилигини таъминлаш ҳам қийин эмасди. "Шримад Бҳагаватам"да Шукадева Госвами айтадики, Худонинг содик хизматкори ўзи учун овқат, кийим кечак ва бошпана излаб кийналиб юрмайди. Кроват йўқ бўлса, у кўлини ёстиқ қилиб, тақир ерда ҳам ухлаб кетаверади. Кўчадаги одамларга кераксиз бўлиб қолган бирор кийим-кечак ҳамиша топилади. Дараҳтларда пишиб турган мевалар билан озиқланиб юриш, тоғдаги бирор гор ичидаги яшаб кун кечириш мумкин. Она табиат инсонни ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаб қўйибди. Авлиё инсон ўзининг тирикчилигини таъминлаш учун дунёвий одамларга лаганбардорлик қилиб ўтирумайди.

Албатта, Абхай тоғда ёки қалин ўрмонда эмас, балки Нью-Дехлида яшарди, шунга қарамасдан у Шукадева таърифлаган таркидунёлик турмуш тарзи билан яшарди. Лекин у бу ишни ўзининг танасини жазолаш ёки ўзининг поклигини ёки қанчалик риёзатга берилган садху эканини кўрсатиш учун эмас, балки "Худога қайтиш"

журналини нашрдан чикаришда давом этиш имкониятига эга бўлиш учун қашшоқликда яшашга мажбур бўлганидан қиласди.

Абхай учун бу қийинчиликлар **буюк муҳаббат йўлидаги машаққатлар** бўлиб, унинг учун журнал чикариш учун қоғоз сотиб олиш егулик сотиб олишдан анча муҳимроқ эди. Тарғибот қилиш учун ўзининг **шахсий истакларидан воз кечиш** унинг **Кришнага бўлган чукур ишончининг амалда намоён бўлиши** эди, унинг ана шу ишончидаги эса бирор нуқсон йўқ эди. У ўзгармас мустаҳкам иймон билан ишонардики, **агар Кришнага хизмат қилиб юрса, хаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса етарли бўлади**. Ёлғиз ўзи фаолият олиб бориши унинг учун енгиб бўлмас катта муаммо эмасди; қайтанга шундай бўлгани ёқимли ва осон эди – Гаудия Санганинг саводсиз, браҳмачариларига раҳбарлик қилгандан анча яхши. У руҳий устозига хизмат қилиш йўлида бор кучини ишга солиб меҳнат қилишдан кўрқмасди. У бутун жаҳон аҳлининг ҳозир қанчалик жаҳолат ботқоғига ботиб кетган ахволи кўркитарди.

Шастраларда таърифланишига кўра, ҳозирги давр, Кали-югада одамларнинг тубанлика юз тутиши муқаррар. Бунинг исботини Абхай ҳар куни Дехли кўчаларида кўриб юрарди. Қадимда Дехлининг номи Хастинапур бўлиб, шоҳ Юдхиштхиранинг пойтахти эди. Шоҳ Юдхиштхира Парвардигор Кришнанинг паноҳи остида жаҳоннинг энг бадавлат шаҳаншоҳи бўлиб, унинг фуқаролари бирор нарсада муҳтоҷлик нималигини билмаганлар ва шоҳнинг ишончли ҳимояси остида бўлганлар. Энди, чет элликлар ҳукмрон бўлган минглаб йиллар ўтгандан кейин, Ҳиндистон яна пойтахти Дехлида жойлашган мустақил давлат бўлди.

Шунга қарамай, ҳатто ўзининг олтмиш йиллик умри тажрибасида Абхай ҳинд маданияти қанчалик инқирозга учраганини кўрди; ҳатто унинг болалик даврида ҳинд маданиятида ведавий даврлардаги пок маданиятнинг кўп қисми сақланиб қолган эди. У нотўғри ташвиқотнинг кучли таъсири остида ватандошларининг **қаттиқ алданиб, ўзларининг моддий истакларини амалга ошириш билан баҳтга эришамиз деб адашиб юрганини** кўрди. Инглизлар бу юртга чой, тамаки, гўшт ва заводларни олиб келган эди, ҳатто мустақил бўлгандан кейин ҳам ана шу нарсалар Ҳиндистоннинг турмуш тарзининг бир қисми бўлиб қолаверди. Британияликларни ҳайдаб юборгандан кейин ҳам ҳиндулар ғарбий ҳалқларининг турмуш тарзига тақлид қилишда давом этяптилар. Ҳиндистон раҳбарлари эса, атаялаб Худони англаб етишнинг Ведавий қонун-қоидаларига эътибор бермаяптилар. Айнан ана шу ведавий қадриятлар Ҳиндистоннинг ҳақиқий бойлиги бўлиб, у бу маънавий бойликни бутун жаҳонга тарқатиши керак эди. Ҳиндистон ўзининг бебаҳо руҳий маданият

меросини четда қолдириб, замонавий Ғарб маданияти изидан эргашяпти, - лекин, ваъда қилинган моддий фаровонлик қани? Мустақилликка эришгандан кейин ҳинд халқи Британия ҳукмрон бўлган даврдагидан баҳтлироқ бўла олдими? Одам гавжум шаҳар Абхайга худди безорилар ва нодонлар тўла дўзах бўлиб кўринарди. Гарчи минглаб қашшоқ одамлар кўпайиб кетган темир куйиш ва машина ишлаб чиқариш заводларида ишлаётган бўлсалар ҳам, уларнинг ҳаёт шароити тобора ёмонлашиб борарди.

Абхай ўзининг она ватанида кўзга ташланиб турган ана шу ҳолатлардан ташвишга тушаётганини "Худога қайтиш" журналида ўртага ташларди. Қашшоқ одам завод-фабрикаларда чиқарилаётган болт ва гайкаларни еб корин тўйгаза оладими? Одамлар фильмлар, телевидения ёки радиодан берилаётган беҳаё қўшиқлар билан корин тўйгаза оладиларми? **Рухий қонун-коидаларга етали эътибор бермаслик оқибатида** жамиятда улар расмий равишда курашиб юрган муаммолар – **эркалаб**, кулоқсиз бўлиб кетган ёшлар, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасини қамраб олган пораҳурлик, иктиносиди инқироз ва муҳтоҷлик каби иллатлар тобора кўпайиб кетаётганини раҳбарлар кўра олмаяптилар. Абхай ёшлигида Калькуттада яшаганида ҳеч қандай жинсий эркинликни реклама қиладиган кинофишалар бўлмасди. Энди эса, кино ишлаб чиқариш бўйича Ҳиндистон жаҳонда учинчи ўринга чиқиб олди, кино-фишалар бутун шаҳар бўйлаб ҳамма жойга ёпишириб ташланган. Бирин-кетин гўшт ва ароқ сотадиган магазинлар очиляпти. Газеталарнинг бош мақолаларида муаллифлар ҳар куни кўчаларда аёлларни ҳақорат қилиб, жаҳлини чиқариб ёки уларга тегажоғлик қилиб юрган ёш ҳинд йигитларининг тобора пасткаш бўлиб бораётганидан нолиб ёзадилар. Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қиладиган ташкилотлар ёш йигит-қизларнинг бефаросатлигидан, фильм ва reklамаларда аёлларга нисбатан ёмон муносабат билдирилаётганидан шикоят қиладилар. Лекин, афсуски, бу ахволни яхшилаш ҳақида ўйлайдиган муносабат браҳманлар ёки авлиё кишилар йўқ.

Абхай жамиятда маънавий қадриятларни, рухий маданиятни қайта тиклаш – кечиктириб бўлмайдиган зарурат эканини кўриб турарди. Лекин жамият шиддат билан қарама-карши йўналишда ҳаракат қиласди. Феврал ойида, айнан Абхай "Худога қайтиш" журналини нашрдан чиқаришга ҳаракат қилиб юрганида, Ҳиндистон бош вазири Жаваҳарлал Неру, жамиятдаги "маънавий инқироз"дан шикоят қилиб, айни пайтда мамлакатни тез индустрялаштиришнинг беш йиллик режасини эълон қилди. Жамиятдаги ҳар бир соғлом фикрли инсон, бош вазирдан то оддий ишчигача, тобора кўпайиб бораётган муаммолардан шикоят қиласди, лекин ҳеч ким жамиятдаги

**ҳақиқий муаммо одамларда Худога ишонч етишмаслигига** эканини тушунмаяпти, шекилли.

Абхай жамиятдаги одамларга Кали-юга касалига қарши күлланиладиган дори таклиф қилиши лозим эди. У ҳозир, одамлар у таклиф қила олишига қараганда анча күп бўлган дорига муҳтоҷ эканини тушунарди: "Худога қайтиш" журналининг биргина сонини нашрдан чиқариш ҳам унинг учун ҳал қилиб бўлмас муаммо эди. Мақолалар ёзиш, уларни машинкада қоғозга кўчириш, уларни босмахонага олиб бориш, кейин тайёр журналларни кўчама-кўча юриб одамларга тарқатиш ёлғиз, биргина қашшоқ содиқнинг иши эмасди. Лекин, руҳий оғайнилари билан ҳамкорлик қилишга интилиб, Абхай уларнинг чидаб бўлмас даражада тартибсизлигига ва кенг миқёсда шиддат билан **тарғибот қилишга умуман истаги йўқлигига дуч келди**. Бҳактишаранг Госвамининг "Саджжана-тошани" журналини кенгайтириш режаси йўқ кўринади, унинг матҳи эса, бошқа кўплаб матҳлар сингари, янги аъзоларни қабул қилишга қодир эмасди. Айнан ана шундай тор фикрлаш тарғибот ишларининг илдизига болта урганди. Шунинг учун у ҳозир бир ўзи ёлғиз ҳаракат қиласарди. Гарчи бундай руҳий инсонпарварлик фаолияти Абхайга чексиз баҳт келтираётган бўлса ҳам, у ўзи нашр қилаётган тўрт вараклик журнал худди сахродаги бир томчи сувдай оз эканини биларди.

1956 йил февралда – Кўшма Штатлар Инсон ҳуқуқлари қонуни лойихаси устида ишлаётган, Хрущев ва Эйзенхауер қуролланиш пойгаси авж олаётганидан қаттиқ афсусланаётганини очикдан–очик эълон қилиб, айни пайтда маккорлик билан қуролсизланишда бир бирини алдашга уринаётганларида, Эрон шоҳи Ҳиндистонга расмий равишда ташриф буюрганида - Абхай "Худога қайтиш" журналини нашрдан чиқаришга ҳаракат қилиб юрасарди. Қишининг салқин кунларида у эрта тонгда Дехли кўчалари бўйлаб босмахонага, Сурендра Кумар Жайн олдига босмадан чиқсан қоғозларни текшириш учун бораради. Пиёда юришлар унинг пулларини тежаб қоларди. У факат магазиндан типографияга қоз олиб бориш учунгина рикша ёлларди. Унинг чадари ҳам йўқ эди, у факат дхоти билан курта кийиб юрас, оёғига эса, резина туфли кийиб олганди. Бошига у шамол ва совукдан ҳимоя қилиб, кулокларини ёпиб турадиган, иягининг тагида қистириладиган тугмаси бор шапка кийиб юрасарди.

*Кумар Жайн: Биринчи учрашувдаёқ у ҳақида менда ҳалол ва яхши одам деган таассурот қолдирди. Мен унинг қандай аҳволда келганини кўрганимда, унга қаттиқ ачиниб кетдим. Унинг ҳамто йигирма беш пайс ҳам пули йўқлигини билардим. У ҳамто нонушта қилмасдан, шунча йўлни тиёда босиб келган. У босмахонага эрталаб келарди. Мен*

ундан: “Свамижси, бугун бирор нарса едингизми?” – деб сүрасам, у: “Йўқ, йўқ, жсаноб Жайн, мен фақат босмадан чиқсан варақларни текширгани келдим” – деб жавоб берарди. “Майли, мен сизга ҳозир нонушта олиб келаман” – дердим мен. Мен котибага нонушта олиб келишини буюрадим, кейин у варақларни текширишга ўтиради.

Одатда варақларни унинг ўзи текшириб чиқарди. Мен босмадан чиқарардим, то босмадан чиқариб бўлганча у ёнимда турарди. У эрталаб соат еттида келиб, то ҳамма қоғозларни текшириб бўлмагунча кетмасди. Деярли ҳамиша шундай бўларди – у келарди, нонушта қиларди, кейин бир неча соат столнинг икки тарафида юзма-юз ўтириб ишлардик. У фақат диний мавзуларда гапиради. Лекин бизлар варақнинг босмадан чиқшини кутиб ўтирганимизда ҳар хил мавзуларда суҳбатлашардик. Мен унинг жуда кўп китоб ўқиганини, жуда ўқимишли, жуда кўп нарсани биладиган киши эканини сезардим. У жуда содда, ҳалол, хулқ-атвори пок инсон эди. У мен учун буюртмачидан кўра кўпроқ дўст эди. Ўша пайтларда унинг асосий вазифаси “Худога қайтиши” журналини нашр қилишини давом эттиришдан иборат эди. Унинг молиявий аҳволи жудаям оғир эди. Баъзан журнални босмадан чиқарининг иложси бўлмай қоларди, чунки у қоғоз сотиб олгани тул тополмай қоларди. Мен ундан жуда кўп марта сўраганман, журнал чиқарии шунча қийин бўлса, нимага уни тўхтатмайсиз? Лекин у: “Йўқ, бу менинг миссиям, мен бу ишини ҳамиша давом эттиришга иложси борича ҳаракат қиламан”. Мен иложсим борича унга ёрдам берардим. Лекин у ҳақиқий қашишоқ эди.

Мен фақат босмадан чиқарардим. Қоғозни унинг ўзи топиб келарди. Баъзан мен унга: “Майли, сиз шунча ҳаракат қиляпсиз, мен ўзим қоғоз олиб келаман!” – дердим. Лекин кўпинча қоғозни унинг ўзи топиб келарди. Одатда у қоғозни рикшага юклаб олиб келарди.

Бизлар бир биримиз билан ҳамиша дўйстларча суҳбатлашардик, лекин баъзан у босмахона пулларини узоқ вақтгача тўлай олмай юради. Мен ундан иложси бўлса тезроқ тўлашни илтимос қилардим. Шунда у одатда: “Хавотирланманг, ишончингиз комил бўлсинки, сиз тулингизни албатта оласиз”. Мен ҳеч қачон ундан қандай йўл билан тул топиб юрганини суршиштирмасдим, бу унинг шахсий иши эканини ҳис қилардим. Пулларни ўз вақтида тўлай олмай юрган пайтларида у ўзини жуда ноқулай ҳис қиларди. Мен ҳеч қачон уни ноқулай аҳволга солиб қўймасликка интилардим. У агар тул тополмай қолса қандай қилиб журнални нашр қилишида давом этаман деб қаттиқ ташвишланиб юради. У қандай қилиб бўлса ҳам журнални нашр қилишини давом эттиришини истарди.

У “Бҳагавад-гита” хабарини одамларга етказишни истарди. У ўзининг қилиб юрган ишини одамларга тинчлик ва осойишталик олиб

*келадиган ягона йўлни кўрсатиб берадиган ўзига хос бир Ҳаракат деб биларди.*

Босмахонадан тайёр журналларни олиб кетиб, Абхай одатда шаҳар бўйлаб уларни сотиб юрарди. У чойхона эшиги олдида турар, кимдир чойхонага кириб ўтиrsa, унга "Худога қайтиш" журналини сотиб олишни таклиф қиларди. У бир вақтлар унга эҳсон қилган ёки у билан учрашишга рози бўлган кишиларнинг иш хоналарига, уйларига борарди, баъзан танишларининг тавсиялари билан, баъзан "шу ердан бирор соғлом фикрли киши топилиб қолар" деган умид билан ўзи бирор ишхонага ҳеч қандай таклифсиз кириб бориб, янги одамлар билан танишарди. Мунтазам журнал сотиб оладиган кишилар олдига бориб, улар билан келгуси сонларнинг фалсафий мавзуларини муҳокама қиларди, баъзан улар таклиф қилган мавзуларни ёритиб мақола ёзарди: "Хурматли дўстимиз, Шри Бишан Прасад Махешвари, Олий Суднинг хурматли адвокатларидан бири, биздан айникса Зулм ва унинг имконияти нуқтаи назаридан бирор натижа кўзлаб фаолият кўрсатиш мавзусини муқаддас китоблар асосида тушунтириб беришни илтимос қилди". Баъзан садака берадиган кишилар у билан уни ёқтирганидан ёки Ведалар билан қизиққанидан эмас, балки, шунчаки ўз бурчи юзасидан у билан учрашишга рози бўлардилар: ҳиндлардаги анъянага кўра тарбия кўрган киши садху билан учрашиши ва ундан газета олиши, у ҳақда яхши фикрда бўлиши лозим, лекин унинг журналини ўқиш шарт эмасди. Бир куни у бир бадавлат хонадон эшиги олдига борди, уй эгаси иккинчи қаватдан балконга чиқиб, унга қичқири: "Йўқолинг бу ердан! Сизни бу ерга ҳеч ким таклиф қилгани йўқ!"

Журнал таклиф қилганида одамларнинг баъзан унга шундай қўпол муомала қилишларини кўриб, у "Худога қайтиш" журналининг март ойи 16 сонида: "Вақтим йўқ! – оддий инсонларнинг сурункали касаллигидир" деган мақола ёзди.

"Биз бирор жанобга "Худога қайтиш" журналига обуна бўлишни таклиф қилиб мурожаат қилсанак, одатда у: "Вақтим йўқ!" – деб жавоб беради.

Улар танада жон сақлаб туриш учун пул ишлаб топиш билан жуда банд эканини пеш қиласдилар. Лекин улардан "жон" деганда нимани назарда тутасиз?" – деб сўрасангиз, улар жавоб беролмай қоладилар.

Доктор Мегхнатх Саха, буюк олим, режалаштириш бўйича мажлисга шошиб бораётган эди. Афсуски, йўлда ўзининг автомобилида ҳалок бўлди. У ҳозир вақти йўқлиги айтиб, Ўлимдан бироз сабр қилиб туришни илтимос қила олмади.

Буюк конгрессен доктор Ансари, уйига қайтиб келаёттанды поездда жон топширап экан шундай деди: “Мен ўзим врачман, деярли оиласыннан ҳаммаси ҳам тиббиёт ходимлари, лекин шунга қарамасдан, Ажал шунчалик бешафқатки, мени бирор тиббий ёрдамсиз ўлишга мажбур қылышты.

Шунинг учун Ажал “Шримад Бҳагаватам”да “чарчамайдиган зот” деб таърифланади. **Ҳар биримизни Ажал кутиб турибди, лекин, ҳар бир инсон “мен ўлишим мумкин эмас” деб ўйлади. Ўлгандан кейин хаёт давом этади. Вакти йўқ одам шуни яхши билиб олиши керак. У яна шуни билиб олиши керакки, ўлгандан кейин қаерга боради? Ҳозирги ҳаёти унинг мангу саёҳатининг шунчаки бир қўналғаси холос. Фаросатли киши ўзининг бутун дикқат-эътиборини чексиз узоқ йўлидаги сон-саноқсиз қўналғалардан факат биттасига қаратиб ўтирайди. У мангу ҳаётини кўпроқ ўйлади.** Тананинг саломатлигини сақлаб туриш лозим ва шарт эканини ҳеч ким инкор этмайди, лекин ҳар бир соғлом фикрли киши билиб олиши лозимки, “Бҳагавад-гита”да айтилганидек, тана – шунчаки ташқи қобиқ, кийим, холос, Жон(руҳ) эса, - ана шу кийимни кийиб юрган ҳақиқий шахсадир. Шунинг учун, агар биз факат кийимни парваришлаб юрсагу, шу кийимни кийиб юрган шахснинг ўзига эътибор бермасак, бу ҳақиқий аҳмоқлик ва вактни бекорга кетказиш бўлади”.

Абхай оддий журнал сотувчи эмасди. У баланд овозда ўзининг журналининг номини айтиб бақириб юрмас, сотиш учун уларни киоскаларга ҳам бермасди. У чой ичиб ёки шунчаки дам олиб ўтирган, ёки ишхонасида ўтирган ҳар бир инсонга бевосита мурожаат қиларди. У қўлидаги бир даста журналдан биттасини олиб, кўринишидан оддий журналга ўхшаган журналнинг катта харфлар билан ёзилган бир неча сарлавҳасини кўрсатарди: “Одамлар ичиди энг қашшоқ”, “Ижтимоий онгнинг фалсафий муаммолари”, “Инсониятнинг мусибатлари”, “Миллатчиликнинг пок онги”. Шунчаки сарлавҳаларга кўз югуртириб чиқкан киши ҳам дарров бу журнал оддий журналлардан эмаслигини тушуниб етарди. Абхай ҳали улар: “Вактим йўқ!”- дей айтишга улгурмасдан, уларни журнал сотиб олиш кераклигига ишонтириш учун бир икки оғиз гапиради. Ўзининг руҳий устози ва аввалги вайшнав-устозлар номидан у ҳозир хушмуомала, ҳамиша кулиб турган журнал сотувчи вазифасини бажариб юрарди. Йўқ, бу оддий журнал эмас, одамлар уни қизиқиб сотиб олардилар, ўзи атиги олти пайс туради. Шундай килиб, у одамларга Ведаларда берилган Ҳақиқат илмини улар тушунадиган тилда ёзилган журнал сифатида тарқатиб, Парвардигор Чайтанъянинг марҳаматини тобора кенгайтириб юрарди.

Унинг жуда қашшоқлигига ва у келтирган хабар одамларга жуда зарур эканига қарамасдан, унинг мақолалари ҳеч қачон жуда аччиқ, ўткир, қўпол ёки тор фикрли эмасди. У соғлом фикрли фалсафани тинглашга ва мантикий ва муқаддас китоблар асосида тушунтирилган Ҳақиқат илмини қабул қилишга қодир бўлган ҳамфир ўқувчини топиш мақсадида ёзарди. Гарчи унинг Деҳли кўчаларида олган тажрибаси кўрсатиши бўйича, одамларнинг ақли жуда чекланган, адашган, ўзининг кимлигини, ҳақиқий ўзлигини англаш етиш билан кизиқмайдиган бўлсалар ҳам, у яхши биларди, барибир уларнинг кўпчилиги **ҳеч бўлмаса умрида биргина марта** энг муҳим масалалар ҳақида ўйлаб кўрган: **Худо борми ўзи? У қандай Зот? Шахсми? Нимага одамлар мусибат чекиб юрибдилар?** Шунинг учун Абхай уларнинг ана шу энг буюк туйғуларига мурожаат қиласади.

1956 йил баҳорида Ҳиндистонга Кўшма Штатларнинг давлат котиби Даллес келди, бир кундан кейин Ҳиндистоннинг собиқ генерал-губернатори Лорд Моунтбаттен келди. Уни аэопортда кўпминг сонли одамлар кутиб олишди. Кейин болалар кўчадан ўтгандарга ҳар хил бўёклар сочадиган муқаддас Холи байрами бўлиб ўтди. Бош вазир Жавахарлал Неру Деҳли шаҳрининг кўчаларини айланиб, одамларнинг қанчалик қашшоқ яшашини кўриб ҳайратга тушди. У Ҳиндистон ядроий энергетикани ривожлантиришини айтиб, ундан факат тинчлик йўлида фойдаланишини ваъда берди. Мамлакатда сиёсий муҳит чигаллашиб бораради. Покистон билан Ҳиндистон чегарасида тўқнашувлар бўлиб турарди. Деҳлида темирийўлчилар иш ташлаш эълон қилдилар. Абхай эса тарғибот қилишда давом этарди.

У қандайдир йўллар билан пул топиб, 1956 йил 20-май куни "Худога қайтиш" журналининг олтинчи сонини нашрдан чиқарди. Биринчи сахифада шундай сарлавҳали мақола босилган эди:

### **Қоидага риоя қилиш учун**

Марҳамат қилиб "Худога қайтиш" журналини ўқинг ва ўз шахсиятингизнинг уйқуда ётган томонини уйғотинг. Бу журналда ўзимизнинг номукаммал сезгиларимиз орқали қабул килган нарсаларга асосланган хом хаёллар ёзилган эмас. Журналдаги хамма гаплар – руҳий озодликаа эришган донишмандларнинг гаплариdir. Биз шунчаки уларнинг эркак ва аёлларга хозирги куннинг оддий тилида яна бир марта мурожаат қилишига ёрдам беряпмиз, холос. Шу боис, эркакми, аёлми - маъсулият хис қила оладиган ҳар бир инсон обуна баҳоси бир йилга 2,4 рупий, бир ойга атиги 0,2 рупий бўлган бу

журнални мунтазам равища ўқиб бориши лозим. Бундай нодир имкониятни қўлдан бой берманг. Бу сизнинг манфаатингиз. Бу – инсонлар жамиятини баҳтиёр қиласди.

"Бҳагавад-гита" илмини қандай етказиш керак?" деган мақолада у жамият ҳаётини руҳий жиҳатдан ташкил этиш зарурлиги ҳакида ёзади. У "Гита-нагари"("Бҳагавад-гита" куйланадиган қишлоқ) деб атаган намунали жамоа "Бҳагавад-гита" қонунлари асосида яшайди ва "Бҳагавад-гита" таълимотини бутун жаҳон бўйлаб тарғибот қиласди. Махатма Гандининг вайшнавларга хос бўлган фазилатларини олқишилаб, Абхай ёзадики, Махатма Ганди ҳам гита-нагари қоидасини жуда юқори баҳолаган. Мана шу – иблисларрга хос қонун-қоидалар асосида ҳаракат қиласиган, шу боис, инкирозга юз тутган ҳозирги инсониятни нотўғри йўлдан олиб келган жамият раҳбарлари келтирган мусибатлардан халос бўлишнинг ягона йўлидир.

У замонавий одамларнинг нотинч ақлинни қандай қилиб ўзига жалб қилиш ҳакида ўйларди. У Парвардигор Кришнанинг таълимотини кенг миқёсда аниқ ва тўғридан-тўғри тарқатишни истарди; у ишончли муқаддас китоблардан келтирилган далиллар соглом фикрли, зиёли ва изланувчан кишилар учун муҳим ва ишончли бўлади, деб ҳисобларди, лекин улар бу мавзуга аввалига унчалик қизиқмасликлари мумкин. У билардики, қандай қилиб бўлса ҳам, у уларнинг қалбида қизиқиш уйғотиши керак, лекин бунда у ўзи хотиржам қолган ҳолда, мутлақ қонун-қоидаларни ўзгартирмаслиги керак. Одамлар динни китоб жавонидан турган, ўзлари хеч қачон ўқимаган, ёки тушуммаган, ўзлари ишонмаган бир китоб деб пастга уриб ташлаганлар; Абхай эса, ана шу динни уларга муқаддас китоблардан фарқ қilmайдиган газета шаклида тақдим этяпти. Албатта, улар газетадан дин ҳакида маълумот олишни сира кутмаган эдилар, лекин барибир улар газетани ўқиб кўришлари мумкин. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш – "Худога қайтиш" журналининг мақсади, - албатта, бу – миллий газеталарда ва бадиий асарларда ёзилган эркак ва аёлнинг ўзаро муносабатлари ҳакидаги мақолаларни излаб юрган калтафаҳм одамлар учун мўлжалланмаган. Лекин бу – лаззатга тўла мангу руҳий ҳаётга олиб борадиган ягона йўлдир.

Абхай "Худога қайтиш" журналини кўчаларда сотиш билан бирга Ҳиндистон ичida ва унинг ташқарисидаги обрўли кишилар ва ташкилотларга бепул жўнатарди. Абхай кўп йиллар давомида чет эллардаги инглиз тилида гапирадиган одамларга Кришнани англаш таълимотини етказиш ҳакида ўйлаб юрарди. Чет эл кутубхоналари, университетлари, маданият ва ҳукумат китоб магазинларининг манзилларини топиб, молиявий ахволи қанча китоб юборишга имкон

берса, шунча журналларни ўша манзилларга почта орқали юборарди. У гарб давлатлардаги журналхонларига мурожаат қилиш учун хат тайёрлади. У ўз ватандошларидан кўра улар Кришнани англаш таълимоти билан кўпроқ қизиқиб қолар деб умид қиласади.

Гарчи "Худога қайтиш" журналидаги барча хабарлар – Ҳиндистоннинг қадимий, ҳақиқатан ҳам Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган донишмандларининг бутун инсониятга бераётган бебаҳо неъмати бўлса ҳам, ҳозирги даврдаги ҳинд ҳалқининг йўлбошчилари гарбдаги ривожланган дунёвий илмга ҳаддан ташқари ҳавас қиласадилар. Улар буюк донишмандлар қолдириб кетган ҳақиқий илмлар жавохирини бутунлай эсдан чиқариб юборганилар.

Сизлар, гарб давлатларининг фуқаролари, моддий илм соҳасида жуда катта тажрибага эгасизлар, лекин, барибир сизлар ҳалигача бутун дунёда тинчлик ўрнатишга эриша олмадинглар. Балки, сизлар гарчи моддий жиҳатдан ҳеч нарсага муҳтож бўлмасанглар ҳам, кўпчилик ҳолларда муаммоларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш кераклигини ҳис қиласизлар. Ҳиндистоннинг калтафаҳм йўлбошчилари материализмнинг ана шу асосий муаммосини англаб етолмайдилар, шунинг учун инсон ҳаётининг энг муҳим мақсади бўлган "Худога қайтиш" гоясини қабул қилмаяптилар.

Ўз ватанида ҳам фаол ҳаракат қилиб, Абхай "Худога қайтиш" журналининг кейинги сонларини Ҳиндистон президенти Раджендра Прасадга ҳам юборди, журналга қўшиб у иймонсиз асурлар йўлбошчилик қилаётган жамият оғир мусибатларга дучор бўлишини огохлантириб хат ҳам ёзиб юборди – "шунинг учун, илтимос, уларни буюк инқироз ва тубанликдан саклаб қолинг!"

21-ноябрда ёзган хатида Абхай ўз фикрини ошкора баён этган эди: "Мен Ҳақиқат йўлини топдим. Мен ҳозирги моддий танамни тарк этгандан заҳоти қандай қилиб "Худога қайтиш" йўлини биламан. Мен билан бирга яшаёган замондошларимни, эркагу-аёл ҳаммасини ўзим билан бирга олиб кетиш учун, бунга эришиш воситаларидан бири сифатида ўзимнинг "Худога қайтиш" журналимни чиқара бошладим. Илтимос, ўзимнинг ҳозирги моддий танамни ташлаб, Худонинг даргоҳига қайтиб кетаман, деганимда мени қандайдир бир хаёлпараст ёки ақлдан озган телба деб ўйламанг! Бу ҳар кимнинг ва ҳаммамизнинг кўлимииздан келади".

Абхай жаноби Олийларидан ҳеч бўлмаса, хат билан бирга юборган "Худога қайтиш" журналининг бир неча сонининг фақат сарлавҳаларига кўз югуртирииб чиқишни ва журнал муҳаррири билан учрашиш имконини кўриб чиқишни илтимос қилди. Ҳиндистоннинг руҳий мероси жуда кўп ишларни амалга оширишни талаб қиласади, ана шу мақсадда маҳсус руҳий муносабатлар вазирлигини ташкил этиш

лозим. “Ҳозирги даврда мен худди сахрода ёлғиз йиғлаётган одамга ўхшайман” – деб ёзганди Абхай. Лекин Жаноби Олийлари баридир бирор жавоб бермади.

“Худога қайтиш” журналида Абхай атеистик дунёқарашга қарши тарғибот қиласынан. “Охирги умид” мақоласыда у ошкора тан оладики, у “Худога қайтиш” журналини тарқатып юриб учратган кишиларнинг 80 фойзи иймонсиз атеистлар эдилар.

Баъзан биз замон билан бирга қадам ташлаётган кишиларни учратамиз ва уларни “Худога қайтиш” журналиниздаги мақолаларнинг мавзулари биан қизиқтиришга ҳаракат қиласынан. Шунда уларнинг күпчилиги, Худо ҳақидағы мавзулар билан қизиқмаслигини, бунинг устига: “Одамларни “Худога қайтиш”га уриниб юрган кишиларнинг ҳаракатларини ҳам қоралаймиз” – деб очиқ айтадилар.

Ана шундай одамларнинг фикрига кўра, ҳиндларнинг иқтисодий ахволи улар Худога жуда қаттиқ ишонғанлари сабабли ёмонлашиб боряпти, шу боис, улар Худони ва Худо билан боғлиқ бўлган нарсаларни қанчалик тез эсдан чиқариб юборсалар, улар учун шунчалик яхши. Лекин биз ана шундай Худобехабар замонаваий одамларнинг атеистик хуносаларини тан олмаймиз.

Абхай бунга эътиroz билдириб айтдики, мустақил Ҳиндистон ҳозирги даврда ўз фуқароларига Худосиз, атеистик таълим беряпти, лекин шунга қарамай, мамлакатнинг иқтисодий ахволи яхшиланмаяпти. Кўпчилик ҳиндларда ҳатто тириклик қилиш учун энг зарур бўлган энг муҳим нарсалар ҳам йўқ. Биргина Дехлининг ўзида 120 минг ишсиз одам бор.

Балки, баъзи бир ҳукуматда катта лавозим эгаллаб олган кишилар ёки омадли бизнесменлар ўзларини жуда баҳтиёр хис киларлар, лекин уларнинг ватандошларининг 90 % и зўрга кун кечиряптилар, шунинг учун давлатнинг иқтисодий ахволи яхши эмас.

У Қўшма Штатларнинг сабиқ президенти Труменнинг гапларини келтирди: “Миллий мустақиллик фуқароларга турмуш фаровонлигини олиб келиши лозим”. Агар шундай бўлса, деб ёзади Абхай, Ҳиндистоннинг мустақиллиги нимада? Бу гапларнинг маъноси шундан иборатки, токи одамлар бу дунёдаги ҳамма нарса ягона Парвардигорнинг мулки эканини тан олмагунларича уларнинг баҳт ва фаровонликка эришиш йўлидаги барча уринишлари бекор кетаверади. Атеистик маданият ҳеч качон тинчлик олиб кела олмайди.

“Илғор мақсад ва тўймас эҳтирос” деган мақолада Абхай шундай деб ёзади: Жаҳонда пул танқислиги йўқ, факат тинчлик ва одамларнинг ўзаро тотувлиги етишмайди. Инсоннинг бутун кучкуввати пул ишлаб топишга кетади, бу эса, одамларда осон йўл билан

топиладиган пулга бўлган интилишни кучайтирди, лекин, чекланмаган ва ноқонуний пул инфляцияси иқтисоднинг ёмонлашувига олиб келди ва одамларнинг, осон бизнеснинг сунъий сиёсати оқибатларини яксон қилиш учун кўплаб қимматбаҳо курол ишлаб чиқаришига имкон берди. Гуллаб-яшнаётган давлатларнинг раҳбарлари тинчлик хукм сурган ҳаётда лаззатланиб яшаш ўрнига, ҳозир замонавий яксон қилувчи куроллардан ўзларини химоя қилиш режаларини тузиш билан овора. Ана шундай оммавий кирғин куролларини ишлаб чиқариш максадида ўтказиладиган синовларга ажратиладиган шунча маблағ, шунчаки пулни шамолга совуришдан бошқа нарса эмас. Бундай ҳарбий синовларда одамларнинг тер тўкиб топган шунча пуллари бекорга сарфланиб қолмасдан, сон-саноқсиз бегуноҳ тирик мавжудотлар кирилиб кетади, бунинг оқибатида ўша давлатлар бешафқат Карма қонунлари чангалига тушиб қоладилар.

Ноқонуний равишда керагидан ортиқча пул тўплаб юрган одамлар ўз пулларидан солик кўринишида ҳарбийларга, “врачлар, адвокатлар, солиқчилар, оила, Садхулар жамияти, зилзила ва бошқа оғатлар кўринишида келадиган алдамчи қувват вакиллари”га тўлаб айриладилар. “Худога қайтиш” журналини сотиб олишга 6 пайс пулинни қизғанган бир хасис бойвачча Парвардигорнинг алдамчи қувватининг амри билан ҳар ҳафтада даволанишга 20 минг рупий тўлашга мажбур бўлиб, охир-оқибатда бу оламдан кўз юмди. Худди шундай, Худога хизмат қилиш йўлида олти пайси эҳсон қилишни истамаган бошқа бир хасис ўзининг қариндошлари билан бўладиган суд харажатларига ўттиз минг рупий тўлашга мажбур бўлди. Табиат қонуни шундай.

Деҳлидаги бир почта хизматчиси Абхайнинг чет элга юбормоқчи бўлаётган журналининг номини кўриб қолиб, имкониятдан фойдаланиб, Абхайга ўзининг иймонсиз атеистик гоялари билан қарши чиқишига уринди. У Абхайга шундай деди: “Агар биз ўз бурчимизни тўлиқ бажариб юрган бўлсак, Худога сифиниб сажда қилишнинг нима кераги бор? Агар биз ҳалол ишласак, одоб-ахлоқ доирасидан чиқмасак, ҳеч кимга ёмонлик қилмасак, Худога сажда қилишнинг нима кераги бор?”

Бизнинг журнал “Худога қайтиш” деб аталгани учун, аслида у ўзининг бу гаплари билан биз қилиб юрган ишлардан норозилигини билдираётган эди: “Аар биз ҳамма ишимизни тўғри ва ҳалол қилиб юрган бўлсак, Худо ҳақида гапиришнинг, тарғибот қилишнинг нима кераги бор?” Бу Арья Самаж таълимоти издошларининг – Худодан қандай қутулиш мумкин деган нуқтаи-назари эди. “Мен унга жавоб бериб айтдимки, агар инсон Худога ишонмайдиган бўлса, у одобли инсон бўлолмайди, у ҳалол яшай олмайди, ростгўй бўлолмайди –

бизнинг нуқтаи-назаримиз шундай. Бутун жаҳон одамларининг ҳаётини мана шу учта мезон асосида ўрганиб кўринг – одоб, ҳалоллик ва бурч. Сиз, агар Худога ишонмайдиган бўлса, инсон одоб-ахлоқ, ҳалоллик ва бурч нималигини умуман билмаслигини англаб етасиз. Жамиятдаги одамларда ана шу эзгу фазилатларни ривожлантириш учун сиз аввал уларнинг қалбида Худони англаш ва Унга ишониш туйғусини уйготишингиз керак бўлади.

Бир ишбилармон, Абхайнинг "Худога қайтиш" журналини сотиб юрганини кўриб, унга: "Қани ўша Худо? Сиз менга Худони кўрсата оласизми?" – деди. Абхай унинг саволига жавоб берди, лекин бу саволга чуқурроқ ва аникроқ жавоб бериш учун бу ҳақда Дехли кўчаларида журнал сотиб, кун бўйи ўйлаб юрди. Кечқурун хонасига келиб, "Худо қани? Худони кўриш мумкинми?" деган мақола ёзишга кириди.

Нью-Дехлининг маъмурий биносидаги мармар тошда шундай гаплар ёзи кўйилган: "Озодлик одамларга ўзидан ўзи келмайди – озодликдан лаззатланишдан олдин унга эришиш керак". Ҳакиқатан ҳам бу тўғри гап, Ҳиндистон ҳалқи Сваражга эришиш учун қанча қон тўкишга мажбур бўлганини ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Лекин, баъзи бир бефаросат иймонсиз одамлар: "Худо қани? Сиз менга Худони кўрсата оласизми? Сиз Худони кўрганмисиз?" деган саволларни берадилар. Аслида бундай саволларни ўзи бирор иш қилмасдан ҳамма нарсага осонликча эришишга интиладиган такасалтанг одамлар берадилар. Агар бу моддий оламда алдамчи ва ўткинчи бўлган озодлик, эркинлик туйғусига эришиш учун шунча меҳнат қилиш ва шунча қурбонлар бериш керак бўлса, ҳар нарсага қодир Худони, Мутлак Ҳакиқатни осонгина кўришнинг иложи борми? Худони кўриш учун инсон аввал барча сохта ўзликлардан, адашиб ўзини бошка нарсаларга қиёслаб юришлардан ҳалос бўлиши лозим. Наҳотки, Худони – сиз чақирган заҳоти олдингизга чопиб келадиган оддий бир хизматкор деб ўйласангиз? Лекин, иймонсиз одамлар айнан шуни истайдилар: Худо унинг хизматкори, унинг ҳар қандай истагини амалга ошириши керак. Шу боис, баъзи одамлар ўйлайдиларки, Худо – ўйлаб топилган нарса, акс ҳолда У биз чақирган заҳоти олдимизга келиши керак эди.

Бир куни, Абхай одам кам кўчалардан бирида, журнални нашрдан чиқариш ишлари билан банд бўлиб кетиб бораётганида Ҳиндистон кўчаларида кўп учрайдиган эгасиз сигирлардан бири шохи билан унинг бикинидан сузиб юборди ва у йиқилиб тушди. Аввалига у ўрнидан туролмай қолди, ҳеч ким унга ёрдамга келмади. Ерда, ўрнидан туролмай ётар экан, у "нимага бундай бўлди экан?" – деб ўйлай бошлади.

Ёз кириб келган, ҳарорат қирқ градусдан ошиб кетгани учун деярли кўчага чиқишининг иложи бўлмасди. Шахар кўчаларида чанг тўла иссиқ шамол эсади. Кундуз кунлари сотувчилар дўконларини ёпиб қўядилар. Май ойининг бошида, иссиқ 45 градусга кўтарилиганида, бир киши кўчада йиқилиб тушиб, иссиқ ўтганидан ҳалок бўлди. Лекин Абхай иссиқка ҳам, инсон танасининг имконият чегараларига ҳам эътибор бермасди.

Бир куни Абхай "Худога қайтиш" журналини ҳар хил манзилларга таркатиб юрарди, бирдан боши айланиб бораётганини ҳис қилди ва иссиқдан деярли ҳушидан кетиб қолди. Ўша пайтда кўчадан унинг бир таниши машинада ўтиб борарди, Абхайнинг ҳушидан кетиб йиқилганини кўриб, у дарров уни врачга олиб борди. Врач унга иссиқ урганини айтиб, ўрнидан турмай ётишни буюрди.

Йигирманчи ионда Абхай ўзининг "Худога қайтиш" хафталик журналини саккизинчи сонини босмадан чиқарди. У журналниң биринчи сахифасида дунёвий оилавий турмуш тарзини ҳам, оилавий турмуш тарзини тарк этиб, сохта зоҳид бўлиб юрган кишиларни ҳам қоралаб ёзганди. У уйини биратўла ташлаб, ванапрастҳа турмуш тарзи билан яшаётганига роппа-роса икки йил бўлган эди. Шунинг учун у оилавий турмуш ҳакида деярли ўзининг ҳаёт тажрибасидан далиллар келтириб гапираварди, айни пайтда унинг ҳар бир гапи муқаддас китоблардан келтирилган мисоллар билан тасдиқланарди. У "Шримад Бҳагаватам"дан Прахлад Махаражнинг гапларини келтирди: "Ақли ҳамиша оиласининг ташвиш ва эҳтиёжлари билан банд бўлиб юрган кишилар, мангу рух учун худди тубсиз кудук сингари ҳалокатли бўлган ўткинчи дунёни тарк этишлари ва Худонинг Олий Шахси панохига кириб, ўрмонга йўл олишлари мумкин". Абхай тан олиб айтадики: "Оилани бошқариш бутун бир салтанатни бошқаришдан ҳам анча қийинроқ".

Лекин, қалбида ҳакиқий таркидунёлик туйғусини ривожлантирмасдан, қалин ўрмонда яшаб, оилавий ҳаётдан узокда юришга уриниш – "маймунларга хос таркидунёлик" деб аталади. Ўрмонда жуда кўп маймунлар яшайдилар, улар устига бирор лиbos киймайдилар, факат мевалар билан тирикчилик қиласидилар, лекин улар ўзларининг жуфтлари билан яшайдилар.


Ҳакиқий дори – Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш. Факат мана шу йўл бизни барча турмуш ташвишларидан ва муаммолардан ҳалос қиласиди ва ҳамиша, ва ҳамма жойда Парвардигорни кўриб юриш имконини беради.

Шу боис, ҳакиқий таркидунёлик руҳи билан яшаш учун, албатта ўрмонга кетиш шарт эмас. Ҳатто оилавий кишилар киядиган лиbos

кийиб юриб ҳам, инсон Худога садоқат билан хизмат қилишга ўзини бутунлай бағишилаб, ташвиш ва муаммолардан озод яшashi мумкин.

1 сентябрда АҚШ президенти Эйзенхауэр Совет Иттифоқи яширин равища үтказган, қуввати миллион тонна тринитротолуолга teng бўлган водород бомба синовларини коралаб гапириб, советларнинг тинчликни сақлаш ҳақидаги баландпарвоз гаплари устидан кулди. Яқин Шарқда Миср шоҳлиги Суэц каналини ҳалқ мулки деб эълон қилди, натижада ҳалқаро муносабатлар инқирозга учради. 20 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 81 давлат вакиллари тўпландилар ва атом энергиясидан факат тинчлик йўлида фойдаланишни назорат қиласидиган ташкилот(НАСО) туздилар. Абхай газеталарнинг сарлавҳаларини кўрар, ўзи ташриф буюрган ҳар хил жаноблардан ҳалқаро хабарларни эшитиб юарди. У очикдан-очик эълон қиласидики, агар, одамлар Худонинг борлигини тан олмасалар, яъни Кришнани англаб етмасалар, сиёсатчиларнинг ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги ваъдалари шунчаки куруқ сафсата(фантасмагория) бўлиб қолаверади.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати: “*Агарда атиги биргина жонзот Худонинг асл содиқ хизматкори бўлиб етишиса, ўзимнинг миссиямни меваффақият қозонган деб ҳисоблардим*” – деб айтарди. Шунга қарамасдан, Абхай ҳамиша ўзининг жуда ношудлигидан, ҳали Кришна учун қилиш керак бўлган ишлар жуда кўплигидан, атиги биргина шартланган рухни Худога ишонтириш ҳам қанчалик мушкул эканидан нолиб, қаттиқ қийналиб юарди.



## Ўнинчи боб

### “Бу – Энг муҳим синов даври”

“Албатта, бизнинг бу илмни инглиз тилида баён этиши қобилиятимизни истаганча танқид қилиш мумкин: мавзуни тўғри баён қилишга қанчалик самимий интилсак ҳам, биз жуда кўп бадиий ноаниқликларга йўл қўйишимиш мумкин. Лекин, ишончимиз комилки, Парвардигорни олқишилашга бўлган самимий интилаётганимизни кўриб, йўл қўйган хатоларимизга қарамай, жасият раҳбарлари бу мавзунинг қанчалик жиiddий эканини тушуниб, уни албатта эътиборга оладилар.

"Шримад Бҳагаватам"  
Биринчи Қўшиқ, биринчи том.

Бхактиведанта Свами Кешаваджи Матхдан бир неча содиклар ҳамроҳлигига Агра, Канпур, Жханси ва Дели шаҳарлари бўйлаб Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилишга бағишлиланган қисқа сафар уюштириди. Орадан кўп вакт ўтмай у ўзининг уйига, Вамшигопаладжи эҳромига кайтиб келди. Энди уни ҳеч ким Абхай бабу деб чақирмайди. Ҳатто унинг дўстлари ҳам уни Свамиджи ёки Махараж деб атардилар. Унга кўпинча Свами Бхактиведанта, Свами Махараж, А.Ч. Бхактиведанта Свами деб мурожаат қиласдилар. Одамлар дарров унинг ҳакиқий садху эканини тан олган ва унга муносиб хурмат-эҳтиром қўрсата бошлаган эдилар. Шунга қарамасдан, у дуч келиб юрган асосий қийинчиликлар ҳали сақланиб қолганди. У китоблар ёзишга ва уларни нашрдан чиқаришга интиларди, лекин бунинг учун унинг маблағи йўқ эди. У одамлар орасида Худонинг хабарини тарқатмоқчи эди, лекин одамларнинг аксарият қўпчилиги унинг гапларини тинглашни истамасди. У свами бўлгани билан мана шу қийинчиликлар йўқолиб кетгани йўқ.

Бир кутубхоначи унга бир марта ўқиб ташлаб юборадиган газетанинг ўрнига, одамлар қўлида анча узоқ сақланиб қоладиган китоблар ёзишни маслаҳат бергандан кейин, у мана шу киши оғзидан унга руҳий устози кўрсатма бераётганини хис қилди. Анча вақтдан кейин айнан шундай маслаҳатни "Худога қайтиш" журналини бир ўқишка ёқтириб қолган бир ҳарбий зобит ҳам берди. Бхактиведанта Свами буни руҳий устозидан келган илоҳий кўрсатма сифатида қабул қилди. Ўзини ҳамиша илоҳий хукмдорининг истакларини амалга оширишга интилиб юрадиган итоаткор хизматкори деб биладиган Бхактиведанта Свами руҳий устози ҳамиша унинг ёнида юрганини ва ҳамиша уни дуои фотиха килиб турганини хис қилди. Итоаткор

хизматкор сифатида у ҳамиша руҳий устозининг истаклари ҳакида ўйлаб юрар, ундан кўрсатмалар кутиб юрарди. У Шрила Бхактисиддханта Сарасвати билан ҳамиша илоҳий алоқада бўлиб юрганини тобора кучлироқ ҳис қилар, энди эса, у хукмдорининг амри билан китоб ёзиш ҳакида ўйларди. У китоб ёзишни "Шримад Бҳагаватам"дан бошлишни истарди, чунки "Шримад Бҳагаватам" вайшнавларнинг энг ишончли ва энг муҳим китоби. Гарчи "Бҳагавад-гита" – барча ведавий илмларнинг мазмуни қисқача ва содда қилиб тушунтирилган китоб бўлса ҳам, "Шримад Бҳагаватам" - Мутлақ Ҳақиқатни анча батафсилоқ тушунтириб беради. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ҳам, Шрила Бхактивинода Тҳакур ҳам бенгал тилида "Шримад Бҳагаватам"га изоҳ ёзганлар. Амалда вайшнавларнинг барча буюк ачарйалари "Шримад Бҳагаватам"га изоҳ ёзганлар. Парвардигор Чайтанъянинг Ўзи "Шримад Бҳагаватам"ни бенуқсон ведавий асар деб олқишилаган. "Шримад Бҳагаватам"га ёзилган изоҳлар бир кун келиб, бутун жаҳондаги тирик мавжудотларнинг қалбини ўзгартириб юбориши мумкин. Агар у "Шримад Бҳагаватам"ни атиги бир неча нусхада нашрдан чиқарса ҳам, бу унинг тарғибот қилишига ёрдам берарди: у тарғибот қилиш учун чет элга дадил чиқиши мумкин, унинг кўлида китоблар бўларди.

Бир куни Радха-Дамодара эҳромининг эгаси Гаурачанд Госвами Бҳактиведанта Свамига Радха-Дамодара эҳромига ўтиб яашни таклиф қилди; бу эҳром Жива Госвами билан Рупа Госвамининг мангу уйи эди, шу боис таржима ва ижод билан шуғулланиш учун жуда шарофатли жой эди. Бҳактиведанта Свамини бу таклиф жуда қизиқтириб қолди. У мунтазам равишда бу эҳромга бориб турагар, Парвардигор Чайтанъянинг санкirtана харакатининг буюк йўлбошчилари бўлган Жива ва Рупа Госвамиларнинг самадхилари олдига борганида ҳамиша жуда илҳомланиб кетарди. Лекин, унга таклиф қилинаётган икки бўш хонанинг аҳволини бориб кўрганида, бу хоналар анча вақтдан бери бўш турганини, уларга ҳеч ким қарамаганини тушунди. Лекин барибир, бундай нодир имкониятни кўлдан бой бермаслик учун у Бҳактиведанта Свами бу икки хонани ойига беш руپий тўлаб ижарага олишга рози бўлди. У ҳисоблаб кўриб, беш руپийга бу хоналарни таъмирлаб, ҳатто электр токи ҳам ўтказиб олса бўлади, шундан кейин унга кўчиб ўтса бўлади. Бҳактиведанта Свами бу таклиф унинг "Шримад Бҳагаватам"ни инглиз тилига таржима қилиш ва унга изоҳ ёзишига жуда катта ёрдам беришини ҳис қиларди. Вриндавандаги барча эҳромлар ичida Радха-Дамодара эҳромининг кутубхонасида олти Госвами ва уларнинг издошларининг қолдириб кетган асарлари жуда кўп сақланиб қолган эди. Бу асарларнинг баъзилари 300-400 йилдан бери сақланиб

келаётган нодир күләмалар эди. Бҳактиведанта Свами Радхадамодара эхромига күчиб ўтадиган ва Шрила Рупа ва Шрила Жива Госвамилар даврасида Худога садокат билан хизмат қилишни бошлайдиган кунлар етиб келишини орзикиб кута бошлади. Ҳозирча у Вамши-гопалджи эхромида яшаб туради, топган пулларига ўша хоналарни таъмирлай бошлайди.

\* \* \* \*

Шрила Бҳактисиддханта Сарасватининг асосий шиорларидан бири шундай эди: тарғиботчи муқаддас хилват жойда ўтирумасдан катта шаҳарларга бориб тарғибот қилиши лозим. Гарчи Дехли шахри унга дўзах бўлиб кўринса ҳам, бунинг устига унинг Дехлига борганда тунаб қоладиган бирор маълум жойи бўлмаса ҳам, Бҳактиведанта Свами ҳам шундай рух билан Дехлига бориб туришда давом этарди. Кўпинча уни баъзи бир бизнесменлар меҳмонга чақиради; ҳиндлар маданиятида ҳар бир оиласи киши садхуни уйга чақириб меҳмон қилишни ўз бурчи деб билиши лозим. Ҳар бир тарбия кўрган киши агар Худони рози қиласман деса, садхуни уйига таклиф қилиши ва унинг қорнини тўйғазиши лозим. Лекин ана шундай одобли хиндулар асосан бу ишни шунчаки одоб-ахлоқ юзасидан килардилар, уларнинг қилаётган яхши муомалалари ҳам юзаки эди. Улар Бҳактиведанта Свамининг қилиб юрган ишларини муносиб қадрлай олмасдилар. Лекин Бҳактиведанта Свами ундай кишиларнинг олдига ялиниб борадиган зотлардан эмасди.

У “Радха” босмахонасиининг раҳбари Хитсаран Шарма билан танишди. Авваллари жаноб Шарма “Содиклар Жамоаси” учун таклифномалар, эълонлар ва расмий бланкаларни босмадан чиқариб берган ва Бҳактиведанта Свами вакти-вақти билан унинг уйида тунаб қоларди. Жаноб Шарма Бҳактиведанта Свамини браҳманлар табақасидан чиқкан, фаол дин арбоби, Дехлидаги юз йиллик диний жамият “Шри Навал Прем Сабхи”нинг котиби Сами Пандит Шри Кришна Шарма билан таништирди. Бҳактиведанта Свамининг ёзган асарларини ёқтириб қолганидан, у ўзининг Эски Делининг Чиппивада туманида жойлашган Радха-Кришна эхромидан бир хона ажратиб берди. Шундай қилиб, Бҳактиведанта Свамининг Дехлида ҳам шахсий иш жойи пайдо бўлди.

Матхурадан чиқкан поезд Эски Дехлининг Чанди Чоук деган серқатнов катта кўчасига яқин жойга келарди. Кўчада ҳар хил транспорт воситалари жуда кўп қатнарди: пиёдалар, рикшалар, от аравалар, тангалар, машиналар ва ҳоказо.

Одам гавжум Чанди Чоук кўчасидан борар экан, Бҳактиведанта Свами Чиппиваде тарафга юриб, Қизил Форт, кўчанинг чап томонида

қоладиган Гаура-Шанқара эхроми ёнидан ўтарди. Кейин параллел кўчадан юриб, катта Жоме масжиди олдидан ўтарди. Чиппивадега яқинлашган сайин кўчалар торайиб борарди. 1947 йилда Покистон ажралиб чикмасдан аввал, минглаб панжоблик хиндлар келиб ўрнашмасдан олдин, шаҳарнинг бу қисмида асосан мусулмонлар яшардилар. Чиппиваде шаҳарнинг ҳинд-мусулмон қисмининг бир бўлагида жойлашган эди. Бу ерда ахоли шунчалик зич жойлашган эдики, ҳатто машина кириши таъкиланиб қўйилганди. Одам билан тўла тор кўчалардан фақат рикша ва аравалар зўрга юра оларди. Баъзи бир тротуарларга ҳатто, рикшалар ўтишига тўсқинлик илиш учун катта темир қозиклар қоқиб қўйилганди. Бу тор кўчаларда ҳатто оддий велосипедчи ҳам кўча ҳаракатининг тўхтаб қолишига сабаб бўлиши мумкин эди. Кўчалар шунчалик тор эдики, кўчанинг қарама-қарши томонида турган уйларнинг балконлари орасида бир неча сантиметр очик жой қоларди, шу боис, кўчадан бораётган киши тепасида фақат торгина жойдан осмонни кўра оларди. Магазинларнинг тепасига ҳиндча, инглизча, баъзан арабча ёзувлар осиб қўйилганди. Одам кўплигидан магазинлар, ҳовлиларни бир биридан фарқ килиб бўлмасди. Юзига паранжи бостирган аёлларни бу ерда тез-тез учратиш мумкин. Шаҳар ҳаёти қайнаган ана шу тор кўчада Кришна Пандитнинг фаришта Ганеш расми қистирилган, нақ кириш дарвоза аркасининг устида капитар жой қўйган эхроми жойлашган эди.

Бир неча оила яшайдиган эхром худди меҳмонхонани эслатарди. Гарчи меҳроб жойлашган хона қоронғу бўлса ҳам, Радха Кришна Илоҳлари жуда яхши ёритилган эди. Радхарани оқ рангли эди, Кришна эса қора мармардан ясалган бўлиб, баландилиги яrim метрча келарди. Улар жуда чиройли безатилган ва чиройли лиboslar кийиб олгандилар. Илоҳлар турган хонанинг тепаси меҳмон хона бўлиб, Бҳактиведанта Свами шу ерга жойлашганди. Хонанинг деворлари ва ва полга ҳеч нарса тўшалмаган, такир эди. Хона ўртасида пастдаги хонада худди шу ерда Илоҳлар турганини кўрсатиб, бир метрча гумбаз чикиб турарди.

Орадан сал вакт ўтгандан кейин, Бҳактиведанта Свами ўзи жойлашган хона унчалик тинч жой эмаслигини билди: унинг хонаси бошқа хоналарга ёндош экан. Эхромнинг томидан бирорта дарахт кўринмас, кўз олдингизда бир бирига жисп жойлашга ҳовлиларнинг томларини кўриниб турарди. Агар улардан бир бирига ўтиб бораверсангиз, то Жоме Масжидигача етиб борасиз.

Кришна Пандит пахтадан тикилган, фасони Пандит Нерунинг шарофати билан бутун оламга машхур бўлган енгил қора пальто кийиб олган эди. Кришна Пандит инглиз тилида равон гапиран, жуда хушмуомала киши эди. Маҳаллада уни ҳамма танир ва хурмат

қиласарди. Пандит Бҳактиведанта Свамини садху, Худонинг вакили, деб билар, шу боис, хинд маданияти қанчалик улуғвор ва тақводорликка асосланган эканини кўрсатиш учун у Бҳактиведанта Свамига ғамхўрлик қилишни ўзининг бурчи деб биларди. У Бҳактиведанта Свамини ёқимли киши деб биларди; оддий, тарбия кўрган, сода, хушмуомала, бунинг устига жиддий ва билимдон ваишнав. Кришна Пандит битта шол, кичик стол ва тўшак олиб келди. У Бҳактиведанта Свамига хонадаги чирокдан қандай фойдаланиш қераклигини тушунтириди; электр лампочкаси шипга осилган панжара ичидаги бўлиб, унинг баландлигини истаганча ўзгартириш мумкин эди.

Пандит Жайпурдаги Гуру Махаражи совға қилган Радха-Кришна Илоҳини келтирди ва уни девордаги меҳробга қўйди ва Бҳактиведанта Свамининг уларга факат асл содиқларга хос бўлган меҳр-муҳаббат билан қараб туришини кўриб илоҳий лаззат олди.

Бҳактиведанта Свами гарб давлатларига кетиш олдидан бир неча китоб ёзиш учун тинчгина бир жой излаб юрганди, мана, Кришна унинг истагини амалга ошириди. Энди у Вриндаванда ҳам ишлай олади, Дехлида ҳам. У шу захотиёқ яна "Худога қайтиш" журналини чиқаришга киришди. У журнал учун аввалдан тайёрлаб қўйган мақолаларини чиқара бошлади, айни пайтда "Шримад Бҳагаватам"ни инглиз тилига таржима қилиш устида ишлай бошлади.

"Худога қайтиш" журналини чиқариш Бҳактиведанта Свамига қанчалик қийин эканини кўриб, Кришна Пандит унга амалий ёрдам беришга қарор қилди. Бҳактиведанта Свами унинг бераётган самимий ёрдамидан шунчалик мамнун бўлдикни, унинг номига Харифхактанудаса, яъни "Худонинг содиқ хизматкорига хизмат қиладиган зот" деган унвон қўшиб қўйди. Чиппивадеда олти ой яшагандан кейин Бҳактиведанта Свами ўзининг миннатдорчилигини билдириб, меҳмонлар китобида шундай деб ёзиб қолдириди:

*"Мен бу китобга шу ҳақда ёзишдан мамнунманки, мен Уттар Прадеш, Вриндаван, Кеши Гхат 1/859 даги штаб-квартирамдан бу ерга Худога садоқат билан хизмат қилиши маданиятини тарғибот қилишидан иборат илоҳий вазифа билан келганман. Мен шуни таъкидлашдан яна ҳам баҳтироқманки, Шриман Шри Кришна Шарма Харифхактанудас менинг ижод қилишим учун ажойиб бир хона ажратиб берди. Бу ерда ва "Навал Прем Шабха"да мен "Худога қайтиши" деган, ойда икки марта чиқадиган журнал нашр қиласман. Котибим ҳар куни менинг "Шримад Бҳагаватам"дан маъруза қилишимни ташкил этади."*

Кришнарадаснинг отаси, марҳум Пандит Джайоти Шарма ҳам мени танирди, у ҳам тириклигида, ҳар гал Дехлига келганимда, тунаб қолишим учун менга бир хона ажратиб берарди. Унинг ўғли ҳам

*олийхиммат отасининг изидан боряпти, у “Навал Прем Шабха”нинг котиби сифатида у Парвардигор Раманинг муқаддас номларини бутун шаҳар бўйлаб тарғибот қилиши йўлида жуда катта хизмат қилияпти”.*

Бҳактиведанта Свами ўзининг чиройли дастхати билан ёзишда давом этиб, кўрсатдики, унинг фикрига кўра, эҳромлардан уларда фақат одамларни руҳий қадриятларга ўргатиш учун фойдаланиш лозим, унинг бу дунёдаги вазифаси ҳам айнан Худога садоқат билан хизмат қилиш учун эҳромлар ташкил қилишдан иборат.

Эҳромлар шунчаки ўзларининг ҳайвоний эҳтиёжларини қондириб юрган оддий оиласи кишилар учун мўлжалланган эмас. Эҳромда фақат ҳақиқатан ҳам Худога, эҳромнинг ҳақиқий Эгасига садоқат билан хизмат қилиб юрган кишилар яшаши керак. Бошқа бирор кишининг эҳромда яшашга ҳаққи йўқ. Чиппивадеда шовқин сурон қилиб яшайдиган, дунёвий нарсаларга боғланиб қолган оиласида "Шримад Бҳагаватам" устида ишлар экан, Бҳактиведанта Свами эҳромдан шунчаки оиласи кишилар яшайдиган бошпана сифатида фойдаланмаслик қанчалик муҳим эканига яна бир марта ишонч ҳосил қилди.

\*\*\*\*

Бҳактиведанта Свами, ўзи учун доимий яшаш жойи излаш ва "Шримад Бҳагаватам" устида ишлашни бошлаш режаси билан юрганига қарамасдан, у Худога садоқат билан хизмат қилишни тарғибот қилишнинг бошқа йўлларини ҳам эсдан чиқармасди. 1959 йилда у "Тайм оф Индия" журналидаги бир мақолага эътибор берди. Унда америкалик икки олим антипротон кашф қилгани учун Нобел мукофотига сазовор бўлган эди: "Янги назариянинг таҳминига кўра, - деб ёзилган эди мақолада, - бошқа олам, антика материядан таркиб топган антиолам мавжуд бўлиши мумкин". Ана шу "бошқа олам", "антиолам" Бҳактиведанта Свамига дарров "Бҳагавад-гита"да таърифланган руҳий оламни эслатди. У бу олимларнинг антиолам деганда мангу "руҳий олам"ни назарда тутмаётганини билса ҳам, уларнинг шу ибораларидан илм-фанга ишонадиган одамларни руҳий илмга жалб қилиш учун фойдаланмоқчи бўлди. У бир мақола ёзди, унда "Бҳагавад-гита"да таърифланган руҳий олам ҳақидаги илм олимларнинг "антиматерия", "антиолам" деган тушунчалари асосида тушунтириб берилган эди.

У пайтларда ҳамманинг оғзида космосга учиш ҳақидаги гаплар ўтарди. Икки йил аввал Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари Совет Иттифоқининг космосга сунъий Ер Йўлдоши чиқаргани ҳақида хабар берган эди. Шундан кейин космосни ўзлаштириш долзарб

мавзулардан бирига айланган эди. Ҳамма космик учишлар билан қаттқы қизиқа бошлаганини күриб, Ҙактиведанта Свами инсоннинг руҳи, жони бҳакти-йога ёрдамида коинотнинг энг олис жойларига ва ҳатто руҳий оламнинг илм ва лаззатга тўла мангу сайёralарига ҳам бора олиши ҳақида мақолалар ёзи. У бу мақолага "Ҙагавад-гита"дан ўзи яқинда таржима қилган шеърларни ҳам киритиб, уларни физик олимлар ишлатадиган антизарра антимодда, антиолам иборалар ёрдамида тушунтириди. Ўн беш минг сўздан иборат бўлган ўзининг "Бошқа сайёralарга енгил саёҳат" деб аталган кичкина китобининг қўлёзмасини у "Радха" нашриётининг ходими Хистаран Шармага кўрсатди. Лекин бу китобни нашрдан чиқаришга унинг пули йўқ эди.

1960 февралида бс бу китобни "Худога қайтиш" журналининг икки сонида босиб чиқаришга қарор қилди. Мақола босилиб чиқсан заҳоти, почта орқали "Худога қайтиш" журналини олган Гуджарат Университетининг физик олими Й.Г. Наик унга жавоб ёзи. Унинг фикрига кўра, Ҙактиведанта Свами антиматерия қоидасини ажойиб тушунтириб берган. "Бу ҳақиқий классик мақола"- деб ёзади у. Доктор Наик физика ва илоҳий олам ҳақидаги илмни муҳокама қилишни давом эттиришни истарди, Ҙактиведанта Свами унга дарров жавоб бериб, анча фикр алмашувлардан кейин уни Ҳиндистоннинг маданий меъросини бутун жаҳон ўйлаб тарқатиш ишида ҳамкорлик қилишга чақириди.

Бу мақола инглиз тилида гапирадиган қўплаб одамларнинг эътиборини жалб қилиши мумкинлигини ўйлаб, Ҙактиведанта Свами "Бошқа сайёralарга енгил саёҳат" китобини чиқариш учун одамлардан эхсон йиға бошлади. Ниҳоят 1960 йилда у бу китобчани нашрдан чиқаришга эришди. Дехли Университетининг вице-канцлери Н.К. Сиддханта ёзган сўзбоши кечикиб келди, лекин, барибир Ҙактиведанта Свами сўзбошини нашрдан чиқсан китобларга ёпишириб чиқди. "Бу китоб ҳаммага бирдай фойдали, лекин мен айниқса талabalарга уни диккат билан ўрганишни ва бҳакти-йога билан жиддий шуғулланишни тавсия қиласман, чунки бҳакти-йога инсоннинг ақлни мустаҳкамлайди ва унда ижобий хулқ-атворни шакллантиради. Агар бу китобни талabalар билан бир қаторда ўқитувчилар ҳам ўқисалар, нур устига аъло нур бўларди".

Бир неча ҳинд олимлари бу китобга тақриз ёзиб, бу китоб "илмий ва руҳий дунёқарашни бирлаштиришини" ва "коинотни механик усуслар эмас, балки ақлий интилишлар ва руҳий баркамолликка эришиш ёрдамида забт этиш" ҳақида маълумот беради. Гарчи китоб атиги ўттиз саккиз саҳифадан иборат бўлса ҳам, бир босма табоқ ҳажмда чиқадиган "Худога қайтиш" журналини ҳисобга олмаганда, бу китоб, Ҙактиведанта Свамининг нашрдан чиқсан биринчи китоби

эди. Бҳактиведанта Свами бу китобни тарқатиш учун бор имкониятини ишга солди. Китобнинг бир нусхасини у Деҳли миллий музейи доктори П. Баннержига совға қилди.

Доктор Баннержи: “У кутубхонага келиб, баъзи бир китобларни кўздан кечирарди. Мен уни шу еда учратдим. У менга “Боишқа сайёralарга енгил саёҳат” китобини совға қилди, кейин яна бир неча нусха бериб, боишқаларга ярим рутийдан сотишни штимос қилди. Мен уни ёқтириб қолгандим. Мен уни соф садоқатли садху деб билардим, унда мағрурлик ёки димогдорликдан асар ҳам йўқ эди. У шон-шуҳрат ортириши ёки яхши ном қолдириши учун одамларни ўзига жалб қилишига интилмасди. Унга деярли ҳеч ким ёрдам бермасди. У Чиппивадедаги кичкина бир хонада яшарди. У муқаддас китобларни ўрганишига ўзини бутунлай бағишилаган эди. Шунинг учун мен унга шундай дедим: “Жаноб, агар вақтингиз бўлса, агар ўзингиз бизларникуга боришга қаршилик билдирамсангиз, ҳар якшанба куни уйимизга келиб, шу ерда “Шримад Бҳагаватам” ўқий оласизми?” У менинг таклифимни қувониб қабул қилди. У жуда билимдон бўлиб, муқаддас китоблар жуда чуқур билар, ўз фикрини боишқалар билан ўртоқлашишини жуда ёқтиради. У жуда яхши воиз ва жуда ёқимли суҳбатдоши, бунинг устига жуда хушмуомала инсон эди. У жуда аниқ ва лўнда-лўнда гапиради. У бенгал тилида гапирад ва шеърларнинг маъносини тушунтириб берарди. Баъзан менга кўпроқ маълумот берии учун у изоҳларга ҳам қараб қўярди. Боишқалар учун “Шримад Бҳагаватам”нинг қийин мавзуларини ёки изоҳларни тинглаши унчалик қизиқ эмасди, лекин у мен ҳам шу мавзуни ўрганиб юрганим учун, у фақат мен учун ёки меҳмонга келган бир икки зиёли кишилар учун шеърларни батафсил изоҳлаб берарди.

Менинг уйимдаги мажлисларда 20-30 киши шитирок этар, у бир-икки соат “Шримад Бҳагаватам”дан маъруза қиласарди. Кейин у Ҳаре Кришна мантра қўйларди, биз ҳам қаратала ва фисгармония чалиб унга жўр бўлардик. Бу жуда ажойиб учрашувлар эди, чунки ҳаётдаги энг қийин муаммолар ҳам унинг шарофати билан жуда осон ҳал бўларди. Бирор нарсани бизга тушунтиришига ҳаракат қиласарди, у ҳамиша бизларнинг эҳтиёжсимизни назарда тутарди. У кимга қанча илм берии кераклигини жуда яхши биларди: бунга шунча керак, унга шунчагина, боишқаларга шунча керак.

Учрашувдан кейин у одатда бизникида қолиб дам оларди. Мен унга бирга овқатланишини таклиф қиласардим, лекин у боишқалар тайёрлаган овқатни емаслигини айтиб, эътиroz билдиради. Лекин, у менинг хотиним билан учрашганда, хотиним унга: “Сиз учун бирор егулик пиишириб берсам ўзимни жуда баҳтиёр ҳисоблардим!” – деди,

шундан кейин у овқатланишига рози бўлди: “Майли, мен сизларнида овқатланаман”. Шундан кейин хотиним ҳар якшанба куни, Бҳактиведанта Свами келадиган пайтларда унга атаб овқат пиширадиган бўлди.

Баъзан у мендан мана шу тадбирларга тобора кўпроқ одамларни жалб қилишини илтимос қиласарди. Лекин ҳукумат лавозимини эгаллаб турганим учун мен очиқдан-очиқ бирор китобни ташкил қиласдим. Шунингдек, унга ёрдам берини учун бирор китобни тадбирларни ташкил қилишига ҳам вақтим йўқ эди. Лекин у Худо йўлида эришиган натижсалари билан қаноатланиб қоладиган киши эмасди. У мендан мана шундай тадбирларни китоброқ кўламда ташкил қилишини илтимос қилди. У меникига келадиган кишиларнинг деярли ҳаммаси ишдан қолган кексалар, биттаси ҳатто тўқсон ёшли чол эканини биларди.

Бу тадбирлар бир йилча давом этди. Шундан кейин у бошка бирор жой топишга ҳаракат қилишини айтди. У мендан шундай мажлисларни ўтказишни давом эттиришини илтимос қилди. Мен унга: “Мен фотиҳа олмаганман!” – дедим. У барибир мен маъруза қилишим мумкинлигини, чунки бунинг учун браҳман оиласида туғилганимнинг ўзи етарли эканини айтди. У менинг шу хайрли ишимини давом эттиришимни тилаб дуо қилди. Лекин мен мажлисларни давом эттира олмадим, чунки тез-тез сафарда бўлардим. Мен ҳукумат таркибиди ишлардим”.

\* \* \*

“Бошқа сайёralарга енгил саёҳат” китоби Бҳактиведанта Свамининг “Шримад Бҳагаватам”ни нашрдан чиқариши олдидан дебоча бўлган эди. У энди Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиш учун китоблар зарур эканлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилди. Тарғибот қилиш учун, айниқса, агар у ғарбий давлатларга борадиган бўлса, унга китоблар керак бўлади. Шу китоблар ёрдамида у инсонлар ҳаётida руҳий инқилобни амалга оширади. Ғарбий давлатларда сон-саноқсиз китоблар бор, лекин бунга ўхшаган, инсон қалбидаги руҳий бўшлиқни тўлдира оладиган биронта ҳам китоб йўқ. Кўпроқ вақтини “Шримад Бҳагаватам” устида ишлашга бағиашлашни истаётган бўлса ҳам, у “Худога қайтиш” журнали устида ҳам ишлашни давом эттиради, бунда у баъзан мақолалар ўринида ўзининг қўлёзмаларидан фойдаланарди. Лекин, вақти вақти билан у алоҳида журналга атаб мақолалар ҳам ёзарди. “Долзарб муаммолар” деган маколада у шундай деб ёзади: “Биз, камтарин ҳолда “Худога қайтиш” журналини тарқатиб, бутун инсониятни ҳалокатдан кутқариб қолишга ҳаракат қиляпмиз. Биз тарғибот қилишини ўзимиз ўйлаб топганимиз

йўқ. Агар Ҳақиқат бор бўлса, "Худога қайтиш" журналини тарқатиш – ана шу Ҳақиқатнинг бошланишидир".

"Худосизлар жамияти" мақоласида Бҳактиведанта Свами Хиндистон бош вазири Нерунинг дин ниқоби остида баъзи бир диндорлар томонидан давлат фондлари талон-тарож қилинаётганидан қилган шикоятини мисол келтиради. Бҳактиведанта Свами ёзадики, албатта, диндорлар ичida ҳам жиноятчилар топилади, лекин, агар таққослаб кўрадиган бўлсақ, **сиёсатчилар орасидаги жиноятчилар сони диндорлар орасидаги жиноятчилар сонидан бир неча баробар кўп.** Гарчи Пандит Неру диндорлар орасидаги фирибгарлардан бизни огоҳлартириб, тўғри иш қилаётган бўлса ҳам, биргина шунинг ўзи етарли эмас. Ҳукумат билан ҳамкорликда руҳий ташкилотларни бутунлай қайта қуриш керак. Бҳактиведанта Свами ўзининг бош вазирга ёзган хатидан мисол келтириб, ундан "Бҳагавадгита" ўрганишни илтимос қилганини айтади; лекин Пандит Неру унга жавоб хати ёзмади. "Руҳий илми етишмагани сабабли жаноб Неру бу ташкилот("Содиклар жамоаси") ҳам унга шунча бош оғриги келтирадиган матх ва эҳромларнинг биттаси бўлса керак деб ўйлаган".

Бҳактиведанта Свами Пандит Нерунинг ҳар қандай руҳий ташкилотни "шунчаки аҳолидан пул тўплаш ва улардан шубҳали мақсадларда фойдаланиш" йўли деб хисоблашига қаттиқ норозилик билдирган эди. Лекин, жаноб Неру ижтимоий фаолият билан шуғулланадиган ва ҳар хил бемаъни нарсаларни руҳий илм деб кўрсатиб юрган садхуларни олқишиларди. Ўзи браҳман ва пандит бўлишига қарамасдан, Нерунинг ўзи руҳий илм нима эканини билмагани сабабли у шундай нотўғри фикрларни билдирияпти. Руҳий масалаларни билмаслиги кишининг шудра, яъни ишчилар синфига мансублигидан далолат беради.

У жаноб Нерудан "Худо" ёки "Кришна" деган гаплардан кўрқмасликни илтимос қилди: "...биз уни ишонтириб айтишимиз мумкинки, бундан кўрқишининг ҳожати йўқ, чунки Кришна – ҳар бир тирик мавжудотнинг дўсти ва У ҳар кимга амалий ёрдам беришга қодир". Бҳактиведанта Свами мақола охирида ёзадики, бундай бемаъни ишлар ҳақат Ҳиндистон эҳромларида эмас, балки бу моддий оламнинг ҳамма жойида кенг тарқалган. У бунга олтмишинчи йиллардан бошлаб жуда кучайиб кетган ёшлар орасидаги қонунбузарликларни келтириди.

Врач аввало ўзини даволаса яхши бўларди. Ҳозирги даврда оммавий равища ҳамма иймонсиз бўлиб бораётгани сабабли, матх ва эҳромда яшайдиганлар дин ниқоби остида Неруга ташвиш келтираётган бўлса, Европа ва Осиёning давлат арбоблари ҳам бошқа бир никоб остида унга ташвиш келтиряптилар. Англияда "кўча

безорилари”, Америкада “бесабаб қўзголонлар”, Германияда ”Яrim кучлилар”, Швецияда “чарм курткалилар”, Японияда “Қўёш болалари”, Совет Иттифоқида “Стилягалар” ниқоби остида жамиятда ҳар хил тартибсизликлар келтириб чиқараётган тартибсиз ёшлар, Худосизлар жамияти юзага келтирган маҳсулотлар эди. Аслини олганда барча бош оғриқларининг манбайи Худосизликнинг авж олишидир. Буларнинг ҳаммаси тубдан даволаш лозим бўлган иллатлардир.

\* \* \*

Чаппивадеда ҳам Бҳактиведанта Свами худди Вриндавандаги Кеши-гхатдаги кун тартиби бўйича яшарди. Факат бу ерда у "Худога қайтиш" журнали учун баъзи бир ишларни Кришна Пандит билан биргаликда қилгани учун, кўпроқ вақтини "Шримад Бҳагаватам"га бафишлай оларди.

Кришна Пандит: *Одатда у "Шримад Бҳагаватам"ни эрта тонгда, соат учларда таржисма қиласарди. Аввалига унинг печат машинкаси йўқ эди, кейин у қўлда олиб юрадиган кичкина машинка сотиб олди. Таржисма қилиб бўлгандан кейин у ўзига овқат тайёрларди. Мен унга озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келардим. Баъзан у меникига келиб, хотинимдан баъзи бир масаллиқларни сўраб оларди. Баъзан у кечқурун соат олти ёки еттиларда ҳам ювиниб оларди. У ҳар куни таржисма қиласарди. Шунингдек, у ўзи учун ҳам "Шримад Бҳагаватам" ўқир, эҳромга даршанга бориб турадарди. Кейин у кўчага чиқиб кетар, тушибан кейин соат икки ёки тўртларда қайтиб келарди. Кейин у яна машинкада ёзишини бошларди, тайёр саҳифаларни топографияяга юборар, у ердан босмадан чиқсан қоғозларни олиб келарди. Кун бўйи у асосан машинкада ёзиб ўтиради.*

Бҳактиведанта Свами санскрит тилидаги "Шримад Бҳагаватам"дан, Шрила Бҳактисиддханта Сарасвати нашрдан чиқарган бенгал тилидаги "Шримад Бҳагаватам"дан ва ўн икки ачарйанинг "Шримад Бҳагаватам"га ёзган изоҳлари тўпланган катта китобдан фойдаланарди. Унинг таржимаси шундай тартибда келтирилган эди: аввалига у деванагари санскрит тилида ёзилган матнинг ўқилишини лотинча ҳарфлар билан ёзарди, кейин ҳар бир сўзнинг инглиз тилига таржимаси, кейин инглиз тилига адабий таржима, кейин шу матнга ўзининг инглиз тилида берган изоҳлари. У матнни изоҳлашдан олдин аввалги ачарйаларнинг, айниқса, Шрила Бҳактисиддханта Сарасватининг, Вмшванатха Чакраваргининг, Жива

Госвамининг, Виджайадхваджа Тиртха ва Шридхара Свамининг изоҳларини ўқиб оларди.

У ўзи режалаштирган ишнинг кўламини ҳисоблаб чиқди. "Шримад Бҳагаватам" ўн саккиз минг шеърдан иборат эди. Биринчи Кўшиқнинг ўн етти боби ҳар бири тўрт юз сахифалик уч жилдли китоб бўлади. Иккинчи қўшиқнинг ўн боби эса, икки жилдли китоб бўлади. Биринчи тўққиз Кўшиқ тахминан ўттиз жилдли асар бўлади, тўқсон бобдан иборат Ўнинчи Кўшиқ тахминан йигирма жилд бўлади. "Шримад Бҳагаватам" ўн икки Кўшиқдан иборат бўлгани боис, унинг инглизча таржимаси ҳаммаси бўлиб тахминан олтмиш жилдли асар бўлади. У "Шримад Бҳагаватам" асарини беш ёки етти йил ичida таржима қилиб бўлсан керак деб ўйларди. "Агар Парвардигор кучкуват бериб турса, Шрила Прабҳупаданинг амрини бажариб, мен бу ишни ниҳоясига етказа оламан".

У "Шримад Бҳагаватам"нинг биринчи жилдини "Шримад Бҳагаватам"нинг намунали тарғиботчиси бўлган Парвардигор Чайтанья ҳакидаги қисқача очерқдан бошлашга қарор қилди. Парвардигор Чайтанъянинг ҳаёти мисолида "Шримад Бҳагаватам"нинг амалда қўлланилишини кўрса, китобхон уни муносиб қадрлай олади. Парвардигор Чайтанъянинг "Шримад Бҳагаватам" таълимотини тарғибот қилишни қанчалик истагани Унинг қуйидаги васиятидан кўриниб турибди: "Ҳиндистон заминида туғилиш баҳтига мусассар бўлган ҳар бир инсон "Шримад Бҳагаватам" таълимотини жаҳоннинг ҳар бир бурчагида тарғибот қилиши лозим". Парвардигор Чайтанья "Шримад Бҳагаватам"ни "бенуқсон пурана" деб, "Шримад Бҳагаватам"ни тинглаш ва такрорлашни эса, Ҳаре Кришна маха-мантрани такрорлаш билан биргаликда – инсон қалбида Худога соғ мухаббат уйғотишнинг мукаммал илмий жараёни деб атаган.

Шрила Бҳактисиддханта Сарасватининг "Чайтаня Чаритамрита"га берган изоҳларидан фойдаланиб, Бҳактиведанта Свами "Шримад Бҳагаватам"га эллик сахифадан иборат бўлган, Парвардигор Чайтанья ва унинг санкиртана ҳаракати ҳакида кириш сўзи ёзди. У Парвардигор Чайтанъянинг илоҳий ҳис-туйғуларини, Унинг ўз даврининг етук олимлари билан бўлган фалсафий суҳбатларини таърифлади, Унинг Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлаш, санкиртана ҳаракатини бошлаб бергани ҳакида ёзди. Жумладан, Бҳактиведанта Свами Парвардигор Чайтанъянинг ҳаёти ва таълимотини инсониятнинг руҳий ривожланиш тарихида бурилиш нуктаси деб атади.

Ведалар адабиёти, айникиса "Шримад Бҳагаватам" "мана шу энг мухим синов даврида" инсониятга ёрдам беришга кодир.

“Биламизки, ғарбий босқинчилар Ҳиндистоннинг баъзи бир тарихий ёдгорликларини вайрон қилдилар, лекин улар комил инсонлар маданиятини яксон қила олмадилар. Улар ҳозиргача ведавий донишмандликнинг санскрит тилидаги матнларида яширин ҳолда сақлаб келинган. Бу маҳфий сир минглаб йиллар давомида санскрит тилида сақланиб қолган, лекин энди бу сир бутун жаҳон халқига ошкор этилиши лозим”.

“Шримад Бҳагаватам”нинг биринчи шеърини изоҳлашга киришар экан, Бҳактиведанта Свами “Шримад Бҳагаватам”нинг максадини тушунтиради. Шеърда айтилган эдики, факат “Шримад Бҳагаватам” инсониятни Кали-юганинг заарли таъсиридан сақлаб қола олади. “Шримад Бҳагаватам” бу даврда яшаётган одамларни Худонинг асл содик хизматкорлари оғзидан Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна ҳакидаги ҳикояларни тинглашга чакиради.

“Шримад Бҳагаватам” беш минг йил муқаддам, Кали юга даври энди кириб келганида, Наимишарания ўрмонида тўпланган донишманлар мажлисида ҳикоя қилинган эди. Инсониятнинг таназулга юз тутганини кўриб, донишманлар мажлисда иштирок этаётган обрўли донишманд Сута Госвамидан сўрадилар: “Энди, барча дин конунларининг манбай бўлган Парвардигор Кришна Ўзининг руҳий даргоҳига қайтиб кетгандан кейин, дин конунлари қаерда қарор топади?” Сута Госвами жавоб бериб, айтдики, “худди қуёшдай порлаб турган” “Шримад Бҳагаватам” – Парвардигорнинг бадиий тимсолидир, шу Кали-юганинг тим коронгу зулматида адашиб юрган одамларга тўғри йўл кўрсатиб туради.

“Шримад Бҳагаватам”нинг бошида, Шрила Въясадева, руҳий устози Нарада Мунининг кўрсатмаси асосида чуқур муроқабага ғарк бўлади. Жазава ҳолатида у Худонинг Олий Шахсини, Унинг қувватларини ва Кали-йугада мусибат чекиб юрган одамларни кўрди. Шунингдек, у Худога соғ садоқат билан хизмат қилиш одамларни барча мусибатлардан ҳалос этишини кўрди. Илоҳий жазава ҳолатида ана шу кўрганлари ҳамда, руҳий устозининг берган кўрсатмаси уни Кали-юга даврида яшаётган **баҳтиқаро жонларга энг буюк саодат келтириш** ниятида “Шримад Бҳагаватам”ни ёзишга ундинди. Ғарбий давлатларда яшаётган ҳалқларнинг баҳт-саодати учун уларга Парвардигорнинг бадиий тимсоли бўлган “Шримад Бҳагаватам”ни тақдим этишга киришар экан, Бҳактиведанта Свами Шрила Въясадева изидан бориб, ўз зиммасига жуда катта масалани ҳал қилишни ўз зиммасига олганини англарди. Худди, баддий асар ёзишга киришишдан аввал Шрила Въясадева Кришнани кўргани ва руҳий устозидан кўрсатма олгани сингари, Бҳактиведанта Свами ҳам Парвардигор ҳакида ўзининг дунёқараши бор эди, китоб ёзиш ҳакида

рухий устозидан кўрсатма олганди. Бҳактиведанта Свами Шрила Въясадеванинг китоблари оммавий равишда тарқалиб кетишини кўрганди. У бу китобларни шунчаки таржима қилиб қўймайди: у бу китобларни шахсан ўзи гарбий давлатларга олиб боради, уларни гарбий халқларга танишитиради, уларга – бу китоблар ёрдамида, ўзи шахсий ўrnак кўрсатиб - қандай қилиб ўзларининг қалбида Худога муҳаббат уйғотиш мумкинлигини ўргатади.

Шрила Прабхупада: *Коммунистлар фақат ўзларининг китобларини кенг тарқатганари учун ҳаммага танилдилар. Калькуттада коммунистлар дўстларини уйига меҳмонга таклиф қилар ва уларга ўзларининг китобларини ўқиб берардилар. Руслар ҳеч қачон Ҳиндистонга келган эмаслар, лекин ўзларининг китобларини барча тилларда одамлар орасида тарқатиб, улар ўзларига шунча издошлиларни орттиридилар. Агар ҳамто учинчи нав дунёвий адабиёт орқали шунча одам тўплаши мумкин бўлса, нимага энди илоҳий адабиётлар ёрдамида бутун дунё бўйлаб ҳамма жойда Худонинг содиқларини тайёрлашнинг иложси бўлмасин? Бу китобларни ҳар бир қишилоқда фаол тарқатиши мумкин. Бҳагавата-дҳарма – инсонлар жасиятигининг бошлангич динидир. Дин деб аталадиган бошқа нарсаларнинг ҳаммаси ведавий китоблардан келиб чиққан. Одамларга бу китоблар жудаям керак. Улар бу китобларни кутиб юрибдилар. Парвардигор Чайтанья айтганки, ер юзининг ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишилоғидаги одамлар санкirtтана ҳаракатининг келтирган хабари билан танишиадилар. Демак, жаҳоннинг ҳар бир қишилоқ, ҳар бир шаҳарида мана шу хабарни кутиб юрган қишилар бор. Бу илоҳий китоб. Ҳеч ким уни инкор эта олмайди. Бу шундай ажойиб китобки, ундан бирор камчилик йўқ, бу – бенуқсон турана.*

Бошқа барча миссионерлик фаолиятини тўхтатиб, Бҳактиведанта Свами ўзининг бутун умидини "Шримад Бҳагаватам"га тиккан эди. У ўзининг руҳий устози ва Парвардигор Чайтанъядан ўrnак олиб, уларнинг маслаҳатларига амал қиласди. Уларни қимматбаҳо эҳромлар қуриш ёки кўплаб янги шогирдлар орттириш қизиктирмаган. Шрила Бҳактисиддханта Сарасвати Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилишга жуда катта аҳамият берган. **Тарғибот** дегани – китоблардир, энг яхши китоб эса – "Шримад Бҳагаватам". Одамларга руҳий илм бериш мақсадида "Шримад Бҳагаватам"ни таржима қилиш ва нашрдан чиқариш – Худога ҳақиқий садоқат билан хизмат қилишдир. Шрила Бҳактисиддханта Сарасватининг фикри шундай эди. У эҳромлар қургандан китоблар нашр қилишни афзал билган. У ўзининг шогирдларига китоб ёзишни алоҳида

таъкидлаб кўрсатма берган. Етук, ваколат олган содиқлар китоб ёзишлари, уларни нашр қилишлари ва кенг халқ оммасига тарқатишлари шарт. Илоҳий китобларни тарқатиш дастури Европа ва Америка халқининг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади. Агар Европа ва Америка халқи Кришна онги билан яшаш турмуш тарзини қабул қилса, бутун дунё улардан ўрнак олади. Бҳактиведанта Свами Кришна ҳақидаги хабарни аввал ҳеч қачон бўлмаган, мисли кўрилмаган миқёсда тарқатиш ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб, ўзининг Чиппивадедаги хонасида ёлғиз ўзи ишлашни давом этарди.

Баъзан у, ғарбий давлатларнинг ведалар маданиятидан жуда узок бўлган халқи Кришнани англаш таълимотини қабул қилиши мумкинлиги ҳақида ўйларди. Улар гўштхўр, млеччхалар эди. Унинг руҳий оғайниларидан бири Англияга борганида, Маркиз Шетланд, гуноҳ ишларни таъкидлайдиган тўрт қоида ҳақида эшитганида, жирканганидан истеҳзо билан кулиб, “Бунинг иложи йўқ!” – деган экан. Лекин “Шримад Бҳагаватам” нима қилишини ўзи билади.

**“Содиқнинг қалбида, агар тўғри тингласалар ва тақрорласалар, албатта баҳт келтирадиган Худонинг хабарларини тинглаш зарурати пайдо бўлганида, Шри Кришна - Худонинг Олий Шахси – ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Параматма(Олий Рух) ва ҳалол содиқнинг саодатманди, - содиқнинг қалбини моддий лаззатларга интилиш истагидан поклайди”.**

Гарчи Бҳактиведанта Свамини кўпинча инглиз тилида гапирадиган тарғиботчи сифатида билсалар ҳам, Худонинг бу хабарини чет тилда баён этар экан, у албатта хатоларга йўл қўйиши мумкинлигини биларди; унинг хатоларини кўрсатадиган муҳаррири ҳам йўқ эди. Лекин, “Шримад Бҳагаватам”ни таржима қилиб нашрдан чиқаришда йўл қўйилиши мумкин бўлган техник хатолар уни китоб чиқаришдан тўхтата олмасди. Бу ҳақда “Шримад Бҳагаватам”нинг биринчи бобларида ҳам ёзилган эди: “Чексиз Парвардигорнинг номлари, шон-шуҳрати, шакллари эрмакларини илоҳий улуғворлигини таърифлайдиган асарлар – бутунлай бошқача асарлардир. Улар илоҳий сўзлардан таркиб топган, уларнинг мақсади – йўлдан адашган одамларнинг гуноҳларга тўла ҳаётида инқизлоб ясашдан иборат. Бенуқсон ҳалол кишилар, ҳатто улар шаклан номукаммал бўлса ҳам, бундай илоҳий асарларни тинглайдилар, кўйлайдилар ва қабул қиласилар”.

Бҳактиведанта Свами бу шеърни изоҳлаб шундай деб ёzáди: “Бу буюк асар билан таниширишга самимий уринар эканмиз, бу ишда жуда қўп қийинчилкларга дуч келишимизни тан оламиз. Албатта, биз унинг маъносини тил билан тўлиқ тушунтира

олмаймиз, бунинг устига инглиз тили бизнинг она тилимиз эмас, шу боис албаттга, уни муносиб тақдим этишга қанча ҳаракат қилсак ҳам, бизнинг таржимамизда камчиликлар бўлади. Лекин, ишончимиз комилки, бу камчиликлар одамларга унинг мазмuni жуда жиддий эканини тушуниб олишларига тўсқинлик қилмайди. Унда ҳар нарсага қодир бўлган Парвардигорни шарафлашга самимий ва ҳалол интилаётганимизни кўриб, жамият раҳбарлари барibir уни қабул қиласидилар.

Агар уйга ёнғин кетса, уйдагилар ёрдам сўраб қўшниларга югурадилар, улар эса чет эллик бўлишлари мумкин. Ҳатто уларнинг тилини билмаса ҳам, уйига ўт кетган киши уларга бошига тушган мусибатни тушунтира олади. "Шримад Бҳагаватам"нинг илоҳий хабарини ҳозирги замоннинг булғанганд мухитида тарқатишда ҳам худди шундай ҳамкорлик руҳи керак бўлади. Охир оқибатда, бу – руҳий қадриятларни англаб етиш усули ҳақидаги илмдир, шу боис бизни баён килиш тилидан кўра, унинг мазмуни кўпроқ қизиқтиради. Агар бутун жаҳонда одамлар бу буюк асар таклиф этаётган усулни тушуниб етсалар, Худони англаш йўлида муваффақият кафолатланган бўлади".

Шубҳасиз, Кали даври айнан шундай фавқулодда ҳолат эди – уй ёнғин ичида қолган. Вазиятнинг қалтислигини тушунадиган кишилар, унда кўплаб "техник ва шаклан хатолар борлигига" қарамасдан, "Шримад Бҳагаватам"ни хурсанд бўлиб қабул қиласидилар. Шрила Въясадевага бўлган чуқур ҳурмат-эҳтироми юзасидан Бҳактиведанта Свами "Шримад Бҳагаватам"ни ҳеч қандай ўзгаришсиз таржима қилди. Унинг қилган энг катта хизмати мана шунда эди. У ўзини ўзидан аввалги руҳий устозлардан устун кўрсатишга уринмасдан, фақат ўз тушунчасини киритди, холос. Мавзуни парампара фикрига мос равишда баён қилишга келсак, Бҳактиведанта Свами бу ерда ҳеч қандай техник хатога йўл қўймади. Агар "Шримад Бҳагаватам"га ёзилган изоҳ парампарага мос келмаса, унинг сариқ чақалик қадри қолмаслигини у яхши биларди. У шипдан осилиб турган чироқ тагидаги стол ёнида ўтириб кечаю-кундуз ёзув машинкасида ишларди. У кичик тўшакча устида елкасини хона ўртасида кўтарилиб турган гумбазга қаратиб ўтиради. У устига тош қўйиб қўйган ёзилган вараклар сони кун сайин ортиб борарди. Танаси учун зарур бўлган еб-ичиши, ухлаш сингари эҳтиёжларни у камдан кам ҳолларда қондиради. Ўзининг ёзаётган "Шримад Бҳагаватам" китоблари йўлдан адашган одамлар ҳаётида революция қилишига унинг ишончи комил эди, шунинг учун у ҳар бир иборани, ҳар бир изоҳни бутун фикру-

**хаёлини бир жойга жамлаганча диққат билан таржима қиласынан. Лекин, бу асарни иложи борича тезроқ таржима қилиш лозим эди.**

\*\*\*\*\*

1961 йил, Въяса-пуджада, Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг туғилган кунидан Бхактиведанта Свами яна Вриндаванга келди. Рухий устозининг шарафига Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг шогирдларидан баъзилари бирга тўпланишиб, рухий устозининг расмига гуллар тақдим этиб, эхромда биргаликда киртан ўтказдилар. Лекин Бхактиведанта Свами улар **бундан анча кўпроқ ишлар қилишлари лозим** деб ҳисобларди: улар биргалашиб, Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг истагини амалга ошириб, бутун жаҳон бўйлаб тарғибот қилиш миссиясини режалаштиришлари ва амалга оширишлари лозим эди. Бунинг ўрнига улар ҳозир бир неча мустақил шогирдлар гуруҳини ташкил этардилар. Уларнинг ҳар бири ўзининг камтарин фоясига эга, ҳар бирининг алоҳида кичкина матҳи ёки эхроми бор, ёки бирор марказда яшайди. Лекин тарғибот қилиш бўйича тадбирларни бутун жаҳон бўйлаб эмас, ҳатто Хиндистонда ҳам ҳеч ким ўтказмаяпти. Уларнинг аксарият кўпчилигининг жонини танасида сақлаб юришдан бошқа бирор режаси ҳам, нияти ҳам йўқ. Шрила Бхактисиддханта Сарасвати ўзининг тарғиботчилик ҳаракатини бошқариш учун бошқарув органини сайлашни илтимос қилган эди, лекин бошқарув органи йўқ эди, аслида ҳатто тарғиботчилик ҳаракатининг ўзи ҳам йўқолиб кетган эди. Ораларида бўлиб ўтган шунча можаролардан кейин яна рухий оғайнилари билан бир даврага тўплана бошлаганидан хурсанд бўлган шогирдлар, бирор ташкилот тузишга бўлган ҳар қандай интилиш эски низоларни кўзгашибдан кўркардилар. Ахир улар ҳеч бўлмаса бир жойга тўпланиб, рухий устозига гул тақдим қиляптиларку!

Рухий оғайнилари орасида Бхактиведанта Свами кичик саннийаси эди. Гарчи у ҳамма тан олган ёзувчи ва муҳаррир бўлса ҳам, унинг эхроми ҳам, шогирдлари ҳам йўқ эди. Шунга қарамасдан, у ўзини Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг изидан боришга ҳаракат қиляпман деб ҳисобларди. Майянинг тубсиз чуқур ва чексиз уммонида у ўзини ёлғиз ва жуда ночор ҳис қиласынан. Унинг рухий оғалари Майяга қарши курашда бирлашадиган катта қўшин эмасди; улар кўпроқ бу дунёning ишларидан четлашган рохибларни эслатардилар; тобора кексайиб бораётган, диний қонун-қоидаларга ёпишиб олган ҳолда улар тирикдан қўра кўпроқ ўликка ўхшардилар. Йўл кўйган хатоларини самимий тан олиш ва “ҳеч бўлмагандан кеч бўлгани яхши” деб, ўз хатоларини тузатиб олишга уринмасдан, улар

қандай қилиб рухий устозига сажда қилиш учун бир жойга түпланиб ўтирибидилар?

Въяса-пуджа куни одатга кўра ҳар бир шогирд рухий устозига ёзма равища миннатдорчилик билдириши ва уни рухий оғалари даврасида ўқиб бериши керак бўлгани учун, Бҳактиведанта Свами ҳам хат ёзиб, камтарин ҳолда уни рухий оғайнилари эътиборига тақдим этди. Унинг хати рухий устозини олқишлишдан кўра кўпроқ портлашга ўхшаб кетганди.

*“Эй оғайнилар, ҳатто ҳозир ҳам сиз бу ерга рухий устозимизнинг кўрсатмаси бўйича келгансизлар ва бизлар биргаликда мана шу пуджани ўтказяпмиз.*

Лекин рухий устозга сажда қилиши шунчаки унга гуллар ва мевалар тақдим қилишдан иборат эмас. Рухий устозининг айтганини қилиб юрган киши рухий устозига ҳақиқий сажда қилаётган бўлади.

Эй азиз оғайнилар, сизларда уят борми ўзи? Сизлар ўзингизга қулагилук яратиш учунгина шогирдлар қабул қиляпсизлар.

Рухий устозимиз бизлардан таргебот қилишини илтимос қилган эди. Фақат янги келган гоғил одамларгина эҳромда қўнгироқ чалиб ўтирадилар.

*Атрофингизга бир назар ташланг: қандай даҳшатли вазият! Таргебот ишлари умуман тўхтаб қолган, ҳамма фақат ўз сезгиларини лаззатлантириб юрибди.*

Бирлашинглар, денгиз, океанлардан ўтиб, бутун жаҳон, бутун коинот бўйлаб Криинани англаш таълимотини таргебот қилинглар!

Шундагина рухий устозимизнинг Худога қилган хизмати баркамолликка эришиган бўлади. Шу бугуноқ унга ваъда беринг. Ҳар қандай сиёсат ва ўзаро можароларни йўқотинг!

Агар Шрила Бҳактисиддханта Сарасватининг шогирдлари бирлашиб, биргаликда таргебот қилсалар, гуноҳга ботган бу дунёда рухий революцияни амалга ошириш учун уларда ҳамма нарса етарли бўлади. Шрила Бҳактисиддханта Сарасвати ана шундан умидвор бўлган эди, Бҳактиведанта Свами эса ўзининг Въяса-пуджага атаб ёзган шеърида сизларга шуни эслатиб қўйди, холос.

Қачон келар экан ўша кун: бутун ер юзи бўйлаб ҳар бир уйда эҳром бўлса!

Қачон олий суднинг судьяси пешонасига чиройли тилака қўйган Гаудия вашинав бўлади?

Қачон давлат президентига вашинав сайланиб, ҳамма жойда одамлар Криинани англаш таълимотини таргебот қиласди?”

У ўзининг аччиқ ҳақиқат баён этилган шеърини ўқир экан, баъзи бир кекса санийасилар унинг гапларини маъкуллаб бош силкидилар, бошқа оғайниларининг эса ғазаби қайнади. Лекин уларнинг бу

учрашуви уларнинг руҳий устозининг қўрсатмаларига бўлган муносабатини ўзгартирмади. Улар Бҳактиведанта Свами ялиниб ёлворса ҳам, биргаликда тарғибот қилиш дастурини тузмадилар, Бҳактиведанта Свамининг ёзган хатини, мурожаатини улар шунчаки бир шеър ёки унинг шахсий фикри деб қабул қилдилар. Руҳий оғайнилар шунчаки вақт ўтиб ораларидағи ўзаро жанжаллар эсдан чиқиб кетганидан хурсанд эдилар. Лекин, миссияни Шрила Бҳактисиддханта Сарасвати тирик қандай бўлса, шундай ҳолга қайтариш, катта катта тадбирларни амалга ошириш, - наҳотки бунинг иложи бўлса? Улар энди кесайиб қолганлар. Кўплари Вриндаван панохини ташлаб кетишни истамасдилар. Улар Шрила Бҳактисиддханта Сарасватига мана шу мукаддас заминда сажда қилишни истардилар. Агар Бҳактиведанта Свами қандайдир бошқа, бирор каттароқ иш қилмоқчи бўлса, - бемалол ўзи қиласерсин!

Бҳактиведанта Свами Кеши ғхатга қайтиб келди; у чукур фикр-мулоҳазаларга берилган эди. Кўп йиллардан бери у миссияда бирор раҳбар лавозимини эгаллай олмай келди, чунки оиласи олдидаги бурчи бор эди. 1935 йилда Бомбейдаги оғайнилари ундан Матхга раҳбарлик қилишни илтимос қилган эдилар, лекин Шрила Бҳактисиддханта Сарасвати Абхай Чаран бундай қилиши шарт эмас деди: “у ўз йўлидан боради”. Энди эса, руҳий устозининг марҳамати билан саннийаси ашрамининг обрўсини ҳимоя қилишга тайёр. У ўзининг шеърида таърифлаган Кришна онги билан яшаш турмуш тарзини қабул қилган бутун жаҳон аҳли – шунчаки, руҳий оғайнилари олдиди ўзининг гапга чечанлигини намойиш қилиш учун айтилган баландпарвоз гаплар, хом-хаёл, эришиб бўлмайдиган орзу эмасди. Бу эришиш мумкин бўлган орзу эди. Нима бўлгандা ҳам у Кришнани англаш таълимоти ҳақида китоблар ёзиши, уларни нашрдан чиқариши ва чет элларда тарғибот қилиши лозим. Шрила Бҳактисиддханта Сарасвати шуни истаган эди. Агар унинг руҳий оғайнилари ҳаммаси биргалашиб руҳий устозининг ана шу истагини амалга оширишни истамасалар, бу ишни унинг бир ўзи амалга оширади.

\*\*\*\*\*

1961 йил январида Бҳактиведанта Свамининг Дехлилик танишларидан бири 10-20 майда “инсон руҳини юксалтириш орқали бутун жаҳонда тинчлик ўрнатиш” деган мавзуда Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган инсон руҳини юксалтириш бўйича Конгресс ҳакидаги эълонни қўрсатди. Конгрессга чет эллик иштирокчилар ҳам таклиф қилинган эди. Бу эълонни кўрган заҳоти Бҳактиведанта Свами унда иштирок этишни итсаб қолди. Гарчи у асосан Қўшма Штатга боришини режалаштириб юрган бўлса ҳам, агар унга бундай имкониятни Япония

давлати бериб турган бўлса, нимага у бундан воз кечиши керак? Эълон инглиз тилида эди. Агар унинг конгрессса иштирок этиш таклифини қабул қиласалар, уни Японияда турар жой билан таъминлайдилар, лекин барибир у йўл пулини топиши керак. Бҳактиведанта Свами Халқаро Ташкилотнинг ҳомийларига хат ёзид, “Инсон руҳини қандай ривожлантириш керак?” деган мавзууда маъруза қилишни таклиф қилди. Орадан сал вакт ўтмасдан Кеши-гхатга ташкилотнинг бош котиби Тошихиро Наканодан жавоб хати келди. Бҳактиведанта Свамининг илтимосига кўра, Накано хат билан бирга унинг конгресссинг таклиф қилинган меҳмони эканини ва унинг Япониядаги барча харажатлари тўланишини кафолатлайдиган ҳужжат юборган эди. Бу ҳужжатда тегишли амалдорларга мурожаатнома бўлиб, унда Бҳактиведанта Свамининг Японияга 10-майдан олдинроқ етиб келиши учун паспорт ва визалар олишига ёрдам бериш илтимос қилинган эди.

Кейин Бҳактиведанта Свами съезд учун маҳсус дастур тузди. “Шримад Бҳагаватам”нинг Ўнинчи қўшиқ ўн иккинчи бобида Вриндаванга куз келиши тасвирангган. Табиатнинг ҳар бир қўринишини “Шримад Бҳагаватам” Ведалардан олинган таълимотларга қиёслайди. Масалан, куз пайтидаги ёмғир палласида қоронғу туша бошлаган ғира-шира вакт ҳозирги Кали юга даврига қиёсланади, чунки бунда ведавий донишмандлик илмининг ёрқин юлдузлари(авлиё зотлар ва муқаддас китоблар) худосилар маданияти билан вақтинча тўсиб қўйилган. Бу бобда ўнлаб ана шундай қиёслашлар келтирилган, Бҳактиведанта Свами ана шу бобдаги эллиқта тасвирга эллиқда изоҳ беришни ва уларни Конгриессада намойиш этишни таклиф қилди. У шу заҳотиёқ Вриндаван тасвиirlарини изоҳлашга киришди ва бу китобни “Бҳагавата машъали” деб атади. У Вриндаваннинг куз палласини эллик турли қўринишида тасвиrlаш учун рассомга зарур бўлган қўрсатмаларни берди. Бҳактиведанта Свамининг фикрига кўра эллиқта катта картина ва уларга ёзилган изоҳлар съезд меҳмонлари учун катта таассурот қолдирадиган манзара бўлади. Съезд ташкилотчиларига унинг бу таклифи жуда маъқул бўлди.

“Сизнинг тавсияларингиз асосида рассом чизадиган картиналарга келсан, конгресс раҳбарияти дарров бу иш учун маъсул кишиларни тайинлашга тайёр. Бунинг учун сиз картиналар борасидаги бир неча гояларингизни тезроқ бизларга тақдим этишингиз лозим. Шу боис мен сиздан уларни иложи борича тезроқ юборишингизни илтимос қиласман”.

Бҳактиведанта Свами дарров ўз ишини тутатди – йигирма минг варакқа ёзилган изоҳлар: эллиқта тасвирга эллиқта изоҳ. Расмлар

ёмғир палласидаги Вриндаваннинг осмонини, далаларини, ўрмонларини тасвирлаши лозим эди. Унга ёзилган изоҳларда баъзан иймонсиз ҳукумат арбоблари, дунёвий одамлар ва сохта диндорлар танқид қилинса, баъзида одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиш, Худони англаб этиш зарурлиги айтилар, баъзида эса, Парвардигор Кришна ва Унинг Вриндавандаги мангу ҳамроҳлари таърифланар эди.

Бҳактиведанта Свами билан конгресс раҳбарияти орасидаги муносабатлар силлик бўлаётган эди. Лекин, йўл харажати учун зарур бўлган пул тўплаш муаммо эди. У Ҳиндистондаги шунга ўхшаш Комитетга – илмий текширувлар ва маданий алоқалар вазирлигига хат ёзиб, жаноб Наканодан келган хат ва ҳужжатни тақдим қилиб, ўзининг саннийаси ҳолатини тушунтириди. Март ойининг охирида вазирлиқдан анкета келди, Бҳактиведанта Свами уни тўлдириб яна вазирликка қайтариб бериши лозим эди. Унинг вақти жуда оз қолган эди. 29-март куни у ўзи аввалдан таниш бўлган ва фалсафий жиҳатдан дунёкараши бошқачароқ бўлган бош вазир Радҳакришнанг хат ёзди.

“Биласизки, мен саннийасиман, шу боис банк билан ҳам менинг тириклилигимни таъминлаши мумкин бўлган бирорта ташкилот билан ҳам хеч қандай алоқа қилмайман. Лекин, Япониялик Конгресс ташкилотчилариiga ишларим ёқиб қолиб, мени бу анжуманда иштирок этишга таклиф қилишяпти”.

У тушунтириди, қадимда буюк ачаръялар бутун олам ҳалқарининг баҳт-саодати учун ўз илмларини бутун жаҳонга тарқатганлар, шу боис ҳозирги Ҳиндистон ҳукумати ҳам шу ачаръяларнинг вакилларини Атма ва инсон руҳи ҳақидаги илоҳий илм хабарини етказиши учун чет элларга юбориши лозим. Шунингдек, у “Синдия” пароход компанияси раҳбарига хат ёзиб, Америкага тўланадиган йўл пулини ярим баҳога сотишга вавъда берганини эслатди ва уни жаноб Накано Японияга таклиф қилганини, Японияга бориш пули Америкага бориш пулининг ярмидан ҳам озроқ бўлишини айтди.

Бир вақтнинг ўзида барча имкониятларни излаб кўришга интилиб, конгресс очилишига бир ярим ой қолганида у яна бир ҳомийга, жаноб С. Моҳаттага мурожаат қилди. У бир вақтлар Бҳактиведанта Свамини Жанубий Америкага юборишга тайёрлигини билдирган эди, лекин ўша вақтда Ҳиндистон ҳукумати Бҳактиведанта Свамига зарур бўлган ҳужжатни бермаган эди. “Лекин ҳозир, - тушунтириди Бҳактиведанта Свами унга, Ведалар таълимотини ҳалқаро анжуманда бунга маъсул кишиларга тақдим этиш имкони пайдо бўлди; бунинг устига Япониягача билет нархи Жанубий Америкагача билет нархидан анча кам туради”.

Бҳактиведанта Свами шу куниёқ вазирликка тўлдирилган анкетани жўнатди. Анкетадаги: “нимага эхсон сўраяпсиз, аввал эхсон сўраганмисиз?” - деган саволга у шундай жавоб берди: “Мен аввал ҳеч қачон вазирликдан ёрдам сўрамаганман, чунки бунга зарурат йўқ эди. Саннийаси сифатида мен фақат энг зарур бўлган пайтлардагина ёрдам сўрашим мумкин. Саннийасиларнинг ҳаёти бутун инсониятга хизмат қилишга, одамлар қалбida мудраб ётган руҳий онгни уйғотишга қаратилган”.

Айни пайтда у Япония билан жуда якин ҳамкорлик қила бошлади. У жаноб Наканога ўзининг “Бҳагавата машъали” кўргазмасининг биринчи йигирма варагини юборди.

“Япония ўзининг тасвирий санъати билан машхур, - деб ёзганди у, - Ҳиндистон эса, ўзининг руҳий маданияти билан машхур. Энди бизлар уларни бирлаштиришимиз лозим”. Шунингдек, Бҳактиведанта Свами уларга бу картина ва изоҳларни китоб шаклида ҳам нашрдан чиқаришни таклиф қилди. Жаноб Накано Бҳактиведанта Свамига хат ёзиб, уни Ханеда аэропортида кутиб олишдан хурсанд бўлишини билдириди. Аэропортда уларни таниб олиш жуда осон, чунки улар қўлларига байроқ ушлаб турган бўладилар. Агар истаса Бҳактиведанта Свами конгрессдан кейин Японияда бир ой қолиб, ҳар хил жойларда турли учрашувлар ўтказиши мумкин. Жаноб Накано ундан яна бир илтимос ҳам қилган эди: Япониянинг катта уч шахрининг ҳокимларига хат ёзиб, улардан Японияда ўтадиган инсон руҳини ривожлантириш Халқаро Анжуманин кўллаб-кувватлашни илтимос қилиш. Бҳактиведанта Свами унинг бу илтимосини дарров бажарди.

Апрел ҳам келди, лекин Бҳактиведанта Свами ҳалигача пул тўплай олмаганди. Нихоят, унинг илтимосига кескин рад жавобини берган доктор Радҳакришнан билан бўлиб ўтган шахсий учрашувдан кейин, ҳафсаласи пир бўлган Бҳактиведанта Свами жаноб Накатога яна хат ёзди: “Мен сизнинг хатингизни тўққизинчидаги олдим, менга қўрсатаетган илтифотингиз учун сиздан жуда миннатдорман. Мен бу борада бирор хизмат қилишга қўлидан келганча ҳаракат қилаётган шунчаки арзимас, ночор бир жонзортман, чунки буни менга руҳий устозим Шрила Бҳактисиддханта Сарасвати буюрган.

Сиз мени анжуманга таклиф қилганингиздан жуда хурсандман, лекин мен ҳалигача йўл ҳақи учун зарур бўлган уч ярим минг рупий пулни топа олмадим. Мен Ҳиндистон ҳукуматига ариза ёздим, унинг бир нусхасини сизга юборяпман. Мен бош вазир Радҳакришнанга ёзган хатимни, ундан олган жавобимни ҳам сизга жўнатяпман. Сиз қилаётган ишларнинг ҳаммаси мени жуда илҳомлантиряпти. Лекин ҳукуматимиз менга ёрдам беришни истамаса, мен нима қилишимни билмайман. Шу боис мен сиздан маслаҳат сўрамоқчиман. Доктор

Радхакришнан айтдики, сиз уни ҳам анжуманга таклиф қилган экансиз, ва сиз йўл ҳақини ҳам тўлашингиз мумкин экан.

Анжуман ўз олдига жуда катта мақсад қўйган, мен бутун инсониятнинг баҳт-саодати учун ана шу имкониятдан фойдаланмоқчи эдим. Мен ўз дунёқарашимни нашр қилиш учун сизга юборган ҳатларимда тўла ва ишончли баён этганман, айтмоқчи бўлган ғояларимнинг маъносини эса, шахар ҳокимларига ёзган хатимда билдирганман, унинг нусхасини ҳам сизга юборяпман. Саннийаси бўлганим учун менинг шахсий маблағим йўқ. Агар ҳукумат йўл ҳақимни тўлашдан бош тортса, мен шу илтимос билан сизга мурожаат қилишга мажбур бўламан, акс ҳолда, мен учун конгрессда иштирок этиш шунчаки орзу бўлиб қолаверади. Мен сиёsatчиларнинг, айниқса Ҳиндистонлик сиёsatчиларнинг гапларига ишонмайман.

Радхакришнан билан бўлган сухбатдан билишимча, Ҳиндистон ҳукумати бу конгресслик кўллаб-кувватламайди шу боис улар унда иштирок этмайдилар. Мен ҳаммаси равшан бўлгунча яна бир марта кутиб тураман”.

Шахсий ҳомийлардан Бҳактиведанта Свамининг илтимосига рад жавоби келди.

Йигирманчи апрел куни Бҳактиведанта Свами жаноб Наканога телеграмма юборди: “Менга шунча яхшилик қилиб юрганингиз учун сиздан Японияга бора олишим учун йўл пули юборишинингизни илтимос қилишга журъят қилдим. Сиз Дехлидаги элчинингизга мени сизнинг номингиздан дарров Японияга юборишни илтимос қилишингиз мумкин. Мен сиз билан учрашишни ва биргаликда инсониятни руҳий юксалтириш учун мустаҳкам ташкилот тузу олиш учун конгрессда иштирок этишни интизорлик билан кутаман. Мен бошқа ишларимни режалаштириш учун сизнинг телеграммангизни кутаман”.

Лекин, жаноб Накано ёрдам берга олмади. Бҳактиведанта Свамининг конгрессда иштирок этиш учун қилган барча ҳаракатлари бирор натижа бермади.

\*\*\*

1962 йил июлида Бҳактиведанта Свами Вамши-гопаладжи эхромидан Радха-Дамодара эхромига кўчиб ўтди. Уч йил давомида у Радха-Дамодара эхромида ойига беш рупий тўлаб, таъмирлаш ишларининг ҳаққини тўлаб турди. Энди асосий хонада элект чироғи, шамолпаррак кўйилган бўлиб, деворлар оқланиб, бўялган эди. Хона энига икки метр, бўйи беш метр катталиқда бўлиб, полига силлиқ қизил мармар ётқизилган эди. Хонада кичкина паст стол, куша

майсасидан тўқилган шолча, ухлаш учун устига арқон тўқилган ёғоч кроват бор эди. Бу ерда Кеши-гхатдагидай унинг кўзига ташланадиган ажойиб манзара йўқ эди. Энди у хонасидан чиқмасданоқ эҳромнинг ва меҳробнинг бир қисмини ва юзлаб йиллар олдин Кришнадас Кавираж сажда қилган Кришнанинг Илоҳини, бўйи ярим метрдан катта қилиб, қора мармартошдан ясалган Вриндавана-Чандрани томоша қила оларди. Асосий хона уч метрли верандаси бор ошхонага туташ эди. Ошхонадан унга Рупа Госвамининг самадхиси кўриниб турарди. Унинг Вамши-гопаладжи эҳромидаги хонасидан бу жой муҳимроқ эди, чунки у энди Жива Госвамининг эҳромида яшар, бу ерда Рупа, Санатана, Рагхунатха ва Жива Госвамилар бирга тўпланишар, прasad қабул қилишар, мантра куйлар, Парвардигор Кришна ва Парвардигор Чайтанья ҳакида сұҳбатлашардилар. "Шримад Бҳагаватам" устида ишлаш учун бу ер энг қулай ва шарофатли жой эди.

\* \* \*

Тунги соат бирда, ҳамма ухлаб ётганида атроф жим-жит бўларди, шунда Бҳактиведанта Свами ўрнидан туриб ёзишни бошларди. Электр токининг тез-тез узилиб туришини Вриндаван учун одатдаги ҳол бўлгани боис, у кўпинча керосин лампа ёруғлигидаги ишларди. Ёруғлик унинг хонасидан эшик тиркиши орқали верадага тушиб турарди. Бҳактиведанта Свами қимирламасдан ишлаб ўтирган пайтларда худди тошга ўхшаб ҳаракатсиз турадиган қурбақа бир сакраб, тирқишдан тушиб турган ёруғликни кесиб ўтар, баъзан ойна ромининг тешигидан чиқсан сичқон югуриб бошқа томонга ўтиб қоларди. Уларнинг шитирлашидан бошқа бирор шовкин бўлмас, ҳамма ёқ жим-жит бўларди. Бҳактиведанта Свами олти Госвами якиинида кучли илҳом билан "Шримад Бҳагаватам" устида ишларди.

Соат тўртда томда, Илоҳлар хонасига олиб борадиган эшик олдида ётган эҳромнинг пуджариси уйғонарди. Ё чирокни ёқиб, узун таёқни олиб, тепадаги қршапалакларни қувиб юборарди. Пуджари соат бешда Илоҳларни уйғотиб мангала-арати ўтказишни бошларди. Тўпланган беш олти содиқлар мусиқа асбобларида куйлар чалиб, қўшиқ айта бошлар, пуджари Илоҳларга олов таклиф қиласарди. Одатда кимдир катта бонгни чаларди.

Ховлидаги ҳар қандай товуш дарров Бҳактиведанта Свамининг хонасида эшитиларди. У ўтирган жойида факат меҳробнинг чап томонида турган Вриндавана-чандрани қўра оларди. Баъзан у ишини йиғишириб қўйиб, Илоҳларни томоша қилиш ва аратини қузатиш учун ховлига чиқарди. Меҳробда юзлаб йиллар аввал Жива Госвами ва бошқа ачарйалар сажда қилган кўплаб Радха-Кришна Илоҳлари бор эди.

"Шримад Бҳагаватам" устида бир неча соат ишлагандан кейин Бҳактиведанта Свами хонасида ўтириб жапа такрорларди. Тонг отиб, кун ёриша бошлагандан кейин Вриндаван аҳолиси Илоҳларни ва Госвамининг самадхисини кўриш учун кела бошлардилар. Кекса аёллар бўғиқ овозда: "Жая Радхе!" – деб, эҳромга кириб келардилар. Ҳеч ким эҳромда узоқ вақт қолмасди. Баъзи бир меҳмонлар жуда шошардилар, чунки кун тартибига кўра ҳали яна бир неча эҳромларга бориб чиқиши керак. Худонинг содиклари: қашшоқлар, маҳаллий савдогарлар ярқироқ сари кийиб олган хотинлари билан бирга келиб, "Жая Хо! Жая Радхе!" деб, меҳроб олдига борар, Илоҳларни томоша қилиб, ховлига, самадхиларни зиёрат қилиш учун чиқардилар.

Гарчи Вриндаванда кичик эҳромларга ўҳшаган, ачаръялар шарафига қурилган юзлаб самадхилар бўлса ҳам, Бҳактиведанта Свами мунтазам равишда Жива Госвами, Шрила Бҳактисиддханта Сарасвати ва Шрила Кришнадас Кавиражнинг самадхиларини зиёрат қилиб турарди. Эҳромнинг ховлисида алоҳида бир жойда Рупа Госвамининг бҳаджан-кутири ва самадхиси жойлашган эди. Бҳактиведанта Свами кўпинча Рупа Госвамининг самадхиси олдида жапа такрорлаб ўтиради. Кўпчилик зиёратчилар эҳромдан чиқиб Рупа Госвами самадхиси олдида дандават қиласардилар ва буни зиёрат қилишнинг энг муҳим қисми деб билардилар. Баъзилар Рупа Госвамининг самадхисини айланиб бир доира жапа такрорлаб кетардилар. Бҳактиведанта Свами ҳатто зиёратчилар жуда кўп келган пайтларда ҳам Рупа Госвами самадхиси олдида жапа такрорлаб ўтиради ёки эҳромдан чиқиб, Радха-Шъямасундара ёки Радха-Мадана-Мохана эҳромини зиёрат қилиб, ҳамиша соат ўн бирга кайтиб келар ва ўзига тушлик тайёрлай бошларди. Прасад тайёрлаётганда, уни қабул қилаётганда унга Рупа Госвамининг самадхиси кўриниб турарди. Ёнида Рупа Госвами турганини ҳис қиласар экан у ўзининг миссияси, руҳий устозига қилаётган хизмати хақида ўйларди.

Парвардигор Чайтанъянинг содикларини одатда "рупанугалар", яъни Рупа Госвамининг издошлари деб атайдилар. Рупа Госвамидан ўрнак олмасдан, унинг изидан бормасдан ҳеч ким Радха ва Кришнага садоқат билан хизмат қилиш йўлига кира олмайди. Айниқса, Шрила Бҳактисиддханта Сарасвати энг жиддий рупануга сифатида машхур эди. Унинг шарафига санскрит тилида ёзилган илтижода шундай дейилади: "Эй Парвардигор Шри Чайтанъянинг марҳамат кувватининг тимсоли, сенинг олдингда эҳтиром билан бош эгамиз. Шрила Руап Госвамининг таълимотига қатъий амал қилган ҳолда сен одамларга Радха ва Кришнага муҳаббатга олиб келадиган садоқат билан хизмат қилиш баҳтини тарқатиб юрибсан. Мен, Парвардигор Чайтанъя таълимотининг тимсоли бўлган сенинг олдингда эҳтиром билан бош

эгаман. Эй адашган рухларнинг халоскори, сен Рупа Госвамининг асарларида баён этилган Худога садоқат билан хизмат қилиш таълимотига зид бўлган ҳар қандай таълимотга қарши қаттиқ кураш олиб борасан”.

**Бҳактиведанта Свамининг рухий устози ва шогирдлар силсиласида турган ундан олдинги рухий устозлар Кришнани англаш таълимоти бутун жаҳон бўйлаб тарқалишини истаганлар, Рупа Госвамининг самадхиси олдида ўтириб, ҳар куни чексиз илҳом олар экан, Бҳактиведанта Свами барча рухий устозларга унга йўл кўрсатишни, раҳбарлик қилишни илтимос қилиб илтижо қиларди. Унинг рухий устозлардан шахсан олган кўрсатмалари унинг учун мутлақ фармон бўлиб, бу фармонни бажаришдан уни на хукумат, на нашриётдагилар тўхтата олмайди. Рупа Госвами унинг гарбий давлатларга боришини истарди; у барча Госвамиларнинг доуи-фотихасини олиши учун Парвардигор Кришна уни Радха-Дамодара эхромига олиб келди. У Радха-Дамодара эхромида факат Худонинг асл содик хизматкорларигагина маълум бўлган мангу даргоҳга кирганини ҳис қилди. Шунга қарамасдан, улар ўзларининг эрмаклари ўтган жойда унга ўзлари билан яқин муносабатда бўлишга имкон бериш билан бирга Госвамилар унга Радха-Дамодара эхромини ҳам, Вриндаванни ҳам тарк этишни ва ачаръяларнинг хабарини адашган одамларга етказишни буюрдилар.**

\*\*\*

Июнь ойида ҳаво жуда қизиб кетди, кундуз куни фаол ишлашнинг умуман иложи бўлмай қолди. Энг иссиқ кунлари Бҳактиведанта Свами эшикни бекитиб, шамолпарракни ишлатиб кўярди. Кечкурганга бориб ҳавонинг ҳарорати бироз пасаяр, эхром яна зиёратчилар билан тўлар ва кечки киртан бошланарди. Верандадада ўтириб Бҳактиведанта Свами баъзан меҳмонлар билан сұхбатлашарди, баъзан эса, улар унинг эшиги олдига келиб, унинг машинкада ишлашини кузатиб турадилар. Вриндаванда уни ҳамма билимдон ва улуғвор содик деб билардилар. Лекин, айниқса 1962 йил, у иложи борича "Шримад Бҳагаватам" устида ишлаш учун ёлғиз қолишга интиларди.

Унинг бу ерга кўчиб ўтишдан асосий мақсади ҳам шу – гарбий давлатлардаги одамларга тарқатиш учун китоблар ёзиш эди. Гарчи ҳозир унинг ҳатто Японияга боришига ва китобларни нашрдан чиқаришга етгудай пули бўлмаса ҳам, барибир, бу унинг олдига кўйган мақсади эди. У Вриндаванга шу ерда танасини қолдириш ва Худонинг даргоҳига қайтиб кетиш учун келгани йўқ. У бу ерга ўзининг хаётида олдига кўйган олий мақсадига эришиш йўлида

мехнат қилишга етарлича илохий куч тўплаб олиш учун келган эди. Бҳактиведанта Свами ўзининг келажақдаги миссияси қандай бўлишини билмасди, лекин у "Шримад Бҳагаватам" таълимотини гарбий давлатлардаги инглиз тилида гапирадиган одамларга тарғибот қилишга тайёргарлик қўриши кераклигини аниқ биларди. У ўзининг руҳий устозларининг қўлида мукаммал қурол бўлиб етишиши керак. Шунда, агар истасалар, руҳий устозлари унинг гарбий давлатларга кетишини ташкил этадилар.

## **Мундарижа**

**Биринчи боб. Абхай Чараннинг болалиги  
Иккинчи боб. Коллеж, уйланиш, Гандининг  
издоши**

**Учинчи боб. “Гаройиб садху”**

**Тўртинчи боб. Сизга қандай хизмат  
қилишим мумкин?**

**Бешинчи боб. Уруш**

**Олтинчи боб. Нотаниш дўст**

**Еттинчи боб. Жханси. “Содиклар Жамоаси”**

**Саккизинчи боб. Нью-Дели. “Саҳрова ёлғиз  
қолган кишининг нолалари”**

**Ўнинчи боб. “Бу – энг муҳим синов даври”**

